

Кыргызстан Республикасынын  
Джамияттардын мөрөнүүсү

Кыргызстан Республикасынын  
Джамияттардын мөрөнүүсү



Кыргызстан Республикасынын  
Джамияттардын мөрөнүүсү

Джамияттардын мөрөнүүсү

Академиянын тарбия жана маданияттын борбору

## КИРГЫЗСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНЫН ДЖАМИЯТТАРДЫН МӨРӨНҮҮСҮНДІКТІК ДІЛДЕРДІН ДАЙЫНДЫРЫЛЫСЫНЫҢ ДІЛДЕРДІН АНАТОМАТИКАСЫНЫҢ ДІЛДЕРДІН БАРАВАРЛАТТЫРЫЛЫСЫНЫҢ ДІЛДЕРДІН КОМПЛЕКСЫ

### ДІЛДЕРДІН АНАТОМАТИКАСЫНЫҢ ДІЛДЕРДІН БАРАВАРЛАТТЫРЫЛЫСЫНЫҢ ДІЛДЕРДІН КОМПЛЕКСЫ

Колукүмдөрдөн бир күннө «Таския Зергерді» деген атынан  
Академиянын мөрөнүүсү Илан Абдан Абду Халифа  
мөрөнүүсендөлөн шырын пайномаару соң иштөө көмөлдөн көтөрүл.

Кыргызстан мусулмандарынын деген библиотекасының оңайын  
көтөрүп көтөрүлгөн, басылыш чыгурунда сабакта болгонда адамга төрөл  
көрсөткөнчөнчөн боладар.

Академиянын мөрөнүүсендөлөн иштөө дәрнән ташын балууда избадет  
жарытуруу) мынчукунан наядалуу жөнөрөн иштөө үйрептүүдүн мынчук  
жөнөрөн чоктоо мөндицүү болоттуу.

Демек Таския бир күннө жишигет наядалуу жөнөрөн жана  
бараатылышты. Ошук көрсөн болсо турнир Илан динибада  
жөнөрөнчөнчөн боладар.

Сынчын урматтой менен,

Кыргызстан мусулмандарынын

Академиянын мөрөнүүсү



Муратали ахмет Жумашев

Барабарлык, Гөлөнсөлжүү, АКД, мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс  
жана мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс, мөрөнүүс

**Зуҳриддин ҳожи Маҳдум домла  
Сузоқий маслаҳати билан терилди.**

***Ушбу китоб Оллоҳ йўлида ҳадя.***

- 1. Таржимон:** Зиёуддин Махмутбек
- 2. Бош муҳаррир:** Зиёуддин Мансур
- 3. Муҳаррир:** Иброҳимжон Абдуллажонов
- 4. Саҳифаловчи:** Эркинжон Тўрақулов
- 5. Ислоҳ қилувчи:** Ферузахон Юлдашева
- 6. Компьютерда терувчи:** МуҳаммадҚутуб-Маҳмутбек



## КИРИШ СҮЗИ

### *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Бизни инсон қилиб яратган ва иймон гавҳарига мушарраф этган раҳимли Оллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар бўлсин. Оламларга раҳмат бўлиб келган севимли, меҳрибон Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламга салоту саломлар йўллаймиз.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуху.

Азиз, ўқувчи биродарим, ушбу қўлингиздаги китобча Имоми Аъзам Абу ҳанифа мазҳабидаги шаръий ҳукмларни ўз ичига олган Тасхили Зарурий номли китобнинг биринчи ва иккинчи қисмининг адабий ўзбек тилига баъзи биродарларимиз ёрдамида қилинган таржимасидир. Ожизлик билан қилган таржимамизда хатога йўл қўйган бўлсак, бу бизнинг нуқсонимиздандир. Тўғрилаб қўймоқлигингизни умид қиласиз. Агар хато қилмаган бўлсак, бу Оллоҳнинг марҳаматидандир.


Қўлингиздаги китобимизни аввал таҳорат бобидан бошлидик, чунки Ислом дини покизаликка ва тозаликка қурилган диндир. Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам: “Оллоҳ покиза зотдир, покиза бандаларини суюди”, - дедилар. Динимизнинг асоси бўлган намознинг қабули ҳам таҳоратга боғлиқдир.





- Намоз Ислом динимизнинг буюк асосларидан бўлгани учун Оллоҳ таоло ўзининг ҳузурига суюкли Хабибини чақириб беш вақт намоз ўқимоқликни фарз қилди. Намоз боби китобимизнинг катта қисмини эгаллашига сабаб ҳам шудир.

Оллоҳимиз намоздан кейин яна бир фарзи бўлган закотни адо қилмоқликка буйруқ қилди. Ўз каломида: **“Намозингизни тўқис адо қилинг ва закотингизни беринг”**, - деди. Шу сабабли китобимизда Закот боби ҳам ўрин олган. Закотнинг “покизаламоқ, тозаламоқ, ўсмоқлик”, деган маънолари бор. Закотнинг маъноси бой мусулмонлар ўзининг молидан камбағал, фақир, етим-есир, тул-беваларнинг ҳаққини ажратиб бермоқликдир. Одамларнинг ўртасида мақол бор: “Закоти берилган молни ўфри олмайди, сувда оқмайди, ўтда куймайди”, деган. Бу айни ҳақиқатдир.



Ислом динининг бешта асосий устунларидан бири рўзадир. Рамазон ойининг рўзасини тутиш бу Оллоҳ таоло томонидан бандалари учун фарз қилинган ибодатлардандир. Рамазон ойини бизларга Оллоҳимиз улкан неъмат қилиб юборди. Шунинг учун ҳам китобимизда рамазон ойида қилинадиган ибодатларни ҳам баён қилдик. Оллоҳимиз ўзининг нури бўлмиш Қуръони-Каримни рамазон ойида нозил қилган. Минг ойдан афзал бўлган қадр кечаси ҳам рамазон ойининг ичидадир.

Оллоҳимиз ўзининг уйи бўлмиш Байтуллоҳнинг зиёратини бой-бадавлат, соғлом бандаларига фарз қилди. Шу сабабли китобимизда ҳаж аҳкомлари ҳам жой олган. Оллоҳимиз ўзи ҳаж ибодатига чақирган бандаларини **“Булар менинг меҳмоним”** деб эъзозлар экан. Оллоҳнинг меҳмони бўлмоқлик ҳаммамизга насиб қилсин.

Биз китобда “Савдо”-“Бай”, “Рибо”, “Шериклик”, “Ижара”га оид масалаларни ҳам ёритишни лозим топдик. Чунки Оллоҳимиз Қуръонида **“Оллоҳ сизларга бай, (савдо)ни ҳалол қилди, рибо (судхўрлик)ни ҳаром қилди”**, - деди. Агар бу муомалаларда бирорнинг ҳаққига ҳиёнат қилсак ҳамма ибодату амалларимиз Оллоҳнинг ҳузурида қабул бўлмайди. (Оллоҳ сақласин)

Никоҳ бобини ҳам баён қилдик. Оила қуриш энг нозик масаладир. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда ҳалол билан харомнинг ўртасини ажратиб берувчи нарса ҳам никоҳдир. Оллоҳимиз йўз каломида: **“Ўз ораларингиздаги тулбеваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб қўйинглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Оллоҳ уларни ўз фазлукарами билан бой-бадавлат қилур”**, - деди. Пайғамбаримиз: **“Никоҳланинглар, мен қиёматда умматларимнинг кўплигидан фахрланаман”**, - дедилар.



- Талоқ китобини ҳам қўшдик, чунки талоқ масаласи энг нозик иш экан. Халқимиз талоқ илмини билмагани учун арзимас бир сўз сабабли оиласидан ажраб қолаяптилар.

Мен Оллоҳ Таолодан ушбу китобни ўқиган ҳар бир инсонни ўзининг ҳақ йўлига ҳидоят қилишини сўрайман ҳамда, сизлардан китобни ўқиб, ибодатларни қилаётган соатларингизда, агар ёдингизга келса мени ва сизларни ҳам тарбия қилган марҳум устозу ота-оналаримизнинг ҳақларига дуoi хайр қилишларингиздан умидвор бўлиб қоламан. ОМИН.

**Зиёуддин Маҳмудбек – Сузоқдаги “Имоми Аъзам” жомеъ масжидининг имом хатиби.**





**Аллоҳга ҳамд, Расулуллоҳга, оиласига  
ва асҳобига салоту саломлар бўлсин !**

## **ТАҲОРАТ ВА ФУСЛ БОБИ**

### **Таҳорат маъноси ва қоидалари**

**С:** Нега фиқҳ олимлари ўз диний асарларини таҳорат масалалари баёни билан бошлайдилар?

**Ж:** Чунки таҳорат, Исломдаги асосий беш руқннинг иккинчиси бўлган – намознинг қабули жоиз бўлиш шартларидан биридир. Шунинг учун аввал таҳоратни баён қилиб, сўнг намоз ҳукмлари баёнига ўтадилар.

**С: Таҳорат маъноси қандай ?**

**Ж:** Таҳорат луғатда покликдир. Шариатда эса, ўзини, либосини ҳамда намоз ўқийдиган жойини нопок нарсалардан поклашдир.

**С: Катта нопоклик нима?**

**Ж:** Жунублик ҳолати сабабли ёки аёлларнинг ҳайз-нифос муддати тугаши сабабли баданинг барча аъзолари ювилиши фарз бўлган ҳолат катта нопокликдир.

**С: Кичик нопоклик нима?**

**Ж:** Таҳоратнинг кетишлегистир яъни, намоз ўқиш учун шариат белгилаган баъзи аъзоларни ювиш





ва баъзисига масҳ тортиш лозим бўлса, яъни таҳорат синса, бу кичик нопоклиқдир.

**С: Таҳоратда ювиладиган ва масҳ тортиладиган аъзолар қайсилар?**

**Ж:** 1. Инсоннинг юзи, яъни пешона – соч чиқсан жойидан бошлаб, ияги тагигача ва икки қулоғи ораси;

2. Икки қўли чифаноғи билан;

3. Икки оёғи ошиғи билан;

Агар таҳорат олишда ушбу уч аъзонинг биронтасидан соч толасичалик жой ювилмай қолса, таҳорат комил бўлмайди.

4. Масҳ тортиладиган аъзо бошдир.

Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш суннат.

Тўртдан бирига масҳ тортиш эса фарздир.

**С: Таҳоратда икки чифаноқни ва оёқнинг ошиқларини ювиш ҳам фарзми?**

**Ж:** Ҳа, фарз. Зеро, Оллоҳ таоло Ўз Китоби - Қуръони Каримда: «Эй мўъминлар, агар намозга турсангизлар. Бас, юзларингизни ва икки қўлларингизни чифаноқларингиз (билин қўшиб) ювинглар ва бошларингиз (нинг тўртдан бири)га масҳ тортинглар ва икки оёқларингизни (oshiqlari bilan qushiib) ювинглар!» деди.

## Таҳоратнинг суннатлари

**С: Таҳоратнинг суннатлари қайсилар ?**



Ж: 1. Ният. Яъни, таҳоратли бўлишни ният қилиш ёки намоз ўқиши каби фақат таҳорат билангина дуруст бўладиган амалларни бажаришни ният қилиш; 2. Таҳоратни икки қўлининг ошиғигача уч марта ювиш билан бошлаш; 3. Таҳоратни «Бисмиллоҳ» айтиб бошлаш; 4. Мисвок қилиш; 5. Оғизни уч марта фарфара қилиш; 6. Бурунга уч марта сув олиб қоқиш; 7. Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш; 8. Икки қулоққа масҳ тортиш; 9. қўл билан оёқ панжалари орасини ишқаш; 10. Соқол ораларини панжалар билан хилол қилиш; 11. Бўйинга масҳ тортиш; 12. ҳар бир аъзони уч мартадан ювиш; 13. Юқоридаги оят каримада зикр этилган тартибга, риоя қилиш. Яъни биринчи юзни кейин қўлларни чиганоқлари билан ювиш кейин бошга масҳ тортиш сўнгра иккала оёқни ошиқлари билан ювиш; 14. Таҳорат олишни ўнг томон аъзоларидан бошлаш; 15. Аъзоларни узлуксиз, пайдарпай ювиш.

### **Таҳоратни синдирувчи ҳолатлар**

С: **Таҳоратни нималар синдиради?**

Ж: 1. Орқа маҳраждан нажас келиши; 2. Овоз билан ёки овозсиз ел келиши, 3. Олдидан сийдик, мазий (закар учida пайдо бўлган суюқлик)

ҳамда вадий (сийдик ортидан баъзан қеладиган суюқлик) кабиларнинг келиши; 4. Бадандан қон, йиринг, зардоб чиқиб атрофга ёйилмоғи; 5. Офизни тўлдириб қусиши; 6. Чўзилиб ётган ҳолда ухлаш; 7. Бирон нарсага суюниб, шу даражада қаттиқ ухлашки агар ўша суюнган нарсасини олиб юборилса ухловчи йиқилиб тушса; 8. Ҳушидан айрилиш; 9. Ақлдан озиш; 10. Балофатга етган кишининг намозда овоз чиқариб кулиши.  
Инсонда ушбу ҳолатлардан биронтаси содир бўлса таҳорат синади.

### **Ғуслни вожиб қилувчи ҳолатлар**

**С: Қандай ҳолларда ғул вожиб бўлади ?**

**Ж:** Қуйидаги ҳолатларда ғул вожиб бўлади: 1. Эркак ёки аёл уйғониб кийимида нам кўрганда. Яъни эҳтилом бўлганда; 2. Эркак киши авратининг хатна қилинган жойи аёлнинг олди ё орқасига кирганида (Аёл кишининг орқасига алоқа қилиш гуноҳи кабира ҳисобланади). Маний келса ҳам, келмаса ҳам ғул вожиб бўлади. Эркак ёки аёл кишидан хоҳ уйғоқликда, хоҳ уйқуда, хоҳ жинсий алоқа пайтида, хоҳ бошқа ҳолатда бўлсин, қўйиқ сув (маний) отилиб, лаззат бағишлаб чиққанида. Ушбу уч ҳолатнинг қайси бири содир бўлса аёл ҳам, эркак ҳам жунубга айланади. Яъни, уларга ғул қилиш вожиб бўлади. 4. Ҳайз қони тўхтаганида. 5. Нифос қони тўхтаганида ҳам ғул қилинади.

**С: Сийдик йўлидан мазий ҳамда вадий суюқликлари келиб қолса фусл вожиб бўладими?**

**Ж:** Йўқ, фусл вожиб бўлмайди. Балки юқорида айтганимиздек таҳорат синади ҳолос.

### **Фусл фарзлари**

**С: Фуслнинг фарзлари нималар?**

**Ж:** Фусл фарзлари учта бўлиб, улар қўйидагилар:

1. Оғизни ҳалқумгача яхшилаб гарфара қилиб ювмоқ;
2. Бурунга ачишгудек кўп сув олиб, қоқмоқ;
3. Баданнинг ҳар бир аъзосини қилчалик ҳам жой қолдирмасдан бир марта сув етказиб ювмоқ;

**С: Суннатга мувофиқ қандай фусл қилинади?**

**Ж:** Фуслнинг суннати аввал икки қўлни ювиш. Сўнг, олди ва орқа авратларни ювиш. Баданга нажосат теккан бўлса кетказиш. Таҳорат қилиши. Сўнг, бошидан сув қуйиб бутун баданига уч марта сув етказиш. Сув етиши қийин бўлган қулоқ иchlари, қўлтиқ таги ва киндикка ўҳшаш жойларни астойдил ишқаб тагига сув етказмоқлик. Фусл қилганда танасидаги бирон тукни тагига сув етмай қолса, фуслнинг ўрнига ўтмайди. Жунублик сабабли қилинадиган фарз фусл ҳам, жумъа ўқиш учун қилинадиган суннат фусл ҳам айни шу тартибда қилинади.



**Фойда:** Агар фусл қилувчи тахта, тош ёки шу каби баданидан тушадиган ишлатилган сув тўпланиб қолмайдиган текисликда туриб ювинадиган бўлса фуслдан олдинги таҳоратни олишда оёқларини ҳам ювади. Агар ундан бўлмаса яъни ишлатилган сув оёқлари остида кўлмак бўлиб тўпланиб қолса мазкур таҳоратда оёқларини ювмай туради балки фуслнинг охирида бир текисликка чиқиб олиб оёқларини ювади.

**С:** Сочи ўрилган аёллар фусл пайтида ўрилган соchlарини ечиб ҳаммасини ювадиларми ёки ўримини ечмай, сочи тагига сув етказиб қўйса бўладими?


**Ж:** Сочи ўрилган аёллар, ўрилган соchlарини ечмайдилар, балки соchlари тагига сув етказиб қўйсалар кифоя қилади. Аммо, сочи ўрилмаган аёллар ҳамда эркаклар ҳаммасини ювишлари лозим.

### **Таҳоратсиз ва жунуб кишилар ҳукми**

**С:** Бетаҳорат ва жунуб кишиларнинг ҳукми нима?

**Ж:** Жунуб бўлган эркагу аёл намоз ўқиши, масжидга кириши, Қуръон ўқиши ва ушлаши (филофлик бўлса мумкин) ва Каъбани тавооф қилиши жоиз эмас. Аммо зикр, тасбеҳ, дуолар қилиши мумкин. Таҳоратсиз киши намоз ўқиши,





тавоғ қилиши, ҳамда филофсиз Қуръон ушлаши мүмкін әмас. Аммо ёддан қуръон тиловат қилиши, зикр, тасбәхлар айтиб, дуолар қилиши, масжидга кириши ва филофлик қуръон ушлаши мүмкін.

### **Сувлар ҳұкми**

**C: Қандай сувлар билан таҳорат қилса бўлади ?**


Ж: Осмондан ёқсан барча сувлар билан, дарё, денгиз (гарчи шўр бўлса ҳам) сувлари билан, анҳор, ариқ, қудуқ, булоқ ҳамда кўл сувлари билан яна, пок нарсалар аралашган пок сувлар билан ҳам таҳорат қилса бўлади. Масалан: Тупроқ аралашган лойқа сувлар каби.

**C: Қандай сувларда таҳорат олса бўлмайди?**

Ж: Мева ва дараҳтлардан сиқиб олинган сувларда, пок нарсалар кўп миқдорда аралашиб, сувлик табиатидан чиқиб қолган сувларда таҳорат олса бўлмайди. Яъни мева шарбати, сирка ва шўрванинг сувлари сингари суюқликлар билан таҳорат қилинмайди.

**C: Таҳорат ё фуслга ишлатилган сув бирон идишга тўпланса, уни такроран яна фуслга ё таҳоратга ишлатса бўладими?**

Ж: Йўқ, у сув гарчи нопок бўлмасада таҳоратга ҳам, фуслга ҳам яроқсиздир. Аммо тоза сувга томса, ёки пок нарсага сачраса уни нопок қилмайди.



## **Нопок сувлар**

**С: Сув қандай ҳолатларда нопок бўлади?**

Ж: Аслида Оллоҳ таоло сув неъматини пок ва поклагувчи қилиб яратган. Аммо унга баъзан ҳаром нарсалар тушиши ва томиши сабабли ҳалол сув ҳам, ҳаром бўлиб қолади. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини сувни пок сақлашга ҳамда унинг тозалигини таъминлашга ундан келгандар. Зоро, сувга нопок нарса тушса, у сув ҳаром бўлади. ҳаром сувда эса таҳорат ҳам, фусл ҳам қилиб бўлмайди. У сувда кир ювиш, идиш чайқаш ёки уни тоза сув сифатида истеъмол қилиш мумкин бўлмай қолади.

**С: Кўп сувга яъни ҳовузга нопок нарса тушса, у сувдан фойдаланиш мумкинми?**

Ж: Кўп сув, яъни, бир томонини қимирантганда нариги тарафи ҳаракатланмайдиган даражадаги катта кўл ё ҳовуз бўлса. Унинг бир томонига ҳаром нарса тушса. Нариги томонида таҳорат қилса бўлади. Чунки, бир томонига тушган нопок нарса, нариги томонига стиб бормайди. Яъни ҳовузнинг тўрттала томони ўн газдан яъни етти метрдан кам бўлмаслиги шарт.

**С: Нажосат тушган оқар сувнинг ҳукми нима?**

Ж: Бундай сувда агар нажосат асари кўринмаса таҳорат олиш, фусл қилиш, кир ювиш, идиш чайқаш кабилар жоиз. Чунки, сувнинг оқиши билан нажосат тўхтаб турмайди.

**С: Сувда ҳайвоннинг ўлиши сувни ҳаром қиласидими?**

**Ж:** Ҳайвон ёки парранданинг сувда ўлиши албатта сувни бузади. Балиқ, бақа, қисқичбақа каби сув ҳайвонларининг ўлиши сувни ҳаром қиласиди. Чунончи, пашпа, чивин ва ари сингари оқар қони бўлмаган жониворларнинг сувда ўлиши ҳам сувни ҳаром қиласиди.

### **Нажас тушган қудуқни поклаш**

**С: Нажас тушган қудуқ қандай покланади?**

**Ж:** 1. Қудуққа нажосат тушса ёки одам, ит, қўй каби ҳайвонлар тушиб ўлса, қудуқнинг ҳамма сувини тортиб олиш орқали покланади. 2. Кабутар, товуқ, мушук каби жониворлар қудуқда ўлса 40-50 челак сув олиб ташланса, қолган суви пок ҳисобланади. 3. Сичқон ёки чумчуқ сингари жониворлар қудуқда ўлган бўлса 20-30 челак сув олиб ташланади. Бу ҳукмлар қудуққа тушиб ўлган жониворлар шишмаган, ёрилмаган бўлса жоиздир. Аммо, шишган ёки ёрилган бўлса, қудуқнинг ҳамма суви тортиб олинади.

қудуқ суви ўртача челяк билан ўлчаб, тортиб олинади. Агар челяк катта ёки кичик бўлса, ўрта челякка қиёсланади. қудуқ сувининг ҳаммаси тортиб олинади деганда қудуқ тагида яrim челяқдан озроқ сув қолгунча тортиб олиниши тушунилади, яъни яrim челяқдан озроқ сув қолса, зарари йўқ.



**С: Агар қудуқ суви булоқ сингари олган сайин кўпаяверадиган бўлса, уни қандай поклаш мумкин?**

**Ж:** Қудуқдаги мавжуд сувнинг миқдорича сувни олиб ташлаш лозим бўлади. Қудуқдаги сув миқдорини сув илмини яхши биладиган икки адолатли эркак киши белгилаб бериши зарур. Имоми Абу ҳанифанинг шогирдлари Имом Муҳаммад айтадиларки: мазкур қудуқдан ўртача челак билан 200 дан 300 чељаккача сув олиб ташлаш билан тозаланади. Яъни, сувнинг маълум қисмини олиб ташлангандан кейин қолгани пок деб ҳукм қилинади. қудуқнинг суви пок деб ҳукм қилингач, қудуқни тозалаш асносида ишлатилган чељак, арқон, сув тортган кишининг қўллари, қудуқ деворлари ва тупроқлари ҳам пок бўлди деб ҳисобланади. Уларнинг биронтасини алоҳида ювиш шарт эмас.

**С: Қудуқда сичқон ўлиги топилса, аммо қачон тушгани аниқ бўлмаса. Бу ҳолатда ўқилган намозлар, ювилган кирлар, чайқалган, ишлатилган идиш-товоқлар ва бошқа ишлатилган нарсаларнинг ҳукми нима бўлади?**

**Ж:** Агар ўша топилган сичқон шишимаган ёки ёрилмаган бўлса бир кеча – кундуз ичида ўқилган намозлар қайта ўқилади ва шу вақт ичида ювилган кирлар, ишлатилган идишлар





қайта ювилади. Агар шишган ёки ёрилган бўлса уч кеча-кундузлик намозни қайта ўқилади. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳиалайҳнинг фикрлариидир. Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад: “Тушган вақти аниқланмагунча ҳеч нарса қайтариilmайди”, дейдилар. Бу осонроқ йўлдир. Имом Аъзам сўзлари эса эҳтиётлироқдир.

### **Сарқит сувлар ҳукми**

**С: Инсондан ва ҳайвонлардан ошган қолдиқ сувлар ҳукми қандай?**

**Ж:** Инсон қолдиги хоҳ жунуб бўлсин, хоҳ ҳайзли, хоҳ нифосли бўлсин, мусулмон ёки коғир бўлсин барчаси ҳалолдир. Чунончи, гўшти ҳалол ҳайвонларнинг қолдиги ҳам ҳалолдир. Ит, тўнғиз, ҳамда барча йиртқич ҳайвонларнинг қолдиги эса ҳаромдир. Мушук, қўйиб юборилган товуқнинг қолдиги ва бургут, лочин каби йиртқич қушларнинг қолдиги ҳамда сичқонларнинг қолдиги макруҳдир.

**С: Макруҳ қолдиқларнинг ҳукми қандай?**

**Ж:** Пок сув турганда, макруҳ сув билан таҳорат олмоқ макруҳдир.

Масалан: бир идишда мушук ичган сув бошқасида эса одам ичган сув бўлса албатта одам ичган сувда таҳорат олиш афзалдир.

**С: Макруҳ сувдан бошқа сув бўлмаса, ўша сув билан таҳорат олинадими ёки таяммум қилинадими ?**





Ж: Гарчи макрух бўлсада ўша сув билан таҳорат олинади. Аммо, таяммум қилинмайди. Зеро у пок сувдир.

**С: Қандай қолдиқ сувлар шубҳали ҳисобланади?**

Ж: Фуқаҳолар фикри турлича бўлгани сабабли эшак ва ҳачир қолдиги шубҳалидир. Яъни бошқа сув бўлмагандан, ўша сув билан таҳорат олинади ва эҳтиёт юзасидан таяммум ҳам қилинади.

**С: Инсон қолдиги ҳаром бўлиши мумкинми?**

Ж: Агар у ҳаром ичимлик ичган, тиши қонаган ёки оғзи тўлиб қайт қилган бўлса, у одам оғзини уч маротаба ювмагунча, тупугини бир неча марта ютмагунча, тиш ва лабидаги нопоклик асарлари кетмагунча, ичган сувининг қолдиги ҳаромдир. Чунончи, мушук ҳам сичқон ебоқ дарҳол сув ичса, қолдигини ҳаром қиласди. Аммо, сичқон еб сўнг бироз туриб оғзини сўлаги билан ялаб тозаласа, оғзи покликка ҳукм килинади. Аммо сарқити барибир макруҳдир.

### **Таяммум**

**С: Таяммумнинг шариатдаги ўрни қандай?**

Ж: Таяммумнинг луғавий маъноси касд қилмоқдир. Шариатда таяммум деб ер жинсидан бўлган покиза тупроқ, қум-тош ва чанг фубор сингари нарсаларга икки қўлини уриб юзини ва икки қўлини чифанофигача силамоқча айтилади.





Зеро, Оллоҳ таоло ўз Каломида “Агар таҳорат учун сув тополмасангизлар покиза тупроқ билан таяммум қилинглар. Юзларингизга ва икки қўлларингизга масҳ тортинглар”, деб буюргандир.

**С: Таяммум қандай ҳолатларда жоиз бўлади?**

**Ж:** Мусоғир сув тополмаса ёки муқим киши шаҳардан ташқарида бўлиб сувнинг узоқлиги бир мил (2700 метр) нарида бўлса бу ҳолларда таяммум қилиш жоиз бўлади.

**С: Бемор киши сув бўла туриб таяммум қилса бўладими?**

**Ж:** Сувни ишлатиши bemorning касаллигини оғирлаштириш хавфи бўлса ёки жунуб кишининг қишида совуқ сувни иситиш имкони бўлмаса, совуқ сув касалликни зиёда қилса ёки соғ одамни касал қилса, сув ишлатмай таяммум қилиш жоиз бўлади.

**С: Қай услубда таяммум қилинади?**

**Ж:** Аввал фусл ёки таҳорат ўрнига таяммум қилишни ният қиласди. Сўнг, ер жинсидан бўлган тупроқ, тош, қум каби нарсаларнинг бирига икки қўлини уради. Кейин чангга теккан қўлларини юзига яхшилаб силайди. Сўнг икки қўлини иккинчи марта ер жинсига уриб, чап қўли билан ўнг қўлини, ўнг қўли билан чап қўлини чифаноги билан қўшиб силайди. Яъни масҳ тортади. Шу таяммумдир.





**Фойда:** Жунублик билан бетаҳоратликни кетказиш учун бир хил яъни юқорида зикр этилган услубда таяммум қилинади. Иккала ҳолатда ҳам ният фарздир.


**Фарқи:** Агар фуслдан таяммум қилаётган бўлса, фуслни ният қиласди. Агар бетаҳоратликни кетказиши ният қилса таҳоратнинг ўзини ният қиласди. Иккаласини ҳам қўшиб таяммум қилаётган бўлса иккаласини ният қиласди. Яъни, фуслдан ҳам покланиш учун таяммум қилдим деб кўнгилдан ўтказади.

**Фойда:** Бир киши сувга шўнғиса, фусл қилишни ният қилмаган бўлса ҳам жунубликтан покланади (агар оғзи билан бурнини чайқаб олса). Бир киши бошидан сув қўйса ва таҳоратда ювиладиган аъзоларини ишқаб ювса, аммо таҳорат қилишни ният қилмаган бўлсада, таҳоратлик бўлаверади. Зоро, фусл билан таҳоратда ният фарз эмас балки суннатдир. (Таяммумда эса фарздир.)

**Фойда:** Таяммумдан сўнг хоҳлаганча фарз-нафл намозлар ўқиш, ҳамда таҳорат ва фусл билан қилинадиган қуръон ушлаш, тиловат қилиш, масжидга кириш, тавоф қилиш каби барча амалларни қилиш жоиз бўлади.

**Фойда:** Соғлом, муқим киши сув ишлатишга имконияти бўлса-ю, лекин таҳоратга машғул бўлса жаноза ёки хайит намозидан кеч қолиш хавфи бўлса дарҳол таяммум қилиб, имом билан





намозни ўқийди. Агар шу киши жанозанинг валийси бўлса яъни ўликнинг отаси ёки ака-укаларидан бўлса бу ҳолатда таяммум қилиши дуруст эмас чунки у валий жаназа намозини тўхтатиб таҳорат олиб келишга ҳақлидир.

**С:** **Таҳоратсиз киши таҳорат қилса жумъа намозидан кеч қолиш хавфи туғилса, ўша одам таяммум қилиб жумъа намозини жамоат билан ўқийдими?**

**Ж:** Йўқ таяммум қилмайди. Балки, таҳорат қилади. Улгурса жамоат билан жума намозини ўқийди. Улгурмаса пешинни ўқийди ҳолос.

**С:** **Таҳорат қилса фарз намози ўтиб кетадиган танг пайтда, таяммум қилиб фарз намозини ўқиб олса бўладими? Бомдод намозига кеч туриб қолган киши сингари?**

**Ж:** Йўқ таяммум қилмайди балки таҳорат олади. Жунуб бўлса фусл қилади. Сўнг кун кўтарилиганда намозини қазо қилиб ўқийди. Чунки, вақтнинг танглиги сабабли таяммум қилишга руҳсат берилмайди.

**С:** **Сувга етиш умиди бор киши намозини охирги вақтигача кечиктириб ўқиши вожибми?**

**Ж:** Вожиб эмас. Балки, кечиктиргани яхши – мустаҳабдир. Сув топса таҳорат қилади. Топмаса таяммум қилади.





**С:** Уловида суви бор киши билмай таяммум қилиб намоз ўқиса, сўнг суви эсига тушса, намозини таҳорат қилиб бошқа ўқийдими?

**Ж:** Қайтиб ўқимаса ҳам бўлади. Аммо ўқигани яхшироқ.

**С:** Мусоғир сафарда таҳорат учун сув ахтариши вожибми?

**Ж:** Яқин жойда сув борлиги эҳтимоли бўлса сув ахтармагунча таяммум қилиши жоиз эмас. Сувнинг борлиги аниқ бўлмаса ахтариш вожиб эмас.

**С:** Шеригида сув бўлса таҳорат қилиш учун сўрайдими?

**Ж:** Албатта сўрайди ёки сотиб олиб таҳорат қилади. Бермаса таяммум қилади.

**С:** Таяммумни нималар синдиради?

**Ж:** Таҳоратни синдирган ва фуслни вожиб қилган ҳамма ҳолат таяммумни ҳам синдиради. Яна фуслга ва таҳоратга старли сув топилиши ҳам таяммумни синдиради.


### **Пойабзалга, ва ярага боғланган нарсаларга масҳ тортиш ҳукми**

**С:** Маҳсига ва маҳсига ўхшаш бошқа пойабзалларга масҳ тортиш жоизми?

**Ж:** Ҳа, жоиз Саҳиҳ ҳадислар билан собит бўлган.

**С:** Масҳ тортишнинг жоизлигининг қандай шартлари бор?





Ж: Масҳ тортишнинг жоиз бўлиши учун, маҳсилар тўла таҳоратли ҳолатда кийилган бўлиши шартдир.

С: **Масҳ тортиш муддатлари қанча?**

Ж: Мусофир учун уч кеча – кундуз, муқим кишилар учун бир кеча-кундуз.

С: **Ушбу муддатлар қачондан бошлаб ҳисоб қилинади?**

Ж: Маҳсини тўла таҳорат билан кийгандан кейин таҳорат синган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Масалан: Пешинда таҳорат олиб, маҳси кийса, сўнг шу таҳорати хуфтонга бориб синса, масҳ муддати хуфтондан бошланади. Пешиндан эмас. Мусофирнинг масҳ муддати ҳам айнан шундай.

С: **Жунуб кишининг масҳ тортиши жоизми?**

Ж: Йўқ, жоиз эмас. Чунки, жунуб киши барча аъзоларини ювганидек, оёғини ҳам ювиши фарздир.

С: **Тешиклари бўлган маҳсига масҳ тортса бўладими?**

Ж: Агар бир пой масҳида тешиклари оёқнинг уч кичик бармоқлари кўринарли даражада йиртиқ бўлса, масъ тортиб бўлмайди. Агар ундан кичик бўлса жоиздир.

С: **Маҳсига қандай масҳ тортилади?**

Ж: Икки қўйл панжалари хўлланиб, иккала маҳси учига босиб, болдири томон тортилади, тортилган панжалар сони учтадан кам бўлмаслиги лозим.





**С: Масҳни нима бузади?**

**Ж:** Масҳни, таҳоратни бузган барча нарсалар бузади. Яна, маҳсини ечиш ва масҳ муддатининг тугаши ҳам бузади.

**С: Таҳоратли кишининг масҳ муддати тугаса ёки маҳсиси ечилиб кетса нима қилади?**

**Ж:** Иккала ҳолатда ҳам агар таҳорати бўлса фақат оёғини ювади холос.

**С: Масҳи кийганига 3 кун тўлмаган мусофири юртига келса, муқим киши бир кечаки – кундуз тугамай сафарга чиқса нима қилади?**

**Ж:** Мусофирининг масҳ торта бошлиганига бир кечаки – кундуз тўлмаган бўлса, тўлгунча масҳ тортади. Тўлган ёки ошган бўлса дарҳол ечади. Сафарга чиққан муқимнинг масҳ тортганига бир кечаки – кундуз тўлмаган бўлса, у уч кунгача масҳ тортаверади. Агар тўлган бўлса, дарҳол ечиб, бошқа ювиб, таҳоратсиз бўлса, бир йўла таҳорат олиб маҳси ёки этигини кийиб уч кунгача масҳ тортади.

**С: Таҳоратли киши маҳси устидан кийиб олган этикка ҳам масҳ тортса жоизми?**

**Ж:** Агар таҳорат кетмай туриб кийган бўлса жоиздир.

**С: Жундан бўлган пойабзалга ёки пайпоқча масҳ тортса бўладими?**

**Ж:** Имом Аъзам фикрларича, бетига ва тагига чарм қўйилган ёки тагига чарм қўйилган бўлса, масҳ тортиш жоиз.





Имом Абу Юсуф билан Имом Мұхаммад фикрларыча жун пойабзал ёки пайпоқ юпқа бўлмаслиги ва дағал бўлиши шарти билан масҳ тортиш жоиздир. Аммо юпқа пайпоқларга масҳ тортиш асло жоиз эмас.

**С: Пойабзалдан бошқа нарсаларга ҳам масҳ тортса бўладими?**

**Ж:** Бирон жароҳат ёки синган аъзо устига боғланган латта-бинт ва гипс устига ҳам таҳорат олаётганда, хўл қўйл билан силаб – масҳ тортиб қўйса бўлади.

**С: Жароҳат устига боғланган латта ёки гипс масҳ тортишга яроқли бўлиши учун таҳоратли ҳолда боғланган бўлиши шартми?**

**Ж:** Йўқ, шарт эмас. Таҳоратсиз ҳолатда боғланган бўлса ҳам масҳ тортса бўлаверади.

**Фойда:** Таҳорати бор киши синган аъзосидаги гипсни ё яраси устидаги латтани ечса ё ўзи тушиб кетса, агар яраси тузалган бўлса, фақат ўша жойни ювиб қўйса намози жоиз бўлаверади.

Салла, телпак, дўппи, қўлқоп каби кийимларга масҳ тортиш жоиз эмас.

**Фойда:** Махсини гулчинидан озгина чиқиши ва кўтарилиши билан оёқни таҳорати кетмайди. Агар товон кўтарилиган вақтда оёқни учи ҳам махсидан суфурилса, иккала оёқни ҳам ечибiovadi.





## Ҳайз, нифос ва истиҳоза ҳукмлари

С: **Ҳайз нима?**

Ж: Ҳар ойда аёл кишининг бачадонидан келадиган қондир.

С: **Шариатда ҳайз кўрган аёлларнинг ҳукми қандай?**

Ж: Шариатда ҳайз кўраётган аёл қуидаги беш турли нарсадан ман қилинади.

1. Намоз - ўқиш ва рўза тутишдан;
2. Масжидга киришдан ва Байтуллоҳни тавоғ қилишдан;
3. Қуръони Каримни филофсиз ҳолда ушлашдан;
4. Қуръон тиловат қилишдан;
5. Эри билан жинсий алоқада бўлишдан.

С: **Ҳайздан покланган аёл ўқимаган намоз ва рўзаларини қазо қиласадими?**

Ж: Ўқимаган намозларини қайта ўқимайди. Аммо тута олмаган Рамазон рўзаларини кейин тутиб беради.

С: **Ҳайзниң оз ва кўп муддати бўладими?**

Ж: Ҳайзниң оз муддати уч кечакундуздир. Кўпи эса ўн кеча - кундуздир.

С: **Ҳайзниң муайян ранги бўладими?**

Ж: Ҳайз кўришни бошлаган аёл то поклик аломати бўлган оқ суюқликни кўрмагунича, кўрадиган ҳар қандай қизил, сариқ ва кир ҳолатда келган қонлар ҳайздир.



- С: Ҳайз қони тўхтаб, оқ суюқлик кўрган аёл билан жинсий алоқа қилиш жоизми?**
- Ж:** Ҳайз қони ўн кундан оз муддатда тўхтаб, оқ суюқлик кўрса, фусл қилмагунча ёки бир намознинг вақти тўла ўтмагунча (яъни масалан: пешин намози вақтида тўхтаса аср намози кирмагунча) жинсий алоқа жоиз эмас. Аммо, ўн кун муддатдан кейин тўхтаса фусл қилишдан илгари жинсий алоқа жоиз. Аммо фусл қилганидан кейин жинсий алоқа қилмоқ афзалдир.
- С: Ҳайз муддатининг ичида поклик оралаб қолса. Ушбу поклик, покликми ёки ҳайзми?**
- Ж:** Ҳайз муддати ичида оралаб қолган поклик ҳайз ҳисобланиб унга ҳайз ҳукми жорий этилади.
- С: Покликнинг ҳам оз кўп муддати бўладими?**
- Ж:** Ҳа, бўлади. Шариатда покликнинг энг оз муддати ўн беш кундир. (Яъни, бир аёл бир ой ичида кўп кун ҳайз қўриб, сўнг покланиб, шу поклиги ўн беш кун давом этмай яна қон кўрса. Бу қон ҳайз ҳисобланмайди). Покликнинг энг оз муддати ўн беш кун дедик, кўпининг эса чегараси йўқдир. Йилларга чўзилиши ҳам мумкин.
- С: Нифос нима?**
- Ж:** Нифос, бола туғилгандан сўнг аёлларнинг бачадонидан келадиган қондир.
- С: Унинг муддати қанча?**



Ж: Кўпи қирқ кундир. Озининг эса белгиланган муддати йўқдир. Яъни, қирқ кун бўлмай туриб қони тўхтаса ҳам нифоси тугаган деб ҳисобланади ва фусл қилиб покланиб, барча ибодатларни адо қилаверади. Жинсий алоқа ҳам жоиздир.

**С: Нифос кўраётган аёлларга таалуқли қандай ҳукумлар бор?**

Ж: Нифос кўраётган аёлга ҳам ҳудди ҳайз кўрётган аёллар сингари намоз ўқиш, рўза тутиш, масжидга кириш, Байтуллоҳни тавоғ қилиш, филофсиз қуръон ушлаш, эри билан жинсий алоқа қилиш каби ишлар мумкин эмас. қолдирган намозларини қайта ўқимайди. Аммо Рамазон рўзасидан тута олмаган бўлса кейин тутиб беради.

**С: Аёлнинг қорни ёрилиб боласи олинса аёл нифослик ҳисобланадими?**


Ж: Агар одатдаги йўлдан қон келса, нифосга ҳисоб қилинади. Келмаса бошқа жароҳатлар ҳукми жорий этилади. Яъни, нифослик бўлмайди.

**С: Бола одатдагидай туғилса, аммо қон келмаса аёл нифослик ҳисобланадими?**

Ж: Ҳа нифослик ҳисобланади. Шунинг учун дарҳол фусл қилиб намозини, рўзасини бошлайди, аммо жинсий алоқага шошилмай туради.

**С: Аёл чала туғилган бола билан ҳам нифослик бўладими?**





Ж: Агар боланинг баъзи аъзолари, яъни қўли, оёғи ёки панжалари билиниб қолган бўлса, аёл нифосликка айланади. Аммо билинмаган бўлса, у бошқа аъзодан оққан қонга ўхшайди. Яъни фақат таҳоратни синдиради, холос. Агар бола шаклига кирмаган бўлса, қон уч кун ё ундан кўпроқ вақт оқса ва аввалида тўла поклик муддати ўтган бўлса у ҳайзdir. Акс ҳолда у оддий қондир.

С: **Нифослик кунларида қон келмай қолса пок кунлар ҳукмига ўтадими?**

Ж: Қирқ кунлик нифос муддати ичида бўлган поклик – нифосдир.

С: **Истиҳоза қони нима?**

Ж: Қуидаги қонлар, бекорчи қонлардир:

1. Уч кун давом этмай тўхтаб қолган қон;
2. Аёл киши ўз одатидан ва ўн кундан ортиқ кўрган қонлар;
3. Дастрраб қон кўрган аёл қони узоқ муддат давом этса ва ўн кундан ошиб кетса ўн куни ҳайз ҳисобланади, қолгани бекорчи қондир. Агар шу аёлнинг яъни биринчи бор қон кўраётган аёлнинг қони йиллаб тўхтамасдан келаверса унда ҳар ойнинг ўн куни ҳайз қолгани бекорчи қон бўлади;
4. Ҳомиладор аёл кўрган қон;
5. Ҳомиладор аёлнинг туфиш жараённида ҳали бола чиқмай туриб кўрган қон;



- 
6. Аёлнинг нифос кўришда белгили одати бўлса, қон қирқ қундан ошиб кетса, одатидан ошиқ кўрган қони;
  7. Биринчи марта фарзанд кўрса. Нифос қони қирқ қундан ошиб кетса қирқ қундан ошиғи истиҳозадир;
  8. Бола “тушиб кетса” унинг бирон аъзоси билинмаса у ҳолда кўрилган қонни-хайз деб, бўлмайди, у қон ҳам бекорчи қондир яъни истиҳозадир.

**С: Истиҳоза – бекорчи қоннинг ҳукми қандай?**

**Ж:** Пок аёл ҳукмидадир, яъни пок аёлга жоиз бўлган барча нарсалар унга ҳам жоиздир. Аммо, қони узлуксиз оқиб турса, узрлик ҳукмидадир. Яъни ҳар бир намознинг вақтида бир бор таҳорат қиласи ва у таҳорат билан хоҳлаган амалини ва ибодатини қиласеради. Бир намознинг вақти ўтиши билан унинг таҳорати ҳам ўз-ўзидан синади. Масалан: Узрлик киши пешин вақти киришидан аввал ёки кириши билан таҳорат қилса, пешин вақти давомида таҳоратликдир. Пешин вақти ўтиши билан таҳорати синади. Ушбу ҳукм сийдигини тутолмайдиган, бирон жойдан доимий қон, йиринг ёки зардоб оқиб турадиган кишиларга ҳам тўла таъллуқлидир.

**Фойда:** Узрли кишига узридан бошқа бетаҳоратлик етса, таҳорати синади. Масалан: Сийдиги



тутмайдиган киши, ўша намозининг вақти тугагунча ухласа ёки бирон жойи қонаса таҳорати синади.

## Нажаслар ва уларни покламоқ

С: **Нажаслар неча хил бўлади?**

Ж: Нажаслар икки хилдир оғир ва енгил.

С: **Оғир нажаслар:** Инсоннинг ахлати, сийдиги, маний, мазий, йиринг, зардоб, оғзини тўлдириб қусиш, ҳайз, нифос қонлари, ёш-гўдак болалар сийдиги, хоҳ овқат есин, хоҳ эмизикли бўлсин. ҳаром ичимликлар, бўғизланган ҳайвоннинг қони, ҳаром ўлган ҳайвоннинг гўшти, ёфи, териси, ит, ўрдак, товуқ, фоз ва молнинг ҳамда йиртқич ҳайвонларнинг тезаги ва тўнфизнинг барча аъзолари оғир нажосатдир.

**Енгил нажосатларга:** Барча гўшти ейиладиган ҳайвонлар сийдиги, жумладан от сийдиги ҳамда йиртқич қушларнинг тезаклари ҳам киради. (Йиртқич бўлмаган – чумчуқ, каптар каби қушларнинг тезаги нажас эмас макруҳдир.)

С: **Оғир ва енгил нажосатларнинг фарқи нимада?**

Ж: Агар намоз ўқувчининг либосига ёки баданига ўртача танга миқдорича ёки ундан озроқ миқдорда оғир нажосат теккан бўлса теккани билинмаса ёки ювгани сув топилмаса ўша билан намоз ўқиш жоиз. Аммо макруҳдир.

Енгил нажосат кийимнинг тўртдан биридан озроқ жойига теккан бўлса ноилож ҳолатда ўша





кийим билан намоз ўқиши жоиз. Агар оғир нажосат теккан жой танга миқдоридан кўп бўлса ёки енгил нажас кийимнинг тўртдан биридан кўпроғига теккан бўлса ўша либос билан намоз ўқиши жоиз эмас.

**С: Либосни ва баданни нажосатдан қандай покланади?**

**Ж:** Либосга ва баданга теккан кўриниб турган нажосатни сув ва сувга ўхшаш сирка каби суюқликлар билан айнини кетказиб покланади. Сийдик сингари кўринмайдиган нажосатларни эса кўнгил таскин топгунча ювиб покланади.

**Фойда:** Нажосат яхшилаб ювилса, аммо хиди ва рангининг кетиши қийин бўлса, зарари йўқдир. Кўринадиган нажосат маҳсига ёки этикка тегиб, қуриб қолган бўлса, уни ерга ишқаб кетказилса, намозга яроқли бўлади. Аммо ювилмоқлиги афзалдир.

Кийимга теккан маний ҳўл бўлса ювилади. Агар, қуриган бўлса, ишқаб кетказилса ҳам пок бўлади аммо ювишлик афзал.

Темир асбоблар ва пичоқقا ўхшаш нарсалар артиб ташлаш билан пок бўлади.

Ерга нажосат тегса, қуриши ва изи йўқолиши билан пок бўлади. Лекин ўша жойда таяммум қилиш жоиз эмас.

Ошланган ҳом терининг устида намоз ўқиши жоиз. Ошланган теридан қилинган сув идишдан таҳорат олса бўлади. Тўнғизнинг териси ҳеч





қандай ҳолатда пок бўлмайди. Одамнинг териси ҳурматли бўлгани учун ишлатиш жоиз эмас.

## Истинжо

**С: Истинжонинг ҳукми қандай?**


**Ж:** Истинжо суннатдир. Уни сув, кесак, тош, латта ва қофоз каби нарсалар билан қилиш жоиздир. Аммо, қофоз ишлатиш яхши эмас. Чиқсан нажосат махражнинг атрофига ёйилган бўлса, ювиш вожиб бўлади.

**Фойда:** ўнг қўл билан, суяқ, тезак ва ҳурматли нарсалар билан истинжо қилиб бўлмайди.

Ҳожат учун ўтирганда хоҳ ялангликда бўлсин, хоҳ ҳожатхонада бўлсин, олди ва орқасини қиблага қаратиб ўтириш макруҳdir.

**С: Қандай жойларга сийиш ва «ўтириш» ман этилади?**

**Ж:** Сувга, сув ичиладиган жойларга, мевали дарахтлар тагига, сояли жойларга, йўлларга, шамол йўналишига қарши ва кавакларга сийиш ҳамда тик туриб сийиш ман қилинади.





## НАМОЗ

### Намознинг фазилатлари

**С: Исломда намознинг ҳукми қандай?**

Ж: Намоз, ислом арконларидан “Ла илаҳаиллаллоҳ Мұҳаммадун Ресуллаллоҳ” Калимасидан кейинги энг улуғ рукиндири. У Исломнинг таянчиидир, зотан, Оллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бир неча ўринларида уни тўқис адо этишга такрор – такрор амр этган. Намоз ҳар бир балофат ёшига етган, ақлли эркагу аёлга фарздин.

Ким намознинг фарзлигини инкор этса, Ислом миллатидан – диндан чиқиб, кофир бўлади. Оллоҳ сақласин.

**С: Болаларни неча ёшларида намозга буюриш лозим?**

Ж: Жаноби Расуллаллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам: “Фарзандларингизни етти ёшга тўлганларида намозга буюринглар, ўн ёшга тўлганда ўқимаса уринглар ва ётии жойларини алоҳида қилинглар”, деб амр қилганлар. Отоналар намозни ўз фарзандларининг кундалик одатларига айлантиришлари учун бор имкониятларини аямай сарфлашлари лозим. Зоро Оллоҳ таоло: “Эй Мұҳаммад алайҳис-салом, аҳли умматингизни намозга

**буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишида) чидамли бўлинг” деди.**

## **Намознинг вақтлари**

**Фойда:** Бир кечада кундузда беш маҳал намоз ўқиш фарз бўлиб, ҳар бир намоз вақтининг аввали ва охири бўлади.

**С: Намоз вақтларининг аввали ва охири қандай билинади?**

**Ж:** 1. Пешин намозининг вақти қуёш тиккадан ботиш томон оққандан бошлаб, ҳар бир нарсанинг сояси (қиёмдаги соясидан ташқари) ўзига икки баробар бўлгунчадир. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи назарларида. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимо назарларида эса аслий соядан ташқари ҳар нарсанинг сояси бир баробар бўлгунчадир;

2. Аср намозининг вақти пешиннинг вақти тугашидан бошланиб то кун ботгунчадир;

3. Шом намозининг вақти кун ботиши билан бошланиб, уфқдан қизил шафақ фойиб бўлгунчадир.

**Фойда:** Кун ботгандан бошлаб бир соатгача ўқиш жоиз, аммо кечиктириш макруҳdir.

4. Хуфтон намозининг вақти уфқдан шафақ фойиб бўлгандан бошлаб, тонг отгунчадир.

5. Бомдод намозининг вақти субҳисодиқ – тонг отгандан бошлаб кун чиққунгача бўлган вақтдир.



### C: Шафақ нима?

Ж: Қүёш ботгандан сўнг уфқда қизиллик пайдо бўлади. У қизиллик қирқ дақиқадан зиёдроқ давом этиб изидан оқлик пайдо бўлади. Ушбу қизиллик ва оқликни шафақ дейилади. Бу оқ шафақ йўқолса шом намозининг вақти ўтиб, хуфтон намозининг вақти киради. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ фикрларидир. Аммо, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад фикрларича оқлик эмас қизиллик шафақдир. Яъни уфқдаги қизиллик тарқалса шом намози вақти тугаб, хуфтон намози вақти киради.

### C: Субҳи содиқ ва субҳи козиб нима?

Ж: Кечанинг охирги қисми тугаётганда кун чиқар тарафдан устун сингари узун ёруғлик пайдо бўлиб, бироздан сўнг йўқолади ва уфқни яна қоронгулик қоплайди. У субҳи козиб – ёлғон тонгдир. Унинг изидан уфқда кенг-кўламли ёруғлик пайдо бўлиб, атрофга тарқала бошлийди. Бу ёруғликни субҳи содиқ ҳақиқий тонг дейилади.

### C: Беш вақт намоз фарзларининг ракатларини айтиб беринг?

Ж: Пешин, аср ва хуфтон фарзлари тўрт, шом уч ва бомдод икки ракатдир.

**Фойда:** Фарз намозлардан ташқари вожиб намоз ҳам бор. У витрдир. Суннат намозларни эса ўз ўрнида зикр қиласиз.



**Фойда:** Витр намозини хуфтондан кейин тонг отгунча бўлган муддат ичида ўқиса бўлади. Аммо хуфтоннинг фарзидан илгари ўқиш жоиз эмас.

**С: Намознинг афзал вақтлари борми?**

**Ж:** Ҳа бор. Улар: 1. Бомдод намозини тонг ёришай деганда ўқиш яхшидир. Яъни шундай вақтда ўқиш керак-ки, масалан бомдоднинг фарзини айнан бомдод намозида ўқиш суннат бўлган (улар “ҳужурат” сурасидан “Буруж” сурасигача) сура билан ўқиса кейин таҳорати синган эканлиги маълум бўлиб, таҳоратни янгилаб бошқатдан юқоридаги суратда ўқишга вақт етарли бўлсин яъни қуёш чиқиб қолмаслиги керак. Демак, намозни кун чиқишидан тақрибан 40 минут эрта тутатиш афзалдир.  
2. Пешин намозини ёзда бироз салқин тушуриб, қишида эса эртароқ ўқимоқ мустаҳабдир.  
3. Аср намозини ёзда ҳам қишида ҳам эрта ўқиш афзалдир.  
4. Шомни ҳам ёзу қишида эрта ўқиш афзалдир.  
5. Хуфтон намозини кечанинг учдан бирининг аввалида ўқиш яхши. Булутли кунларда эса аср билан хуфтонни эртароқ ўқилади, бошқаларини эса кечроқ ўқимоқ афзал-мустаҳабдир.  
6. Сахар уйғонишга ишончи бўлган киши витрни саҳар, яъни таҳажжуд намозидан сўнг ўқимоги афзалдир. Уйғонишга ишончи бўлмаган киши витрни кечанинг аввалида яъни, хуфтон намозидан кейин ўқигани маъқул.



## Макруҳ вақтлар

**С: Намоз ўқиши макруҳ бўлган вақтлар борми?**

**Ж:** Икки вақтда нафл намоз ўқиши макруҳдир.

1. Бомдод намози ўқилгандан кейин кун чиққунча.

2. Аср намози ўқилгандан сўнг, кун ботгунча.

**С: Намоз ўқиши ман этилган вақтлар қайсилар?**

**Ж:** Уч вақтда намоз ўқиши ман этилади.

1. қуёш чиқаётган пайтда; 2. қуёш ботаётган пайтда; 3. қуёш қиёмга келган-туш палласида.

Масалан: агар ўша куннинг асли ўз вақтида ўқилмай кеч қолган бўлса, ўша аср намози кун ботишини бошлаган бўлишига қарамасдан ўқилаверади. Кеч ўқигани учун эса Оллоҳ таолога изтиғфор айтади.

**С: Бомдод намозидан сўнг, аср намозидан сўнг қазо намоз, жаноза намоз ва саждаи тиловат қилиши жоизми?**

**Ж:** Ҳа, жоиз, лекин аср намозидан кейин қазо намозини куннинг нури сарғаймай туриб ўқиши зарур.

**С: Кун ботгандан сўнг шом намозининг фарзидан аввал нафл ўқиши жоизми?**

**Ж:** Жоиз эмас.

**С: Тонг отгандан сўнг бомдод намозигача нафл ўқиши таҳияти масжид ўқиши жоизми?**

**Ж:** Бомдоднинг 2 ракат суннатидан бошқа нафл ўқиши макруҳдир.



**С: Бир одам Каъбани бомдод намозидан ёки аср намозидан кейин тавоф қилиб бўлса маҳоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқийдими?**

**Ж:** Йўқ, ўқимайди. Кун чиққунча ёки кун ботгунча кутиб кейин ўқийди.

### **Азон ва такбир**

**С: Шариатда азоннинг ҳукми қандай?**

**Ж:** Беш вақт фарз намозларга ва жумъя намозига аzon айтиш суннати муаккададир. ҳайит ва нафл ҳамда қуёш билан ой тутилганда ўқиладиган намозларга аzon айтилмайди.

**Фойда:** Бомдод намозининг азонида «ҳайя алал фалаҳ»дан сўнг «Ассалоту хайрум минан навм» калимаси икки бор айтилади.

**С: Такбир қачон айтилади?**

**Ж:** Одамлар фарз намозини ўқиш учун шайланиб жойларидан турганларида такбир айтилади. Ёлғиз намоз ўқувчи киши ҳам фарз намозига такбир айтиши лозим.

**Фойда:** Такбир айтганда, айни аzon калималари такрорланади. Фақат, «ҳайя алал фалаҳ» жумласидан сўнг «қод қоматис-солату» жумласи икки бор такрорланади.

Аzon шошилмай, секин дона-дона қилиб айтилади. Такбир тезроқ айтилади.

**С: Азонни қиблага қараб айтиш сабаби нима?**



**Ж:** Аzonни қиблага қараб айтиш Расулуллоҳ САВ даң бизгача давом этиб келаётган амалдир.

**Фойда:** Muazzin «Ҳайяалас-солати» деганда юзини ўнгга. «Ҳайяалал-фалаҳ» деганда чапга буради.

**Фойда:** Аzonда muazzin икки бармоғини икки қулоғига тиқмоғи суннатдир.

**С:** қазо бўлган намозларга азон ва такбир айтиладими?

**Ж:** Айтилади. Агар кўп намоз қазо бўлиб, уларни бир вақтда ва бир жойда адо этмоқчи бўлса, бир аzon айтиб ҳар бир намозга алоҳида такбир айтса жоиз бўлаверади.

**С:** Таҳоратсиз одам аzon, такбир айтса бўладими?

**Ж:** Аслида иккаласини ҳам таҳорат билан айтиш лозим лекин таҳратсиз киши аzon айтса жоиз, такbir айтиш макруҳдир. Жунуб кишининг аzon айтиши ҳам макруҳдир.

**С:** Ёш боланинг аzon айтиши жоизми?

**Ж:** Ақлли бўлса жоиз.

**С:** Намоз вақти киришдан илгари айтилган аzonning ҳукми қандай?

**Ж:** Аслида бу жоиз эмас. Айтилган бўлса қайтиб айтилади. Аммо, Имом Абу Юсуф хазратлари бомдод намозининг вақти кирмай айтилган аzon жоиз, қайтиб айтилмайди, деганлар.





## Намоз шартлари

С: **Намознинг шартлари нималардан иборат?**

Ж: Намознинг шартлари олтида бўлиб, улар қуидагилар:

1. Жунубликдан ва бетаҳоратликдан пок бўлиш. Яна намоз ўқигувчининг бадани пок бўлиши;
2. Намоз ўқийдиган жой пок бўлиши;
3. Либоси пок ва авратини беркитган бўлиши. Зоро, либоснинг нопок ва авратининг очиқ бўлиши билан намоз дуруст бўлмайди;
4. Намозни ўз вақтида ўқиш. Вақтидан илгари ўқилган намоз бекордир;
5. Қиблага юзланиб ўқиш;
6. Ният билан бошламоқ. Яъни, ўқимоқчи бўлган намозининг номини дилидан ўтказади. Иқтидо қилувчи эса И момга эргашишни ният қилганини ҳам қўшиб қўяди. Ният қилгандан кейин ҳеч қандай сўз ёки амал қилмасдан бевосита такбири таҳрима билан намоз бошлиши лозим.

С: **Бир кишининг кийимлари бутунлай нопок бўлса ва поклашга сув бўлмаса нима қилади?**

Ж: Ушбу нопок кийим билан намоз ўқийди ва намози жоиз бўлади. Кейин қайтариб ўқимайди.

С: **Кийим тополмаётган яланғоч киши намозини қандай ўқийди?**





- Ж: Одамлар кўзидан беркиниб ўтириб, руку, саждани имо-ишора қилиб ўқийди.
- С: Эркакларнинг намозда беркитишилари лозим бўлган аврат аъзолари қайсилар?
- Ж: Киндигидан тиззаси остигача. Тиззанинг ўзи ҳам авратдир, лекин киндик аврат эмас.
- С: Аёлларнинг аврат аъзолари қайсилар?
- Ж: Аёл, олдида номаҳрам киши бўлмаган тақдирда юзини, икки кафтини ва икки қадамини беркитмай намоз ўқиши жоиз. Аммо номаҳрам киши бўлса бу аъзоларини очиб намоз ўқиши жоиз эмас.
- С: Бирон нарсадан қўрқанлиги сабабли қиблага қараёлмаётган киши намозини қандай ўқийди?
- Ж: Имкони бўлган тарафга қараб ўқийди.
- С: Қиблани билишнинг ҳам, сўрашнинг ҳам имкони бўлмаган тақдирда намозни қандай ўқийди?
- Ж: Таҳмин қилиб бўлса ҳам билишга ҳаракат қиласди. Билишнинг имкони бўлмаса, бир томонни қасд қилиб, “шу томон албатта қибла” деб, ўша томонга қараб ўқийди.
- С: Чамалаб, бир томонни қасд қилиб «қибла» деб ўша томонга қараб намоз ўқиса, сўнг қибланинг бошқа томонда эканлиги аниқланса, намозини қайтиб ўқийдими?
- Ж: Йўқ, қайтиб ўқимайди.



**С: Намоз ўқиётиб қиблани хато қилганини билиб қолса. Масалан: Бир киши эслатса, нима қилади?**

**Ж:** Намоз ўқиб турган ҳолда ўша тарафга айланиб олади.

### **Намознинг фарзлари**

**С: Намознинг фарзлари қайсилар?**

**Ж:** Намознинг фарзлари олтита:

1. Такбири таҳрима;
2. Қиём;
3. Бир узун оят ёки учта қисқа оят қироат қилиш;
4. Рукуъ;
5. Сажда;
6. Намознинг охирида аттаҳиёт миқдорича ўтириш.

**С: Фарзларнинг ҳукми қандай?**

**Ж:** Мазкур ҳар бир фарзни адo қилиш лозимдир. Бирон фарзни билиб ё билмай қолдирса намози бекор бўлади. Бошқатдан ўқиш лозимдир. Тарки фарз эса саждаи саҳв билан тузалмайди.

### **Намознинг вожиблари**

**С: Намознинг вожиблари қайсилар?**

**Ж:** Намознинг вожиблари ўн иккита бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Сураи фотиҳани ўқиш;
2. Камида уч қисқа ёки бир узун оят зам сура қилиш;
3. Сураи фотиҳани зам сурадан илгари ўқиш;
4. Фарз бўлган қироатни фарз намозининг аввалги икки ракатида ўқиш;
5. Рукиъларни бажаришда шошилмаслик.
6. Аввалги қаъдада ўтириш;
7. Иккала қаъдада



ҳам «Аттаҳиёт»ни ўқиши. 8. Намозни салом бериш билан тугатиш; 9. Витрда қунут дуосини ўқиши.

10. ҳайит намозларида қўшимча такбирлар айтиши. 11. Имом бомдодда ва жумъа, шом билан хуфтоннинг аввалги икки ракатида, ҳайит намозларида, таровех ҳамда рамазон ойидаги витрда қироатларни жаҳрий қилмоғи. 12. Имом пешин билан аср намозларининг фарзларини, шом билан хуфтоннинг кейинги ракатларидағи қироатни маҳфий қилиб ўқимоқлиги. Мана шулар намознинг вожибларири.

### **C: Вожиблар ҳукми қандай?**

Ж: Вожибни қасддан тарқ қилган киши, намозни қайта ўқиши вожиб, унитиб тарқ қилган кишининг намози саждаи саҳв билан тузалади.


### **Намознинг суннатлари**

#### **C: Намознинг суннатлари қайсилар?**

Ж: Намоз суннатлари қуйидагилар: 1. Эркаклар такбири таҳрима айтиб намоз бошлиётганда икки қўлини қулоғи юмшоғига теккизмоқлари, аёллар эса қўлларини елка баробарида кўтармоқлари;

2. Кейин эркаклар ўнг қўлини, чап қўли устига қўйиб, киндиги остида ушлаб туришлари; 3. Сано ўқимоқ; 4. “Аъзуз” билан “Бисмиллаҳ” ни айтмоқ; 5. Ичида омин демоқ; 6.





“Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ” демоқ; 7. “Роббана лакал ҳамд” демоқ; 8. Бир рукундан иккинчи руқнга ўтаётганда “Аллоҳу акбар” демоқ. Рукуъда, саждада тасбеҳ айтмоқ; 9. Рукуъда панжаларини очиб тиззасини маҳкам ушламоқ; 10. ўтирган пайтда чап оёғини ёзиб, устига ўтириб, ўнг оёғини тик тутмоқ; 11. ўтирганда икки қўлини сонига қўймоқ; 12. Фарз намозларнинг 3 ва 4-ракатларида қироат қилмоқ: (фарздан бошқа намозларнинг ҳар бир ракатида қироат вожиб); 13. Имом такбирни ва “Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ”ни, саломни ошкора айтмоқлиги; 14. Охирги «Аттаҳияту»дан сўнг саловот айтмоқ; 15. Саловатдан сўнг суннатга мувофиқ дуо ўқимоқ; 16. Салом берганда ўнг ва чап томонга қарамоқ; 18. Салом берганда агар Имом бўлса ушбу салом билан ҳар икки ёнидаги кишиларни, фаришталарни агар муқтадий бўлса имомни ҳам ният қилмоқ; 19. Ёлғиз ўқувчи бўлса, саломлари билан фаришталарни ният қилмоғи; Мана шулар намознинг суннатлариdir.

## Намоз одоблари

### C: Намознинг одоблари қандай?

Ж: 1. Қиёмда саждагоҳга қараб турмоқ. 2. Рукуъда оёғи учига қараб турмоқ. 3. ўтирганда кўкрагига қараб турмоқ. Сажда қилаётганда бурнининг учига қараб 4. Салом берганда елкасига қараб





салом бермоқ. 5. Мумкин қадар йүтәлни қайтармоқ. 6. Эснаганда оғзини беркитмоқ.


## Намоз ўқиши тартиби

### С: Намоз қандай тартибда ўқилади?

Ж: Намоз ўқишига киришаётганда, иккى қўлини қулоғи юмшоғигача кўтариб такбир айтади. Яъни бир марта Аллоҳу акбар дейди. ўнг қўлини чап қўли устига қўйиб, киндиги остида ушлаб туради. Сўнг сано ўқийди. (“Субаҳанака Оллоҳумма ва биҳамдика ва табарока исмука ва таала жаддука вала илаха файруқ”.) Сўнг “Аъузуни ва бисмиллаҳ”ни айтади. Буларнинг уччаласи ҳам ичида айтилади. Кейин “Алҳамду”ни ўқийди. Охирида махфий «Омин» дейди. Иқтидо қилган киши: “Аъузу”, “Бисмиллаҳ”ни айтмайди.

Сўнг бир сурә ёки уч оят ўқийди. Кейин рукуъга энгашаётиб такбир айтади. Кейин қўлларини тиззалар устига қўяди. (Шунда панжаларининг ораси очилган тиззаси маҳкам ушланган бўлиши керак). Болдирларини тик қилиб белини ёzáди. Рукуъда бошини кўтариб ҳам тушириб ҳам юбормайди. Камида уч марта «Субҳана Роббиял ъазим» дейди. Қанча кўп айтса шунча яхши. Сўнг бошини кўтариб «Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ» дейди. Агар ёлғиз ўқиётган бўлса «Роббана лакал ҳамд»ни ҳам айтади. Имом эса фақат «Самиаллоҳу





лиман ҳамидах» дейди. Унга иқтидо қилган кишилар «Роббана лакал ҳамд» дейди. Кейин такбир айтиб саждага боради. Саждага бораётганда аввал икки тиззасини, сўнг икки қўлини, кейин юзини икки кафти орасига қўяди. Бармоқ панжаларини жамлайди. Бурун ва пешона билан сажда қиласиди. Икки чифанофини ёнига чиқариб, қорни билан сонининг орасини очади. Оёқ бармоқларини қиблага қаратади. Камида уч марта шошилмасдан «Субҳана Роббиял аъло» дейди. Бу энг ози. Кейин такбир айтиб, бошини кўтариб, бир оз ҳотиржам ўтиради. Икки қўлини сонларига қўяди. Яна такбир айтиб иккинчи бор саждага боради ва камида уч марта тасбех айтиб таянмаган ҳолда жойидан туради. Тураётганда аввал бошини кейин қўлларини сўнг тиззаларини кўтаради. Иккинчи ракат ҳам биринчига ўхшайди. Лекин бунда қулоқ қоқмайди. Сано ва “Аъузу” ўқимайди. «Алҳамду» ва “Зам” сура ўқийди холос. Иккинчи ракат саждасини қилиб бўлгач, чап оёғининг устига ўтиради. ўнг оёғини тик қилиб, панжаларини қиблага қаратади қўлларини эса сонларининг устига қўяди ва «Аттаҳиётини» ўқийди.

«Аттаҳияту лиллаҳи вас солавату ват тойийбат. Ассаламу алайка айюуханнабийю ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ. Ассалому алайна



ва ала ибодиллоҳис-солиҳийн ашҳаду Алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу».

Агар ўқиётган намози икки ракатлик бўлса, «Аттаҳият”дан сўнг Расулуллоҳга саловот айтади. Яъни: “Аллоҳумма солли ала Мұҳаммадин ва ала али Мұҳаммад. Кама соллайта ала Иброҳийма ва ала али Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажид. Аллоҳумма борик ала Мұҳаммадин ва ала али Мұҳаммад. Кама боракта ала Иброҳийма ва ала али Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажид”ни ўқиб, ортидан Суннатга мувофиқ дуо қиласи. Масалан, “Аллоҳуммағфирлана валийвалийдайна валиасатийзина валижамиъил-мўминина валмўминат вал муслимина вал-муслимат бироҳматика я арҳамар-роҳимийн” деган дуони ўқиёдиди. Сўнг ўнг ва чап тарафга бошини буриб салом беради. Агар тўрт ракатни ният қилган бўлса, иккинчи ракатда “Аттаҳият”ни “Абдуҳу ва расулуҳ”гача ўқигандан кейин салом бермай, учинчи ракатга туради. «Бисмиллоҳ»ни айтади ва “Фотиҳа”га “Зам” сура қўшмайди. Аввалги ракатларга учинчи ва тўртинчи ракатларни ҳам қўшиб. Салом бериб тугатади.

**Фойда:** Юқорида айтганларимиз тўрт ракатлик фарз намозлари учундир. Тўрт ракатлик суннат ва нафл намозларнинг учинчи ва тўртинчи



ракатларига “Алхамду” сурасидан кейин зам  
сура қўшиб ўқиши вожибдир.

**Фойда:** қалпоғи, салласи ё телпаги саждада пешонасини тўсиб қолиши макруҳ. Лекин узрли бўлса жоиз.

### **Аёллар намозларидаги фарқлар**

**С:** Аёллар намози эркаклар намозидан нималар билан фарқланади?

**Ж:** Аслида эркаклар намози билан аёллар намози бир хил бўлиб, баъзи ҳолатлардагина фарқланади:

1. Аёл киши қўлларини кўкрагига қўяди;
2. Такбир айтганда қўлларини енгидан чиқармайди;
3. Такбир айтганда қўлларини кўкраги баробар кўтаради;
4. Рукуъда панжаларини очмайди;
5. Рукуъда озроқ эгилади;
6. Рукуъда чифаноқларини ёнбошига ёпиштириб туради;
7. Саждада қорнини сонига ёпиштириб туради;
8. Ўтирганда икки оёғини ўнг томондан чиқариб ерга ўтиради;
9. Саждада билакларини ерга теккизиб туради;
10. Жаҳрий намозларда овозини чиқариб ўқимайди.





## Қироат

### С. Намозда қироатнинг қандай ҳукмлари бор?

Ж: қироатнинг қуйдагича ҳукмлари бор:

1. ҳамма намозларда қироат фарз;
2. “Сураи Фотиҳа”ни ўқиш вожиб;
3. камида уч оят зам суралаш қилиш вожиб.
4. тўрт ракатли, уч ракатли фарз намозларнинг 3-4 ракатларида “Сураи фотиҳа”ни ўқиш суннат;
5. фарз қилинган қироатни аввалги икки ракатида ўқиш вожиб.
6. “Сураи Фотиҳа”ни зам сурадан аввал ўқиш вожиб;
7. Фарз намозларининг 3-4 ракатларига “Сураи Фотиҳа”ни ўқиш вақт тор бўлса ихтиёрий, лекин ўқишилик афзал. Ушбу 3-4 ракатларга “Сураи Фотиҳа”га зам суралаш қўшиб қўйса саждаи-саҳв лозим бўлмайди.
8. Имомга иқтидо қилган киши жаҳрий намозда ҳам махфийда ҳам қироат қилмайди;
9. Имом бомдод фарзида, жумъада, хайит намозларда, шом, ҳуфтоннинг аввалги 2 ракатида қироатни жаҳрий қилиши вожиб;
10. Имом ва ёлғиз ўқувчи киши пешиннинг асрнинг ҳамма ракатларида, шомнинг учинчи ва ҳуфтоннинг 3-4 ракатларида маҳфий қироат қилиши вожиб;



11. Жаҳрий намозларда ёлғиз ўқигувчи ихтиёриди. Хоҳласа ошкора ўқийди, хоҳласа маҳфий ўқийди.

12. Имом ва танҳо ўқигувчи бомдод фарзига узун сураларни ўқиши, пешин ва асрга ўрта сура, шомга қисқа сура ўқиши суннатдир.

Аммо мусоғир сафарда имкониятига қараб ўқийди. Суралар “ҳужурот”дан “Буруж”гача узун, “Буруж”дан “Ламякун”гача ўрта сувра. “Ламякун”дан охиригача қисқа саналади.

**Фойда:** Биронта намозда “Аъузу”, “Бисмиллаҳ” ва “Омин”ни жаҳрий айтилмайди.

**Фойда:** Бирон сурани биронта намозга тайин қилиб қўйиш макруҳ. Аммо, баъзи сураларни баъзи намозларга ўқиш суннат. Масалан: Жумъа куни бомдод намозининг иккинчи ракатига «Халата алал инсан» сурасини аввалги ракатида «Алиф, лом, мим танзил» сурасини ўқиш суннатдир. Ва ҳоказо.

### Витр намози

**С:** Витр қандай намоз?

**Ж:** Витр 3 ракатли намоз бўлиб, ҳуфтон намозидан сўнг ўқилади.

Ҳуфтондан аввал ўқиш жоиз эмас. Витр намози ўқилиши ҳам бошқа намозлардек ўқилади. Фақат, фарқи аввалги икки ракатни ўқиб, “Аттажият”дан кейин учинчи ракатга





туриб, фалҳамду”, “зам” сурадан сўнг икки қўлини кўтариб, такбир айтиб, кейин, “қунут дуоси”ни ўқийди. Сўнг такбир айтиб рукуъ қиласи ва намозини тугатади.

**Фойда:** Витрнинг биринчи ракатига Сураи “Фотиҳа”дан сўнг сураи “Аъло”ни, иккинчи ракатига сураи “Кофирун”ни, учинчи ракатига сураи «Ихлос»ни ўқиш суннатдир. Баъзи ривоятларда биринчи ракатда сураи “Ихлос”, иккинчи ракатга, сураи “фалақ”, учинчи ракатга сураи “Нос” ўқиш ҳам суннат. Қунут дуосини ичидаги ўқийди.

**С: Витр намозини жамоат билан ҳам ўқиладими?**

**Ж:** Рамазон ойи кечаларида таровеҳ намозидан сўнг жамоат билан ўқилади. Учала ракатидаги қироат ҳам ошкора ўқилади.

**С: Витрдан бошқа намозда ҳам Қунут ўқиладими ?**

**Ж:** Аслида ўқилмайди. магар, мусулмонлар бошига бирон кулфат ё хавф етганда рукуъдан сўнг имом қунут дуосини ўқийди, сўнг мусулмонлар фойдасига ва душман зарарига дуо қиласи .

### Суннат ва нафл намозлар

**С: Фарз намозлар билан ўқиладиган суннатлар неча ракат?**

**Ж:** Ўн икки ракат бўлиб буни суннати муаккада дейилади. Оиша онамиз (Оллоҳ у кишидан рози





бўлсин!) айтадилар. Пайғамбар саллалоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ким ўн икки ракат бир кеча қундузда суннат намозини ўқиса Оллоҳ жаннатда унга бир уй бино қиласи”, - дедилар. Тўрт ракат пешин фарзидан аввал, икки ракат пешиндан сўнг, шомдан кейин икки ракат, ҳуфтондан сўнг ва бомдоддан аввал икки ракат. Шурайҳ Оиша розиаллоҳу анҳудан ривоят қиласи. “Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам ҳуфтон намозидан сўнг менинг олдимга кирсалар, албатта тўрт ёки олти ракат нафл намоз ўқир эдилар”, деб айтдилар.

**Фойда:** Мазкур ўн икки ракат суннатлар ичida Бомдоднинг икки ракат суннати энг таъкидлисицир. Зоро, Ойша розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади “Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи ва саллам нафл намозларининг биронтасига бомдоднинг суннатичалик астойдил эмас эдилар. Яна, Ойша розиаллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар: “Пайғамбар саллалоҳу алайҳи ва саллам пешиндан аввалги тўрт ракат нафлни ҳаргиз қолдирмас эдилар”,

**С: Жумъа суннатлари неча ракат ?**

**Ж:** Имом Аъзам наздларида Жумъа фарзидан аввал тўрт ракат ва кейин тўрт ракат суннатдир.

**Фойда:** Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи ва салламнинг: “Аср намозидан илгари тўрт ракат намоз ўқиган кишини Аллоҳ раҳм қилсин” деб





дую қылғанларига қараганда, асрдан илгари түрт ракат нафл ўқиши суюкли суннатдир. Али розиаллоҳу анхұнинг “Пайғамбар алайҳиссалом асрдан илгари икки ракат нафл ўқирил эдилар”, дейишиларига қараганда, асрдан илгари икки ракат нафл ўқиши ҳам суюкли суннатдир. Уламолар ҳұфтондан илгари түрт ракат нафл ўқишини яхши дегандар.

**С: Юқорида зикр этилган намозлардан бошқа намозлар ҳам борми?**

**Ж:** Ҳа, бор. Улар нафл намозлар бўлиб, киши қанча кўп ўқиса шунча фазилат соҳиби бўлаверади. Фақат намоз ўқиши макруҳ бўлган вақтлардагина ўқилмаслиги шарт.

**С: Муайян вақтларда ўқиладиган нафл намозларининг фазилати борми?**

**Ж:** Бор, саҳардан олдин ўқиладиган нафл намозни Таҳажжуд дейилади. Жуда улкан фазилати бор. Чошгоҳда ўқиладиган намоз «Чошгоҳ, Зуҳо» намози дейилади Рамазон ойи кечаларида ўқиладиган таровеҳ намози. Айниқса, «Лайлатул қадр», кечасида ўқиладиган нафл намозларда бениҳоят катта фазилатлар бор. Таҳоратдан кейинги ўқиладиган нафл намоз масжидга кирганда ўқиладиган намоз ва фам – ташвиш пайтларида ўқиладиган намоз. Тавба намози, ҳожат учун ўқиладиган намоз. Истихора намозлари ҳам энг фазилатли нафл намозлардандир.





**Фойда:** Нафл намозни кундузи икки, тўрт ракат ўқиб, салом берса бўлади. Ундан ортиғи макруҳ. Бошқа ривоятда кечаси бир салом билан саккиз ракат ўқиса жоиз. саккиз ракатдан зиёда бир салом билан нафл ўқиш жоиз эмас. Нафл ўқиётган кишининг намози бузилса қазосини ўқийди. Чунки нафлни бошлаш билан, охиригача ўқиш вожиб бўлиб қолади.

**C: Тик туриб ўқишга қодир киши ўтириб нафл ўқиса бўладими?**

**Ж:** Ҳа, бўлади лекин, савоби яrim бўлади.

**Фойда:** Бирон от-улов устида, кетаётган тарафга қараб нафл намоз ўқиш жоиз. Шаҳардан ташқарида бўлиш шарти билан.

### Қазо намозлар

**C: Намоз қазо қилинса, қачон ўқилади?**

**Ж:** Эсига келганда ўқилади, лекин макруҳ этилган вақтларда ўқимаслик керак.

**C: Кун бўйи намозларини қазо қилган киши қандай ўқийди.**

**Ж:** Агар у киши «тартиб соҳиби» бўлса, яъни ўқимаган намозлари олти вақт намоздан кам бўлса, ўша намозларни одатдаги тартибига биноан яъни масалан аввал пешин кейин аср кейин шом тартиби билан қазо қилиб ўқиб, сўнг ҳозирги вақтдаги намозни ўқийди. Агар қазо қилган намозлари олтитагача етган ёки ошиб





кетган бўлса, қайси бир намозни аввал ўқиса ҳам жоиз бўлаверади. Яъни тартиб билан ўқиш шарт эмас. Бундай одамни аҳли тартиб дейилмайди.

**C: Витр билан фарз ўртасида тартиб вожибми?**

**Ж:** Ҳа, албатта вожиб. Агар ҳуфтондан аввал витрни ўқиган бўлса, қайтадан ҳуфтонни фарзини ўқиб кейин витрни яна ўқиш вожиб бўлади. Бир киши витр намозини ўқимай тонг откизиб қўйган бўлса, аввал витрни ўқиб, сўнг бомдодни ўқийди. Агар акси бўлса, бомдодни бошқа ўқиш вожиб бўлади.

**Фойда: Уч ҳолатда тартиб соқит бўлади:**

1-қазо намозлар сони олтитага етса ёки ошиб кетса, (витрдан бошқа).

2-қазо бўлган намозини унутса;

3-вақт тор бўлса. Яъни ҳуфтонни ўқимаган киши кун чиқишига яқин уйфонса, аввал бомдодни ўқиб, сўнг қуёш чиқиб қўтарилигандан кейин ҳуфтоннинг қазосини ўқийди. Бомдодни эса қайтариб ўқимайди чунки тартиб вақт торлиги сабабли соқит бўлди.


## **Намозни бузувчи амаллар ва сўзлар**

**C: Намозни нималар бузади?**

**Ж:** Намозни қуидаги амаллар бузади:

1. Намозда турган ҳолатда ейиш, ичиш (эсида йўқ бўлса ҳам)
2. Ҳар хил ҳаракатлар билан





машғул бўлиш; 3. Қасддан таҳоратни синдириш;  
4. Тўхтовсиз уч ёки ундан кўп қадам ташлаш;  
5. Кўкрагини қибладан ўгириб, бурилиш.  
6. Тутқаноқ тутиш. 7. Ақлдан озиш; 8. (қараб  
ёки ўйлаб) жунуб бўлиш. 9. Бир хил Намозни,  
аёл киши билан бирга ўқиётганда ёнма-ён,  
ўртада пардасиз туриб қолиш. 10. Бир руқни  
авратини беркитмасдан ёки нажосат теккан  
ҳолда адо этиш; 11. Ўзи эшитгудек кулиш.

### C: Қандай сўзлар намозни бузади?

1. Хоҳ унутиб, хоҳ қасддан бир калима бўлса  
ҳам сўзламоқ; 2. Намозда бирорга салом  
бермоқ; 3. Саломга жавоб қайтармоқ; 4. Уф  
тортмоқ; 5. Инграмоқ; 6. Овоз чиқариб  
йиғламоқ (охират учун йиғлаш намозни  
буzmайди); 7. Аксирган кишига  
“Ярҳамукаллоҳ” деб жавоб қайтармоқ. 8.  
(Оллоҳни шериги борми? деган одамга ғла  
илаҳа иллаллоҳ” деб) Ширкдан қайтармоқ. 9.  
Ноҳуш хабарга «Истиржоъ» (“Иннаиллаҳи ва  
иннаилайҳи рожиун” деб) айтмоқ. 10. Хуш  
хабарга «Алҳамдулиллоҳ» демоқ. 11. Таажжуб  
учун «Субҳаналлоҳ» ёки «Алҳамдулиллоҳ» деб  
қўймоқ. 12. Бирон жавоб ёки хитобни қасд  
қилиб, сўзламоқ. 13. ўз имомидан бошқага  
луқма бермоқ. 14. Қироат ёки такбирни калима  
маъносини бузадиган даражада чўзмоқ.





**Фойда:** қўлидаги уяли телефонни намоз ичидагу турниб ўчириб қўймоқлиги ҳам намозни бузувчи амалдир.

## Ихтилофли масалалар

### C: Намозда қандай ихтилофли масалалар бор?

Ж: 1. Таяммум билан намоз ўқиётган киши сувни кўриши ёки сув ишлатишга имконият ҳосил бўлиши; 2. Масҳ муддати намоз ўқиётганда тугаши; 3. Намозда маҳсиси бироз ечилиб қолиши; 4. Яланғоч кишига кийим топилиб қолиши; 6. Имо-ишора билан намоз ўқиётган киши қувватга кириб, рукуъ саждага қодир бўлиб қолиши; 7. Илмли имомнинг таҳорати синиб, ўрнига илмсиз киши имом бўлиб қолса. 8. Бомдод намозини ўқиётганда қуёш чиқиб қолса; 9. Жумъя намози ўқилаётганда аср вақти кириб қолса; 10. Ярасига боғланган латтага масҳ тортиб юрганда яра тузалиб устидаги латта намозда тушиб кетса; 11. Истиҳоза қони билан намоз ўқиётган эди, қони намозда тўхтаб қолса, ушбу ҳолатларда ўқилаётган намозлар Имоми Аъзам наздларида бузилади. Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад наздларида, агар охирги қаъдада, «Аттаҳиёт» миқдорича ўтиргандан кейин мазкур ҳолатлар содир бўлса, яъни таяммум қилган киши сувга қодир бўлса ёки





олимнинг таҳорати сингиб, илмсиз киши имом бўлиб қолса намози тўла бўлган бўлади.

### **Намознинг макруҳлари**

**С: Намоз ичida қандай амаллар қилиш макруҳдир?**

Ж: Намоздаги макруҳлар: Намозда кийими ёки баданини ўйнаш ва бепарво туриш; 2. Саждагоҳини бир мартадан ортиқ тозалаш; 3. Панжаларини қирсиллатмоқ ёки бир-бирига кириштирмоқ; 4. Кийимларини йифиштирмоқ; 5. Бўйини буриб, ўнг-чап тамонга қарамоқ; 6. Ит ўтириш қилиб, ўтирмоқ; 7. Саждада эркак киши икки билагини ерга ёзиб текказиб турмоқ; 8. Намозда чордона қуриб ўтирмоқ; 9. Саломга қўли билан жавоб қайтармоқ; 10. Намозда пешона ва бурнини тупроқдан тозаламоқ; 11. қироатга халал бергудай нарсани оғзига солиб турмоқ; 13. Кўнгилдаги хотиржамликни бузадиган иш қилмоқ.

### **Жамоат ва Имомлик**

**С: Шариатда жамоат савоби ва мавқеъи, қандай?**

Ж: Намозни жамоат билан ўқиши эркаклар учун суннати муаккададир.

Бинобарин, савоби ҳам улуғдир. Зеро, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам «Жамоат билан ўқилган намознинг, савоби



танҳо ўқилган намоздан йигирма етти даража савоби ортиқдир» дедилар. (Бухорий ривояти). Абу Дардо Розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласиди. Ул зот айтдилар: «Бир қишлоқда ёки саҳрова уч одам бўлса-ю, (жамоат бўлиб) намоз ўқимасалар, албатта у ерда шайтон ғолиб бўлади. ўзингизга жамоатни лозим тутинг. Албатта, бўри четда қолганни овлайди» (Аҳмад, Абу Довуд ва Насоййлар ривоят этган). Абу ҳурайра Розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласиди: Ул зот: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, ўтин териб тўплашга амр қилсан, сўнг намозга аzon айтишга ва бир кишини имом бўлишга буюриб, ўзим маҳалла айланиб жамоатга чиқмаганларнинг уйини куйдириб юборсам дейман» дедилар.

**С: Имомликка қандай одам лойиқ ?**

**Ж:** Имомликка шариат илмининг олими. Айниқса, намоз масалаларини пухта билган, сўнг Қуръони Каримни тажвид асосида ўқийдиган, тақволи, сўнг агар имкони бўлса, ушбу сифатлар билан тавсифланган, олий насаб, аслзода киши имомликка лойиқ ва муносибдир.

**Фойда:** Имомлиги макруҳ бўлган кишилар: 1. Сахройи, 2. Фосиқ (итоатсиз), 3. Кўзи ожизлар 4. Зинодан туғилган кишилар. Аммо улар



имомликка ўтмоқчи бўлсалар, ўрнига бошқа одам топилмаса, уларга иқтидо қилиш жоиз.

**C: Аёлларнинг масжидга келишлари жоизми?**

**Ж:** Уларнинг барча намозларни масжидда жамоат билан ўқишилари Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад наздларида жоиз, Имоми Аъзам раҳимаҳуллоҳ назарларида кекса ёшли аёллар ясан-тусан қилмасалар, бомдод, шом ва ҳуфтон намозларига масжидга ҳозир бўлишлари жоиздир. Акс ҳолда макруҳ.

**C: Аёллар ўзлари жамоат бўлиб ўқишилари жоизми?**


**Ж:** Уларнинг ўзлари намозни жамоат бўлиб ўқишилари, аслида макруҳ. Агар жамоат бўлиб ўқисалар имомлари ўртада туради, олдига чиқмайди.

**Фойда:** Имом билан фақат бир киши бўлса, у имомнинг ўнг тарафида туради. Агар ундан кўп бўлса, имомнинг орқасида туради. Агар жамоатда эркаклар, аёллар ва болалар бўлса, аввал эркаклар кейин хунасалар, кейин болалар ва сўнг аёллар сафга турадилар.

**C: Иқтидо масалаларини айтиб беринг?**

**Ж:** 1. Фарз намозини ўқиётган кишига, ўша фарзни ўқийдиган кишининг иқтидо қилмоғи жоиз, аммо икки хил фарз ўқувчиларнинг бир-бирларига иқтидо қилишлари жоиз эмас.

Масалан: бири пешин фарзини, иккинчиси





асрни ўқиётган бўлсалар, бир-бирларига иқтидо қилишлари жоиз эмас

2. Таяммумлик киши тоҳоратлик кишиларга иқтидо қилиши ва имом бўлиши жоиз. 3. Масҳ тортган киши оёқ ювган кишиларга имомлик қилиши жоиз;

4. Узр сабабли ўтириб ўқиётган имомга тик туриб ўқийдиган кишининг иқтидоси дуруст;

5. Нафл ўқувчининг фарз ўқувчига иқтидоси дуруст;

6. Акс ҳолда дуруст эмас яъни фарз ўқигувчи нафл ўқувчига иқтидо қилмайди.

7. Узрлик кишига узрсиз киши иқтидо қилмайди. Масалан: сийдиги тўхтамайдиган одамга соғлом одам иқтидо қилмайди.

**С: Имомнинг таҳоратсиз ўқигани билинса нима қиласди?**

**Ж:** Иқтидо қилганлар намозларини қайтиб ўқийдилар.

### **Жамоатга етиш**

**С: Бир киши ёлғиз ўзи тўрт ёки уч ракатлик намозни бошлаб, энди бир ракатини ўқиганида, бошқа кишилар келиб, ўша намозни жамоат билан ўқишни бошласалар у одам нима қиласди?**

**Ж:** У одам иккинчи ракатни ҳам қўшиб, салом бериб, намозини тугатади ва Имомга иқтидо қиласди.



- С:** Агар биринчи ракатга сажда қилмаган бўлса, нима қиласди?
- Ж:** Дарҳол намозни бузиб, имомга иқтидо қиласди.
- С:** Агар пешин ёки ҳуфтондан уч ракат ўқигандан сўнг, жамоат бошланса, нима қиласди?
- Ж:** Намозини охиригача етказиб, кейин нафл деб имомга иқтидо қиласди.
- С:** Учинчи ракатга сажда қилмаган бўлса-чи?
- Ж:** Намозни бузиб, имомга иқтидо қиласди.
- С:** Аср намозининг ҳукмлари ?
- Ж:** Аср намозини ёлғиз ўқиётган киши бир ёки тўрт ракат ўқиганда, такбир айтилса, уни бузиш ёки тугатишда юқорида айтилган пешин ёки ҳуфтон намозлари кабидир. Аммо, тўртинчи ракатга етиб қолган бўлса, уни тугатиб жамоатга иқтидо қилмайди. Чунки аср намозидан кейин нафл ўқиш макруҳдир.
- С:** Бомдод ёки шом намозининг бир ёки икки ракатини ёлғиз ўқиган киши ёнида такбир айтилиб, намоз жамоат билан бошланса, нима қиласди ?
- Ж:** Агар бомдод ёки шом намозининг бир ракатини ўқиганда жамоат бошланса, намозини дарҳол бузиб, имомга иқтидо қиласди. Шунингдек, иккинчи ракатни ҳам ўқиб сажда қилмаган бўлса, намозини бузиб, имомга иқтидо қиласди. Аммо сажда қилган бўлса, бу ҳолатда намозини



тугатади. Яъни намозини бузмайди ва жамоатга ҳам иқтидо қилмайди.

**С: Бир одам пешин ёки жумъанинг суннатини бошлаганда такбир айтилиб ёки хутба ўқила бошланса нима қиласди?**

**Ж:** Икки ракат қилиб бутлаб салом беради ва суннатини бузиб, пешин бўлса, имомга иқтидо қиласди. Агар жумъа бўлса, хутбани тинглайди. Нафл бошлаган бўлса ҳам, айнан, шундай қиласди.

**С: Бомдод суннатини ўқимаган киши жамоатга келиб қолса нима қиласди?**

**Ж:** Агар суннат ўқиса, фарзнинг бир ракатидан қоладиган бўлса, суннатини ўқиб, кейин иқтидо қиласди. Агар фарзнинг икки ракатидан қоладиган бўлса, суннатни ўқимай, фарзга иқтидо қиласди.

**С: Бомдодни қазо қилган киши суннатини ҳам ўқийдими?**

**Ж:** Агар қазосини пешиндан илгари ўқиса, суннати билан ўқийди. Пешиндан кейин ўқиса, фақат фарзнинг ўзини ўқийди.

**С: Вақт торлиги сабабли бомдод суннатини ўқимай, фарзга иқтидо қилган бўлса, бу одам суннатини қачон ўқийди?**

**Ж:** Кун чиққандан кейин ўқигани яхши, аммо ўмасварари йўқ.



**Фойда:** Пешиннинг суннатлари ўқилмаган бўлса, фарзидан сўнг ўқиласди. Агар фарздан сўнг



ўқимаган бўлса, кейин қазоси ўқилмайди. Фарзидан кейин икки ракат суннати аввал ўқилиб, сўнг тўрт ракатини ўқийди. Жумъа намозининг суннатлари ҳам пешин суннатларидек қазо қилинади.

### **Намозда таҳоратнинг синиши**

**С: Намоз ўқиётганда таҳорат синса нима қилинади?**

**Ж:** Дарҳол намоздан чиқиб, қайта таҳорат олинади ва намозни келган жойидан давом эттирилади, аммо бошидан ўқиса яхши бўлади.

**С: Агар имомнинг тахорати сингса нима қилади?**

**Ж:** Имом намозни давом эттириш учун орқадан бир кишини тортиб жойига имом қилиб қўйиб, ўзи таҳорат олиб намозини ёлғиз ўқиб олади.

**С: Агар таҳорат охирги «Аттаҳияту» дан сўнг кетса, салом бергунча етмаса нима қилади?**

**Ж:** Намоздан чиқади ва таҳорат қилиб келиб ўтириб салом беради.

**Фойда:** Намозда таҳорати синган киши, таҳорат қилиб, қайтиб келгунча бўлган вақт орасида оғзидан бирон сўз чиқса намози бузилади. Яъни ўқиётган намозининг бир қисми таҳорати синиши сабабли қолган эди. Шу қолган қисмини таҳорат олиш асносида гапириб юборган киши (қасдданми, унутибми фарқи йўқ) давом эттира олмайди. Балки бошидан бошлиб ўқиши шарт бўлади.





Намозда таҳорати синган кишининг намоздан чиқиши, қибладан бурилиб кетиши, нари-бери юриши, таҳорат қилиши намозини бузмайди, аммо гапирса, намози бузилади.

### **Саждаи саҳв**

**С: Намозда адашса нима қиласди?**

**Ж:** Киши намозда адашса, яъни бирон фарз амални такрор қиласа, масалан: рукуъни икки бор қиласа ёки бирор вожибни камайтирса; сураи “Фотиҳа”ни ўқимаса, ёки “Зам” сура қилмаса; ёки аввалги қаъдада ўтиргаган бўлса, ёки икки ўтиришдаги «Аттаҳиётининг» бирини ўқимаса; витрда “қунут” дуосини ўқимаса, ёки ҳайит намозларини такбирларини қолдирса, имом махфий ўринда қироатни жаҳрий ёки жаҳрий ўринда махфий ўқиб қўйса, ушбу хатоларнинг бири намоз ичида содир бўлса, охирги қаъдада «Ташаҳҳуддан» кейин агар имом бўлса ўнг томонга агар ёлғиз ўқиётган бўлса иккала томонга салом беради. Кейин икки бор сажда қилиб кейин «Аттаҳиётини» бошидан ўқиб тугатиб, иккала томонга салом беради.

**С: Имом хато қиласа. қавмларга ҳам саждаи саҳв вожиб бўладими?**

**Ж:** Имом хато қиласа, имомга ҳам, қавмга ҳам саждаи саҳв қилиш вожиб бўлади.

**С: Агар имом саждаи саҳв қилмаса, қавмдагилар нима қиласдилар?**



**Ж:** қавмдагилар ҳам саждаи саҳв қилмайди.

**С:** Агар имомга эргашган киши хато қиласа, саждаи саҳв қилиш вожиб бўладими?

**Ж:** Йўқ, саждаи саҳв вожиб бўлмайди.

**С:** Уч ёки тўрт ракатлик намоз ўқиётган киши аввалги «Аттаҳиятига» ўтирумай, туриб кетаётиб ўтирумагани эсига тушса нима қилади?

**Ж:** Агар ўтиришга яқин бўлса, ўтиради ва «Аттаҳиятини» ўқийди, намозини тугаллайди. Саждаи саҳв лозим эмас. Агар қиёмга яқин бўлса, туриб намозини давом эттиради ва саждаи саҳв қилади.

**С:** Охирги ўтирганда адашса нима қилади?

**Ж:** Агар тўрт ракатлик намозда охирги ўтиришда ўтирумай бешинчи ракатга туриб кетса, модомики, бешинчи ракатга сажда қилмаган бўлса, дарҳол ўтиради ва саждаи саҳв билан намозини тугатади.

**С:** Бешинчи ракатга сажда қилган бўлса-чи?

**Ж:** Намози фарзликтан чиқади, чунки фарз бўлган охирги қаъданни қилмагани учун энди олтинчи ракатни қўшиб қўяди. Намози нафл бўлиб тугайди.

**Фойда:** Икки, уч ракатлик намозларни ҳам хато қилганда айнан шундай ислоҳ қилинади.

**С:** Тўртингичи ракатда ўтириб «Аттаҳият» ўқиса кейин бешинчи ракатга туриб кетса нима қилади?



**Ж:** Бешинчи ракатга сажда қилмаган бўлса қайтиб ўтиради, саждай саҳв қиласди, намози дуруст бўлади. Агар сажда қилган бўлса, яна бир ракат қўшади ва саждай саҳв қиласди. Фарз намози адо бўлиб, икки ракати нафлга айланади.

**С:** **Намоз ўқувчи уч ракат ўқидими ёки тўрт ракатми деб иккиланиб қолса нима қиласди?**

**Ж:** Бу иккиланиш ҳаётида биринчи бор содир бўлса, намозини қайтиб ўқийди. Агар кўп содир бўладиган бўлса, гумони фолиб томонга қарайди. Агар гумони уч ракат ўқиганига фолиб бўлса, уч ракатга, тўрт ракатга фолиб бўлса, тўрт ракатга ҳукм қиласди. Намозимнинг охири деб гумон қилган ҳар бир қаъдада, ўтириб, ташаҳуд ўқийди. Агар гумони бирон тарафга фолиб бўлмаса, озини олади. Ҳар икки ҳолда ҳам саждай саҳв қилинади.

### Тиловат саждаси


**С:** Тиловат саждаси қандай сажда?

**Ж:** Қуръони Каримдаги сажда оятларининг бирини ўқиса ёки эшилса ўша вақтда қилинадиган саждадир.

**С:** Сажда оятлари қайси сураларда келган?

**Ж:** Сажда оятлари ўн тўрт сурада келган. Улар: 1. Аъроф; 2. Наҳл; 3. Раъд; 4. Исро; 5. Марям; 6. Ҳаж; 7. Фурқон; 8. Нашл; 9. Алиф, лом, мим, сажда; 10. Сод; 11. Ҳа; мим, сажда; 12. Аннажм; 13. Иншиқоқ; 14. Алак суралардир;



-  С: **Имом сажда оятини ўқиса, қавмларга ҳам сажда қилиш вожиб бўладими?**  
Ж: Имом сажда қилса, албатта қавми ҳам саждага қўшилади.
- С: **Сажда оятини бир неча бор тақрорласа, бир бор сажда кифоя қиладими?**  
Ж: Бир сажда оятини бир жойда бир неча марта ўқиса, бир сажда кифоя қилади. Аммо бир неча жойда ўқиса, неча жойга жилган бўлса, ўқилган сажда оятларининг сонига қараб сажда қилиш вожиб бўлади.
- С: **Тиловат саждаси қай услубда қилинади?**  
Ж: Қўлини кўттармай такбир айтади. Бир бор сажда қилади. Яна такбир айтиб бошини саждадан кўтаради. «Аттаҳият» ва салом ўқилмайди.

### **Бемор намози**

- С: **Намозини тик туриб ўқишга ожизлик қилган bemor намозини қандай ўқийди?**  
Ж: Ўтириб ўқийди, рукуъ, сажда қилади.
- С: **Рукуъ, сажда қилолмаса-чи?**  
Ж: Имо-ишора билан рукуъ-сажда қилади. Саждани рукуъдан пастроқ қилади. Сажда қилиш учун пешонага бирон нарсани кўтариб қўймайди.
- С: **Бемор ўтиришга ярамасачи?**  
Ж: Оёқларини қиблага узатиб, осмонга қараб ётади. Боши остига бирон нарса қўйиб кўтарилади ва юзи қибла тарафга қаратилади.



Мана шундай қилиб чалқанча ётган ҳолда рукуъ ва саждани имо-ишора билан намозини ўқийди.

Юзини қиблага қилиб, ёнбошлаб ётган ҳолда имо билан рукуъ – сажда қилса ҳам бўлади. Фақат боши билан имо-ишора қиласди. Кўз-қоплари билан эмас.

Аммо боши билан ҳам ишора қилиб ўқишига кучи етмаса, тузалгунча намоз соқит бўлади. ўқимаса гуноҳкор бўлмайди *Воллоху Аълам*.

**C: Бемор тик туришга қодир бўлмаса-ю аммо рукуъ-саждага қодир бўлса қандай ҳолатда намоз ўқийди?**

**Ж:** Бундай ҳолатда ўтириб, имо билан ўқиса ҳам жоиз.

**C: Намоз ўқиётган киши касал бўлиб қолса, намозини қандай тугаллайди?**

**Ж:** Ўтириб рукуъ-саждага билан тугаллайди. Рукуъ саждага қодир бўлмаса, имо билан тугаллайди. ўтиришга ҳам қодир бўлмаса, чалқанча ётиб имо билан тугаллайди.

**Фойда:** Касаллик туфайли ўтириб намоз бошлаган киши намоз асносида тузалиб тик туришга қуввати етса, намозини туриб давом эттиради. Бошқаттдан ўқимайди.

**C: Намозини имо билан ўқиётган bemor тузалиб рукуъ ва саждага - қуввати етишини сезса, намозини тик туриб давом эттирадими?**



Ж: Йўқ, намозини бошидан бошқа ўқийди.

С: **Беҳушлиги сабабли намозини ўтказган киши нима қилади?**

Ж: Беҳушлик билан беш ё ундан оз намозни ўтказган киши қазосини ўқийди. Агар беш вақтдан ортиқ ўтказган бўлса, қазосини ўқимайди.

### **Мусоғир намози**

С: **Мусоғир ҳукмлари қандай?**

Ж: Пиёда ёки туя билан уч кунда стиладиган сафарни қасд қилиб, ўз қишлоғи ёки шаҳаридан чиқсан киши мусоғирдир. Мусоғир киши тўрт ракатли фарз намозларининг икки ракатини ўқийди, қолган икки, уч ракатли фарз ва суннатларни бутун қилиб ўқийди.

С: **Мусоғир тўрт ракатли фарз намозни қисқа қилмай тўрт ракат ўқиб қўйса нима бўлади?**

Ж: Икки ракатдан ошиғи макруҳдир. Аммо икки ракатдан кейинги учинчи, тўртинчи ракатини ўқиган бўлса, намози жоиз. Икки ракати нафл бўлади. Агар тўрт ракат фарзни тўлиқ ўқиб ўртадаги «Аттаҳият»миқдорича ўтирмаған бўлса, намози қабул эмас. Намозини бошқа ўқийди.

С: **Мусоғир қандай ҳолларда намозини тўлиқ ўқийди?**

Ж: Ўз вақтида ўқилаётган намозда мусоғир муқим кишига иқтидо қилганда ва мусоғир борган



жойида ўн беш кун туришни ният қилса, намозини түлиқ ўқийди.

**С: Ўн беш кундан кам туришни ният қилса нима бўлади?**

**Ж:** Қаср қилади, тўлиқ ўқимайди.

**С: Мусофир бир шаҳар ёки қишлоқда турса, ўн беш кун туришни ният қилмаса, аммо қанча туриши ноаниқ бўлса нима қилади?**

**Ж:** Қаср ўқийди, йиллар давомида турса ҳам.

**С: Душман ерига кирган Ислом лашкари ўн беш кун туришни ният қилсалар намозларини тўлиқ ўқийдиларми?**

**Ж:** Йўқ, қаср ўқийдилар. Ниятлари эътиборсиздир.

**С: Мусофир имом бўлса, иқтидо қилганлар муқим бўлса нима қиладилар?**

**Ж:** Намозларини тўлиқ ўқийдилар. Имом икки ракат ўқиб салом бериб:

“Мен мусофиран, намозларингни тўлиқ ўқиб олинглар”, деганидан кейин ўринларидан туриб қолганини ўқийдилар.

**С: Мусофир Макка ва Минода ўн беш кун туришни ният қилса, мусофир бўладими, муқим бўладими?**

**Ж:** Мусофир бўлади. Чунки муқим бўлиши учун фақат бир шаҳарда туришни ният қилиши керак.

**С: Мусофир сафардан юртига келса, ўн беш кун туришни ният қиладими?**





- Ж: Мусофир ўз ватанига кириши билан муқимга айланади. Ният шарт эмас.
- С: **Одам ўзи туғилиб ўсган, яшаган юртидан бошқа юртга күчиб кетса, сўнг аввалги туғилиб ўсган юртига келса, намозини қаср қиласми?**
- Ж: Кейинги ватани аввалгисидан сафар масофасичалик узоқликда бўлса, қаср ўқийди. Зоро, Пайғамбар аллайҳиссалом Маккан Мукаррамадан Мадинага кўчиб ўтдилар. Сўнг, Маккага қайтиб келганларида қаср ўқидилар.
- С: **Мусофир киши сафарда намоз вақтини қазо килса, сўнг, ўз юртига кирса ёки аксинча муқим киши намоз вақтини қазо килса, сўнг сафарга чиқиб кетса ўша ерда ўтказган намозини адo қилмоқчи бўлса, нима қиласми?**
- Ж: Бу ҳолатларда мусофир юртида ўтказган намозини тўлиқ қазо қиласми. Яъни, тўрт ракат ўқийди. Муқим эса сафарда ўтказиб юборган намозининг қазосини қаср ўқийди.
- Фойда:** Сафардаги рухсатлар осий, яъни сафаридан бирон гуноҳни мақсад қилган кишилар учун ҳам, тўғри кишилар учун ҳам баробардир. Яъни намозини қаср қиласмилар.
- С: **Сайёра (автомобил) ва тайёраларда (самолёт) сафар қилган мусофиirlар ҳам қаср ўқийдиларми?**





**Ж:** Машинадан тушиб намозини қаср қилиб ўқийди. Самалётни ичидә ҳам намозни қаср қилиб ўқиши жоиз.

**С:** **Мусофир учун икки намозни жамлаб ўқиши жоизми?**

**Ж:** Аслида Арофат майдонида пешинни вақтида асрни жамлаб ва Муздалифада эса ҳуфтонни вақтида шомни жамлаб ўқиши вожибдир. **Аллоҳ таоло Қуръонида: албатта мүминларга намозни Аллоҳ томонидан ўз вақтида ўқимоқлик фарз қилинди**, деди. Шу оятга биноан намозни ўз вақтида ўқиши фарз бўлди, лекин сафарда намозни ёлғиз ўқишини иложи бўлмаса пешинни кечиктириб охирги вақтида ва асрни эса аввалги вақтида, ҳуфтонни эса аввалги вақтида жамлаб ўқиши жоиз. Акс ҳолда, яъни пешинни вақтида асрни жамлаб, шомни вақтида ҳуфтонни жамлаб ўқиши жоиз эмас.

### **Жумъа намози**


**С:** **Жумъа намозининг хукми?**

**Ж:** Жумъа намози ҳар бир балоғат ёшига етган, ақлли, озод, соғлом, кўзи очиқ ва муқим эркак кишига фарзи айнdir.

**С:** **Жумъани фарз қилувчи шартлар қайсилар?**

**Ж:** 1. Шаҳар бўлиши ёки шаҳар қарамоғидаги номозгоҳ бўлиши шарт. Аҳолиси тўпланса бир масjid тўлмайдиган даражадаги кичик қишлоқларда Жумъа ўқиши жоиз эмас.





2. Жумъани султон ёки султон тарафидан қўйилган маъмур шахс ёки мусулмонлар иттифоқи билан сайланган имом ўқиб бериши керак.

3. Пешин вақти бўлиши. (Пешиндан аввал ҳам, кейин ҳам Жумъа ўқиш мумкин эмас).

4. Хутба ўқиш. (Камида «Субаханаллоҳ» дейиш);

5. Камида имомдан ташқари уч киши бўлиши;

**Фойда:** Мусоғирга, аёл кишига, беморга, кўзи ожиз кишига Жумъа вожиб эмас. Агар ўқисалар, фарзлари адо топади. (Аёл кишидан ташқарилари.) Имом бўлиб Жумъа ўқиб, берсалар ҳам жоиз.

**С:** **Жумъа шартлари мавжуд бўлган киши  
Жумъа ўқиёлмаса нима қиласди?**

**Ж:** Қаттиқ гуноҳкор бўлади, аммо ўқиган пешини жоиздир.

**С:** **Узрсиз киши Жумъа куни Жумъа  
намозидан илгари пешин ўқиши жоизми?**

**Ж:** Бу ҳаром, аммо фарзи адо топади.

**С:** **Пешин ўқиган киши Жумъа томон йўл  
олса ва имом билан Жумъа ўқиса нима  
бўлади?**

**Ж:** Имоми Аъзам наздларида пешин ўқиган киши Жумъа томон юзланиши билан ўқиган пешини бекор бўлади. Шогирдлари эса имом билан Жумъага кирмагунча пешини бекор бўлмайди дедилар.





**Фойда:** Узрлик кишилар, маҳбуслар Жумъа куни пешинни жамоат бўлиб ўқимайдилар, бу макруҳдир. Балки танҳо-танҳо ўқийдилар.

**С:** **Жумъанинг бир ракатига етган киши нима қиласиди?**

**Ж:** Имомдан кейин ўзи бир ракатини ўқиб тугатади.

**С:** **Жумъани “Аттаҳияти”да ёки саждаи саҳвида топса нима қиласиди?**

**Ж:** Жумъани ўқиб тугатганидан кейин қолганини ўқийди.

**С:** **Жумъага аzon айтилгандан сўнг савдогарлар савдосини нима қиласиди?**

**Ж:** Оллоҳ таолонинг : “Жумъа қуни намозга аzon айтилса, Оллоҳнинг зикрига шошилингиз! Савдони тўхтатингиз!” деган амрига итоат этиб, савдони тўхтатиб, Жумъага шошилиш лозим.

**С:** **Имом мавъизага чиққанда нафл ўқиса ё гаплашса бўладими?**


**Ж:** Имом мавъизага чиққанда нафл намоз ўқиш, гаплашиш тўхтатилади. Мавъизага қулоқ солиш вожиб.

**Фойда:** Кўпчилик намозхонлар айнан имом мавъизага чиққанда ва қиём вақтида таҳиёт масжид ўқийдилар. Бу катта хатодир.

**С:** **Жумъада неча марта аzon айтилади?**



**Ж:** Икки марта аzon айтилади.



1. Қуёш қиёмдан оққанда, одамлар жумъага юзланадилар, ишларини ташлаб, Оллоҳни зикр қилишга шошиладилар.

2. Имом минбарга чиқиб ўтиргач, имом олдида аzon айтилади. Имом икки хутба ўқийди. Имом хутбани тугатгандан кейин фарзга такбир айтилади.

**С: Суннатга мувофиқ хутба қандай?**

**Ж:** Имом таҳоратли ҳолда тик туриб икки хутба ўқийди ва ўртасида бироз ўтиради.

**С: Имом Жумъа қироатини қандай ўқийди?**

**Ж:** Қироатни жаҳрий қилиб ўқийди.

**Фойда:** Имом ўқиётган хутбани эшигтанлар ҳам, эшигмаганлар ҳам жим турадилар, чунки қулоқ солиб жим туриш вожибдир.

### **Икки ийд намози**


**С: Икки ҳайит намозининг ҳукми қандай?**

**Ж:** Ҳар бир Жумъа вожиб бўлган кишига ҳайит намозини ўқиш ҳам вожибдир.

**С: Ҳайит намозларининг аввалги ва охирги вақтлари қачондан ҳисоб бўлади?**

**Ж:** Аслида, ҳайит намозларнинг аввалги вақти-кун найза бўйи кўтарилигандан заволгача. Аммо қурбонлик сўйиш эътибори билан қурбон ҳайит намозини эртароқ ўқиш мустаҳаб-яхшидир. Рамазон ҳайит намозини кечроқ ўқиш мустаҳаб.

**С: Икки ҳайит-байрам кунларида қандай амаллар суннатдир?**






Ж: Бу кунларда мисвак килиш, фул қилиш, хушбүй нарсалар суркаш янги кийимлар кийиш суннатдир. Рамазон ҳайити кунларида бомдод намозидан сўнг тоқ саноқда хурмо ейиш ёки бирон ширинликдан татиб қўйиш, ҳайит намозини ўқип учун намозгоҳга чиққунча фитр рўзасини бериш суннатдир. қурбон ҳайит куни эса ҳайит намозини ўқигунча ҳеч нарса татимаслик, намоздан сўнг қурбонлик сўймоқлик ва ундан ўзи ҳам әмоқлик суюкли – суннатдир.

**Фойда:** Икки ҳайит куни намозгоҳга кетаётиб йўлда ошкора такбир айтилади. Намозгоҳга кетаётиб бир йўлдан бориб, қайтишда бошқа йўлдан келиши ҳам суннатдир. ҳайит намозидан олдин ҳам, кейин ҳам нафл намозлар ўқилмайди.

С: **Ҳайит намозларининг ўқилиш тартиби қандай?**

Ж: Аслида, имом одамлар билан шаҳардан ташқарига (махсус) намозгоҳга чиқиб ўқишилари керак. Намозни имом одамлар билан икки ракат ўқииди, яъни аввал намозга кириш учун такбир айтади. Сўнгра сано ўқииди, изидан уч марта такбир айтади, ҳар бир такбир айтганда қўлини кўтариб, қулоғининг юмшоғига етказади ва такбирлар орасида қўлини туширади, учинчи такбирдан сўнг қўлини боғлаб киндиги тагига





қўяди. Сўнг махфий “Аъузу, бисмиллаҳ”ни айтади, кейин жаҳрий қилиб сураи “Фотиҳа”ни ўқиди, “Зам” сура қилади, сўнг рукуъ саждалар қилиб, бу ракатни тугатади. Иккинчи ракатнинг “Фотиҳа” ва “Зам” сурасидан кейин қўлларини кўтариб, уч марта жаҳрий такбир айтади. Кейин рукуъ учун такбир айтади, лекин қўлини кўтармайди. Бу ракатни ҳам шу ҳолатда тамомлайди, ”Аттаҳият”дан кейин саловотлар ўқиб намозини тугатади.

**Фойда:** Муқтадий ҳам имомга эргашувчилар билан барча амалиётда имомга эргашади. Аммо “Аъузу, бисмиллаҳ” айтмайди, қироат ҳам қилмайдилар, такбирларни ичидаги айтадилар.

**C: Икки ийд намозида хутба борми?**

Ж: Икки ийд намозида ҳам хутба бор. Бу хутба суннатdir. Имом хутбага чиқиб ҳайит аҳкомларидан таълим беради, қурбонлик масалаларини ва такбири ташриқни эслатади. Рамазон ҳайити хутбасида эса фитр садақасининг ҳукмларини баён қилади.

**C: Икки ийд хутбасининг ҳукми қандай?**

Ж: Ҳукми суннатdir намоздан кейин ўқилади.

**C: Намозхонларнинг хутбани тинглашларининг ҳукми қандай?**

Ж: Намозхонлар учун Жумъа намози хутбасини ҳам, ҳайит намози хутбасини ҳам жим туриб тинглашлари вожибdir.





**С:** **Ҳайит намозидан кеч қолиб, ўқиёлмаган киши нима қилади?**

**Ж:** Қазосини ўқимайды, аммо узрсиз ҳайит намозни ўқимаса, гуноҳкор бўлади.

**С:** **Янги ой пешиндан кейин кўринса, ҳайит намози қачон ўқилади?**

**Ж:** Эртаси куни ўқилади.

**С:** **Эртаси куни ўқиш имкони бўлмай қолса нима қилади?**

**Ж:** Эртаси куни, яъни иккинчи куни ҳам ўқиш имкони бўлмаса, рамазон ҳайит намозини ўқимайди. Аммо қурбон ҳайит намозини учинчи куни ҳам ўқиса бўлади.

**С:** **Такбири ташриқ нима?**

**Ж:** Қурбон ҳайитининг арафа куни бомдоддан бошлаб, тўртинчи ҳайит куни асргача, ҳар бир фарз намозидан сўнг айтиладиган ушбу жумлалардир: “Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар. Ла Илаҳа Иллаллоҳу – валлоҳу Акбар. Аллоҳу Акбар ва лиллаҳил ҳамд”.

**Фойда:** Такбири ташриқни имом ҳам намозхонлар ҳам ошкора айтадилар. Аёллар ичларида айтадилар. Имом такбир айтишни унутса, намозхонлар эслатишлари лозим.

**С:** **Ушбу такбири ташриқнинг ҳукми қандай?**

**Ж:** Беш вақт намозни ва жумъани ўқиган ҳар бир киши учун вожибdir. Такбирни фарз намозидан сўнг салом бериб чиқиши билан дарҳол айтадилар.





## Хусуф-кусуф (қүёш, ой тутилиши) намози

С: **Қүёш тутилганда мусулмон киши нима қилиши лозим ?**

Ж: Қүёш тутилиш ҳодисаси содир бўлганда имом одамларни тўплаб икки ракат нафл (жаҳрий қилиб) намоз ўқийди. “Зам” сураси узун бўлиши лозим. қүёш очилгунча Оллоҳга дуо қилиб турадилар. Намозни жумъя намозининг имоми ўқиб бериши керак. Имом бўлмаса, одамлар ёлғиз-ёлғиз ўқийдилар. Бу намозда хутба ўқилмайди.

С: **Ой тутилганда нима қилинади?**

Ж: Ёлғиз-ёлғиз нафл намоз ўқилади.

**Фойда:** Жаноби Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам «Албатта, қуёш билан ой Оллоҳ таолонинг аломатларидан икки аломатдир. Улар бирон кишининг вафоти ёки дунёга келиши сабабли тутилмайди. қачонки, ушбу ҳодисанинг гувоҳи бўлсаларингиз, Оллоҳга илтижо қилингиз, намоз ўқингиз ва садаҳа қилингиз!» дедилар (Бухорий ривояти).

## Истисқо намози

С: **Истисқонинг маъноси нима?**

Ж: Юртда қахатчилик содир бўлганда, Оллоҳдан ёмғир сўрашдир.

С: **Ёмғир сўраш учун нималар қилинади?**





Ж: Нафл намоз ўқилади. Аммо, ўқиш вожиб эмас. Агар қаҳатчиликка учраган халқ гуноҳларини авф этилишини сўраб, истифор айтиб ва юртларини ёмғирга сероб қилишини сўраб дуо қилиш билан чеклансалар ҳам жоиз. Зоро, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳо ёмғир сўраб ҳам намоз ўқиганлар, гоҳо Жумъа кунлари минбарда туриб, ёмғир сўраб дуо қилиш билан кифояланганлар.

### **Рамазон ойи кечаларини бедор ўтказмоқлик**


С: **Таровеҳ намозининг фазилати қандай?**

Ж: Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳадисларининг бирида шундай дейдилар: “Ким Рамазон ойи рўзасини иймон билан, савоб умид қилиб тутса, муқаддам қилган гуноҳлари кечирилади. Ким Рамазон ойи кечаларини иймон билан, савоб умидида ибодат қилиб бедор ўтказса, муқаддам ўтган гуноҳлари авф этилади» (Бухорий ва Муслим ривояти). Ушбу ҳадисдан Рамазон ойи кечаларида ихлос билан қилинган ибодатлар ва ўқилган намозларнинг бошқа ойларда ўқилган намозларга нисбатан зиёда фазилатларга эга эканлиги аён бўлади.

С: **Таровеҳ намозини ўқиш тартиби қандай?**

Ж: Имом одамлар билан ҳуфтоннинг фарзи ва сугннатини ўқиб кейин йигирма ракат суннат





намоз ўқийдилар. ҳар икки ракатда салом беріб, бешга бўлиб ўқийди, яъни ҳар тўрт ракат намоздан сўнг ўша намоз миқдорича дам беради. Зеро, Таровеҳ—дам бермоқ деганидир. Таровеҳ орасида тасбеҳ—таҳлиллар айтилиши яхшидир.

**С: Таровеҳ намозини ўқиш аёлларга ҳам суннатми?**

**Ж:** Рамазон ойи кечаларида йигирма ракат таровеҳ намозини ўқиш эркагу- аёлларга суннатдир. Эркаклар таровеҳ намозини масжидда жамоат бўлиб ўқийдилар. Аммо аёллар уйларида ўқигани яхшироқдир.

**Фойда:** Рамазон ойида имом витрни ҳам таровеҳдан кейин жамоат билан ўқийди. қироатларини жаҳрий қиласи, қунут дуосини маҳфий ўқийди. Витр намози рамазондан бошқа вақтда маҳфий, ёлғиз ҳолатда ўқилади.

### Каъба ичида намоз

**С: Оллоҳ таоло Каъба-Байтул ҳаромни мусулмонларга қибла қилди. ўша Каъбанинг ичида намоз ўқиш жоизми?**

**Ж:** Каъбанинг ичида барча намозларни ўқиш жоиз.

**С: Каъбанинг устида намоз ўқиса бўладими?**

**Ж:** Аслида жоиз. Аммо тарки ҳурмат қилгани сабабли макруҳдир.





## Жаноза

### С. Жаноза ўқиши тартиби?

Ж: Жаноза ўқигувчи имом майитнинг кўкраги баробарида туради. Одамлар имомнинг орқасида ози уч саф бўлиб турадилар. Биринчи имом жаҳрий, кейин одамлар махфий такбир айтадилар, сўнг қўлларини боғлаб Оллоҳга ҳамду сано айтадилар. Агар хоҳласалар “Субаҳанакаллоҳумма”ни охиригача ўқийдилар сўнг, иккинчи такбирни айтиб изидан “Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва ала али Муҳаммад. Кам соллайта ала Иброҳима ва ала али Иброҳим, иннака ҳамидум мажид. Аллоҳумма борик ала Муҳаммадин ва ала али Муҳаммад. Кама боракта ала Иброҳима ва ала али Иброҳим, иннака ҳамийдум мажид.” Пайғамбаримизга саловот айтадилар. Кейин, учинчи такбирни айтиб, майитга ва бошқа мусулмонлар ҳақига дуо қиласадилар. Аллоҳуммағfir лиҳаййна ва майитина ва шоҳидина ва foибина ва сафирина ва кабирина ва закирина ва унсанна. Аллоҳумман аҳиятаҳу минна фа-аҳийхи алал ислам, Аллоҳумман таваффайтаҳу минна фатаваффаҳу алал-ийман ва алҳиқнаа биссолиҳийн. Ва иннака эҳсануҳу фазид эҳсонуҳо ва инкана маъсиятуҳу фаъфу анҳо. Кейин тўртинчи такбирни айтиб салом





берадилар. Биринчи такбирни айтганда қўллар кўтарилади, қолганларида кўтариilmайди.

**C: Ёш болага жаноза ўқилганда қандай дуо қилинади?**

**Ж:** Унинг ҳаққига дуо қилинганда ўғил болага: “Аллоҳумма ижъалҳу лана фаратан ва ажран ва зуҳран ва шафиан ва мушафиан” агар қиз бола бўлса “Аллоҳумма ижалҳо лана фаратан ва ажран ва зуҳран ва шафиатан ва мушафиатан” деб дуо қилинади.

**Фойда:** Жаноза намозига жамоатни иложи бўлмаса бир эркак ёки бир аёл ўқиса ҳам жоиз, қолганлардан соқит бўлади.

**C: Жаноза намози шартлари ва фарзлари қайсилар?**

**Ж:** Жаноза намозини ўқиш учун намозхон жунубликдан, бетаҳоратликдан пок бўлиши, кийими ҳамда намоз ўқиш жойи пок бўлиши ва майитни ҳам поклаб одамлар олдига қўйилиши шарт. Жаноза намозида иккита фарз бор: қиём ва тўрт такбир, қолган ишлар суннатдир.

**C: Намоз ўқиладиган масжидларда жаноза ўқиш жоизми?**

**Ж:** Масжиднинг ичига майитни қўйиб жаноза ўқиш макруҳ. Зеро, жаноби Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи вассалам майитни масжиднинг ташқарисига қўйдириб, жанозани масжиднинг ташқарисида ўқир эдилар.





**С: Жаноза намозига имом бўлишга ким хақлироқ ?**

**Ж:** Агар ҳозир бўлса султон. ҳозир бўлмаса, маҳаллий имом, сўнг майит эгаси.

**С: Агар жанозани султон ёки майит эгасидан бошқа одам ўқиса, майит эгасининг жанозани қайтариб ўқиши жоизми?**

**Ж:** Ҳа, жоиз.

**С: Агар жанозани майит эгаси ўқиган бўлса, одамлар қайтариб ўқиши жоизми?**

**Ж:** Йўқ, ўқиш жоиз эмас.

**С: Жаноза ўқилмай кўмилган бўлса нима қилмоқ керак?**

**Ж:** Уч кунгача ўқиш мумкин, сўнг ўқилмайди.

### **Майитни ювиш**


**С: Жон беришга яқинлаб қолган кишига нима ёрдам қилинади?**

**Ж:** Ўлимга ҳозир бўлган кишини ўнг томони билан юзини қиблага қаратиб қўйилади ва шаҳодат калимасини секин – аста айтиб, эслатиб турилади. Аммо шаҳодат калимасини айт дейилмайди. Агар ўлса, жафи боғланади, кўзи юмилади. Аёлларнинг ҳукми ҳам шундайдир.

**С: Майит қандай ювилади?**

**Ж:** Майитни ювиш учун сўрига счинтириб ётқизилади. Сўрига хушбўй нарса сепилади ва авратига латта тўсилади. Оғиз–бурнини ювмасдан нам латта билан ҳўллаб таҳорат





қилдирилади. Бошини ва сочини хитмий деган ҳушбўй ўсимлик билан ювилади. Сўнг чап ёни билан ёнбошлатиб ўнг томонига сув етгунча ювилади. Кейин ўнг томонига ёнбошлатиб, чап томонига сув етгунча ювилади. Кейин тахта-сўрига озроқ ўтқазиб, юувучи ўзига суяб туриб қорнини енгилгина силайди. Бирон нарса чиқса, ўша жой ювилади. Лекин қайта ювинтирилмайди. Сўнг чап томонига ёнбошлатиб иложи бўлса кофур ҳушбўйлик аралаштирилган сув билан ювилади. Шу билан ювиш уч мартада тамом бўлади.

**С: Сувдан бошқа нарса ҳам ишлатса бўладими?**

**Ж:** Агар имкони бўлса сидр ва харз номли дарахт ва ўсимлик аралаштирилган сувда ювилади. Яна совунда ювса ҳам жоиз.

### **Кафанлаш**

**Эркак кишининг суннатга мувофиқ кафани учтадир:**

Изор, лифофа ва қўйлак. Танқислиқдаги кафан изор билан лифофа бўлиши жоиз. Кафанликка оқ янги мато топилмаган пайтда, топилган нарса билан кафанланади. Имкониятлар муҳайё бўлган пайтларда бир дона кафан билан ўраб қўявериш макруҳdir.

2-Изор бошидан оёғигача бўлиб измасиз, чўнтак ва сенгиз, лифофа ҳам айнан шундай, лескин одамни





бошидан бир қарич оёғидан ҳам бир қарич узун қилинади. Кўйлак эса—бўйиндан қадамгача бўлади. Кафандаш тартиби: аввало кафандар хушбўй қилинади. Бу тоқ бўлиши керак. Сўнг лифофани ёзиб, унинг устидан изорини ёзилади. Кейин майитни изорнинг устига ётқизилади. Кафандар хўл бўлмаслиги учун майитни артилади. Бошига ва соқолига, сажда қиласидаги аъзоларига: пешонаси, бурни, икки кафти, икки тиззаси ва оёқ панжаларига хушбўй нарса суртилади. Биринчи қамис - кўйлак кийинтирилади. Яъни, қамиснинг ярми изор устига ёзилади. Иккимчи ярми бош томонга ўралади. Ундан кейин майитни изор билан ўралади. Чап томондан бошлаб, сўнг ўнг томондан ўралади. Лифофа билан ҳам айнан шу тарзда ўралади. 4. Кафанинг ёзилиб кетишидан қўрқилса икки томондан бирор нарса билан боғлаб қўйилади. Аёл кишининг суннатга мувофиқ кафани: диръ, изор, химор, лифофа ва бир латта билан кўкраги маҳкамлаб, тортиб қўйилади. Кафандарни тўшалиши эркаклар кафанидек бўлади. Майитни кафандага ётқизилгандан сўнг сочини икки ўрим қилиб кўкраги устига қўйилади. Кафанданиб бўлгач, кафанди икки тарафидан тугуб қўйилади.

**Фойда:** Майитнинг сочи таралмайди, тирноқлари олинмайди, сочини қисқартирилмайди.



**Фойда:** Чақалоқ туғилиб, йиглаб сўнг ўлса ёки ҳаётнинг бошқа аломатлари зоҳир бўлса, ювилади, кафанданади, жаноза ўқилади ва исм



қўйилади, аммо туғилганда ҳаёт нишоналари билинмаса, жаноза ўқилмайди. Балки, бир латтага ўраб қўмилади, холос.

### **Майитни кўтариш ва кўмиш**

**С: Майитни қандай кўтарилади?**

Ж: Тобутнинг тўрт сопидан ушлаб кўтарадилар. Тезроқ юрилади. Аммо лўкиллатмасдан юрадилар. Кўтарувчи киши аввал олдинги ўнг сопини, ўнг елкасига қўяди. Сўнг орқангига ўнг томонни ўнг елкасига қўяди. Кейин олдинги чап сопини чап елкасига, кейин орқангиги чап сопини чап елкасига қўяди.

**Фойда:** қабрни ярим одам бўйи ёки кўкрак баробарида ковланади, сўнг яна ичидан лаҳад ковланади. Мана шу ҳолат афзал, аммо ер зах, юмшоқ бўлса ёрма қилинади.

**С: Майит қабрга қай тарзда қўйилади?**

Ж: Қибла томондан қўйилади. қўяётган одам: «Бисмиллаҳ, ва ала миллати Расулуллоҳ соллоҳу алайхи васаллам» дейди. Ўнг томони билан юзини қиблага моил қилиб қўйилади, яъни ёнбошлатгандек. Кафан тугунлари очилади. Лаҳад оғзига хом фишт терилади. Сўнг тупроқ тортилади.

**С: Қабр оғзига пишиқ фишт, ёғоч, қамиш ишлатилса бўладими?**

Ж: Пишиқ фишт билан ёғоч макруҳ, қамишнинг зарари йўқ.





**Фойда:** қабрга тупроқ түлдирилгандан сўнг, усти ердан бир қаричлар миқдорича кўтариб, чўққи қилиб қўйилади.

**Фойда:** қабр устини бўр ёки цемент билан шувоқ қилиш ва қабр атрофини темир ёки ёғоч панжаралар билан ўраш, қабр устига мармартош ётқизиб у тошга номларини, туғилган ва вафот қилган йилларини ёздириш Расулуллоҳ қайтарган амаллардандир. ҳозирги кунда афсус-надомат қиласидиган ишларимиздан бири мусулмонларнинг қабристони файри динларнинг қабристонига ўхшаб қолди. Чунки, мусулмонларнинг қабрларига ҳам марҳумнинг сурати ва ҳайкали ўрнатила бошланди. Расулуллоҳ бу хусусида: “Эй асҳобларим мусулмонларнинг қабристони яхудий ва насронийларнинг ибодатхонасиغا ва каноисига ўхшаб қолмасин”, - деганлар.

Бу ҳадисга қачон амал қиласиз? Баъзи қабристондан ўтиб қолсак, эгаси йўқ вайронага айланган фиштдан солинган қаср биноларни кўрамиз. Бу ишларимиз исроф эмасми? Суюкли Пайғамбаримиз: *«Тириклар фойдаланадиган нарсаларни ва буюмларни ўликлар қабрига ишилатманглар»*, - деб марҳамат қиласидилар.

## Шаҳидлар ҳукми


С: Шаҳидлар ҳукми қандай?





Ж: Бир мусулмон киши кофирлар тарафидан қатл этилса ёки жанг майдонида жароҳатланган ва шу жароҳат таъсирида вафот этган ҳолда топилса ёки уни бошқа бир мусулмон зулман қатл этиб, ушбу қатл учун хун тўламаган бўлса, ушбу ҳолатларнинг ҳаммасида кафанданади ва жаноза ўқилади, аммо, ювилмайди. Шуларга шаҳид аъло дейилади, қолган шаҳидларни ювилади ва уларни шаҳид адно дейилади.

Оллоҳни Тавфиқи ва Хидояти сабабли маржимамизни биринчи қисми ниҳоясига етди ва иккинчи қисмининг таржимаси бошланди.





## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ. II - қисм ЗАКОТ

**Закот маъноси ва ҳукми**

**С: Закотнинг шаръий ва луғавий маънолари қандай?**

Ж: Закотнинг луғавий маъноси-поклаш ва ўстиришдир. Шариатда: муайян нисоб даражасидаги мулкка эга-бўлган киши, ўзининг мулкидан шариат белгилаган миқдорини мусулмон, фақирларга бериб улардан эвазига манфаат талаб қиласдан Оллоҳ учун беришдир.

**С: Исломда закотнинг ҳукми қандай?**

Ж: Закот Исломда Оллоҳнинг фарзларидан бири бўлиб, Исломнинг асосий беш рукнининг учинчисидир. Оллоҳ таоло ўз Китобида: “Намозни тўқис адo қилинглар ва закот беринглар”, деб амр қилди, закотнинг фарзлигини инкор этган киши диндан чиқиб кофир бўлиб қолади.

**Закот кимларга вожиб**

**С: Закот кимларга вожиб бўлади?**



Ж: Закот, мусулмон, озод, балоғат ёшига етган, ақли расо, моли нисобга етган ва молининг нисобга етганига бир йил тўлган кишига фарз бўлади.

С: **Комил нисоб қандай?**

Ж: Комил нисоб: кумушдан 200 танга, тиллодан 20 мисқол, муомаладаги пулдан олтин ёки кумуш нисоби миқдоричалик пул ёки иккаласидан бирининг қийматига етадиган тижорат моллари—комил нисоблардир.

С: **Қарзи бор кишининг моли нисобга етса закот фарз бўладими?**

Ж: Молининг қарзидан ошгани нисобга етса, закот вожиб бўлади.

С: **Савдодаги молига закот берадими?**

Ж: Савдодаги молининг миқдори олтин ёки кумуш нисобининг миқдорига етса, ундан закот беради.

**Фойда:** Молининг нисобга етганига бир йил тўлса, кейин закот беради. Муддат, ой ҳисоби билан ҳисобланиши лозим, кун ҳисоб билан эмас.

С: **Ҳожати аслий нарсаларга закот вожибми?**

Ж: Ҳожати аслий нарсаларга, яъни уй-жой, кийим-бош, уй анжомлари, миниладиган уловлар, хизматкорлар хамда асбоб-ускуналарга закот вожиб эмас.

**Фойда:** Мазкур нарсалар сотиш учун сақланаётган бўлса, албатта закот вожиб бўлади.

**Фойда:** Закотга чиқарилган нарсанинг қийматини берса ҳам закоти жоиз бўлади.



**Фойда:** Закот вожиб бўлган кишининг мулкига талофот етса, қолган мулки закотнинг нисобига етмаса, закот бермайди. Агар, етса, етганига беради.

**Олтин, кумуш ва савдо молларининг закоти**  
**С: Қанча миқдор олтинга қанча закот беради?**

Ж: Бир киши йигирма мисқол (85 гр.) тиллога эга бўлса ва шу тилло қўлида бир йил турса. Ушбу тиллонинг қирқдан бирини бериш вожиб бўлади.

**С: Қанча миқдор кумушга қанча закот беради?**  
Ж: 200 танга кумуш бўлса, эгасини қўлида бир йил тўла турса. Ушбу тангаларнинг қирқдан бирини беради. 625 гр. кумуш 200 танга бўлади. Беш тангасини закот қилиб бериш вожиб бўлади. 200 тангага 40 танга қўшилса бир танга қўшиб 6 танга қилиб закот беради.


**С: Олтин-кумушдан ясалган зеб-зийнат ва идиш-товоқларга закот вожибми?**

Ж: Тилло-кумушдан ясалган зеб-зийнат, тақинчоқлар, идиш-товоқлар ва қуйиб қўйилган қуймаларга, агар унинг вазни нисобга стиб, қўлида бир йил айланса, закот вожиб бўлади.

**С: Олтин ёки кумушга бошқа металл аралашган бўлса, ундан қандай закот берилади?**



Ж: Аралашган нарсаларнинг қайсииниси фолиб бўлса, ўшанинг ҳукми юритилади. Агар



аралашмада тилло кўпини ташкил қиласа; тиллонинг, агар бошқа металл ғолиб бўлса, унинг ҳукми юритилади.

**С: Қоғоз пулларга ҳам закот вожиб бўладими?**

**Ж:** Албатта вожиб бўлади. Агар, унинг қиймати тилло ёки кумуш нисобига етса. Чунки, у муомаладаги тилло-кумушнинг ўрнидадир.

**С: Савдо молларидан қандай закот берилади?**

**Ж:** Савдодаги моллар қиймати олтин ёки кумуш қийматига биноан ҳисобланганда тилло ёки кумуш нисоби миқдорига етса, закот вожиб бўлади. Савдодаги мол қийматини аниқлашда фақирларга манфаатлироқ тилло ёки кумуш нархи қийматига биноан қиймат қўйилади. Яъни, савдо моли тилло қиймати билан ўлчанса, кумушдан кўра фақирларга манфаатлироқ бўлса, тилло қиймати билан ўлчанади. Акс ҳолда кумуш қиймати билан ўлчанади.

**С: Савдо молининг закоти қандай адо этилади?**

**Ж:** Оллоҳ таоло фарз қилган закот миқдорини, яъни, нисобга етган мулкининг қирқдан бирини Қуръони Каримда кўрсатилган закот олишга лойиқ бўлган кишиларнинг бирига бериши нияти билан ёки фарз қилинган миқдорни молидан ажратабётган пайтда, мана бу закотим учун деб, ният қилиши билан адо этилади.





С: **Мулки нисобга етган киши йил давомида яна фойда кўрса, шу фойдадан ҳам закот берадими?**

Ж: Албатта, беради. Яъни, қайси молдан фойда кўрса, фойдани ўша молга қўшиб, ҳисоблаб закот чиқарди.

С: **Йил тўлмасдан илгари закот берса бўладими?**

Ж: Нисобга қодир киши йил тўлмасдан илгари закот берса, закоти жоиз.

С: **Закотга қодир бўлган киши, йилнинг охирига бориб закот берса. Аммо, келгуси йил ўрталарига бориб молига талофат етса, шу одам закот берадими?**

Ж: Яна йил тўлмасдан туриб қайта нисобга етса, закот вожиб бўлади. Закот нисоби йилнинг бошида ва охирида тўла бўлса кифоя. Йил ўртасидаги нуқсон закотни соқит қилмайди.

С: **Бир кишининг бир неча турли савдо моли бор. У одам ўша моли билан савдо қиласди. Аммо молининг умумий қиймати закот нисобига етмайди. Лекин у одамнинг тилло-кумушлари ҳам бор. Шу одамга закот вожиб бўладими?**

Ж: Савдо молининг умумий қийматини тилло-кумушнинг қийматига қўшиб ҳисоблагандан нисобга етса, закот беради.



С: **Бир кишининг 20 мисқолдан озроқ олтини, 200 тангадан озроқ кумуши бўлса, шу одам закот берадими?**



Ж: Олтиннинг қийматини кумушнинг қийматига қўшганда нисобга етса закотини беради. Акс холда, йўқ.

### **Чорва моллар закоти**

С: **Чорва моллар закоти қандай?**

Ж: Йилнинг ярмидан кўпида яйловда ўтлаш билан кифояланувчи чорва ҳайвонларига закот вожиб бўлади. Аммо, йилнинг ярмida ёки ундан кўпроғида эгаси овқатлантирадиган чорва молларга закот вожиб эмас. Шунингдек, уйда ишлатилиб, юк ташиладиган ва уйда боқиладиган ҳайвонларга ҳам закот вожиб эмас. Агар тижорат мақсадида сотиш учун боқса, закот вожиб бўлади.

С: **Туяга қандай закот берилади?**

Ж: Бештадан кам туяга закот берилмайди. Туяниг сони 5 тага етиб, яйловда ўтласа ва орадан бир йил ўтса. Тўққизтага етгунча бир қўй берилади. 10 тадан бошлаб 14 тага етгунча икки қўй берилади. 15 тадан 19 тагача уч қўй. 20 тага етса, тўрт қўй берилади. 25 тага етса, битта икки ёшли туя берилади ва ҳоказо.

С: **Молга қандай закот берилади?**

Ж: 30 тадан кам молга закот берилмайди. 30 тага етса, яйловда ўтласа ва бир йил ўтса. Икки ёшли бир бош бузоқ берилади. 40 тадан 60 тага етгунча 1 дона 3 ёшли мол берилади. 60 тага етганда 2 бош 2 ёшли бузоқ берилади. 70 тага





етса бир бош 2 ёшли ва бир бош 3 ёшли мол берилади. 80 тага етса 2 та уч ёшли мол берилади ва ҳоказо.

**С: Қўйга қандай закот берилади?**

Ж: 40 тага етмаган қўйга закот берилмайди. қўйнинг сони 40 тага етса, йилни ярмидан кўпрофида яйловда ўтласа ва бир йил тўлса, 120 та бўлгунча бир дона қўй берилади. 121 дан 200 га етгунча 2 қўй берилади. 201 бошга етса 3 қўй. 400 га етса 4 қўй. Сўнг, ҳар 100 қўйга бир қўй берилади.

**С: Закот беришда қўй билан эчкининг фарқи борми?**

Ж: Фарқи йўқ. Иккаласининг ҳукми бир.

**С: Отга закот бериладими?**

Ж: От яйловда ўтласа, эркак-урғочиси аралаш юрса ва бир йил ўтган бўлса. Эгаси ҳар бир от учун бир тилло беради. Агар хоҳласа отларни баҳолаб ҳар икки юз тангага беш танга закот беради. Эркак отлар ўзи бўлса, закот берилмайди. Отга закот берилмайди деган ривоят ҳам бор.

**Фойда:** Эшак билан ҳачирдан закот вожиб эмас.

**Фойда:** Туяning сутдан чиққан боласига, сигирнинг сутдан ажраган бузогига, қўйнинг қўзисига закот вожиб эмас. Агар катталари билан аралаш бўлса закот берилади. Аммо, Имом Абу Юсуф ушбу ёш ҳайвонларнинг ўзидан закот берилади, агар нисобга етса, дейди.





## Экинлар ва мевалар закоти

С: **Экинлар ва меваларга закот бериладими?**

Ж: Закот берилади. Закот экинни суғорган сувнинг ҳукмига қараб, ёки ҳосилнинг ўндан бири, ёки йигирмадан бири берилади.

С: **Экинлар ва меваларнинг нисоби бўладими?**

Ж: Экинлар ва меваларнинг муайян ҳисоби бўлмайди. Балки, ердан чиққан ҳосил оз бўлса ҳам кўп бўлса ҳам закоти берилади.

С: **Қандай ҳосилнинг ўндан бирини ва қандай ҳосилнинг йигирмадан бирини берилади?**

Ж: Оқар сув ва ёмғир суви билан суғориладиган экинлар ва дараҳтларнинг ҳосилидан ушр яъни - ўндан бири берилади. Чархпалак ёки қудуқ сувидан суғориладиган ерлар ҳосилидан эса йигирмадан бири берилади.

С: **Асалга ушр вожибми?**

Ж: Ҳосилини ушр вожиб бўладиган ерлардан олинган асалга ушр вожиб бўлади. Кўп бўлса ҳам, оз бўлса ҳам.

**Фойда:** Хирожий ерлардан ушр олинмайди, берган хирожи ўзи кифоя.

С: **Ушр чиқаришдан аввал, ҳосилга кетган харажатлар чиқариб ташланадими?**

Ж: Йўқ, балки умумий ҳосилдан ушр чиқарилади.

**Фойда:** Даладаги полиз экнидан ёки пишган меваларидан ушур бермасдан олдин емоқчи бўлсалар тарозида тортиб сийши жоиз, ушурини





бераидиган вақтида истеъмол қилганидан ҳам қўшиб ушур чиқаради.

### **Закот бериладиган ўринлар**

**С: Закот қандай ўринларга сарфланади?**

Ж: Закот саккиз ўринга сарфланади: 1. Фақир 2. Мискин 3. Закот йифувчи 4. Муаллафатул қулуб 5. Қул озод қилишга 6. қарздорга 7. Оллоҳ йўлида юрганларга 8. Мусофирга.

**С: Фақир ким?**

Ж: Мулки нисобга стмаган киши.

**С: Мискин ким?**

Ж: Камбағал, қашшоқ ҳеч нарсаси йўқ одам.

**С: Закотчи ким?**

Ж: Подшоҳ тарафидан закот йифишига қўйилган масъул шахс.

**С: Қул ким?**

Ж: Озод бўлишга ҳаракат қилаётган қул.

**С: Қарздор ким?**

Ж: Зиммасидаги қарзни узолмаётган шахс

**С: Оллоҳ йўлида юрувчилар ким?**

Ж: Оллоҳ йўлида Ислом динини химоя қилиб фазотда юрганида маблағи тугаб қолган кишидир.

**С: Мусофири ким?**

Ж: Сафарда юрган пайтида муҳтож бўлиб қолган кишига гарчи ўз юртида бой бўлса ҳам закот берилади.



**С: Муаллафатул қулуб ким?**



Ж: Улар шундай одамларки: Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг Исломга мойил қилиб динга киргизмоқлик учун уларга закот молидан берар эдилар. Улар баъзи қабила бошлиқлари бўлишгани учун шундай қилганлар. Чунки, улар Исломга кириб қолсалар уларга эргашувчи қавмлари ҳам Исломни қабул қилишлари мумкин эди. Лекин кейинги даврларда Оллоҳ Исломга қувват бериб, мусулмонлар сафи кенгая бошлаганда мазкур ҳукм соқит бўлди, яъни Пайғамбар алайҳиссалом давридан кейин муаллафатул қулубга закот берилмайдиган бўлди.

С: **Закот берадиган одам закот учун ажратган молини юқорида зикр қилинган ўринларнинг барчасига бўлиб бериши шартми?**

Ж: Шарт эмас. Муҳтож ўринларнинг баъзиларига берса ҳам жоиз.

С: **Закотни муҳтож коғирларга берса бўладими?**

Ж: Берса бўлмайди.

С: **Закотнинг пулини масjidга, мадрасага, кўприк солишга, йўл қуришга ёки ўликка кафан олишга ишлатса бўладими?**

Ж: Асло мумкин эмас. Агар берган бўлса, закотни қайта бериш лозим бўлади.

С: **Закот молини мадраса мутаваллисига берса бўладими?**





Ж: Мадраса бошлигини закот молини камбағал талабаларга сарфлашға вакил қилиб берса жоиз. Бу ҳолатда, бошлиқ үз қўли билан қабул қилиб олиши ва камбағал талабаларга сарфлаши, бой талабаларга овқат қилиб бермаслиги, мадраса биносига ишлатмаслиги ва мударрисларга, мадраса ходимлариға ойлик-маош қилиб бермаслиги лозим.

**С: Закотини камбағал қариндошларга берса бўладими?**

Ж: Закотини ота-онасига, бобосига ва ундан юқорига ҳам ва онаси-момосига ва ундан юқорига берса бўлмайди. Фарзандларига ва набира-чевараларига ҳам берса бўлмайди. Бошқа қариндошларга: Ака-ука, опа-сингил, амма, хола, амаки ва ҳоказоларга берса бўлади. Энди, закотни шу қариндошларга берса, закот берган савобига ҳамда қариндош билан алоқа боғлаб ҳол сўраш савобига эга бўлади. Яъни савоби икки баробар берилади.

**С: Агар қариндошига “закотим” деб, берса олмаслик эҳтимоли бўлса, қандай берилади?**

Ж: Бу “закотим” деб айтишга ҳожат йўқ. Балки закотни беряпман деб, фақат кўнгилда ният қилиб қўйган бўлса кифоя. Бераётганда бу ҳадя-совфа деса зарари йўқ.



**С: Эр хотинга, хотин эрга закотини берса бўладими?**

- Ж: Имом Аъзам фикрларига биноан жоиз эмас. Аммо, иккала шогирдлари назарида аёл молининг закотини эрига берса жоиз. (Яъни, бой аёл камбағал эрига берса жоиз).
- С: **Закотни бой кишига ёки бойнинг ёш, балофатга етмаган боласига берса бўладими?**
- Ж: Закотни, моли нисобга етган бойга, бойнинг балофатга етмаган боласига берса жоиз эмас. Аммо, бойнинг балофатга етган фақир-камбағал боласига берса жоиз.
- С: **Камбағалларнинг закот берилмайдиган тоифаси ҳам борми?**
- Ж: Закотни Бани ҳошимга: Яъни, ҳазрат Алий, Аббос, Жаъфар, Уқайл ҳамда Хорис ибни Абдул Муталлиб авлодларига Оллоҳ улардан рози бўлсин, гарчи мискин бўлсалар ҳам бериб бўлмайди.
- С: **Ушбу улуғлар авлодига муҳтож бўлсалар қандай ёрдам қилинади?**
- Ж: Уларга закот моли ва бошқа садақотлардан ташқари ҳадя йўли билан ёрдам қилинади.
- С: **Бир киши закотини, закот олишга ҳақли деб ўйлаб бойга, ҳошимийга ёки кофирга ёки қоронфида ўз ўғлига ёки отасига бериб қўйса, сўнг билиб қолса закоти жоиз бўладими?**
- Ж: Имом Аъзам раҳимаҳуллоҳ назарларида жоиз. Имом абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ назарида эса жоиз эмас қайтадан беради. Фатво қайта беришликка.



**С:** Соғлом, ишга яроқли кишига закот берса бўладими?

**Ж:** Ҳа бўлади.

**Фойда:** Закот берувчи киши закотини бошқа шаҳарга чиқармай ўз қавми ичидаги муҳтожларга тарқатиши керак. Агар ташқарига чиқарса макруҳ бўлади. Аммо, ўзининг қариндошлари бошқа шаҳарда бўлса ёки бошқа шаҳардагилар муҳтожроқ бўлсалар берса макруҳ эмас.

### **Фитр садақаси**

**С:** Фитр садақанинг ҳукми қандай?

**Ж:** Фитр садақаси закотга қодир бўлган кишига вожибdir

**С:** Садақаи фитрни кимлар учун беради?

**Ж:** Садақаи фитрни бой киши ўзи ва ёш болалари ва қули учун беради. Хотини ва балофатга етган болалари томонидан гарчи қарамоғида бўлсалар ҳам бериш вожиб эмас, улар ўз маблағидан беради.

**Фойда:** Фитр садақасини рўза ҳайит куни ҳайит намозини ўқиши учун намозгоҳга чиқишидан илгари бериш яхши. Аммо, ҳайит кунидан илгари берса ҳам жоиздир. Агар ҳайит кунидан кечиктирса, соқит бўлмайди, яъни то бермагунча бўйнида қарз бўлиб туради.

**С:** Фитр садақаси кимларга берилади?

**Ж:** Закотга қодир бўлмаган кишиларга берилади.





**С: Фитр садақасини нима учун берилади?**

Ж: Жаноби Расулуллох алайҳиссалом фитр садақасини рўзадорнинг рўзасини буҳуда, ҳато ишлардан поклаш учун ва бу садақа мискинларга ҳайит куни таом бўлсин деб вожиб қилганлар.

**С: Фитр садақасининг миқдори қанча?**

Ж: Фитр садақасида 1 кг 600 г дан 2 кг гача буғдой ёки 4 кг хурмо ёки майиз ёки арпа берилади.

**Фойда:** Агар садақаси учун ушбу нарсалардан бошқа танга ёки пул ёки гуруч бермоқчи бўлса, юқоридаги буғдой, арпа кабилардан бирининг қийматига teng нарса берса жоиз бўлаверади.



## РЎЗА

**Рўзанинг маъноси ва ҳукмлари**

Абу ҳурайра (Р.С.А) дан ривоят қилинган қўйидаги ҳадисда Росулуллоҳ соллоппоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Оллоҳ азза ва жалла айтди: Одам фарзандининг ҳамма амали ўзи учундир, фақат рўза ундей эмас, чунки у Мен учундир ва Мен ўзим унинг ажрини берурман. Рўза (жаҳаннамдан ёки гуноҳлардан сақлагувчи) қалқондир. Бас, рўзадор бўлган киши фаҳш (уятсиз сўзларни) айтмасин ва овозини баланд кўтариб





қичқирмасин. Агар у билан бирортаси сўкишса ёки урушса икки марта: “Мен рўзадорман” деб айтсин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, рўзадорнинг оғзидан келган хид Оллоҳнинг ҳузурида Мушкнинг хидидан ҳам хушбўйроқдир. Рўзадор учун икки хурсандчилик бор: 1. Ифтор қилган вақтда ифторлиги билан хурсанд бўлади; 2. Роббисига йўлиқган вақтда рўзасининг ажри билан хурсанд бўлади. (Муттафақун алайҳ.)

### **С: Исломда рўзанинг ҳукми қандай?**

Ж: Рамазон ойи рўзаси ҳар бир мусулмон, балоғатга етган эркагу аёл учун фарз қилингандир. Зеро, Оллоҳ таоло: “Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди”, деди. Рамазондан бошқа вақтда тутилган рўза нафлдир. Назр қилинган рўзани эса тутиш вожибdir.

### **С: Рўза сўзининг луғавий ва шаръий маънолари қандай?**

Ж: Рўза сўзининг луғавий маъноси ўзини тиймоқ. Шариат истилоҳида эса рўза тутиш нияти билан субҳи содикдан то кун ботгунча ўзини еб-ичишдан, жинсий алоқадан тиймоқдир.

**Фойда:** Уч кунлик масофага сафар қилган мусоғир ва рўза сабабли касали зиёда бўладиган – бемор рамазон ойи рўзасини тутмай, кейин тутиб





берса, жоиз бўлади. Аммо қийинчилик бўлмаса, мусофириларниң рўза тутгани афзалдир.

**Фойда:** Мусофириларда, бемор беморлигида Рамазон ойи рўзасини тутолмай шу ҳолда вафот этса, у иккаласига ҳеч нарса вожиб эмас.

**Фойда:** ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзига ёки боласига зарари етиш эҳтимоли бўлса, рўза ойида тутмай кейин тутиб берса, жоиз.

**Фойда:** Рамазон ойида ҳайз кўрган ёки нифос кўрган аёллар қонлари тугагунча тутмайдилар. Тутмай қолдирган кунларни рамазондан кейин тутиб берадилар.

**Фойда:** Рўза тутишга ярамайдиган кексалар рамазон рўзасини тутмай бир кунлик рўзаси учун бир мискинни тўйдирадиган фидя-озуқа берсалар бўлаверади.

**С:** **Бир киши беморлиги ёки мусофирилиги сабабли Рамазон рўзасини тутмаган бўлса, сўнг софайганда ёки сафардан қайтиб келганда, имконияти бўла туриб ҳам тутмаса ва шу аснода ўлим ҳозир бўлса нима қиласи?**

**Ж:** Аввало тутмагани учун Оллоҳдан истифор айтиб авфини сўрайди ва ворисларига тутмаган ҳар бир кун рўзаси учун ўз молидан 2 кг буғдой ёки бир мискинни тўйдиришни ёки хурмодан ёки арпадан 4 кг беришни васият қиласи.

**С:** **Рамазон кунларининг бирида кофир мусулмон бўлса ёки ёш бола балофатга етса, нима қиласи?**





Ж: Ўша куни рўзани бузадиган ишлардан ўзини тийиб туради, аммо қазосини тутмайди.

С: **Рамазон рўзасини тутаётган кишини тутқаноқ тутиб қолса, нима бўлади?**

Ж: Ўша кунни рўзасининг қазосини тутмайди. Аммо, кейинги кунларда яна хушидан айрилса қазосини тутади.

С: **Ақлдан озган (телба) Рамазонда баъзи кунлар хушёр бўлиб қолса нима қиласди?**

Ж: Ўтган кунлари қазосини ҳам, қолган кунларини ҳам тутади.

С: **Рамазон кунларидан бирида мусофир юртига келса ёки хайздаги аёл пок бўлса нима қиласди?**

Ж: Рамазоннинг ҳурматидан рўзани очадиган нарсалардан ўзини тийиб туради.

### **Рамазон ойи бошланганлиги нима билан исботланади**

С: **Рамазон ойи қандай исботланади ва рамазон рўзасини қачондан бошлаб тутиш вожиб бўлади?**

Ж: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Янги ойни кўриб тутинглар ва янги ойни кўриб очинглар. Агар ҳаво берк бўлса, (Рамазондан аввалги) шаъбонни ўттиз кун қилиб тўлдириб сўнг рўзани тутинглар”, дедилар.

С: **Шаъбон ойининг йигирма тўққизинчи куни, ҳаво булат бўлгани сабабли, янги ойни яъни**





**рамазон ойини кўриш қийин бўлса, шунда бир киши янги ойни кўрдим деб, хабар берса, унинг гувоҳлиги қабул қилинадими?**

Ж: Агар у адолатли мусулмон киши бўлса, эркак бўлса ҳам, аёл бўлса ҳам хабари қабул қилинади ва Рамазон рўзаси тутилади.

**Фойда:** Шаъбон ойининг 29-куни ҳаво очиқ бўлса, рамазон рўзасини тутиш учун янги ойни кўпчилик кўриши шарт. Бир, икки кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

**Фойда:** Рамазон ойи тугаб, янги шаввол ойини бошланишидан булатли кунда икки эркак ёки бир эркак икки аёл гувоҳлиги қабул қилинади. ҳаво очиқ кунда эса катта жамоатнинг гувоҳлиги қабул қилинади.

### **Ниятнинг шартлиги**

С: **Ниятнинг маъноси қандай?**

Ж: Оллоҳ учун фалон рўзани тутаман деб, дил билан ният қилишдир.

### **Рўзанинг турлари**

С: **Рўзанинг қандай турлари бор?**

1. Фарз рўза – Рамазон рўзаси;
2. Муайян назр рўзаси; Масалан, пайшанба куни Оллоҳ учун рўза тутаман дейиш.
3. Мутлақ назр рўзаси; Масалан, Оллоҳ учун бир кун рўза тутаман дейиш.
4. Рамазон рўзасининг қазоси;



- 
5. Каффорат рўзаси;
  6. Нафл рўзаси;
  7. Бузилган нафл рўза қазоси.

Рамазон рўзаси, муайян назр рўзаси ҳамда нафл рўзалари саҳарда қилинган ният билан жоиздир. Лекин саҳар туриш шарт эмас. Агар саҳар туриб ният қила олмаган бўлса кундузининг ярмидан аввал, яъни катта чошгоҳгача ният қилиб олса рўзаси жоиз бўлади.

Аммо Рамазоннинг қазоси, назри мутлақ, каффорат рўзалари ва бузилган нафл рўзалар қазоси фақат саҳар ният қилиш билан бўлади.


### **Рўзанинг бузилиши**

**С: Рўзани бузувчи ҳолатлар қайсилар?**

Ж: Рўзадор одам аёлинни ўпиши, ушлаши ёки аёлининг жинсий аъзосидан бошқа жойга алоқа қилиши орқали жунуб бўлса ёки ҳуқна (клизма) қиласа ёки бурнига дори томизса ёки қулоғига дори қуйса ёки тонг отмаган деб ўйлаб саҳарлик қиласа ёки кун ботган деб ўйлаб оғзини очиб юборса, сўнг тонг отиб қолгани ёки кун ботмагани билинса, шуларнинг барчасига рўзаси бузилади, кейин қазосини тутади. Каффорат вожиб бўлмайди.

**Фойда:** Беихтиёр қайт қиласа рўза бузилмайди, аммо қасддан, зўрлаб, оғзи тўлиб қайт қиласа, рўзаси бузилади, кейин қазосини тутади.

**С: Қандай ҳолатда қазо билан бирга каффорат ҳам вожиб бўлади?**



Ж: Қасддан жинсий алоқа қилса, овқат еса, сув ичса ёки дори ичса рўзаси бузилади, бу ҳолатларда ҳам қазо, ҳам каффорат вожиб бўлади.

С: **Каффорат нима?**

Ж: Каффорат бир қулни озод қилиш. Агар қодир бўлмаса кетма-кет икки ой рўза тутиш (рўза тутиш мумкин бўлмаган кунларда тутилмайди). Агар бунга ҳам имконияти етмаса, олтмишта мискинга тоам бериш билан каффорат ҳосил бўлади.

С: **Рамазондан бошқа рўза учун ҳам каффорат борми?**

Ж: Рамазон рўзасидан бошқа рўза бузилса каффорати йўқ.

### **Рўзани бузмайдиган нарсалар**

С: **Рўзани нималар бузмайди?**

Ж: Рўзадор эсида йўқ ҳолатда еса, ичса, жинсий алоқа қилса, уйқусида ёки аёлига қараб жунуб бўлиб қолса, қон олдирса, сурма қўйса ёки аёлинини ўпсаю, аммо жунуб бўлмаса бу ҳолатда рўзаси бузилмайди. Лекин, рўзадор одам эссини йиғиб ўзини бундай ҳолатдан узоқ қилмоғи лозимдир.

### **Рўзадор учун макруҳ ишлар**

С: **Рўзадор учун қайси ишлар макруҳdir?**

Ж: ўз нафсига ишонмаган кишининг ўз аёлинини ўпиши. Агар нафсини жиловлай олса зарари





йўқ. Бирон нарсани татиб кўриш ва мисвокдан бошқа нарса билан тишини тозалаш, эмизикли аёл боласига таом чайнаб бериши. (Агар чайнамасликни имкони бўлса чайнамасин. Аммо имкони бўлмаса чайнаб беришнинг зарари йўқ.)

### Қазолар ҳақида

**С: Рамазон қазосини узлуксиз тутиш шартми?**

Ж: Шарт эмас.

**С: Рамазон рўзасини тутолмаган киши вафоти арафасида қазоси учун фидя-товоң беришларини васият қилса нима қилинади?**

Ж: Ворислар майитнинг учдан бир мулкидан ҳар бир кун қазоси учун бир мискинни тўйдирадилар, 2 кг буғдой ёки 4 кг арпа ёки 4 кг хурмо берадилар.

### Нафл рўзалар

**С: Рамазон рўзасидан бошқа рўзалар ҳам жорий этилганми?**

Ж: Рамазон рўзаси фарз. Бошқа рўзалар эса нафл. Агар тутса, савоб топади иншо Оллоҳ.

**Фойда:** Бир йилда беш кун нафл рўза тутиш ман қилинган.

1. Рамазон ҳайит куни

2. Қурбон ҳайит куни, яна шу ҳайитдан кейинги уч кун ҳам ташриқ кунлариdir.



**С: Баъзи нафл рўзалар баъзиларидан афзалми?**

Ж: Албатта, афзал, бу баъзи ҳадисларда баён қилинган. Масалан: Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилған ҳадисда: “Расулуллоҳ саллоҳу алайҳи васаллам душанба, пайшанба куни рўза тутар эдилар”, дейилади. (Термизий.)

Абу ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади. Ул зот айтдилар: “Амал-ибодатлар душанба ва пайшанба кунлари (Оллоҳга) рубару қилинади. Бас, мен амалимнинг рўзадор ҳолимда рўбарў қилинишини яхши кўраман”, - дедилар.

Абу ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши айтди: “Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам ўз юртларида ҳам, сафарда ҳам ойнинг ёруғ қунларида оғиз очмас эдилар (яъни 13,14,15 - ойнинг ёруғ кечаларида) рўзадор бўлар эдилар”.

Абу қатода розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади. У зот айтдилар: «Арафа кунининг рўзасини умид қиласманки, Оллоҳ таоло ўшандан аввалги бир йиллик ва ундан кейинги бир йиллик гуноҳларга каффорат қилиб, ўчириб юборса» дедилар.

Абу Аюбил-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким Рамазон рўзасини тутиб, сўнг Шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади». (Муслим ривояти.)



## Эътикоф

С: Эътикоф ва унинг шаръий ҳукми нима?

Ж: Эътикоф, ибодат қилиш нияти билан масжидда ўтиришдир. Унинг шаръий ҳукми эса, Рамазоннинг охирги ўн кунлигига эътикоф ўтириш суннати муаккададир, яъни суннати кифоядир. Агар маҳалла аҳлидан бир киши ўтирса, қолганлардан соҳитдир. Акс ҳолда барча аҳли маҳалла суннати муаккадани тарк қилган бўладилар.

С: Рамазонда ўтириладиган эътикофдан ташқари бошқа эътикоф ҳам борми?

Ж: Ҳа, ундан ташқари мустаҳаб ва вожиб эътикофлар ҳам бор. Мустаҳаб эътикофнинг энг ками бир соатдир. Яъни масжидга кирса ва эътикофни ният қиласа, масжиддан чиққунча эътикофга айланади.


**Фойда:** Эътикоф ўтиришни назр қилган кишига назр қилган миқдорича кечаси билан эътикоф ўтириш вожиб бўлади. Чунончи рўзадор бўлиши ҳам вожиб.

**Фойда:** Эътикоф ўтирган кишига жинсий алоқа қилиш, аёлинни ушлаш, ўпиш ҳаромдир. Агар кечаси ёки кундузи билиб ёки билмай жинсий алоқа қиласа; аёлинни ушлаш, ёки ўпиш сабабли жунуб бўлиб қолса, эътикофи бузилади. қазо қилиш лозим бўлади.

С: Эътикоф ўтирган киши масжиддан чиқадими?



- Ж: Таҳорат қилиш сингари инсоний эҳтиёжлардан бошқа сабаб билан масjidдан чиқмайди. Бир оз муддатга беузр чиқса эътикофи бузилади.
- С: **Жума ўқилмайдиган масjidда эътикоф ўтирган киши жума намозини қандай ўқийди?**
- Ж: Жума ўқиладиган жомеъ масjidга бориб жумани ўқиб, сўнг эътикоф ўтирган жойига қайтиб эътикофини давом эттиради.
- С: **Эътикофда ўтирган кишига нималар мумкин?**
- Ж: Эътикофда ўтирган кишининг еб-ичиши, ухлаши, оғзаки савдо қилиши жоиз. Аммо савдо моли масjidга киритилмайди.
- С: **Эътикофда ўтирган киши нималарга амал қиласди?**
- Ж: Намозлар ўқийди, Қуръон тиловат қиласди, тасбеҳ, таҳлил, зикр, сано айтади. қабиҳ иш ва сўзлардан ўзини тийиб мумкин қадар ибодат билан машғул бўлади.





## ҲАЖ ВА УМРА

### Ҳаж маъноси ва ҳукми

**С: Ҳажнинг шаръий ва луғавий маъноси қандай?**

Ж: Ҳажнинг луғавий маъноси – улуф ишни қасд қилмоқ. Шаръий маъноси эса – муайян пайтда, муайян жойни, муайян амалиётлар билан зиёрат қилмоқдир.

**С: Исломда ҳажнинг ҳукми қандай?**

Ж: Ҳаж, Ислом арконларининг биридир. Унинг фарзлигини инкор этган киши Ислом миллатидан – динидан чиқади.

**С: Ҳаж кимларга фарз бўлади?**

Ж: Ҳаж балофатга етган, оқил, соғлом ва ҳур кишиларга, йўлнинг бехатарлиги ҳамда сафар ҳаражатларига қодир бўлиш шарти билан ва ушбу сарфиятлар туар жойидан ва қайтиб келгунича оила-аҳли таъминотидан ошиқча бўлиш шарти билан фарздир.

**Фойда:** Агар аёл киши билан Маккаи Мукарраманинг ораси уч кунлик масофа бўлса, аёл киши эри ёки бир маҳрами билан бориши шарт. Аёллар маҳрамсиз ҳаж қилиши жоиз эмас.

**Ҳажнинг фарз, вожиб ва суннатлари**

**С: Ҳажнинг фарзлари нечта ва қайсилар?**

Ж: Ҳажнинг фарзлари учта: 1. Эҳром. 2. Арафотда туриш. 3. Тавофи зиёрат.

**С: Вожиблари қайсилар?**

Ж: Қуидагилар:

1. Муздалифада туриш ва яна ийд қурбон куни тонг отгандан сўнг Муздалифада кун чиққунча дуода бўлиш.
2. Сафо билан Марво тоғи ўртасида саъи қилиш.
3. Тош отиш.
4. Ташқаридан борганлар учун видолашув тавофини қилиш.
5. Соч олдириш ёки қисқартириш.
6. Арафотда кун ботгунча туриш.
7. Қирон-жуфтлагувчи ва таматтуъ учун жонлик сўйиш.
8. Тартибларга риоя этмоқ.
9. Тавофи зиёратни қурбонлик кунларида адо этмоқ.
10. Сочини ҳарамда олдириш ёки қисқартириш.

**С: Ҳаж суннатлари?**

Ж: 1. Четдан келиб, ёлғиз ҳаж қилувчилар учун ҳам, ҳаж билан умрани жамлагувчилар учун ҳам, тавофи қудум қилиш. 2. Тавофдан сўнг, Сафо билан Марвода саъи қилишни ният қилган кимса учун тавофда ўнг елкасини очиб, чап елкасини ўраб тез юрмоқлик. 3. 8-куни Минога бориб, ўша ерда тунамоқлик. 4. Арафа куни қуёш кўтарилигандан Минодан Арофатга



жүнамоқлик. 5. Ийди қурбон кечасида Муздалифада тунамоқлик. 6. Арофатда фусл қилмоқлик. 7. Ташириң кунлари Минода тунамоқ.

### **Мийқотлар ва әхром**

**С: Қайси жойлардан әхромсиз ўтиб бўлмайди?**

Ж: Жаноби Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам белгиланган беш жойдан әхромсиз ўтиб бўлмайди. Мадина аҳли «Зулҳулайфадан», Ироқликлар «Зоту ирқ», Шомликлар «ал – Жухфа» Наждликлар «қаран», Яманликлар «Яламлам» шу жойлардан әхромсиз ўтмайдилар.

**С: Ушбу ўринлардан илгари әхром боғласа бўладими?**

Ж: Бўлади, балки, афзал. Фақат, ҳаж ойларида боғласа ва ман қилинган нарсалардан сақланса, бас.

**Фойда:** Белгаланган жойлардан әхромсиз ўтиш жоиз эмас. Агар ўтса бир қўй сўйиш вожиб бўлади.


**С: Эхром нима?**

Ж: Эхром, ҳаж ёки умрани ният қилиб эхромни кийиб “Лаббайка” айтиш.

**С: Қандай қилиб суннатга мувофиқ эхром боғланади?**

Ж: Эхром кийишини ирова қилган киши аввал фусл қилади. Сўнг 2 та тикилмаган янги матони





бирини белидан пастга ўрайди. Иккинчисини елкасига ёпади. Аввал ўзига, хушбўйлик сепади. Бошини ўраб 2 ракат намоз ўқийди. Намоздан сўнг бошини очади. ҳажни ният қилиб, «Илоҳим, мен ҳаж қилишни ирода қилдим. Энди, уни менга осон қил ва мендан қабул айла!» дейди. Ва «Лаббайка» айтади. Мана шу “Лаббайка”ни айтиш билан эҳромга кирган бўлади ва эҳромда сақланиш лозим бўлган ишлардан сақланиб юради.

**С: ҳайз ёки нифосдаги аёл эҳромга кирадими?**

**Ж:** Эҳромга киради, яъни агар имкони бўлса фусл қиласди, намоз ўқимайди, соchlарини тарайди. ҳаж ёки умрани ният қилиб «Лаббайка» айтишни бошласа, демак, у эҳромда. Сўнг, Маккага кириб тавоғ қилмай туради, қон тўхташини кутади. Тўхтаса, фусл қилиб тавоғ қиласди.

### **Эҳромда сақланиш лозим бўлган амаллар**

**С: Эҳромдаги киши нималардан сақланади?**

**Ж:** Жинсий алоқадан, гуноҳ ишлардан, жанжалдан, ов қилишдан, овга ундаш ёки бошлашдан, тўқилган, тикилган либослар кийишдан, баданини тикилган кийим билан ўрашдан, юзини беркитишдан, дўппи, салла кийишдан сақланади. Хушбўйланишдан, бадандан бирон тук олишдан, тирноқ олишдан, заъфарон ёки қизилга бўялган либос кийишдан ҳам сақланади.





**Фойда:** Ушбу тақиқлар ҳажда ҳам, умрада ҳам, эркагу, аёлга баробардир. Аммо аёллар доим тикилган либос кийиб, бошларини беркитадилар. Юзларини эса ёпмайдилар.

**Фойда:** Эҳромдаги киши хушбүй нарса ишлатмай, совунламай ювиниши мумкин.

**Фойда:** Намозлардан кейин саҳарларда, ҳар бир ҳолат ўзгарганда, эрталаб турганда, кеч кирганда, тепаликка чиққан-тушганда ва йўловчиларга учраганда “Талбия”ни кўп айтиш суюкли солиҳ амалдир. Бинобарин, кўп айтиш мустаҳабдир.

### **Маккага кириш ва тавофи қудум**


**С:** Ёлғиз ҳажни ният қилган ҳожи Маккаи Мукаррамага кирганда қайси амалдан бошлайди?

**Ж:** Маккага кирганда таҳорат билан масжидул ҳарамдан бошлайди. Байтуллоҳни кўргандан такбир-таҳлил айтади ва байтуллоҳни тавоф қилишни бошлайди. Бу тавоф мийқотлардан ташқаридан келиб, ёлғиз ҳажни ният қилган ҳожилар учун суннатдир. Буни, тавофи қудум дейилади. Бу тавоф маҳаллий аҳолига лозим эмас.

**С:** **Тавоф кайфиятини қандай бошлаб, қандай тугашини баён қилинг?**



**Ж:** Тавофни «ҳажарул-асвад»дан бошлайди. Аввал Каъбага қарайди, такбир-таҳлил айтади. Агар



ҳеч кимга озор бермаса, уни силайди ва ўпади. Бунинг имкони бўлмаса, икки қўлини устига қўйиб сўнг ўша иккаласини ўпади ёки бир қўлини қўяди ва ўшани ўпади. Бунга ҳам қодир бўлмаса «ҳажарул-асвад» рўпарасида туриб иккала қўлини қулоқ юмшоғигача кўтаради. Такбир айтганда қўлининг орқасини юзи томон ичини “ҳажарул-асвод” томонга қилади. Гўё иккала қўлини унга қўйгану, сўнг уни ўпаётгандек. Кейин эшик олдидан ўнг томон, яъни Байтуллоҳни чап томонида қолдириб «ҳатим»нинг орқа томонидан ўтади. «Рукнил Ямоний»ни олдидан ўтаётиб уни силайди. ҳожарул-асвад олдидан ўтаётиб уни ўпади ёки силайди. Бу, бир айланишдир. Етти марта айнан шундай тавоф қилади, яъни айланади. ҳар бора ҳажарул-асвад олдидан ўтса уни ўпади, (имкони бўлса) тавофни, ҳажарул-асвадни ўпиш билан бошлаб, ўпиш билан тугатади.

### Тез юриш ва ридо кайфияти

**С: Тавоф қилувчи кишининг юриши ва ридо кийиши қандай бўлади?**

Ж: Тавоф қилгандан сўнг Сафо билан Марва ўртасида саъй қилишни ният қилган киши, тавофнинг аввалги учтасида жанг майдонидаги паҳлавонлардек салобат билан йўргалайди, чунки бу суннатдир. Ҳар айланганида ридосини бир тарафини ўнг қўлтифи остидан ўtkазиб,





икки тарафини чап елкасига ташлаб ва ўнг елкасини очиб юриш суннатдир.

### **Тавофнинг икки ракати**

**С: Тавоф қилгандан кейин ҳожига нима вожиб?**


Ж: Ҳожи тавоф қилганидан сўнг, “Иброҳим мақомида”. “Мақом”ни ўзи билан Каъба ўртасига қилиб 2 ракат намоз ўқиш вожиб. Аммо масжиддан имкони бўлган ерда ўқиса ҳам жоиз. Ушбу намозга «қуля» билан «Ихлос» сурасини ўқиш ҳам суннатдир.

### **Сафо Марва ўртасида саъй қилмоқ**

**С: Сафо билан Марва ўртасида қандай саъй қилинади?**

Ж: Ҳаж ёки умра қилувчи тавофдан кейинги икки ракат намозни ўқигандан сўнг. Сафо билан Марва ўртасида саъий қилишни ирода қилса, ҳажарул-асвадга қарайди ва уни ўпади. Сўнг Сафога чиқиб бироз кўтарилади ва: «Иннас Сафо вал Марвата мин Шаъариллаҳ» оятини ўқииди. Байтуллоҳга қарайди, такбир – таҳлил айтади ва Пайғамбаримизга саловот айтади, ҳожатини сўраб Оллоҳга дуо қилади ва уч марта: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шариқа лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр. Садақоллоҳу ваъдаҳу ва насара абдаҳу ва ҳазамал Аҳзаба ваҳдаҳу» ни уч марта ўқииди.





Сүнг Марва томон тушиб ўша холатда юриб яшил белги чироққача боради. Сүнг ундан иккинчи зангори белгигача: Эй Раббим, маффират қил, раҳм айла. Зотан, Сен, Энг құдратли, мұкаррам Зотсан. ўзинг билган нарсалардан ўтгин (кечирғин) деб, арабий дуони ўқиб югуради. Иккинчи яшил белгидан ўтса ўша оддий ҳолатида юриб Марвога келади ва унга чиқади. Чиқиб Сафода қылған амалини қиласы. Бу бир марта айланишdir. Шу тарзда етти марта юради. Яъни сафодан бошлаб, Марвада тугатади. Икки яшил белги ўртасига бориб келганды, юргурғанда, сафо-марванинг олдига келганды Оллоҳни зикр қилишни асло түхтатмайды. Аёл киши икки белги ўртасида югурмайды, балки одатий ҳолатда юради.

### Минога ва ундан Арофатга бориш

С: **Ҳожи тавофи құдумдан ва Сафо билан  
Марва ўртасида саъй қилишдан фориғ  
бўлса, ҳажгача нима қиласы?**

Ж: Маккада эҳромли ҳолда туриб, имкони борича тавоғ қиласы. Намозларини масжидул-ҳаромда жамоат билан ўқийди. Зеро, ҳарамда ўқилған намоз бошқа жойда ўқилған намоздан юз минг марта афзал ва савоблидир. Тарвия куни бўлганда Минога чиқади ва у ерда Арафа куни қуёш чиққунча туради. Минода намозларини жамоат билан ўқийди. Жамоатдан асло қолмайди.





**С: Арафот куни қуёш чиққанда нима қиласди?**

Ж: Арафот куни қуёш чиқиб, Сабир тоғини ёритганда (бу минодаги бир тоғ) Арафотга боради. У ерда қуёш ботгунча туради. қуёш туш палласидан оққанда имом одамлар билан пешин билан асрни қўшиб ўқийди. Намоздан илгари икки бор хутба ўқийди. Унда одамларга намозни ва Арофатда туриш, Муздалифада туришни, тош отишни, қурбонлик қилишни, соч олишни, тавофи зиёратни таълим беради ва одамлар билан пешин билан асрни, пешин вақтида бир аzon ва икки такбир билан ўқийди. Бу жамъи тақдимдир. Бу тариқа жамлаб ўқиши учун Мусулмонларнинг имоми, ёки ноиби, ва ҳажнинг эҳроми ва пешиннинг вақти бўлиши шарт.


**С: Намоздан сўнг нима қиласди?**

Ж: Намоздан сўнг Арафотда туради. Арафотнинг ҳамма жойи мавқиф «туриш жой»идир, магар «Батнил урана» мавқиф эмас. ўша мавқифда кун ботгунча дуо-илтижо қиласди. Фусл (иложи бўлса) қиласди, ўша жойда асрни ўқийди. «Жабалиррахма» яқинида туриш мустаҳабдир. қуввати етганича тик туриб дуо қиласди. Чодирида дуога машғул бўлса ҳам жоиз.

### **Муздалифага бориш ва у ерда туриш**

**С: Арафа кунининг қуёши ботганидан сўнг нима қиласди?**





Ж: Қуёш ботганидан сўнг Арафотдан Муздалифа томон йўл олади. Шомни Арофатда ўқимайди. Муздалифанинг йўлида ҳам ўқимайди. Балки, Муздалифага етганда шом билан хуфтонни ҳаж амири билан ёки бошқалар билан бир аzon ва икки такбир билан ўқийди. Бу жамъи таъхирдир.

**Фойда:** Намозини ёлғиз ўқиган киши ҳам ушбу икки намозни жамлайди. Чунки бу жамлашга жамоат шарт эмас. Агар шомни Арафотда ёки йўлда ўқиса жоиз эмас. қайта ўқиш лозим.

С: **Икки намозни жамлагандан кейин нима қиласи?**

Ж: Тонг отгунча Муздалифада турайди. Иккинчи тонг отганда ( яъни субҳи содиқда) бомдодни қоронфида жамоат билан ўқийди. Сўнг туриб Оллоҳга дуо-илтижо қиласи. Қуёш чиқай дегунча шундай давом этади. Муздалифанинг ҳамма жойи мавқифдир. Батнил - Муҳассар мавқиф эмас.

**Минога бориш, жамратул ақабада тош отиш.  
Қурбонлик**

С: **Ҳожи Муздалифада вуқуф қилгандан кейин нима қиласи?**

Ж: Қуёш чиқишидан бир оз олдин минога жўнайди. Минога етганда “Жамратул- ақаба”дан бошлайди еттита майда тош отади. ҳар тошни





отганда такбир айтади ва яна «Бисмиллаҳи  
Оллоҳу акбар, Раҳмон ризоси ва шайтон рағми  
учун яъни шайтоннинг бурнини эзиш учун» деб  
арабий дуо ўқииди. Тош отгандан кейин у ерда  
турмайди тош отишни бошлаганды талбияни  
«Лаббайкани» тўхтатади.

**С: Бу ҳожига қурбонлик қилиш вожибми?**

**Ж:** Ёлғиз ҳаж қилувчига қурбонлик вожиб эмас  
балки, ҳадя сўйиш мустаҳаб.

**С: Сўнг нима қиласди?**

**Ж:** Ёлғиз ҳаж қилувчи қурбонлик кунида  
“жамратил ақаба”ни отгандан кейин, сочини  
олдиради ёки қисқартиради, аммо олдиргани  
афзал. Энди, сочини олдирган ёки  
қисқартиргандан сўнг эҳромдан чиқади. Унга  
аёлига қўшилишдан бошқа барча нарса ҳалол  
бўлади. Тикилган кўйлак, иштон ва бошқа  
либослар кияверади, хушбўйланади, тукларини  
тозалайди ва тирноқларини олади.

**С: Ёлғиз ҳаж қилувчи киши қурбонлик  
сўйишни ирода қилса сочини қурбонликдан  
илгари олдирадими ёки кейин олдирадими?**

**Ж:** Иккаласи ҳам жоиз, аммо кейин олдиргани ёки  
қисқартиргани афзалдир.

**Фойда:** Сочини ҳарам ҳудудида олдириш лозим.  
Акс ҳолда жонлик сўйиш лозим бўлади.





## Тавофи зиёрат

**С: Соч олдирғандан кейин қурбонлик куни ҳаж ҳукмларидан бирон нарса қоладими?**

Ж: Ҳа, қолади, яъни фарз бўлган тавофи зиёрат бор. Унинг вақти қурбонлик куни (ўниничи Зул-Хижжа) қуёш чиққандан бошлаб ўн иккинчи куни қуёш ботгунча. Яъни уч кун давом этади. Лекин қурбонлик куни тавоф қилиш афзал. Сочини олдириб ёки қисқа қилиб сўнг Маккага келади ва Байтуллоҳни тавофи қудумда зикр қилганимиздек етти бор тавоф қиласди – (айланади). Ушбу тавофи зиёратдан кейин аёли ҳам ҳалол бўлади.

**С: Тавофи зиёратни мазкур уч кундан кечиктирилса нима бўлади?**

Ж: Беузур Тавофи зиёратни учинчи куни қуёш ботгандан сўнг адo қилса, қўй сўйиш лозим бўлади.

## Уч кунда уч марта тош отиш

**С: Тавофи зиёратдан сўнг нима қиласди?**

Ж: Минога қайтиб келиб, у ерда туради ва уч кун тош отади. ўн биринчи, ўн иккинчи кунларда заволдан сўнг тош отади. Аввал Жамратус сурода отади, яъни бу жой «Масжидул хийфа» ёнида. Сўнг Жамратул Вусто, сўнг Жамратул Куброва отади. Бу Жамратил Ақабадир. ҳар отганда еттита тош отади, ҳар отганда такбир айтади. Аввалги икки марта тош отганидан сўнг





тош отган жойидан ўнг томонга ўтиб, дуо учун түхтайди. Жамратил Кубро пайтида түхтамайди. Балки тош отгандан сўнг юрган ҳолда дуо қиласи.

**С: Агар тошни ўша икки кунда заволдан илгари отса жоиз бўладими?**

**Ж:** Ўша икки кунда тош отиш вақти заволдан сўнг иккинчи кун тонгигача. Ким беузр шошилиб заволдан аввал тош отса, тошни қайта отиш лозим бўлади.

**С: Ўша икки кунда уч мартадан тош отишдан бўшаса нима қиласи?**

**Ж:** Унга Маккага қайтиш ёки Минода ўн учинчи куни ҳам тош отиш учун қолиш мумкин. Агар ўн иккинчи куни қуёш ботганда у Минода бўлса ўн учинчи куни тош отишдан илгари Минодан чиқиб кетиши макруҳ. Ўн учинчи куни Минода бўлса, ўша куни ҳам тош отиш вожиб бўлади.

### **Хайрлашув тавофи**

**С: Икки ёки уч кундан сўнг Маккаи Мукаррамага етса нима қиласи?**

**Ж:** Тош отгандан сўнг, видолашув тавофидан бошقا ҳаж амаллари қолмайди. Уни «Тавофи садр» ҳам дейилади. Бу тавоф четдан келганлар учун вожибdir. Маккадан қайтганда видолашиб учун тавоф қилиш жоиз, сўнг ўз ватанига жўнайди. Жўнамай Маккада хоҳлаганича турса ҳам жоиз.



## Умра

С: Умранинг шаръий, луғавий маънолари, фарз вожиблари ва адо этиш кайфиятлари қандай?

Ж: Умранинг луғавий маъноси – зиёрат қилмоқдир. Шариатда эса тўрт амалнинг мажмуъасидир; яъни: 1. Эҳром; 2. Байтуллоҳни тавоғ қилиш; 3. Сафо билан Марва ўртасида саъий қилмоқ; 4. Соч олдириш ёки қисқа қилиш. Шулардан иккитаси фарздир; яъни: Эҳром ва тавоғ. Вожиби ҳам иккита: саъий қилиш, соч олдириш ёки қисқартириш. Бир киши умра қилишни хоҳласа белгиланган жойда мийқотда эҳром боғлайди, фусл қилади ёки таҳорат олади ва икки ракат намоз ўқииди. Сўнг умрани ният қилиб: Парвардигоро, мен умрани ният қилмоқдаман. Уни менга осон қил ва мендан қабул айла!: дейди. Сўнг ҳаж эҳромида зикр қилганимиздек талбия айтади. Талбия айтса эҳромли кишига айланади. Энди Маккага кирса Умра учун етти марта тавоғ қилади. Сўнг Сафо билан Марва ўртасида етти марта саъий қилади. ҳажда қилганидек саъини Марвага келиб тугатганда сочини олдиради ёки қисқартиради. Ушбу амалларни қилиш билан умраси тамомига етиб, эҳромдан чиқади.

**Фойда:** Умра учун эҳром боғлаган киши ҳаж учун эҳром боғлаган кишидек жинсий алоқадан, фисқи-фасод ишлардан, жанжал қилишдан,



тикилган либос кийищдан, сочини олиш ёки қисқартишдан, хүшбүйланишдан, бошини, юзини беркитишдан, тирноқларини олишдан, ов қилиш ёки овга ишора қилишдан сақланади.

**С: Умра қилувчилар қаерда эҳром боғлайдилар?**

**Ж:** Умра учун ҳам ҳажга эҳром боғлаган жойлардан эҳром боғлайдилар.

**Фойда:** Умра Исломда Маккай Мукаррамага бориши имкони бўлган ҳар бир киши учун умрида бир марта умра қилиш суннати муаккададир. Зоро, унда улкан фазилатлар бор.

**Фойда:** Умра учун тавоғ қудум ва видолашув тавоғлари йўқ. Яна умра учун муайян ой, кун ҳам йўқ. Ҳар йили хоҳлаган пайтда умра қилаверади. Аммо Рамазонда қилингган умранинг беқиёс фазли бўлиб, катта фарз-ҳажга тенг савоб берилади, дейилади, ҳадиси шарифларда. Умрани ҳаж билан бирга қилиш ҳам мумкин.

### Қирон


**С: Ҳаж билан умрага бир эҳром боғласа бўладими?**

**Ж:** Бўлади, балки афзал ҳамдир. Иккаласини жамлаб ният қилган кишини - қоринжамлагувчи. Жамлашни - қирон дейилади.

**С: Иккаласи қандай жуфтланади?**

**Ж:** Белгиланган жойларда-мийқотда ҳаж билан умрани қўшиб ният қилиб эҳром боғлайди.





Эҳромдан кейинги икки ракат намозидан сўнг: «Парвардигоро, албатта мен ҳаж билан умрани ният қилдим. Энди менга у иккаласини осон қил ва қабул айла», дейди. Кейин талбия айтади, талбия айтиб бошлиши билан иккаласига эҳром боғлаган бўлади. Маккага кирганда тавоғ қилишдан бошлайди. Умра учун етти марта елкасини очиб тавоғ қилади. Аввалги учтасида қўлларини ёнбошига йифиб йўрғалаб югуради. Сўнг Сафо билан Марва ўртасида саъи қилади. Умра амалиёти шулардан иборат.

**С: Жуфтлаб ҳаж қилган кишига, ёлғиз ҳаж қилувчига вожиб бўлмаган амалиётлар вожибми?**

Ж: Ҳа вожиб, яъни икки ибодат орасини жамлагани учун Оллоҳга шукrona бўлсин деб, қурбонлик сўядиган кунда бир қўй сўяди ёки туюнинг еттидан бирига шерик бўлади, сўнг сочини олдиради ёки қисқа қилади. Икки эҳромдан бирдан чиқади, (бирдан кирганидек). Соч олдириш ёки қисқа қилиш фақат қурбонлик сўйгандан кейин жоиз бўлади. Аёли эса тавофи зиёратдан кейин ҳалол бўлади,

**Фойда:** Агар ҳадя сотиб олишга маблағи бўлмаса, ҳаж кунларида уч кун рўза тутади. Охири арафа куни бўлиши керак. Юритига қайтгандан кейин яна етти кун рўза тутади. ҳаммаси қўшилиб ўн кун бўлади.





**Фойда:** Қурбонликка пули бор бўлиб туриб, аяб, ишлатмай рўза тутса, қурбонлик ўрнига ўтмайди.

## Таматтуъ

**С: Таматтуъ нима?**

**Ж:** Эҳром учун белгиланган жойдан ҳаж ойларида умра учун эҳром боғлайди. Сўнг Маккага киради ва умра қиласди. Яъни, Байтуллоҳни тавоғ қиласди, Сафо билан Марв ўртасида саъий қиласди, сочини олдиради ёки қисқа қиласди ва тавоғни бошлагандა талбияни тўхтатади. Сочини олиб ёки қисқартиргандা умрасидан чиқади, сўнг Маккада эҳромсиз ҳолда яшаб туради. Имконияти бўлганда Байтуллоҳни тавоғ қиласди. Беш маҳал намозларини Масжидул ҳарамда жамоат билан ўқииди. Сўнг Тарвия куни ҳарамда-Маккада ҳаж учун эҳром боғлайди ва ёлғиз барча амалларни ҳаж қилувчидек адо этади.

## Ҳаж ойлари

**С: Ҳаж ойлари қайсилар?**

**Ж:** Ҳаж ойлари: Шаввол, Зул қаъда ҳамда Зулҳижжанинг ўн куни.

**С: Ҳаж амаллари беш кунда тамомига етади.  
Нега уч ойни ҳаж ойлари дейилади?**



**Ж:** Ҳажнинг баъзи амаллари ушбу ойларга алоқадор бўлгани боис, ҳаж ойлари дейилади.



Масалан: Бир киши умра учун эҳром боғласа ва тавоғнинг кўпини Шаввол ойи кўринмай адо этса, бу одам таматтуть қилвчи бўлмайди. Яна бир киши ҳаж учун Шаввол ҳилоли кўринишидан илгари эҳром боғласа бу макруҳдир ва ҳоказо.

**Фойда:** Маккада, Макка аҳли учун белгиланган мийқотларнинг орасида яшовчи аҳоли ибодатларни жуфтлаб қилиш жоиз эмас, балки ёлғиз ҳаж қиласидар.

### **Жиноят ва жазолар**

**С: Қайси амаллар ҳаж ва умрада жиноят ҳисобланади?**

**Ж:** Саккиз амал жиноят ҳисобланади. Улар қуидагилар;

1. Эр кишилар тикилган либосни кийишлари;
2. Бошларини ўраб олишлари;
3. Эркак ёки аёл юзини тўсиб олиши; (махсус никоб ёки паранжи билан)
4. Баданини, эҳромини ёки тўшагини хушбўй қилиб олиши;
5. Қаерда бўлмасин сочини ёки баданидаги тукларни олдириш ёки қисқартириш, юлиш;
6. Тирноқ олиш;
7. Ов қилиш, овга ундаш ёки овни кўрсатиш;
8. Аёли билан жинсий алоқа қилиш, ўпиш ва шаҳват билан ушлаш.





## Тикилган либос кийиш

С: Тикилган либос кийишнинг жазоси қандай?

Ж: Тикилган лиbosни бир кун ёки бир кечада кийса, ҳарамда бир қўй сўяди. Агар бир кундан оз муддат кийса, садақаи фитр миқдорича садақа қиласди. Бир соатдан оз муддат кийса, бир қабза буғдой садақа беради.

## Бошини, юзини беркитиш

С: Эҳромдаги киши бошини ва юзини беркитса нима бўлади?

Ж: Эҳромдаги киши бошини, юзини ёки иккаласидан бирини билибми, ёки билмайми ўз ихтиёри биланми, бирорвинг зўрлаши биланми, қасдданми, ухлабми, уйғоқликдами, узр биланми, беузрми беркитса, яъни бир кун ёки кечаси беркитса жонлик сўяди. Ундан оз муддат беркитса, садақа беради. Лекин аёллар номаҳрам эркаклар ҳузурида рўмолларининг бир четини юзига тушириб олишда зарар йўқ.

## Хушбўй нарсадан фойдаланиш

С: Эҳромдаги аёл ёки эркак баданига хушбўй нарса суркаса нима бўлади?

Ж: Эҳромдаги киши бир бутун аъзосини хушбўй қиласа, суркаса ёки ундан зиёда жойига суркаса жонлик, сўйиш вожиб бўлади. Бир бутун аъзосидан оз жойига ҳушбўй суркаса садақа





беради. Аъзо деб бош, сон, пойча, қўл, билак назарда тутилади.

**Фойда:** Эҳромдаги аёл қўлига хина қўйса жонлик сўйиш вожиб бўлади. Хушбўй нарсани суркаб, изидан дарҳол ювиб ташласа ҳам қон вожиб бўлаверади.

**Фойда:** Шунингдек эҳромдаги кишига замонамизнинг ҳушбўй совунлари ҳам жоиз эмасдур.

### Тирноқ олиш


**С: Эҳромдаги киши тирноқларини олса нима бўлади?**

Ж: Агар иккала қўли ва оёфининг тирноқларини ёки бир қўли ва оёфининг тирноғини бир ўтиришда олса қон вожиб бўлади. Агар тирноқларини ҳар жойда олса, жойлар сонига қараб жазо сони белгиланади. Агар беш бармоғидан озини олса садақа вожиб бўлади.

### Тукларни юлиш

**С: Эҳромдаги киши баданидан тукларини юлса ёки олса нима бўлади?**

Ж: Эҳромдаги киши сочини, соқолини олса ёки қисқартирса, қўлтифи ёки киндиги тагини тозаласа қон лозим бўлади. Уларнинг тўртдан биридан озини олса садақа лозим бўлади. Аёллар учун ҳам айнан шу ҳукмлардир. Ушбу





жиноятни унуган ҳолда қилиб қўйса ҳам барибир қон вожиб бўлади.

### **Ушбу ишларни узр сабабли қилса**

**С: Яъни узр билан тикилган либос кийса, хушбўйланса, бошини, юзини беркитса, сочини ёки тирноғини олдирса, нима бўлади?**

**Ж:** Ушбу ишларни узр сабабли қилса яъни истимаси кўтарилиб кетгани, ҳарорат ёки совуқ кучайиб кетгани, боши оғригани ёки бит босиб кетгани сабабидан қилган бўлса ҳам қон вожиб бўлаверади. Яъни ҳарамда қўй сўяди ёки олти мискинга ярим соъ (2 кг) буғдой ёки бошқасидан бир соъ (4 кг) садақа қиласди ёки уч кун рўза тутади.

### **Жинсий алоқа ва унинг сабабчилари**

**С: Эҳромдаги киши жинсий алоқа қиласа ёки унга унлагувчи ҳаракатлар қиласа ҳукми нима бўлади?**

**Ж:** 1. Ҳажга ёки умрага эҳром боғлаган киши аёлини шахват билан ўпса ёки ушласа жунуб бўлса ҳам бўлмаса ҳам қон сўйиш лозим бўлади.

2. Эҳромдаги киши Арафотда туришдан аввал аёли билан жинсий алоқа қиласа ҳажи бузилади. Бир қўй сўйиш лозим бўлади, аммо ҳажини бузилмагандек адo этади ва келаси йил қазо қиласди.





3. Ҳожи, Арафотда тургандан кейин, тавофи зиёратдан ва сочини олдирғандан аввал аёли билан яқинлик қилса ҳажи бузилмайды, аммо түя сўяди.

**C: Эҳромлик киши аёли билан қасддан алоқа қилиш билан унтиб алоқа қилишнинг фарқи борми?**

**Ж:** Фарқи йўқ, ҳукми баробар.

### **Ҳаж амалиётидаги хатолар**

**C: Ҳаж амалларини адo этаётиб йўл қўйиладиган хатолар қайсилар?**

**Ж:** Ҳаж амалида содир бўладиган хатолар: таҳоратсиз тавоф қилиш. Баъзи вожибларни тарқ қилиш. Амалларни адo этишда чалкашликка йўл қўйиш. Бирон фарзни ёки вожибни вақтидан кечиктиришлардир. Буларнинг тафсилоти қуйидагича.

### **Бетаҳорат ёки жунуб ҳолда тавоф қилиш**

**C: Ҳожи бетаҳорат ёки жунуб ҳолда тавоф қилса нима бўлади?**

**Ж:** 1. Ҳожи тавофи қудумни ёки тавофи садарни таҳоратсиз тавоф қилса, ҳар айланишига ярим соъ (2 кг) буғдой беради. Нафл тавофларни ҳукми ҳам айнан шундай.

2. Агар тавофи қудумни ёки тавофи садарни жунублик ҳолида тавоф қилса, қўй сўйиш лозим





бўлади. Чунончи, тавофи қудумни, тавофи садарни ҳайз ёки нифос ҳолатда тавоф қилган аёл ҳам қўй сўяди.

3. Тавофи зиёратни таҳоратсиз тавоф қилса, қўй сўйиш лозим бўлади.

4. Агар тавофи зиёратни жунублик ҳолда тавоф қилса ёки аёл киши тавофи зиёратни ҳайз ёки нифос ҳолда тавоф қилса ҳам тую сўйиш лозим бўлади.

**Фойда:** Агар бетаҳорат ёки жунублик ҳолда тавоф қилса, сўнг пок бўлганда қайта тавоф қилса, жарима соқит бўлади.

### **Ҳаж вожибларини бирини тарк қилса**

**С: Ҳажда тарки вожиб қилса нима бўлади?**

**Ж:** Қуйидагича ҳолатда содир бўлса жарима тўлайди;

1. Муздалифада туришни тонг отгандан кейинга кечиктириб юборса;

2. Сафо билан Марва ўртасида саъй қилмаса;

3. Тош отиладиган кунларда тош отмаса;

3. Жамратул Ақаба тошини қурбонлик кунида отмаса;

4. Тош отиладиган кунлари отиладиган тошнинг кўпини отмаса;

5. Арафотдан қуёш ботишидан илгари чиқса;

6. Видолашув тавофининг ҳаммасини ёки тўртласини қолдирса. Ушбу ҳолатлар содир бўлганда жонлик сўйиш лозим бўлади.





## Тартибга риоя этмаслик

**С: Риоя этилиши вожиб бўлган тартибларни бузса нима бўлади?**

Ж: Таматтуъ қилган киши ҳаж билан умрани қўшиб адо этаётган бўлса, Ақаба тошини отишдан аввал қурбонлик сўйса ёки ёлғиз ҳаж қилувчи Ақаба тошини отишдан илгари соч олдирса. Ушбу ҳолатларда қон вожиб бўлади.

## Таъхир кечиктириш

**С: Қайси таъхирга жарима вожиб бўлади?**

Ж: Қуйидаги таъхир-кечиктиришларга вожиб бўлади:

1. Мутаматтеъ яъни ҳаж билан умрани жамлагувчи киши ҳадя сўйишини қурбонлик сўйиладиган кунлардан кечиктириб юборса.
2. ҳожи соч олишни қурбонлик кунларидан кечиктиrsa қон вожиб бўлади.

Танбеҳ: ҳаж қилаётган киши учун зиёрат тавофининг ҳаммасини ёки кўпини қилишдан аввал аёли ҳалол бўлмайди.

## Умра жиноятлари

**С: Умра ибодатидаги хатолар ва ислоҳ йўллари қандай?**

М: Умра ибодатида учраши мумкин бўлган хатолар тўртта бўлиб улар қуйидагилардир:

1. Умра ният қилган киши эҳромини белгилангандан жойдан боғламаса;





2. Умра учун таҳоратсиз ёки жунуб ҳолда тавоғ қилса, аёл киши хайз ёки нифос ҳолда тавоғ қилса;
3. Умра қилувчи киши саъидан илгари соч олдирса;
4. Умра қилувчи киши ҳарамдан ташқарида соч олдирса. Ушбу хатолар ислоҳи учун жонлик сўйиш лозим бўлади.

### **Эҳромда ов қилиш**

**С: Эҳромдаги киши овланадиган ҳайвонни ўлдирса нима қиласи?**

**Ж:** Ҳаж ёки умра учун эҳром боғлаган киши ов овласа ёки овчига кўрсатса, бу ишини билиб, билмай қилса ҳам, қасдан қилса ҳам, баробар, жарима тўлайди.

**С: Бу жиноятнинг жаримаси қандай?**

**Ж:** Овланган жониворни овланган жойидаги ёки яқинроқ жойдаги қийматини икки адолатли мусулмон киши белгилайди. Сўнг овлаган ҳожи ўша жарима пулга ҳадя сотиб олиб, Харамда сўяди ёки таом сотиб олиб мискинларга садақа қиласи. ҳар мискинга 2 кг буғдой (ярим соъ)дан беради.

### **Қўшган ҳожи ҳукми**

**С:** Ҳаж билан умрани қўшиб ният қилган ҳожи мазкур жиноятлардан бирини содир этса ҳукми қандай?





Ж: Бу ҳожи, содир этган ҳар бир жинояти учун икки ҳисса жарима түлайди. Яъни бир қўй ўрнига икки қўй, икки кг ўрнига тўрт кг жарима түлайди.

### **Белгиланган жойдан эҳромсиз ўтиш**

С: **Маккага киришни ирода қилган киши, белгиланган жойдан эҳром боғламай ўтса ҳукми қандай?**

Ж: Маккаи Мукаррамага ёки Харами шарифга киришни ирода этган ҳар бир хорижлик мусоғир мусулмон, оқил, болиғ бўлса, гарчи тижорат ёки саёҳат учун бўлса ҳам эҳром учун белгиланган жойдан эҳром боғламай ўтса қуруқликдан ўтадими, денгиздан ўтадими, ҳаводан ўтадими, фарқсиз ҳолда гуноҳкор бўлади ва жонлик сўйиб жарима тўлайди. Кейинги эҳром боғлагани эътиборсиздир.

С: **Ушбу гуноҳдан ва жаримадан қутулиш йўли борми?**

Ж: Қутулиш йўли - ўзи ўтган мийқотга ёки бошқа яқинроқ мийқотга қайтиб келади ва эҳром боғлайди. Шунда гуноҳдан ҳам, жаримадан ҳам қутилади. Аммо мийқотга қайтиб келмай Харамда ёки бошқа жойда эҳром боғласа гуноҳидан ҳам, жаримасидан ҳам қутулмайди. Сўнг истиғфор айтади, тавба қилади ва Харамда қўй сўяди.





## Харамдаги жиноятлар

С: **Харамда қандай жиноят содир бўлиши мумкин?**

Ж: Харами шарифда икки хил жиноят содир бўлиши мумкин.

1. Жониворларни овлаш.

2. Дараҳтларини синдириш, ўт-ўланларни юлиш, пайҳон қилиш.

С: **Харамдаги жониворларни овлаган ҳожи қандай жазоланади?**

Ж: Овланган жонивор қийматини садақа қиласди.

С: **Дараҳтларини синдириб, ўт-ўланларни юлса, ўрса, пайҳон қилса, қандай жазо берилади?**

Ж: Қийматини садақа қиласди.

С: **Харами шарифдаги дараҳтлардан мисвак олса бўладими?**

Ж: Қуриган бўлса бўлади. Акс ҳолда йўқ.

## Қамал

С: **Эҳромдаги киши ҳаж қилишдан тўсилиб қолса, нима қиласди?**

Ж: Эҳромдаги киши бирон душман ёки беморлик сабабли ҳажни давом эттиришдан маҳрум бўлиб қолса. Бу одамга эҳромини ечиш жоиз. Лекин жазосини ва қазосини ўтайди.

Агар у одам ҳарами шарифда бўлса, бир қўй сўяди. Сўнг сочини олади ёки қисқартиради.

Агар, ҳарамга етиб бормаган бўлса, бир қўй





қийматини бериб бир одамни ўша қўйни ҳарамда сўйиш учун жўнатади ва сўядиган кунини ваъдалашади. қўйни сўйган куни тўсилган ҳожи эҳромдан чиқиб, ҳалол бўлиб олади. Аммо кейин агар ҳаждан тўсилган бўлса ҳам ҳаж, ҳам умра қилиб қазо қиласди. Умрадан тўсилган бўлса, фақат умра қиласди, холос. Агар ҳам ҳаж, ҳам умрадан тўсилган бўлса кейин ҳаж ва икки умра қилиш билан қазо қиласди.

**С: Бир киши ҳажга эҳром боғласа ва Маккага етиб бориб, Арафотда туришдан ва тавофи зиёратдан тўсилиб қолса, тўсилган бўладими?**

Ж: Қа, тўсилган бўлади.

**С: Маккада турган ҳожи Арафотда туришдан ёки тавофи зиёратдан тўсилиб қолса, шу одам тўсилган бўладими?**

Ж: Йўқ, бўлмайди. Агар имкон топса «вуқуф ва зиёратни» қиласди ва ҳажи жоиз бўлади. Аммо, «вуқуфдан тўсилса» ҳажи бескор бўлади. Энди у одам ҳажи бузилган киши нима қилса айнан ўшанинг амалини қиласди.

### Бузилган ҳаж

**С: Бир киши ҳаж учун эҳром боғласа-ю,  
Арафотда турмай, қурбонлик кунининг тонги  
отиб қолса, нима қиласди?**

Ж: Бу одамнинг ҳажи бузилади. Энди умра амалларини бажаради. Байтуллоҳни тавоғ





қилади, Сафо билан Марва ўртасида саъй қилади, соч олдиради ёки қисқартиради. Сўнг келгуси йили ҳажини қазо қилади. Жонлик сўймайди.


## Ҳадялар

**C: Ҳадя нима?**

Ж: Ҳадя, ҳаж учун, умра учун эҳромдан чиқиши ва икки ибодатни жамлашга имконият берган Оллоҳга шукrona қилиш ҳамда жиноятлар каффорати учун сўйиладиган жонлиkdir.

**C: Ҳадяни қайси ҳайвонлардан сўйилади?**

Ж: Туядан, мол ва қўйдан сўйилади. Ҳадяни фақат ҳарами шарифда сўйилади. Ҳадя сўйган киши ҳадянинг гўштидан еса бўлади. Аммо эхсон ва жиноятлар учун сўйилган ҳадя гўштидан ейипши жоиз эмас.





## САВДО ВА УНГА АЛОҚАДОР ҲУКМЛАР

Савдо луғатда, бир мулкни иккинчи мулк баробарига айирибошлишни ва алмаштиришни айтилади.

Савдонинг шаръий ҳукми аслида мубоҳдир. Аммо жон сақлаш учун озиқ-овқат, ичимлик, сув ва дори-дармондек зарур нарсаларга эҳтиёж туғилганда савдо қилиш. Яъни, сотиш ёки харид қилиш вожиб бўлиб қолади. Инсон ҳалокати хавфи туғилганда жон сақлаш учун лозим бўлган нарсани сотмаслик ёки харид қилмаслик ҳаром амалдир. Савдоси макруҳ бўлган нарса билан савдо қилиш макруҳдир. Савдоси ҳаром бўлган нарса билан савдо қилиш ҳаромдир.

### Савдонинг руқнлари

С: Савдонинг қандай руқнлари бор?

Ж: Руқн деб, ҳар нарсанинг аслини – таянчини айтилади. Савдода унинг рукни мавжуд бўлмаса, савдо ҳақиқий бўлмайди. Савдоси бекор бўлади. Савдонинг учта рукни бўлиб, ҳар бир рукни икки қисмдан иборатдир. Яъни, ушбу олти руқннинг ҳар бири рукн бўлиш учун алоҳида – алоҳида ҳукмлари ва шартлари бор. Улар қуийдагилардан иборатдир.





**1-руқн-лафз.** Сотувчи билан харидорнинг сўзлари, иккаласининг розилигини ифодаловчи ўтган замон маъносидаги сўзлар ёки жумлалар бўлиши лозим. Масалан: сотдим, олдим, бердим, сотиб олдим. ҳадя қилдим, қабул қилдим сингари жумлалар билан савдо шаръан баҳоланиб, кучга киради. Бу руқн икки турли бўлиши мумкин.

**Биринчи:** сўз ёки сўз ўрнини босадиган «вакил жўнатиш» ёки мактуб йўллашдир. Масалан: сотувчи узоқдаги кишига вакил жўнатиб ёки мактуб йўллаб: “Уйимни сенга фалон сўмга сотдим”, деса. У киши: “Олдим ёки қабул қилдим”, деса. Демак, савдо баҳоланади.

**Иккинчи:** Олиш ва бериш яъни нархи маълум нарсани сотувчидан олиб, пулинни берса. Гапирмаса ҳам савдо боғланиб, буюм харидорнинг мулкига айланаб қолаверади.

Савдонинг аввалги рукни бўлиши учун «Лафзлар», яъни сотдим ва олдим сўзлари эътиборли бўлиши учун қуйидаги шартлар топилиши лозим. 1-шарт: сотувчи билан харидор савдо мулкини миқдорида, сифатида, нақдлигида, ҳалолликда ҳамда муддатида келишганларидан кейин айтилса, кучга кириб, савдони баҳолайди. Акс ҳолда баҳоламайди. Масалан: сотувчи: №Бу ховлини сенга минг тангага сотдим, деса, харидор, “Беш юз тангага олдим”, деса савдо баҳоланмайди.



Чунки миқдорда номувофиқлик бўлди. Агар сотувчи: тишло ёки доллар берасан деса, харидор

кумуш ёки сўм бераман деса, савдо баҳоланмайди. Зеро, сифатда номувофиқлик содир бўлди ва ҳоказо...

2-шарт: «сотдим ва олдим» деган сўзлари бир мажлисда айтилиши ва қабул қилиниши лозим. Агар сотувчи: «Бу молни сенга минг тиллога сотдим» деса. Харидор индамай орадан ажраб кетсаю сўнг қайтиб учраб «олдим» деса савдо баҳоланмайди. «Олдим сотдим» сўзининг орасида норозиликка далолат қилувчи ҳолат содир бўлса ҳам савдо баҳоланмай қолади. Сотувчи билан харидор бир бирларининг сўзларини бир мажлисда эшитишлари шарт.

**2-руқн-битим тузувчилар.** Савдолашувчилар савдо битимига шаръян яроқли бўлишлари учун қуйидаги шартлар топилиши лозим.

**1-шарт:** Савдо муомаласини яхши англайдиган даражада ақлли бўлишларидир. Бинобарин, савдони тушуниб стмайдиган ёш боланинг ҳамда ақлдан озган кишининг савдо битими яроқсиз-бекордир. Аммо, савдони яхши биладиган, гап-сўзларидан ақлли, кишилар мақсадини пайқайдиган, уларга қониқарли жавоб қайтара оладиган ёш боланинг савдоси жоиздир.

**2-шарт:** Савдолашувчилар ихтиёрли бўлишлари шарт. Бинобарин, зўрланган кишининг савдо битимиbekордир.



### 3-руки-савдо моли.

Савдо моли хоҳ пул бўлсин, хоҳ бошқа қийматли нарса бўлсин, шаръий савдога яроқли бўлиши учун унда қуийдаги шартлар топилиши лозим.

1. Савдо молининг пок бўлиши шарт. Бинобарин, нопок нарсанинг савдоси ҳам, пули ҳам ҳалол савдога яроқли эмас. Поклаш мумкин бўлмаган нопок нарсани сотса, савдо боғланмайди. Чунончи, нопок нарсани ёки нопок бўлган ва поклаш мумкин бўлмаган нарсани пул ўрнида бериш билан ҳам савдо боғланмайди. Масалан: Бир киши ҳалол нарса сотиб олса ва пулининг ўрнига ҳаром ичимлик ёки тўнфиз гўшти берилса, савдо боғланмайди.

2. Савдо моли шаръий манфаатли бўлиши лозим. Шаръий манфаатли бўлмагани учун масалан, ҳашаротлар каби нарсаларнинг савдоси дуруст эмас. Ейишдан бошқа мақсадда фойдаланиладиган нопок ёғнинг савдоси жоиздир.

3. Савдо моли ҳам, келишилган нарх ҳам жанжалга ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ бўлиши шарт. Келишмовчиликка сабаб бўладиган ноаниқлик билан келишилган савдо битими бекордир. Масалан: Сотувчи менинг яйловимдан бир қўй ол деса ёки мана буни ол, нархини фалончи айтади, деса. Бу кўринишдаги савдо битими бекордир.





## Савдо

С: **Савдо қандай амалиёт?**

Ж: Шариатда икки шахснинг келишган ҳолда мулкни мулкка айирбошлишини, алмаштиришини савдо дейилади.

С: **Савдо қандай баҳоланади?**

Ж: Савдо икки шахснинг ҳар бири ўтган замонга далолат қилувчи. “Сотдим”, иккинчisi “Олдим” демоқлик билан баҳоланади, яъни бирининг “рози бўлдим”, иккинчисининг “қабул қилдим”, олдим каби сўзлари билан баҳоланади.

С: **Икки шахснинг бири розилик берса, иккинчи шахснинг савдоси ҳам баҳоланадими?**

Ж: Йўқ, бир шахснинг розилиги билан савдо баҳоланмайди. Балки, савдо бир шахс «розилиги», иккинчи шахс «қабули» билан баҳоланади. қачонки, бир шахс розилик берса, иккинчи шахс ихтиёридир. Агар, хоҳласа ўша мажлисда, дарҳол қабул қиласди. Хоҳламаса рад этади. Агар ўша мажлисда дарҳол қабул қилса, иккаласининг савдоси шаръан баҳоланади. Кейин иккаласидан ихтиёр соқит бўлади.

С: **Савдо битимининг баҳоланиши неча «мажлис»га қайд этилган?**

Ж: Икки шахснинг бири, савдога розилик билдириб иккинчи шахс розилигини қабул қилишдан





илгари мажлисдан туриб кетса, аввалги шахснинг розилиги бекор бўлади.

**С: Савдо шаръан баҳоланганидан сўнг, икки шахснинг бирига савдони бузиш имкони бўладими?**

**Ж:** Албатта бўлади. Сотилган молда нуқсон ошкор бўлса, харидор хоҳласа олади, хоҳламаса савдони бузади. Чунончи, харидор кўрмай сотиб олган нарсасида ҳам ихтиёрлидир, кўргандан кейин, ҳоҳласа олади, хоҳламаса савдони бузади.

**С: Шариатда насия савдо жоизми?**

**Ж:** Савдо, нақд пулга ҳам, муддати маълум бўлган насия пулга ҳам жоиз.

**С: Бир киши бир нарсани кўрсатиб сотса, аммо миқдорини, вазнини ёки ўлчовини баён қилмаса ёки икки киши бир нарсани бошқа бир нарса баробарига сотсалар, яъни алмаштирсалар, лекин миқдорини баён қилмасалар, ушбу кўринишдаги савдолар жоизми?**

**Ж:** Ушбу савдоларнинг иккала кўриниши ҳам жоиз. Зоро, кўрсатилган- берилган пул ёки савдо моли, савдонинг жоиз бўлиши учун миқдорини билдиришига ҳожат қолдирмайди. Чунки кўрсатиш, билдириш сабабларининг энг кучлисиdir.



**С: Савдо пайтида тўланадиган пулнинг миқдорини ва сифатини (тилла, доллар ёки**



**сўм деб) баён қилмаса, балки пул бераман деса, ушбу савдо жоизми?**

Ж: Жоиз эмас. Савдо жоиз бўлиши учун тўланадиган пул миқдорини (минг сўм бераман дегандек) ва сифатини (яъни тилла, доллар ёки сўм бераман дегандек) баён қилиш лозим.

С: **Таомни ва донларни ўлчаб ёки ўлчамай сотиш жоизми?**

Ж: Жоиз. Faқat таомни бошқа таомга (озиқ-овқатларни) жинси бир хил бўлса чамалаб, ўлчамай сотиш яъни, алмаштириш жоиз эмас. Судхўрликнинг эҳтимоли бўлиши мумкин.

С: **Бир киши харидорга дон тўла идишни кўрсатиб, мана бу донни фалон сўмга сотдим деса, харидор идишдаги дон миқдорини билмай туриб, ўша пулга қабул қилса, шу савдо жоизми?**

Ж: Идишга ёки идишларга тўлдирилган донни аниқ миқдорини билмай туриб ҳам сотиш, ҳам харид қилиш жоиз. Вазни ноаниқ тарози тоши билан тортиб сотиш ҳам жоиз.

С: **Озиқ-овқат маҳсулотларини фалвир ёки фалвирга ўхшаш идишлар билан ўлчаб, ҳар идиши фалон сўм деб сотса бўладими?**

Ж: Ушбу ҳолатда кўрсатилган идиш билан ўлчаб сотиш жоиз.

С: **Бир қўра қўйни ҳар бош қўй фалон сўмдан деб сотса савдоси жоизми?**





Ж: Бу савдо жоиз, аммо бу тарзда сотмаган маъқул.  
Чунки бундай савдо бекор-бузуқ, дейдилар  
Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ.

С: **Бир киши умумий метрини айтмай, ҳар метри фалон сўм деб газлама сотса, ушбу савдо жоизми?**

Ж: Бу савдо Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ назарларида жоиз эмас.

С: **Бир киши бир хирмонни ёки бир тўп озиқ-овқат турини кўрсатиб: Мана бу юз ғалвир (ёки юз кг) юз тангага сотдим деса, харидор қабул қилиб, ўлчаб кўрса юз кг дан оз чиқса бунинг ҳукми нима?**

Ж: Бу ҳолатда харидор ихтиёрлидир. Агар хоҳласа мавжуд молдан пули баробарига олади. Хоҳламаса савдони бузади.

С: **Агар юз ғалвирдан кўп чиқса нима қиласди?**

Ж: Зиёдаси сотувчиники бўлади.

С: **Бир киши 10 м газламани 10 сўмга сотиб олса ёки юз газ ерни юз тангага сотиб олса, кейин ўлчаганда сотувчи айтган миқдордан кам чиқса. Бу савдонинг ҳукми қандай?**

Ж: Бу ҳолатда ҳам харидор ихтиёрлидир. Агар хоҳласа ҳамма пулига олади. Хоҳламаса олмайди.

С: **Агар сотувчи айтганидан зиёда чиқса нима бўлади?**



Ж: Сотилган нарса ҳаммаси келишган нарх баробарига харидорники бўлади. Бу ўринда



сотовчига ихтиёр йўқ. Ер ҳукми ҳам айнан шундай.

**С:** **Сотовчи харидорга тўп газламани кўрсатиб мана бу 100 газ газламани сенга 100 тангага сотдим. ҳар гази (метри) бир танга деб, сотганда, газлама оз ёки кўп чиқса нима қилади?**

**Ж:** Агар газлама оз чиқса, харидор ихтиёrlидир, хоҳласа ўша газламадан пулига яраша олади, хоҳламаса савдони бузади. Аммо ортиқ чиқса ҳам харидор ихтиёrlидир, хоҳласа ҳаммасини, ҳар бир газини (метрини) бир тангадан ўлчаб олади, хоҳламаса савдони бузади.

**С:** **Сотилган ҳовлига, у ерда ўсиб турган дараҳтлар ҳам кирадими?**


**Ж:** Сотилаётган ерга, ерда ўсиб турган жамийки дараҳтлар ҳам қўшилади, айтилса ҳам, айтилмаса ҳам. Кейин сотовчи дараҳтларини кесиб ёки кўчириб оламан дейишга ҳаққи йўқ.

**С:** **Ер сотилаётгандан, ерда ўсиб турган экинлар ерга қўшиладими?**

**Ж:** Ер савдосига экинлар (экинлари билан) деб айтилса қўшилади. Акс ҳолда қўшилмайди.

**С:** **Дараҳтлар сотилганда мевалари кимга бўлади?**

**Ж:** Харидор мевалари билан оламан деб шарт қилган бўлса, харидорга бўлади. Акс ҳолда мева сотовчиники бўлиб сотоввидан мевани дарҳол териб, дараҳтини топширишни талаб қилинади.





**С:** Бир киши дарахтдаги пишмаган мевани сотиб олса ушбу савдо жоизми?

**Ж:** Дарахтдаги мевани пишса ҳам, пишмаса ҳам сотиш жоиз. Аммо сотиш билан дархол териб олиш вожиб бўлади.

**С:** Пишмаган мевани, пишгунча дарахтда туриш шарти билан сотса жоизми?

**Ж:** Йўқ жоиз эмас, савдо бузилади.

**С:** Дарахтдаги меванинг муайян миқдорини олиб қолиш шарти билан сотса жоизми?

**Ж:** Бу савдо ҳам жоиз эмас.

**С:** **Буғдойнинг бошоғида, полиз экинларининг палласида сотиш жоизми?**

**Ж:** Савдоси жоиз. Аммо, бошоқдаги буғдойни бошқа буғдойга, полиз экинларининг бирини ўз жинсига алмаштириш жоиз эмас. Судхўрликнинг эҳтимоли бўлгани учун.

**Фойда:** Катта миқдордаги моллар ўлчаб, тарозига тортиб сотилганда тарози ҳаққини сотувчи тўлайди.

### Ихтиёр шарти

**С:** Савдо пайтида сотувчи ёки харидор ихтиёрни шарт қилишлари жоизми?

**Ж:** Жоиз.

**С:** Савдодаги ихтиёрнинг шаръий чегараси борми?



Ж: Бор. Савдодаги ихтиёр аслида уч кун. Аммо сотувчи билан харидор келишсалар уч кундан ошиғи ҳам жоиз.

С: **Сотувчи билан харидор савдо қилсалар, сотувчи ўзига ихтиёр олса, мулкни харидорга берса сўнг сотилган нарса харидор қўлида ихтиёр муддатида ичидা ҳалок бўлса, бунинг ҳукми қандай?**

Ж: Бу ҳолатда харидор тўлайди. Агар молнинг ўхшали бўлса олиб беради. Акс ҳолда қийматини беради.

С: **Агар ихтиёрни харидор олган бўлса ва савдо моли қўлида ҳалок бўлса ким тўлайди?**

Ж: Харидор тўлайди, яъни сотиб олган нархини тўлайди.

С: **Ихтиёр билан олган харидор қўлидаги савдо молига нуқсон етказса нима қиласди?**

Ж: Агар етган нуқсон йўқолмайдиган, абадий бўлса, харидор сотиб олган пулинни тўлайди, аммо ўткинчи бўлса, масалан: сотиб олган моли касал бўлса, у ҳолатда харидор олган ихтиёр муддати мобайнида ихтиёрлидир. Муддат ўтса, айб давом этиб турса ҳам савдо баҳоланиб қолади. (қайтариш имкони бўлмагани сабабли)

С: **Савдода бериладиган ихтиёр муддатидан манфаат нима?**

Ж: Ихтиёр олган киши, ихтиёрли муддатда савдони баҳолаши ҳам, бузиши, бекор қилиши ҳам ихтиёрлидир.



С: Ихтиёрли киши савдони қандай баҳолайди ёки қандай бузади?

Ж: Ихтиёрли киши савдони ўзи баҳолайверади. Аммо, бузиш учун эса албатта шериги ҳозир бўлиши лозим.

С: Ихтиёрли киши ихтиёр муддати тугамай, савдони баҳоламай туриб вафот этса ушбу ихтиёр ворисларига ўтадими?

Ж: Бу кўринишдаги ихтиёр бекор. Ворисларга берилмайди, яъни савдо аввал баҳолангандир.

### Кўришлик ихтиёри

С: Савдо молини кўрмай сотиб олса ҳам бўладими?

Ж: Ушбу кўринишдаги савдо жоиз. Аммо харидор молни кўрганда ихтиёрлидир. Хоҳласа олади, хоҳламаса савдони бекор қиласди.

С: Ушбу ихтиёрнинг шаръий муддати борми?

Ж: Ушбу ихтиёрни бекор қилувчи ҳолат топилгунча, ихтиёр боқийдир. У ҳолат эса розиликни ифодалагувчи нарсалардир.

С: Савдо молини кўрмай туриб сотиб юборган кишида ихтиёр борми?

Ж: Ихтиёр йўқ.

С: Харидор тахлаб қўйилган тўнни очмай туриб кўрса ёки канизакнинг юзига ёки жониворнинг юзига қараса, ушбу кўришлик ихтиёрни бекор қилишга ярайдими?



- Ж:** Шунчалик кўришлик эътиборлидир, яъни иҳтиёрни соқит қиласи.
- С:** Сотиладиган ҳовлининг саҳнини кўриб, уйларини кўрмаса, шу кўришлик етадими?
- Ж:** Етади. Яъни ҳовлининг уйларини кўрмай, фақат саҳнини кўриб сотиб олган бўлса ёки ҳовлинини кўрмай сотиб олиб, кейин саҳнини кўриб розилик берса савдо баҳоланади. Иҳтиёр соқит бўлади. Бошقا мўътабар манбаъларда уйларини ҳам кўриш лозим дейилади. Зеро, ҳовли ва уйлар турличадир, яъни хилма-хилдир.
- С:** Кўзи ожиз кишининг савдоси жоизми?
- Ж:** Савдоси жоиз. Сотиб олганда кўриш иҳтиёри ҳам бор.
- С:** Қандай кўради, кўзи ожиз-ку?
- Ж:** Ушлаб кўриши – савдо моли ушлаганда билинадиган бўлса, ҳидлаб кўриши – ҳидлаганда ҳиди билинадиган бўлса, татиб кўрши – татиганда билинадиган нарса учун кўриш ўрнидадир.
- С:** Кўзи ожиз киши ер сотиб олмоқчи бўлса, қандай билади?
- Ж:** Ерни тавсифлаш кўриш ўрнидадир. Зеро, ерни билдиришнинг бошқа имкони йўқ. Ерни тавсифланганда рози бўлса, иҳтиёри соқит бўлади, яъни савдо баҳоланади.
- С:** Бир киши бир мулкни эгасининг рухсатисиз сотса, ҳукми қандай?



Ж: Бу сувратда мулк эгаси ихтиёрилди. Хоҳласа савдога рухсат беради, хоҳламаса бузади. Яъни сотилган мол, сотган шахс ва мулк эгаси мавжуд бўлса, аммо акс ҳолда савдо бузилади.

С: Бир киши бир савдо билан икки ёки ундан кўп нарсани сотиб олса, аммо савдо пайтида фақат биттасини кўрган бўлса, ушбу савдо жоизми?

Ж: Жоиз.

С: Бир киши бир нарсани кўрса, сўнг анча муддатдан кейин кўрмай сотиб олса шу **харидорнинг кўриш ихтиёри борми?**

Ж: Агар савдо моли ўзгармаган бўлса ихтиёр йўқ. ўзгарган бўлса, ихтиёри бор.

С: Кўриш ихтиёрини олган харидор кўришдан илгари вафот этса, савдо ҳукми нима **бўлади?**

Ж: Ихтиёр бекор бўлиб, савдо баҳоланади. Ихтиёр ворисларга ўтмайди.

### Айблик нарса ихтиёри

С: Бир киши бир нарсани харид қиласа, сўнг олинган нарсанинг нуқсонли эканини билса, шу нарсани қайтариб беришга ҳаққи **борми?**

Ж: Харидор нуқсонни савдо пайтида ҳам, қабул қилаётуб ҳам кўрмаган, сотувчи ҳам айтмаган бўлса бу ҳолатда харидор ихтиёрилди. Хоҳласа





келишилган нархда ҳаммасини олади, хоҳламаса савдони бузади.

**С: Савдода қандай нарсани нуқсон «айб» деб ҳисобланади?**

**Ж:** Савдогарлар назарида молнинг қийматини пасайтирувчи ҳар қандай нуқсон, айб деб ҳисобланади.

**С: Харидор харид қилган нарсасига нуқсон етказиб қўйганидан кейин, сотувчи олдида пайдо бўлган ва олаётиб билмаган айбини билиб қолса нима қиласди?**

**Ж:** Сотувчи харидор содир этган нуқсони билан қайтариб олишга рози бўлса, молни сотувчига беради, яъни савдо бузилади. Рози бўлмаса, нуқсони қийматини қайтариб, ундириб олинади.

**Танбеҳ:** Савдо молининг айб-нуқсонини баён қилмай, беркитиб сотиш ва алдаш шаръян ҳаром. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир тўп озиқ-овқат сотувчининг олдидан ўтаётиб, қўлларини доннинг ичига тиқдилар, бармоқлари дон ичидаги намликка етди. Шунда: “Эй, дон эгаси, бу нима?”, дедилар. Сотувчи: “Ёмғир суви”, - деди. Ул зот: ҳўлинин тепасига – одамлар кўрадиган жойига қўймабсан-да. Алдаган киши мендан (яъни менинг умматим) эмас” – дедилар. (Муслим ривояти.) Яна бир ўринда: «Ким айбини билдирмай сотса, Оллоҳнинг fazабидан,





фаришталарнинг лаънатидан қутулмайди», дедилар. (Ибни Можжоҳ ривояти.)

### **Бузуқ, ботил ва макруҳ савдолар**

**С: Ҳаққоний ва бузуқ савдо турлари қайсилар?**

**Ж:** Савдолар тўрт турли бўлади:

#### **1. Ҳаққоний, яъни шаръий савдо битими.**

Бу асли ва васфи шаръан жорий этилган, рухсат этилган бўлиб, монеълардан ҳоли бўлганда ҳукмни ифода этади, (яъни, савдони баҳолайди).

**2. Ботил савдо.** Шариатда рухсат этилмаган. Бирон ҳолатда шаръан баҳоланмайдиган савдодир. Масалан: сотилаётган нарса ёки тўланаётган пул ҳаром бўлганидек, тўнфиз гўшти ва ҳаром ичимликлар савдоси ҳам ҳаромдир. Бу савдонинг шаръий ҳукми шуки; ботил савдо баҳоланмайди, яъни сотилган нарсага харидор эга бўла олмайди, қўлига олган бўлса ҳам.

**3. Бузилган савдо:** Бу асли шариатга мувофиқ, лекин васфи номувофиқ бўлган савдо муомаласидир. Ушбу савдо кучга киради, қачонки, харидор молни қўлга олса. Бу савдонинг бир кўриниши шуки; икки киши савдо қиласа, харидор пулни буғдой пишиқда ёки хирмон янчганда, ёки ҳожилар келганда бераман, деб муддат қўйса. Бу бузуқ савдодир ёки уйни сотиб, маълум муддат ичида ўтириб туришни шарт қиласа, бу савдо ҳам бузуқдир.





**4. Мавқуф савдо:** Бир киши бирорнинг мулкини сўрамай сотса, бу савдо мулк эгасининг ижозатига боғланган «муваққат» савдодир. Мулк эгаси ижозат берса баҳоланади. Акс ҳолда баҳоланмайди.

**С:** Икки киши пулни ноаниқ муддатда беришга келишиб савдо қилсалар: масалан, пулни мевалар пишганда бераман деб, яъни бузуқ савдо қилсалар, сўнг пулни мевалар пишишидан илгари сотувчига тўласа, бузуқ савдоси жоиз савдога айланадими?

**Ж:** Ҳа, жоиз савдога айланади.

**С:** Ит, қоплон ва бошқа йиртқичлар савдоси жоизми?

**Ж:** Жоиз, сотса бўлади.

**С:** Ипак қурти ва асал арининг савдоси жоизми?

**Ж:** Ипак қуртининг савдоси жоиз эмас. Магар пилласи билан жоиз. Асал арининг ҳам савдоси уялари билан жоиз.

**С:** Харидор бузуқ савдо билан сотиб олган нарсасини қайта сотса савдоси жоизми?

**Ж:** Жоиз.

**С:** Харидор бузуқ савдо билан сотиб олган нарсасини тўғри савдо билан сотиб фойда қилса, ушбу фойданинг ҳукми нима?

**Ж:** Бу фойда пок эмас. Уни садақа қилиб юбориш вожибdir.





## Турли масалалар

С: Ким ошди савдоси жоизми?

Ж: Жоиз. Зеро, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ким ошди савдоси билан савдо қилганлар.


С: Ислом юртларида яшаётган файри исломий элатлар савдо муомалаларида шаръий қоидаларга риоя этишлари мажбурми – вожибми?

Ж: Улар ҳам шаръий қоидаларга мусулмонлар каби риоя этишга мажбулар. Мсалан: улар тўнғиз ва ҳаром ичкилик савдоларида мустаснодирлар, яъни, уларнинг ҳаром ичкиликлар билан қилган ўзаро савдоси мусулмонларнинг мева шарбатлари билан қилган савдосидекдир. Тўнғиз билан қилган савдолари мусулмоннинг қўй гўшти билан қилган савдоси кабидир.

## Савдонинг макруҳ турлари

1. Жума намозига аzon айтилгандан то жума намози тугагунча қилинган савдо макруҳдир.
2. Савдо молининг нархини сунъий тарзда кўтариб қўйиш, яъни ўзи олмайдиган молниг нархини сунъий харидор бўлиб кўтариб қўйиш макруҳдир.
3. Бир харидор кетмай туриб, нархни кўтариб, харидор бўлиш макруҳдир.
4. Бозорга келаётган молни бозорга етмай савдо қилиш макруҳ.





5. Шаҳарлик киши атрофдан келган кишиларнинг молини ўзларига соттирмай алдаб зарарига сотиб бериш макруҳdir.

### Савдони бузиш

**С:** Шаръан баҳолангандан савдони бузса бўладими?

**Ж:** Сотувчи билан харидор розилигида баҳолангандан шаръан дуруст савдони, икки томон розилиги билан аввалги келишилган баҳода бекор қилиш жоиз.

**С:** Икки томоннинг бири нархни кўтариб ёки тусириб бузишни шарт қилса нима бўлади?

**Ж:** Бу шарт бекор бўлади. Фақат аввалги нарх билан бузилади.

**С:** Сотилган пул ёки мол ҳалок бўлса, савдони бузса бўладими?

**Ж:** Пулнинг ҳалок бўлиши савдони бузишга монеълик қилмайди. Сотилган молнинг ҳалок бўлиши савдони бузишга монеълик қилади.

**С:** Савдо молининг баъзисининг ҳалок бўлиши, бузишга монеълик қиладими?

**Ж:** Монеълик қилмайди. Балки, қолганини бузиш жоиз.

**Фойда:** Харидор ёки сотувчи сотган ёки олганига афсусланиб, шеригидан савдони бекор қилишни илтимос қилса, савдони бекор қилишлари суюкли амали солиҳ ва мустаҳабдир. Зоро, унда улкан ажр-мукофот бор.





## Турли масалалар

**С: Бир киши сотиб олган нарсасини қўлга олишидан илгари сотиши жоизми?**

Ж: Кўтариб олиб кетиш ва жойидан жилдириш мумкин бўлган нарсани қўлга олмай туриб сотиш жоиз эмас. Аммо ер каби кўчириш мумкин бўлмаган нарсаларни қўлга олмай туриб сотса жоиз. Лекин ерни ҳам қўлга олмай сотиш жоиз эмас, дейди Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ, бинобарин, аввал қўлга олиб, сўнг сотса, шубҳадан ҳоли бўлади.

**С: Қайси ҳолатда савдо молини ўлчаш ёки тортиш лозим бўлади?**

Ж: Ўлчанадиган нарсани ўлчаб олиш ёки тарозига тортиладиган нарсани тортиб (аниқлаб) олиш шарти билан сотиб олган бўлса. Бу нарсаларни ўлчаб ёки тарозига тортиб кўришдан аввал сотиш ёки ейиш ҳаромдир.

**С: Бир киши бир нарса сотиб, пулини олмаган бўлса, ушбу олинмаган пулни эгаси вақтинча тасарруф қилиши (ишлатиши) жоизми?**

Ж: Жоиз.

**С: Савдо келишилиб тугаллангандан кейин пулни ошиқча бериш ёки сотувчи молга қўшиб бериш жоизми?**

Ж: Жоиз, яъни харидор келишилган нархдан ошиқча пул бериши ва сотувчи сотилган нарсага





ошиқча қўшиб бериши жоиз, аммо оғирроқ қилиб беринг, битта қўшиб қўйинг деб сўрашлик макруҳдир.

- С: **Сотувчи келишилган нархдан арzonлаштириб берса бўладими?**

Ж: Бўлади жоиз.

- С: **Харидор олган нарсаси учун берадиган пулни зиёда қилган бўлса (ошиқча пул бермоқчи бўлса) ёки сотувчи сотилган молни зиёда қилган (яъни қўшиб бермоқчи бўлган) ёки сотувчи пулни туширган (келишилгандан кам олмоқчи) бўлса, ушбу қўшимчаларга ҳақдорлик собит бўладими (яъни харидорнинг сотувчининг бермоқчи бўлган зиёда пулини талаб қилса бўладими)?**

Ж: Ҳақдорлик собит бўлади (талаб қилса бўлади)?

### **Судхўрлик**

Бақара сурасининг 276 оятида судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб: ўлганларнинг бай (олди-сотди) ҳам судхўрликни ўзику, деганлари дидир. Ҳолбуки, Оллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган, деган эди.

- С: **Бир киши банкдан ёки бир одамдан ижарага машина олиб беринг деса у одам қўлига пул бериб машина сотиб олгин ҳаройда келишилган ижара ҳақини олиб келасан, деса жоизми?**





Масалан: қўлига 2500\$ бериб машина сотиб олгин сўнг ижара ҳаққига ҳар ойда 100\$ бериб турасан деса нима бўлади?

Ж: Айнан судхўрлик бўлади. (Процентга) пул бергандан фарқи йўқдир. Исломда шунга ўхшаган ишлар ҳаром қилингандир.

**Фойда:** Агар бир одам ёки банка ҳодимлари бозордан машинани сотиб олиб ижарага олувчининг қўлига топшираётиб бир нархга келишиб айтсаки бу машинани сенга ҳар ойда 100\$ дан ижарага бердим деса дуруст бўлади, лекин машинани пулини ижарачининг қўлига бермаслик шарти билан жоиз бўлади. Акс ҳолда иш қилса судхўрликни эҳтимоли бор бўлади, лекин ижарачи машинани бозордан ўзи танлаб олишга ҳаққи бордир.

С: **Судхўрлик луғатда ва шариатда қандай?**

Ж: Судхўрлик луғатда мутлақ зиёдаликдир. Шариатда икки қисм бўлади. 1- савдодаги судхўрлик. 2- қарздаги судхўрлик. ҳар иккиси ҳам ҳаромдир. Зеро, олувчига ҳам берувчига ҳам қуръонда қаттиқ ваъид таҳдид оятлари келган.

С: **Қарздаги судхўрлик қандай ?**

Ж: Бир киши бир кишига тилло, кумуш, доллар ёки сўм бериб, қайтаришда зиёда қилиб қайтаришни шарт қилса, судхўрликнинг бир кўриниши бўлади.

С: **Савдодаги судхўрлик қандай бўлади?**

Ж: Ўлчаб ёки тортиб сотиладиган нарсани ўша нарсанинг жинсига ошириб сотиш –





алмаштиришдир. Масалан: 100 кг яхши буғдойни 120 кг ёмон буғдойга алмаштиришни сингари. Бу судхүрликдир, яъни ҳаромдир.

2- ўлчаб ёки тортиб сотиладиган нарсани жинсига ёки ўзини жинсидан бошқа нарсага насияга сотиш (яъни алмаштириш) судхүрликдир. Масалан: 100 кг буғдойни 100 кг буғдойга насияга сотса, яъни баҳорда бериб кузда олса бу судхүрлик. Чунки, баҳордаги нарх қимматроқ куздаги нарх арzonроқ бўлади, албатта, икковидан бири зиён кўради.

Зеро Жаноби Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам, Абу Саиди Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтдилар: «Тиллани тиллага, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга тенгма тенг, қўлма-қўлга сотинглар. Ким зиёда қилса, ёки зиёда талаб қилса, бас у судхўрлик қилибди. Бу ишда оловчи ва берувчи гуноҳда баробардир»

Убада ибни Сомит Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилди. Ул зот айтдилар: «Тиллани тиллага, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга тенгма-тенг, баббаробар қўлдан қўлга сотинглар-алмаштиринглар» (Яъни: 100 кг буғдойни, 100 кг буғдойга сотинглар-алмаштиринглар. Нақд бериб, нақд олинглар, насия бўлса ёки бири кўп,



бири оз бўлса судхўрлик бўлади) дедилар. Ушбу нарсалар ҳар хил бўлса (яъни, буғдойни арпага ёки бошқа нарсага сотсаларинг, қўлдан қўлга ўтган бўлса хоҳлаган нарҳда сотинглар) бунда ҳеч ким зиён кўрмайди.

Пайғамбар соллоҳу алайҳи васаллам: «Ушбу олти нарсани зикр қилиб, ушбу нарсаларни ўз жинсига фақат вазни ёки ўлчови баробар бўлса, қўлдан қўлга ўтса (насия қилмаса) ўхшашини ўхшасига баробарига сотсаларингиз, алмаштирсаларингиз жоиз.» Ушбу жинслар алмаштирилаётганида қайси томондан (сотувчи ёки оловчидан) зиёда берилса ёки олинса, у рибо-судхўрликдир дедилар. Ушбу турдаги маҳсулотларни жинси тафовутли бўлганда (буғдойни арпага ёки хурмога алмаштирилганда) вазни ёки ўлчови тенг бўлса ҳам, тенг бўлмаса ҳам, қўлма-қўл (нақд бериш) шарти билан жоиз бўлади.

Ушбу ашёлар зикридан хulosса қилиб Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ савдони судхўрликка айлантирувчи асосий омил жинсдош нарсаларни бир – бирига алмаштирганда, яъни сотганда ўлчов ёки тарозидир, дейдилар. Зеро, ҳадисда зикр этилган нарсалар ўлчанадиган ёки тортиладиган маҳсулотлардир. Ушбу нарсаларни, яъни ўлчаниб, тортиладиган нарсаларни ўз жинсига ёки бошқа жинсга алмаштирилса – сотилса,



аслида жоиз. Фақат икки томоннинг бири зиёда қилинса, жоиз эмас. (яъни, 100 кг буғдойни, 110 кг буғдойга алмаштирилса, яъни сотилса жоиз эмас.)

Жинслар турлича бўлса (масалан: буғдойни тузга алмаштирилса) ортиқчаси жоиз. Аммо насияси ҳаром. Икки сифат, яъни ҳам жинслик ва ўлчовлик топилмаса ошиқ - ками ҳам насияси ҳам жоиз. (яъни 1 та Тошкент тўнини 2 та Фарғона тўнига) алмаштирса жоиз.

Қачонки сотилаётган нарсада ҳам жинслик ва ўлчаш, тортиш топилса ошиқчаси ва насияси ҳаром. Иккаласидан бири топилса ошиқчаси ҳалол, насияси ҳаром, (яъни, буғдойни арпага сотса ошиқчаси жоиз, насияси жоиз эмас. 1 та Боғдод либосини 2 либосига нақд сотсан алмаштирса жоиз. (Насияси жоиз эмас.)

**С: Олий навли буғдойни, паст навли буғдойга ошиқчаси билан алмаштирса бўладими?**

**Ж:** Бу кўринишда савдо жоиз эмас. Зеро, жинси бир барча ўлчанадиган ва тортиладиган нарсалар ҳукми ҳам айнан шундайдир. Яъни ошиқчаси билан амаштирса судхўрлик бўлади.

**С: Жинсларнинг қай бири ўлчанадиган қай бири тортиладиган эканини билса бўладими?**

**Ж:** Бўлади, яъни Пайғамбар соллоҳу алайҳи вассаллам қайси нарсаларни ўлчагандা ошиқчаси ҳаром деб очиқ айтган бўлсалар, ўша





нарсалар абадий ўлчанадиган нарсалардир. Гарчи, одамлар уни ўлчашни ташлаган бўлсалар ҳам буғдой, хурмо, арпа, туз сингари. қайси нарсаларни тортганда ошиқчаси ҳаром деб, эълон қилган бўлсалар. У нарсалар абадий ҳаромдир. Гарчи, одамлар уни тортишни ташлаган бўлсалар ҳам. (Тилло кумуш сингари). қайси нарсаларни ўлчанадиган ёки тортиладиган деб, эълон қилмаган бўлсалар. Улар урфга биноан кишиларнинг одатига ҳаволадир. Яъни у нарса ҳақида кишилар одати эътибор қилинади. Бир нарсани тарозида тортиб муомала қилсалар. Уни «вазний» деб эътибор қилинади. Бир нарсани ўлчаб сотсалар уни «кайлий, ўлчанадиган» деб эътибор қилинади. Шариатда, доналаб сотсалар, “ададий”, “доналик” деб эътибор қилинади.

**С: Савдоларда «қўлга олишнинг» ҳукми қандай?**

Ж: Пуллар жинсида савдо қилинса, яъни, тилло кумушни ёки долларни бир-бирига алмаштирилса, иккала эвазни савдо қилинган мажлисда сотувчи билан харидор қўлга олишлари эътибор қилинади. (яъни, ана шунда савдо баҳоланади) Бу савдони «Байъи сараф» дейилади, пул алмаштирувчини, «сарроф» дейилади. Пулдан бошқа судхўрлик бўладиган савдоларда, бериладиган пулни аниқлаб, тайин





қилиб қўйилса, савдо баҳоланаверади. Савдо мажлисида қўлга олиш шарт эмас.

**С: Буғдойни унга ёки талқонга, унни талқонга сотишиш-алмаштириш жоизми?**

**Ж:** Бу савдо – алмаштириш тенгма-тенг алмаштирса ҳам, ошифи билан алмаштирса ҳам жоиз эмас.

**С: Гўштни ҳайвонга сотса – алмаштирса бўладими?**

**Ж:** Гўштни ҳайвонга сотишни – алмаштиришни Ином Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ жоиз дейди, аммо шогирди Муҳаммад: Гўшт ҳайвондаги гўштдан кўпроқ бўлиши лозим. Шунда ошифи ҳайвон чиқиндисига тенг бўлади. Шунда савдо жоиз, акс ҳолда жоиз эмас, дейди.

**С: Сутларни бир-бирига ошифи билан алмаштирилса бўладими?**

**Ж:** Бўлади чунки сутлар қўйиқ баъзиси суюқ бўлгани учун жоиз.

**Фойда:** Сиркани сиркага ҳар қандай ҳолда алмаштириш жоиз.

**С: Буғдой унининг нонини буғдойга ёки унга сотса жоизми?**

**Ж:** Жоиз.

**С: Кофир мамлакатда кофир киши билан мусулмон киши савдо-сотиқ қиласа бўладими?**

**Ж:** Бўлади жоиз, лекин тақволи парҳез қилувчи ва шубҳали нарсалардан ўзини сақлагувчи мусулмонларнинг ўзларига ҳавола.





**Фойда:** Бир одам қарз олувчини уйига ҳаққини сүраш учун келиб ҳавони иссиқ кунида күчада турган экан. қарздор одам эй биродар мен чиққунимга қадар мана бу дараҳтнинг соясида турсангиз бўлмасмиди десалар айтган экан: эй биродар мен бу сизнинг дараҳтингизни соясидан фойдалансам судхўрлик қилган бўламан деб жавоб берибди.

### **Байъи сараф**

**С: Қандай савдони байъи сараф дейилади?**

Ж: Фуқахолар урфида пулни пулга сотишни – алмаштиришни байъи сараф дейилади. Яъни тиллони, тиллога, кумушни кумушга алмаштиришга айтилади.

**С: Тиллони тиллога, кумушни кумушга сотса алмаштирса жоизми?**

Ж: Бу судхўрлик бобида айтилганидек. Тенгматенг, нақдма – нақд бўлса жоиз.

**С: Аммо тилло ёки олтин тозаликда ёки қуишида фарқ қилса, ушбу фарқли олтин- кумушларни бир-бирига зиёдасига сотса алмаштирса жоиз буладими?**

Ж: Жоиз эмас, аммо пул савдосида фарқ эътибор қилинмайди.

**С: Олтинни кумушга, кумушни олтинга сотиш жоизми?**

Ж: Жинси тафовутли бўлгани боис, савдоси жоиз. Аммо, сотилган пулни савдо мажлисида қўлга олиши вожиб. Акс ҳолда жоиз эмас.





- С: **Пулни пулга сотганда – алмаштирганда, алмаштирилган пулни икки тараф савдо мажлисида бир – биридан олмай ёки бир тараф олмай ажралсалар, ушбу савдо ҳукми нима бўлади?**
- Ж: Бу ҳолда савдо бузилади. (ҳеч кимнинг даъвога ҳаққи йўқ)
- С: **Алмаштирилган пулни қўлга олмай туриб ишлатиш жоизми?**
- Ж: Жоиз эмас.
- С: **Тилло вазнини чамалаб кумушга сотса жоизми?**
- Ж: Жинси тафавутли бўлгани боис сотиш жоиз. Аммо, ҳар икки тараф савдо мажлисида қўлга олишлари лозим. Ажраб кетмасларидан аввал.

### **Байъи салам**

- С: **Савдонинг, савдо молини дарҳол қўлга олишни шарт қилинмаган тури ҳам борми?**
- Ж: Ҳа, бор. У Байъи саламдир. Байъи салам деб, насия нарсани нақд пулга сотишдир. Бу турдаги савдо битими шаръян жоиздир. (Яъни, харидор келишилган пулни нақд бериб, харид қилган молини муайян муддатдан сўнг олишидир).
- С: **Байъи саламнинг жоиз ва ножоиз турларини аниқлайдиган умумий қоидалар борми?**
- Ж: Бор. Улар шуки: сифатини ва миқдорини аниқлаш мумкин бўлган барча ашёларда байъи салам жоиздир. Сифатини ва миқдорини





аниқлаш имкони бўлмаган ашёларда байъи салам жоиз эмас.

**С: Байъи салам жоиз бўлган ашёлар турларини баён қилиш имкони борми?**

**Ж:** Бор. Улар шуки: ўлчанадиган, тортиладиган, метрланадиган ва бир хил - саналадиган (тухум, ёнфоқ) нарсаларда байъи салам жоиздир. ҳайвонларда, териларида, ўтинларда, боғлаб сотиш имкони бўлмаган бедаларда байъи салам жоиз эмас.

**С: Байъи саламнинг жоизлигини кафолатловчи шартлар борми?**

**Ж:** Бор. Улар: 1. Маълум жинс бўлиш, 2. Муайян Навли бўлиш. 3. Сифати маълум бўлиш. 4. Миқдори маълум бўлиши; 5. Берилаётган сармоя тўланган пул) миқдорини билиш. қачонки савдо молни миқдорига боғлик бўлса, ўлчанадиган, тортиладиган ёки саналадиган бўлса. 6. Сотиладиган молни топширадиган жойни белгилаш. 7. Байъи саломда белгиланган муддат аниқ бўлиши лозим.

**С: Либосларда байъи салам жоизми?**

**Ж:** Либосларнинг қалин юпқалиги, сифати тури жинси айтилса жоиз.

**С: Гавҳарлар ва мунчоқларда байъи салам жоизми?**

**Ж:** Жоиз эмас.



**С: Фишт турларида байъи салам жоизми:**



Ж: Қалинлиги маълум бўлса жоиз.

С: **Байъи саламда сотувчи молни муддати етганда топширади, аммо пулни қачон олади?**

Ж: Сотувчи пулни савдо қилинган мажлисда олади ажралмасдан олдин. Зеро байъи салам фақат шу йўл билан жоиз бўлади.

С: **Икки киши байъи салам қиласа сўнг сотувчи сармоя пулни (тўланадиган пулни) ишлатиб туришни хоҳласа ёки харидор савдо молини ишлатиб туришни хоҳласа. ҳукми нима бўлади?**

Ж: Қўлга олмасдан ҳар иккаласи учун ҳам жоиз эмас. Сотиб олинган нарсада қўлга олмасдан аввал шериклик ва эгадорлик мумкин эмас.

### Музораба таърифи

С: **Музорабанинг луғавий маъноси ва мазмуни қандай?**

Ж: Музораба луғатда: бир шахснинг иккинчи шахсга савдо қилиш ва фойдани ўртада келишилган шартга биноан бўлиш ва кўрилган заарар эса мол эгаси заарига бўлиши шарти билан мулк-пул беришни англатади. Агар молни шерикка олувчини айби билан заарар бўлса.

Музораба «Сафар» маъносини англатувчи «Зарб» сўзидан олингандир. Зеро, савдо кўпинча сафарни тақозо этади.





Қарз сўзи «кесмоқ, бўлмоқ, ажратмоқ» маъноларини англатади. Одатда қарз берувчи мулкининг маълум бўлагини ажратиб қарз сўрагувчига беради. Бинобарин, «қарзни» қарз деб аталади.

Фуқаҳолар наздида «музораба» икки шахснинг бири бошқасига фойдани тенг ярим ёки учдан бир ёки шунга ўхшаш маҳсус шартлар билан бўлиб олиш учун вақтинча мулк қилиб пул бериш ақд-битимини айтилади.

Музораба аслида шундай бўлсада битимни шариат наздида ҳаққоний ёки файрихаққонийга айлантириб қўювчи шартларга боғликдир.

### **Музораба арконлари, ҳукмлари ва шартлари**

**С: Музорабанинг қандай арконлари ва ҳукмлари бор?**

Ж: 1. ҳанафия мазҳабида музораба битими шерикларнинг мақсадларига қараб фойдада шериклик бўлишилигини англатади. Чунки мулкдор тарафидан пул бериш, иш юритувчи тарафидан эса меҳнатдир.

Иш юритувчининг бир неча хил холатлари бўладики, ўша ҳолатлар музораба ҳукмларини ўзгартириб юборади. Бинобарин; музораба ҳукмлари бир неча қисмга бўлинади.

Биринчиси, иш юритувчи молни қабул қилиб, ишга киришгунча «амийн» «ишончли»





киши ҳукмидадир. Бунинг маъноси: мол унинг қўлида омонатдир. Шундай экан уни сақлаши, эгаси сўраса қайтариб бериши вожиб. Аммо йўқотиб қўйса зомин бўлмайди, тўламайди.

2. Иш юритувчи ишга киришганда вакил бўлади, вакилнинг ҳукми қўлидаги мулк учун мулк эгасининг ҳукмидадир. Иш юритувчи юритаётган молиявий алоқаларидан мулк эгасини хабардор қилиб туради.

3. Фойда ҳосил бўлганда, молнинг айланишидан ҳосил бўлган фойдадан ҳар бир шерикка маълум миқдорда (ҳисса) берилади.

4. Музораба бузилган тақдирда (яъни, шаръий шартларнинг бири топилмай қолган тақдирда) иш юритувчи мардикор ҳукмида бўлиб қолади. Бу дегани: чиқсан фойда ҳам, зарар ҳам барчаси мол эгасига бўлади. Иш юритувчига эса хизмати учун «ажр мисл» (яъни, одатда шундай ишга тўланадиган ҳизмат ҳаққи тўланади). Саҳиҳ гап шуки; иш юритувчи бузилган битим асосида иш юритса, иши фойда бермаган бўлса, иш юритувчига ҳақ тўланмайди. Музораба шартлари тўлиқ топилган тақдирда ҳам, иш натижа (фойда) бермаса иш юритувчига ҳақ тўланмайди.

5. Агар иш юритувчи музораба шартларидан бирига, хилоф иш тутса. Бу ҳолатда иш юритувчи – босқинчи деб ҳисобланади. Бунинг





ҳукми: гуноҳкор бўлади, қўлидаги мулкни қайтариб мулкдорга бериши вожиб бўлади. Мулкка талофот етса тўлайди.

6. Музораба фойдасининг ҳаммаси иш юритувчига бўлиши шарт қилинса, бу ҳолатда берилган пул-қарз бўлади. Иш юритувчи молни-пулни қабул қилиб олса ва ушбу шартга биноан иш юритса, қўлидаги мулкдан ёлғиз ўзи масъул-жавобгар бўлади. Сармоя – пулни йўқотса тўлайди ва дарҳол эгасига қайтариш ҳам вожиб бўлади.

7. Агар фойданинг ҳаммаси мулкдорга бўлиши шарт қилинса, бунинг ҳукми: мол-буюмлар битими ҳукмига ўхшашибди. Бу дегани; мулкдор иш юритувчини мулк сотиб олиш мол-буюм сотиб олиш учун бекорга вакил қилишибди. Бу ҳолатда иш юритувчи сотиб олган ҳамма нарса мулкдорга бўлади. Буюмларнинг йўл ҳаражатлари мулк эгаси зиммасида бўлади. Иш юритувчига ҳақ тўланмайди.

### **Музораба рукни**

Музораба «Топшириш ва қабул қилиш» йўли билан баҳоланади. Бу мақсадга далолат қилувчи сўзлар қўйидагилардир. Масалан: мулк эгаси «Бу пулни ол, шерикликка ишлат», деса ёки «Бу пулни ол, музораба йўли билан ишлат. Оллоҳ нимани берса ўртамиизда тенг яrimдан ёки учдан бири ёки бошқа бирон шарт билан





бўламиз» деса, иш юритувчи: «Олдим, рози бўлдим, ёки қабул қилдим» деса, музораба битими ҳаққоний, шаръий бўлиб баҳоланади.

### Музораба шартлари

С: **Музорабанинг қандай шартлари бор?**

Ж: 1. Сармоя – пул тилло, кумуш ёки муомалада бўлган пул бўлиши шарт.

2. Битим пайтида сармоя – шериклар ўртасида келишмовчилик содир бўлмаслиги учун пул маълум бўлиши шарт;

3. Битим пайтида сармоя – пул ҳам мулкдор қўлида ҳозир бўлиши шарт: Мулқдорнинг иш юритувчи бўйнидаги қарзини яна бошқага музорабага қўйиши жоиз эмас. Масалан: мулкдор, иш юритувчига «Бўйнингдаги қарзни музораба шаклида ишлат фойдаси ўртада тенг шерик» деса, бу битим ҳам жоиз эмас. Иш юритувчи зиммасидаги қарзни музораба шаклида ишлатса ва зарар қилса ёки фойда қилса, қарз ўз холича қарз бўлиб қолаверади. Бир киши бошқа кишига сақлаб туриш учун мол берган бўлса, сўнг шу мулкдор сақловчига «қўйлингдаги пулни музораба шаклида ишлат фойдаси ўртада, шерикмиз» деса. Бу музораба жоиздир. Шунингдек, бир киши бошқа кишига «бирон нарса» сотиб олиб бер деб пул бериб, сўнг сақлаётган кишига «шу пулни музораба шаклида ишлат» деса, бу битим ҳам жоиз.





4. Иш юритувчи бемалол, ёлғиз ўзи тасарруф қилиши учун пулини иш юритувчига топширган бўлиши шарт. Агар мулкдор иш юритувчи билан бирга амал қилишни шарт қиласа, бу ҳолатда битим бузилади.
5. Иш юритувчининг улуши одатдагидек фойданинг ярми ёки учдан бири ёки шунга ўхшаш шартларнинг бири билан аниқ белгиланган бўлиши шарт. Аммо агар иш юритувчига маълум миқдордаги пулни белгилаб қўйса, масалан; ушбу пулни ишлат, сенга фойдадан 20 танга бераман деса, битим бузуқдир, жоиз эмас. Чунончи, «Бу пулни ишлат сенга фойданинг ярми, яна устига 20 танга қўшиб бераман» деса, бу битим ҳам жоиз эмас. Яна, иш юритувчига айтса; «Сенга фойданинг ярми, аммо шу ярим фойданинг 20 ёки 10 тангасини олиб қоламан» деса, бу битим ҳам жоиз эмас.
6. Агар иш юритувчига чиққан фойданинг ярмини беришни шарт қилиш баробарида ойлик-маош беришни ҳам шарт қиласа, бу шарт бузуқ, лекин битим дуруст. Агар шундай бузуқ шарт билан иш юритилса, иш юритувчига фақат фойдадан келишилган улуш берилади холос.
7. Агар мулкдор иш юритувчига музораба учун пул берса, яна қўшимча яшаш учун жой ёки экин экиб олиш учун ер беришни шарт қиласа,





музораба битими иш қўшимчалари сабабли бузуқ ботилдир.

Алҳамду лиллаҳи алат – тавфиқ.

Астағфируллоҳа алат-тақсир.

## Гаров

**С: Гаровнинг шаръий ва луғавий маънолари нима?**

Ж: Гаровнинг луғавий маъноси бирон нарсани, бирон сабаб учун «тутиб турмоққа» айтилади. Унинг шариат истилоҳидаги маъноси: Шаръий қийматга эга бир мулкни, зиммасидаги шаръий қийматга эга бўлган ҳақ баробарига ишонч учун тутиб туришга беришни айтилади.

**С: Ишонч учун қўйиладиган нарса – гаровни нималар баробарига қўйиш мумкин?**

Ж: Гаровни фақат олинган қарз баробаригагина қўйилмайди. Балки, бошқа муомалалар учун ҳам қўйилаверади.

**С: Гаровда нима ҳикмат бор?**

Ж: Гаровга қўйилган нарсадан, гаровга қўювчи киши зиммасидаги ҳақни тўламаган тақдирда қарз берган киши қўйилган нарсани сотиб ҳақини ундириб олиш имкони туғилади.

**С: Гаров муомаласи қандай боғланиб қачон тамомига етади?**

Ж: Гаров (никоҳ боғланишидек) бериш ва қабул қилиш ёки келишиб, розилашиш йўли билан боғланади. Гаров қабул қилган киши, гаров






молини ажратиб аниқлаб қўлга олиш билан гаров тамомига етади. Аммо, келишгандан сўнг, ҳануз гаров молини қўлга олмаган бўлса, гаров қўйгувчи ихтиёрлидир. Хоҳласа топширади, хоҳламаса топширмайди. Гаров қўйгувчи гаров молини олувчига топширган бўлса гаров олувчи қабул қилган бўлса гаров олувчининг кафолатига кирибди.

**С: Гаров моли гаров олган киши қўлида ҳалок бўлса, ким тўлайди?**

Ж: Юқорида айтилганидек гаров олувчи гаров молини қабул қилса. Унинг зиммасига ўтади. Фуқаҳолар фикрича гаров олувчи зомин бўлади. Яъни, гаров молининг ёки қарзининг қайси бири оз бўлса ўшанга зомин бўлади. Яъни гаров моли етти тангачалик бўлаб, берилган қарз ўн танга бўлса гаровгир етти танга тўлайди. Яъни, етти танга гаров қўйгувчида қолиб, уч тангани гаровгирга қайтариб беради. Агар гаров моли ўн танга бўлиб, берилган қарз етти танга бўлса, у ҳолда гаровгир уч танга гаров қўювчига тўлайди ва ора очиқ бўлади. Агар гаров моли гаровгир қўлида ҳалок бўлса Гаров моли билан, берилган қарз қиймати тенг бўлса, ҳукман қарзидан қутилади (яъни қарзини тўлаган бўлади).

Аммо гаровгир гаровга қўйилган молни омонат сақлагандек сақлаши вожиб. Яъни, гаров молни мол эгаси тайинлаган ўринда тайинлага-





нидек сақлаш вожиб. Ушбу ҳолатда сақлаганда ҳалок бўлса тўламайди. Омонатни шариат буюрганидек сақлаш «Омонат» бобида алоҳида баён қилинади.

**С: Қайси ҳолатлар гаров молига ҳиёнат ҳисобланади?**

**Ж:** Гаровга қўйилган уловни берухсат минса, китобни титса, ўқиса, кийимни кийса, узукни тақса ва ҳоказо. Бу ҳолатларда гаров моли ҳалок бўлса, тўлаш вожиб бўлади.

**С: Гаров узук қайси ҳолатда тўланади?**

**Ж:** Узукни чинчалағига тақиб юрганда йўқолса тўлайди. Бошқа бармоқларига тақиб юриб йўқотса тўламайди.


Гаров молини сақлаш, харажатлари, саломатлигини таъминлаш учун ем-ҳашаклар гаров қўювчи зиммасидадир.

**С: Қандай нарсаларни гаровга қўйиш жоиз эмас?**

**Ж:** Шерикли нарсаларни, қўлидаги омонат молларни, ижарага олган нарсаларни, шерик савдо молларини гаровга қўйиш жоиз эмас.

**С: Гаровга қўйиладиган молни гаровгир билан гаровга қўювчи келишиб бир одил-ишончли киши ҳузурига қўйишни шарт қилишлари жоизми? Бу гаров қанай тамомига етади?**

**Ж:** Бундай гаров жоиз. Одил киши гаровни ўз тасарруфига олиши билан, гаров томомига





етади. Бу сувратда гаров қўювчи ёки олувчидан бириси ололмайди. Балки, иккаласи бирга оладилар.

**С: Гаров молни тасарруф қилиш жоизми?**

**Ж:** Гаров қўювчи гаров молини сотмоғи гаровгирни ижозатига боғлиқдир. Чунки, унинг молда ҳаққи бор. Чунончи, гаров олувчининг гаров молни сотмоғи ҳам, гаров қўювчининг рухсатига боғлиқ сотилса, гаров пули гаров бўлиб қолади.

**С: Гаров моли қайси ҳолатда тўланмайди?**

**Ж:** Гаровгир қўювчидан гаров молидан муайян ўринда фойдаланиб туришга рухсат олса, сўнг гаров моли фойдаланаётган пайтда ҳалок бўлса тўламайди. Яъни қарз олган кишидан қарзини бутунлай ундиради. Чунки, гаровгир айбдор эмас. Гўё гаров отни фақат миниб юришга рухсат олса ва миниб юрганда ҳалок бўлса, зомин эмасдек яъни тўламайди.

**С: Қайси ҳолатда тўлайди?**

**Ж:** Гаров молни фойдаланишга рухсат олса, сўнг ҳали фойдаланмай туриб ёки фойдалангандан кейин ҳалок бўлса, юқоридаги тарзда тўлайди.

## Вақф

**С: Вақф нима?**

**Ж:** Вақф лугатда тўхтатмоқ шариатда муайян нарсани вақф қилувчининг ҳукми билан садақа ёки ўзгалар манфаати учун тўхтатмоқликдир.



**С: Исломда вақф нега жорий этилган?**

**Ж:** Муайян нарсадан мұхтожлар давомли тарзда фойдаланиб туришлари ҳамда вақф қилинган нарса манфаати давом этгани сайин, вақф қилувчига «садақаи жория – оқар садақа» бўлиб, узлуксиз савоб этиб туриши учун бир ибодат жорий этилгандир. Зеро, жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «қачон инсон вафот этса, унинг амали тўхтайди. Фақат уч кишининг амали қиёматгача давом этади: Давом этиб турадиган – садақаи жория, одамлар фойдаланиб турадиган илм, ёки ота-онага дуо қилиб турадиган солиҳ фарзандлар қолдирган киши амалининг савоби тўхтамайди» дедилар.

**С: Вақф қилинган мулк, вақф қилувчи мулкидан чиқса, тасарруф қилувчи мулкига кирадими?**

**Ж:** Кирмайди. Яъни фақат Оллоҳнинг мулки сифатида сақланиб, ундан келган фойдани садақа қилинади, холос.

**Фойда:** Мулк узил – кесил вақфга айланиши учун чексиз муддатга вақф қилиниши лозим. Мабодо чекланган муддатга вақф қилса ҳам, вақф жоиз. Аммо чекланган муддат тугаса, яна камбағаллар мулкига айланиб қолади. Гарчи, қайд қилинмаган бўлса ҳам.

**С: Ерни вақф қилиш жоизми?**

**Ж:** Ерни вақф қилиш жоиз.



**С:** **Жойдан жилдириш мумкин бўлган нарсаларни вақфи жоизми?**

**Ж:** От ва қуролларни вақф қилиш жоиз. Аммо имом Аъзам раҳматуллоҳ, бу тоифа нарсаларни вақф килиш жоиз эмас дейдилар.

**С:** **Вақф мулкни сотиш (бировга) мулк қилиб бериш ва тақсимлаш жоизми?**

**Ж:** Вақф мулкни сотиш, мулк қилиб бериш жоиз эмас. Тақсимлаш мумкин бўлган нарсаларни тақсимлаб тасарруф қилиш жоиз, лекин мулк қилиб эмас.

**С:** **Масжид учун вақф қилинган ерга масжид бино қилинса, вақф қилувчининг мулкидан чиқадими?**

**Ж:** Вақф қилувчи вақф йўли билан ўз мулкидан ажратиб, одамларга намоз ўқишга рухсат берса ва камида бир киши кириб намоз ўқиса, ўша лаҳзада ер ва масжид, вақф қилувчи мулкидан чиқади. Бу имом Аъзам раҳматуллоҳ сўзлариdir. Аммо бу ерни масжидга ажратдим дейиш билан ҳам мулкидан чиқади, деган қавл ҳам бор. Бу имом Абу Юсуф қавллариdir.

**С:** **Бир киши сув ичиладиган жой, мусоғирхона, карвонсарой ёки қабристон қилса, ушбу жойлар қачон вақф қилувчининг мулкидан чиқади?**



**Ж:** Бу жойлар Имоми Аъзам раҳматуллоҳ назарларида ҳоким ҳукм қилганидан кейин вақф қилувчи мулкидан чиқади. Имом Абу



Юсуф: «Вақф қилдим» дейиши билан мулкидан чиқади дейди. Имом Мұхаммад раҳматуллоҳ: «Одамлар сув ичишни бошласалар, мусоғирхонада одамлар тунаб қолишини бошласалар, қабристонга майит дағын этишини бошласалар вақф қилувчининг мулкидан чиқади, дейди.

**С: Вақфдан тушган фойда- даромадни қандай тасарруф қилинади?**

**Ж:** Вақфдан тушган даромадни вақф мутасаддийси аввало вақф камчиликларини тиклашга сарфлайди. Буни вақф қилгувчи хоҳ шарт қилған бўлсин хоҳ шарт қилмаган бўлсин баробардир.

**С: Вақф қилинган уйни таъмирлаб туриш кимнинг вазифаси?**

**Ж:** Вақф қилинган жойни таъмирлаб, обод қилиб туриш яшаётган киши зиммасигадир. Агар таъмирлаб туришга имкони бўлмаса ёки камбағал бўлса, ҳоким уйни ижарага қўйиб, чиққан даромад билан уни таъмирлаб яна яшовчига қайтариб беради.

Агар вақф уйнинг иморатлари бузилса, ёғоч ва бошқа нарсалари ўзига ишлатиш учун сақлаб қўйилади. Камбағалларга тақсимлаб берилмайди.





## Топилган болалар

С: Ташлаб кетилган чақалоқни, топган киши нима қиласы?

Ж: Ҳалокатдан сақлаш мақсадида дарҳол олади.

С: Боланинг нафақаси кимнинг зиммасида бўлади?

Ж: Нафақаси давлат зиммасида бўлади.

С: Чақалоқни топиб олган кишидан бошқа киши олиши жоизми?

Ж: Жоиз эмас.

С: Бир киши чақалоқни менинг ўғлим деб, даъво қиласа даъвоси қабул қилинадими ?

Ж: Қасам ичса қабул қилинади.

С: Агар чақалоқни икки киши даъво қиласа, қайсинасига ҳукм чиқарилади.

Ж: Қайси бири боладаги белгиларни айтса, ўша одамга берилади ёки қайси бирининг даъвоси кучли бўлса бола ўшаники бўлади.

С: Мусулмонлар юртидан топилган болани бошқа диндаги киши даъво қиласа насаби событ бўладими?

Ж: Насаби ўшандан событ бўлади, аммо болани мусулмон деб, эътибор қилинади. Ислом юртидан топилгани учун.

## Топилмалар

С: Топилма нима?

Ж: Тушиб қолган мол ёки пул



**С: Тушиб қолган нарсани күрган киши нима қиласы?**

**Ж:** Олмаса зое бўладиган нарсани кўрса, дарҳол олиши вожиб. Зое бўлиш эҳтимоли бўлмаса олиши вожиб эмас, аммо олиши жоиз. Олаётгандаги, сақлаб туриш мақсадида олса, кейин эгаси чиқса, қайтиб беришини айтиб гувоҳ қилиб қўйсин. У мол у одамнинг қўлида омонат сифатида сақланиб туради, яъни у молга омонат сақлаш ҳукмлари жорий этилади.

**С: Топилмани олган киши нима қиласы?**

**Ж:** Топилган нарса қиймати ўн тангадан оз бўлса бир неча кун эълон килиш лозим. Агар ўн тангадан кўпроқ бўлса бир йилгача сақлаб, эълон қилиб туради. Эгаси келса беради. Келмаса садақа қилиб юборади.

**С: Садақа қилиб юборгандан кейин эгаси келса нима қиласы ?**

**Ж:** Эгаси учун ихтиёрлидир хоҳласа садақа қилганига рози бўлади, яъни қайтиб сўрамайди. Хоҳласа топиб олувчидан тўлатади.

**С: Қўй, мол, туяларни топилма дейиш мумкинми?**

**Ж:** Топилма дейиш мумкин.

**С: Бир киши мол топиб олди ва уни сақлаб, боқиб туради. Бу мол ҳаражатини ким тўлайдими ?**



Ж: Ҳоким рухсати билан боқсан бўлса, ҳаражатларини мол эгаси тўлайди. Акс ҳолда хеч ким тўламайди.

С: **Топиб олган киши, топилмани эълон қилганидан кейин эгаси топилмаса кимга садақа қиласди?**

Ж: Камбағал бўлса ўзи, ота-онаси аёлига ёки балоғатга етган ўғилларига берса бўлади.

### Хуноса

С: **Агар чақалоқнинг ҳам ўғиллик, ҳам қиз болалик жинсий аъзоси бўлса бунинг ҳукми қандай бўлади?**

Ж: Бола ўғиллик аъзосидан сийса, демак у ўғилдир. Агар қизлик аъзосидан сийса, қиз боладир.

С: **Агар иккала аъзосидан ҳам сийса, унинг ҳукми қандай бўлади?**

Ж: Бу ҳолатда қайси аъзосидан аввал сийса, ўшанга ҳукм қилинади ва ўшанга нисбат берилади.

С: **Ушбу тоифанинг ўғил ёки қизлигини билдирувчи бошқа аломатлар ҳам борми?**

Ж: Бор. Балоғат ёшига етганда соқол чиқса ёки аёлга яқинлик қила олса демак, у эркакдир. Агар аёллардек кўкрак пайдо бўлса, ҳайз кўрса, ҳомиладор бўлса, ёки аёллик жинсий аъзосига алоқа қилиш имкони бўлса, демак у аёлдир.

С: **Агар ушбу аломатлар зоҳир бўлмаса қандай ҳукм қилинади?**





Ж: У ҳолатда эркак ҳам, аёл ҳам деб, эътибор қилинмайди, балки бу шахсни «Хунасай мушкила» дейилади. Намозда эркаклар ва болалардан кейин аёллар сафининг олдида туради.

## Ижара

С: **Ижара нима?**

Ж: Муайян манфаатини мақсад қилиб бир эваз баробарига битим тузишдир.

С: **Ижара жоиз бўлиши учун қандай шартлар бор?**


Ж: Ижара жоиз бўлиши учун манфаати ва муайян қиймати бўлиши шарт.

С: **Ижара битимини қандай эваз яъни қиймати бор – нарса баробарига тузилади?**

Ж: Ижара битимини савдода пул ўрнида фойдаланиш мумкин бўлган ашё баробарига тузишлик жоиз бўлган миқдори маълум бўлиши керак.

С: **Ижара ҳақига бериладиган эвазнинг вазни билан ёки саноғи билан аниқланади, аммо манфаатини-чи қандай белгиланади?**

Ж: Ижарадан кўриладиган манфаатни тоҷо муддат билан белгиланади. ҳовлини ойга ёки йилга яшаш учун ижарага қўйилганидек ёки ерни зироат экиш учун бир ёки бир неча йилга ижарага олганидек ижара битими маълум муддатга (қанча бўлса ҳам) баҳоланаверади.





Ижара битими гоҳо муайян амал билан аниқланади. Бүёқчини кийим бўяшга, чеварни кийим тикишга ёки уловни маълум миқдордаги юкни, маълум жойга етказиб беришига ёки маълум масофага миниб боришга ижарага олганидек.

Гоҳо тайинлаш ва қўрсатиш билан ҳам бўлади. Гўё бир кишини ҳаммолликка ёллагандек мана бу юкни фалон жойдан, фалон жойга етказиб беринг, деганидек.

### **Ҳовлини, уловни ва ерни ижарага олиш**

**С: Ҳовлини ва уловни ижарага олишнинг ҳукми қандай?**

**Ж:** Яшаш учун ҳовли-жойни ва кучидан фойдаланиш ёки савдо қилиш учун ҳайвонларни ижарага олиш жоиз.

**С: Ижарачи ижарага олинган нарсада хоҳлаган ишини қилиш жоизми?**

**Ж:** Ижарага олинган ҳовлида темирчилик, тегирмончилик ёки ювгувчиликдан бошқа ишларни қилса жоиз. Бу ишларни қилиш учун уй эгасидан рухсат олиш лозим.

**С: Экин учун ерни ижарага қўйиш жоизми?**

**Ж:** Ерни экиш учун ижарага қўйиш жоиз. Лекин келишув жоиз эмас. Магарам нима экишини айтса ёки хоҳлаган нарсасини экишни шарт қилса, сув қўйиш ва йўли шарт қилинмаса ҳам шу ҳисобга киради.



  
С: Ерини ижарага қўювчи, ерини ижарага қўяётиб, бу ерга фалончини ўтқазгин деб, шарт қилса. Ижара оловчи бошқа кишини ўтқазган бўлса нима бўлади ?

Ж: Бу ижара битими жоиз. Чунки ишчи ўзгариши билан ер ўзгармайди.

С: Дўконни ижарачига бериб атторга берсанг бир ойга бир танга, темирчига берсанг икки танга деса бу ижара жоизми?

Ж: Бу ижара жоиз, аммо фақат айтилган иш бажарилади, холос.

С: Бир киши ҳовлисини бир ойга бир танга деб, ижарага қўйган бўлса бу жоизми?

Ж: Бу келишув бир ойга жоиз. Бошқа ойларга жоиз эмас. Агар, ҳамма ойларни аниқ айтган бўлса, келгуси ойдан бир соат турса ҳам уй эгаси уни чиқара олмайди ой тугамагунча. Шуни сингари қолган ойларда ҳам аввалида бир кун ёки бир соат турса, уйнинг эгаси чиқара олмайди, ўша ой тугамагунча.

С: Бир киши бир ҳовлини ижарага олиб, ўтирмаса унинг ҳукми нима бўлади?

Ж: Барча имкониятлар муҳайё этилгани учун ўтирмаса ҳам ҳаққини тўлайди.

С: Ижарага олган ҳовлисининг яшашига зарарли айби бўлса нима қилади?

Ж: Ижара битимини бузишга ҳақли бўлади.



С: Ижарага олинган ҳовли хароб бўлса ёки ерини суви қуриб қолса ёки тегирмонга сув келмай қолса нима бўлади?

Ж: Ижара ўз-ўзидан бекор бўлади.

### Кийим ижараси

С: Бир кийимни мутлоқ кийиш учун ижарага олганда уни бошқа кишига кийгизса бўладими?

Ж: Бу сувратда жоиз. Аммо, фалончи кийди деб, бошқага кийдирса, сўнг у кийимга зарар етса тўлайди.

### Бола эмизиш ижараси

С: **Бола эмизиш учун доя-аёлни ижарага олиш жоизми?**

Ж: Ҳа, жоиз. Бола таомини пишириш ва кийимларини ювиш учун ижарага олиш ҳам жоиз.

### Уловларнинг ижараси


С: Миниш ёки юк ташиш учун уловларни ижарага олиш жоизми?

Ж: Жоиз.

С: Бирон уловни миниш учун ижарага олиб, сўнг бошқани миндирса шу жоизми?

Ж: Ижара битими пайтида мутлоқ минишни шарт қилган бўлса. Ижарачи хоҳлаган одамини миндиради. Аммо, агар фақат фалончи минади





деб, аҳд қилиб, сўнг бошқани миндирса, улов ҳалок ёки заарар кўрса, ижараби тўлайди. Ижарабанинг бошқа барча турида ишлатувчи сабабли ўзгариш содир бўлган заарарга айнан шундай ҳукм қилинади, яъни тўлайди.

**С:** **Бирон уловни (туя ёки машинани) кира қилса, юк турини ва миқдорини айтса, масалан: 5 тонна буғдой деб, сўнг унинг ўрнига бошқа 5 тонна юк юкласа бўладими?**

**Ж:** Вазнда ва заарарда ўша келишилган юк ёки ундан оз юк юклаш жоиз. Масалан: буғдой ўрнига арпа ёки кунжут юклаш жоиз. Аммо буғдойдан кўра заарарли бўлган туз, темир ёки шунга ўхшаш нарса юклаш жоиз эмас гўё уловни пахта юклаш учун ижарага олиб, вазнини келишиб сўнг, темир, ёғоч юклаш жоиз бўлмаганидек.

**С:** **Агар келишилган маълум миқдордаги буғдой юклаш учун бир уловни ижарага олса, сўнг ўша миқдордан ошиқ юкласа, улов ҳалок бўлса нима қиласди?**

**Ж:** Агар ошиқча юклаган юкига, уловнинг кучи стадиган даражада бўлса, ижараби юклаган ошиқча юки учун тўлайди. Аммо юклаган юки улов кучи стмайдиган даражада оғир бўлса ҳалок бўлган уловнинг ҳамма қийматини тўлаш вожиб бўлади.

**С:** **Эркак ҳайвоннинг урфочисига ошириш учун ижарага олиш жоизми?**





Ж: Жоиз эмас. ҳақ олмайди.

С: ҳаммомга ва қон олдиришга ҳақ олса бўладими?

Ж: Бўлади. Жоиз.

### **Ибодатга ва маъсиятларга ҳақ олиш**

С: Мусиқачига ва ўликка йиғлагувчига ҳақ берса бўладими?

Ж: Маъсият учун ҳақ тўлаш жоиз эмас, яъни ўликка йиғлаш учун ёки тўйдаги чолғучилар учун ҳақ тўлаш жоиз эмас.

С: Азон айтиш, қуръон таълим бериш, ҳаж каби ибодатларга ҳақ тўлаш жоизми?

Ж: Буларнинг ҳар бирига ҳақ олиш имом Аъзам раҳиматуллоҳ наздларида жоиз эмас. Имом Шофиий раҳматуллоҳ ва баъзи машойихлар Қуръон таълими учун ҳақ олишни яхши деганлар. Зоро, бугунги кунларда дин ишларига сусткашлик кузатилмоқда. Бинобарин, бу муаллимларга ҳақни ман этишда Қуръони Каримнинг зое бўлиши хавфи бор. Фатво шунгадир, яъни жоизлигидадир.

### **Ишчининг зомин бўлиши**

С: Фуқаролар меҳнати ва меҳнат ҳақини нечага тақсимлаганлар?

Ж: Ишчилар икки қисм бўладилар. Умумий хизматчи ва маҳсус хизматчи.





**С: Умумий хизматчи ким?**

**Ж:** Муайян хизматни эмас, балки умумий хизматни, яъни буюрилган жамийки хизмат бажарувчи шахс умумий хизматчидир. қўлидаги мол унинг омонатидир. Агар қўлидаги мол унинг ихтиёрисиз, яъни жиноятисиз ҳалок бўлса зомин бўлмайди (яъни тўламайди). Бу Абу ҳанифа раҳиматуллоҳ сўзлари, аммо икки шогирдлари бу ҳолатда тўлайди, дедилар.

**С: Агар мол хизматчининг амали билан заарланса ёки ҳалок бўлса. Масалан: Ювилаётган ёки тикилаётган кийим ёки мато йиртилса, ҳаммолнинг оёғи сийғаниб кетса, юқ боғлаган или узилиб кетса. Ушбу талофатларнинг зарарини ким тўлайди?**

**Ж:** Ушбу ҳолатларда агар мол ҳалок бўлса, хизматчи тўлайди. Магар одам ҳалок бўлса, яъни хизматчининг айби билан чўккан кемадаги одамнинг хунини тўламайди, уловдан йиқилиб ўлса ёки қон олувчи наштар урувчи одатдагидек амалиёти пайтида одам ўлса хунини тўламайди. Аммо тажовуз қилган бўлса тўлайди.

**С: Хос хизматчи ким?**

**Ж:** Маълум муддат учун хизмат қилишга ёлланган хизматчидир. Бир кишини муайян хизмати учун бир ойга ёллайди ёки қўй боқиш учун ёллайди. Шу одам хос хизматчидир.

**С: Шу хизматчи ишлаётган пайтида бирор зарап етказса, ҳукми нима бўлади?**





Ж: Бу одам қасддан заар өткәзмаса, лекин қўлидаги нарса заар кўрса ёки унинг амалиёти пайтида заар кўрса зомин бўлмайди.

### **Ижара ҳаққига ҳақдорлик**

С: **Ижарага берувчи қачон ҳақдор бўлади?**

Ж: Умумий хизматчи хизматини бажармагунча пулга ҳақдор бўлмайди. Махсус ижарачи ижара муддатида ўзини топшириш билан ижара ҳаққига ҳақдор бўлади. Гарчи ижарага оловчи унинг хизматидан фойдаланмаган бўлса ҳам.

С: **Меҳнат турлари бениҳоят кўп ва хилма-хил бўлгани боис, ижарачи меҳнат ҳаққига қачон ҳақдор бўлишини билиш имкони борми?**

Ж: Ижара ҳақи келишувнинг ўзи билан ҳақли бўлиб қолмайди. Балки уч ҳолатда ҳақли бўлади. 1- нақд беришни (яъни ижара ҳақини аввал бериши) шарти, иш билан ёки қилмаса ҳам нақд бериш билан ёки келишилган хизматни тўла адо этиш билан бўлади.

**Фойда:** Тикувчи ва бўёқчи сингари хизмати бирон нарсада кўриладиган хизматчи ҳам ижара ҳаққини олгунича ўша матони тутиб туриши жоиз.

### **Ишчи билан ишлатувчи ўртасидаги баъзи келишмовчиликлар**

С: **Бир ҳунармандни ўзи бажариш шарт билан ижарага олса, у ҳунарманд бошқани ишлатса нима бўлади?**





Ж: Бу ижара жоиз эмас.

С: **Ўзинг қиласан деб, шарт қилмаса – чи?**

Ж: Бу ҳолатда бошқани ишлатса жоиз.

С: **Бир киши чеварга мато бериб, тикиб беришни талаб қилса, чевар тикса сўнг чевар билан буюртмачи ўртасида келишмовчилик чиқса, яъни мато эгаси: мен сизга камзул буюрган эдим. Сиз кўйлак тикибсиз, деса, чевар: мен сиз айтганни қилдим, деса. Кимнинг гапига эътибор қилинади?**

Ж: Бу ўринда қасам билан тўн эгасининг гапи қабул қилинади. Яъни, тўн эгаси қасам ичса. Буйруғига номувофиқ тиккани учун чевар тўлайди. Яъни матонинг тикилмагандаги қийматини тўлайди. Тикканга ҳақ берилмайди. Агар хоҳласа тикилган кийимини олиб чеварга одатдаги ҳақни тўлайди. Бўёққа берилган ва бўялган бўёқ ҳақида ихтилоф қилган ҳолдаги ҳукм ҳам айнан шундай.

### **Ижарани бузиш ва унинг бузилиши**

С: **Ижарада келишганларининг бири вафот этса, ижара битими нима бўлади?**

Ж: Бу ҳолатда қаралади. Агар ижарани ўзи учун келишган бўлса, ўзи ўлиши билан ижара бузилади. (Масалан: хизматни ўзим бажараман, дегандек) Аммо ижарани бирор учун келишган бўлса, келишувчининг ўлими билан ижара битими бекор бўлмайди. Масалан: Ота боласи учун ижара





битимини тузса, ота ўлими битимни бузмайди.  
Масалан: Ўйда ўғлим яшайди деганидек.

**С: Ижара бирон узр сабабли бузилиб ҳам кетадими?**

**Ж:** Ҳа. Узр сабабли ижара ўз-ўзидан бузилиб кетади. Масалан: савдо қилиш мақсадида бозордан дўконни ижарага олган кишининг мулки қўлдан кетиб қолганидек.

**С: Бир киши сафар қилиш мақсадида бир уловни ижарага олса сўнг сафарга бора олмаслиги билиниб қолса, ушбу узр ижарани бузишга ярайдими?**

**Ж:** Ярайди. Ижарани бузади.

### **Ижара шартлар сабабли бузилиши**

**С: Ижара шартлар сабабли бузиладими?**

**Ж:** Келишув тақозо этмайдиган шартлар қўйилса, ижара бузилади. Яъни савдони бузувчи шартлар каби.

**С: Ижара бузилса, аммо ижараби хизматни бажарса, ижарага олувчи нима қиласди?**

**Ж:** Ўртача ҳақни тўлайди, аммо келишилгандан ошиқ бермайди.

**С: Ижарада ихтиёрни шарт қилиш жоизми?**

**Ж:** Ижарада ихтиёрни шарт қилиш жоиз, гўё савдода жоиз бўлганилек





## НИКОҲ БОБИ

**С: Шариати Исломияда Никоҳнинг маъноси нима?**

Ж: Эр киши билан аёл киши Оллоҳнинг розилиги билан барча аъзоларидан фойдаланган ҳолатида бирга меҳрибон бўлиб яшамоқликларини никоҳ дейилади. Никоҳнинг маъноси уларнинг бир-бирларига боғланиши ва эга бўлишидир. Никоҳ сабабли эркак киши никоҳига олган аёлнинг ҳамма аъзоларига эга бўлмоқлигини ҳам тақозо қиласиди. Шунинг учун аёлнинг ҳамма ишлари эрнинг зиммасига юклатилади.

**С: Никоҳ нима билан боғланади?**

Ж: Никоҳ ижоб ва қабул билан боғланади. Ижоб ва қабулни ифодаловчи сўзлари ўтган замон феълида ёки бири ўтган замон иккинчиси эса келаси замон феълида ифодаланиши керак. Масалан: валийси: “Бу аёлни сенга бердим жуфтладим”, уйланувчи эса “Уни қабул қилдим”, - деса никоҳ боғланади ёки уйланувчи одам, “Бу аёлни менга олиб беринг”, - деса (бунда буйруқ сўзи келгуси замонда ишлатилган), валийси эса, “Сенга бу аёлни қўшдим”, - деса (бунда буйруқ сўзи ўтган замонда ишлатилган) никоҳ собит бўлади.





**С: Никоҳ қандай сўзлар билан боғланади?**

**Ж:** Ҳар икки томон розилиги билан жамланиш, қўшилиш лафзи орқали никоҳ боғланади. Шунингдек валийси шу аёлни “Сенга никоҳлаб қўйдим”, “Жуфтлаб қўйдим”, “Сенга эгадор қилиб қўйдим”, “Сенга ҳадя қилдим” ва “Садақа қилдим” деса, никоҳ событ бўлади, агар олувчи қабул қилса.

**С: Агар валийси “Фалон аёлни сенга ижарага бердим”, ёки “Ориятга бердим”, ёки “Сенга беришни раво кўрдим” деса, никоҳ событ бўладими?**

**Ж:** Бундай сўзлар билан никоҳ боғланмайди.

**С: Никоҳ боғланиши учун “қабул қилдим”, “Рози бўлдим” деган сўзлардан бошқа шартлар ҳам борми?**

**Ж:** Ҳа, никоҳ боғланиши учун балофатга етган ақли расо иккита озод эр киши ёки бир эркак ва иккита аёл киши гувоҳ бўлиши шарт. Аммо гувоҳлар эр билан аёлнинг “Розиман”, “қабул қилдим” деган сўзиларини эшитишлари шарт. Икки кўзи кўр одамларнинг гувоҳлигига ҳам никоҳ дуруст бўлади, агар қулоғи эшитса.

**Фойда:** Иккита гувоҳсиз бўлган никоҳ ботилдир. Аёл киши рози бўлса кифоя қиласи деган сўз билан никоҳ боғланмайди.

**С: Тақвоси йўқ одамларнинг гувоҳлигига ҳам никоҳ дурустми?**





Ж: Ҳа, никоҳ дуруст, чунки гувоҳларнинг адолатли бўлиши никоҳ масаласида шарт қилинмаган.

С: **Никоҳ қилувчининг олдидаги гувоҳлар зино масаласида тухмат қилинган бўлиб тухмати учун саксон дарра урилган бўлса уларнинг гувоҳлиги дурустми?**

Ж: Ҳа дуруст.

С: **Мусулмон одам зиммий кофира аёлга иккита зиммий кофир эр кишининг гувоҳлигига уйланса дуруст бўладими?**

Ж: Имоми Аъзам ва шогирди абу Юсуф агар гувоҳлик берувчи мусулмон эр киши топилмаса никоҳи жоиз дедилар. Лекин Имоми Муҳаммад иккала гувоҳлар мусулмон бўлиши шарт дедилар.

*Изоҳ: Зиммий кофир деб кофир давлатидан келиб, мусулмон давлатида вақтинча яшаган кофирга айтилур.*

С: **Хаж-умра ибодатида эҳром боғлаб юрган одамлар никоҳланса бўладими?**

Ж: Эҳромлик ҳолатида никоҳланса бўлади. Лекин бирга қовушмайдилар, яъни эр хотинлик қилмайдилар.

С: **Шариатда нечта аёлга бирданига уйланишга рухсат берилган?**

Ж: Озод эркак киши учун бир вақтда тўртта аёлни ўз никоҳига олиши жоиз. Аммо бир вақтнинг ичида тўрттадан ортиқ аёлни никоҳлаб олиш харомдир. Лекин аёлидан бирини талоқ қилса





иддаси чиққандан сўнг ўрнига бошқа аёлни олиши жоиз ёки бири ўлса ўрнига олиши дуруст. қуллар учун иккитадан ортиқ аёл никоҳида бўлиши мумкин эмас. Аёл кишиларга бирданига иккита эрга никоҳланиш харомдир. Лекин эри талоқ қиласа ёки ўлса иддаси чиққанидан сўнг иккинчи эрга тегиши дуруст бўлади.

**С: Бир одам бир никоҳ билан иккита аёлга уйланмоқчи бўлса, улардан бирининг никоҳи харом бўлса, бундай никоҳга қандай хукм бор?**

**Ж:** Унга номи айтилган ва никоҳи ҳалол бўлган аёлнинг никоҳи дуруст, аммо маҳрам бўлгани учун иккинчисининг никоҳи ботил бўлади. Агар маҳр айтилган бўлса ҳаммаси никоҳига ўтган аёлга берилади.


**С: Бир одам синглисими ёки қизини бировга берәётиб “Мени фарзандимга ҳам синглингни ёки қизингни никоҳлаб берасан” деса, никоҳи дуруст бўладими?**

**Ж:** Ҳар иккаласига ҳам никоҳи жоиз, лекин маҳри мислини тўлиқ беради. Аммо бу иш тақводор одамларга яхши эмас.

**С: Ота-онасининг ёки валийсининг рухсатисиз бир аёлни никоҳлаб олиш дурустми?**

**Ж:** Бундай ҳолатда ота-она ва валийсининг рухсатини кутилади. Уларнинг рухсатисиз қилинган никоҳ ҳам жоиз бўлади. Фаҳих олимлар бундай никоҳни ”Никоҳи фузулий”,





яъни узоқ муддатга чўзилган никоҳ дейдилар. ҳозирги кунда кўчада топишиб олиб ота-онасидан яширинча никоҳ қилганлар кўпаймоқда, бундай никоҳ номақул ишлардандир.

**С:** **Вақтинча ёки бир ашёнинг муқобили учун бир аёлни никоҳига олса бўладими? Яъни “Мен сени беш-олти ой вақт учун оламан”, ёки “Мен сени шу молнинг эвазига оламан” деса, никоҳи дуруст бўладими?**

**Ж:** Ушбу иккала шартни мақсад қилиб қилинган никоҳ фосид бўлади.

### Аёллар ўртасидаги тақсим

**С:** **Бир эр кишининг иккита ёки ортиқроқ аёли бўлса улар билан қандай майшат қиласди?**

**Ж:** Уларнинг ўртасида адолат билан моддий ва маънавий озуқани хаммаларига баробар тақсимлаб яшайдилар.

**С:** **Тақсимдаги адолат қандай бўлади?**

**Ж:** Ҳар бирининг уйида бир кечадан ётади. Ёки бир кечанинг ичида ҳамма аёллари билан навбати келганда бирга бўлади. Масалан: кечаси ўн икки соат бўлса уч соатдан тақсим қиласди. Валлоҳу аълам.

**С:** **Ҳар бир аёли билан навбати етган пайтда қовушиш вожибми?**

**Ж:** Навбати келган аёлининг уйида ётиб қолиши вожиб. Лекин қовушиш вожиб эмас. Чунки





қовушиш истак ва иштиёқ туфайли ҳосил бўлади. Эр кишининг ташвишлари кўп бўлганлиги сабабли ҳар куни кўнгилхушлик қиласермайди.

**С: Тақсимда қиз билан жувоннинг ёки эски аёли билан янги олган аёлнинг ўртасида фарқ борми?**

**Ж:** Ҳеч қандай фарқ йўқ. ўрталаридаadolat билан тақсим қиласади, у аёллар хоҳ ёш, хоҳ қари бўлсин, хоҳ жувон, хоҳ қиз бўлсин.

**С: Бир одамнинг аёли билан чўриси бўлса қандай тақсим қиласади?**

**Ж:** Озод аёли билан икки кеча, чўри аёли билан эса бир кеча бирга бўлади.

**С: Эр билан бирга сафарга чиқиш аёллар ўртасида қандай тақсим қилинади?**

**Ж:** Эр киши билан бирга сафарга кетиш аёллар ўртасида тақсим қилинмайди. Хоҳлаган аёли билан сафарга чиқишга эрнинг ҳаққи бор. Лекин аёллар ўртасида чек ташлаб чекига чиқсан аёлини сафарга олиб чиқиш адолатдандир. Бунда бошқа аёлларининг дили оғриб қолмайди.

**С: Аёллар ўзига чиқсан ютуқни бошқа кундошларига берса бўладими?**

**Ж:** Ҳа, дуруст берса бўлади, шу билан у аёлнинг ҳаққи тугайди. Лекин қачон хоҳласа ўз ҳаққига эгадор бўлиши мумкин.






## Никоҳи харом бўлганлар

**С: Никоҳи харом бўлган аёлларнинг қандай тоифалари бор?**

**Ж:** Никоҳи харом бўлган аёллар бир неча тоифага бўлинади. Масалан, насабдаги харомлик, эмишганлик сабабли, қуда-андалик сабабли, куёв-келин бўлиш сабабли, опа-синглисини жамлаш сабабли, бошқаларнинг ҳаққи сабабли ва кофир, муртад, мушрик бўлиш сабабли, никоҳи харом бўлган аёллар тоифалари ҳам шулар жумласидандир. Шуларнинг никоҳи харом қилингандир.

**С: Насабдаги никоҳи харом бўлган аёллар тоифасини баён қилинг!**

**Ж:** Улар: оналари, қизлари, опа-сингиллари, аммалари, холалари, ака-ука ва опа-сингилларининг қизлари, Қуръони-Каримнинг “Нисо” сурасида кенг баён қилинган, ота-она томонидаги оналар ва оналарининг оналари ундан юқоридаги ҳамма оналари, ўзининг қизлари, ўгай қизлари, ўғлининг қизлари, қизининг қизлари, набира ва чевараларининг қизлари, бир ота бир онадан бўлган опа-сингилларининг қизлари, отаси бир бўлган ва онаси ҳам бир бўлган опа-сингиллари, ота бир она бошқа ака-уканинг қизлари. Шунга опа-сингилларнинг қизларини уч томонлама таққосланг. Шунингдек қайси томондан бўлса ҳам аммаларининг никоҳи ҳалол эмас. У





аммалари бир ота бир онадан бўлса ҳам ёки отаси бир онаси бошқа ёки онаси бир отаси бошқа бўлса ҳам никоҳи ҳалол эмас. Шу ишга уч томонлама қиёс қилинг холаларини ҳам.

**С: Бир онадан эмизилган болаларнинг никоҳи ҳам ҳаромми?**

**Ж:** Эр кишига эмизган онаси, эмикдош синглиси ва жамики насаб билан ҳаром бўлган аёллар ҳам эмизган аёл ҳам ҳаром бўлади. Баъзилари истисно қилинган. Буни биз Рazo бобида батафсил баён қиласиз.


**С: Қудалик билан никоҳи ҳаром бўлганлар тоифасини баён қилинг.**

**Ж:** Эр кишига отаси уйланган аёлни никоҳига олмоқлиги ҳаромдир. Отаси у аёлга қўшилган ва қўшилмаган бўлса ҳам. Ота ва она томонидаги аждодларини аёлларига уйланиш ҳам ҳаромдир, ҳар қанча юқорида бўлсалар ҳам. Ўғлининг аёлига ва қизининг ўғлини аёлига, набира келинига ҳам уйланмоқлик ҳаромдир. қайнонасига уйланмоқлик ҳаромдир. Аёлингиз етаклаб келган қизига яъни сизга ўгай бўлган қизга уйланмоқлигинги ҳаромдир. Бунда никоҳингизга олган аёл билан қўшилган ёки қўшилмаган бўлсангиз ҳам фарқи йўқ.

**С: Жамлаш сабабли никоҳи ҳаром бўлган аёлларни баён қилинг.**




**Ж:** Маҳрам бўлган яқин қариндошларни никоҳ билан жамлаш ҳаромдир ва яна опа-



сингилларни бир вақтнинг ўзида жамлаб никоҳига олмоқ харомдир. Шу ҳақида Қуръони Каримда очиқ баён қилингандир. Абу ҳурайра (Оллоҳ рози бўлсин у кишидан) Расулуллоҳдан ривоят қилиб айтадиларки: “Расулуллоҳ ўз аммасини аёлининг устига никоҳлаб олишни ёки аммани ўз жияни устига олишни ва каттани кичикка ва кичикни каттага никоҳлаб олиш дуруст эмас, дедилар”. Ҳуқуқшунос олимларимиз бу айтган сўзни бузилмас бир қоида билан ифода қилганлар. Бу икки жамланган аёлнинг бирини эркак деб фараз қилсак нараб ва разо томонидан ака-сингил бўлиб қолади. Акасига синглисини олиб бериш харом бўлганидек, опа-сингилни ҳам бир вақтнинг ичида жамлаб олиш харомдир. Фақат опаси ўлса ёки қўйиб юборса иддаси чиққандан кейин синглисини никоҳига олиши мумкин.

**С: Кофир ва мушрик бўлганлиги сабабли никоҳи харом бўлганлар тоифасини баён қилинг.**

**Ж:** Қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар Ислом динидан бошқа динга ўтиб кетган эркакларга муслима аёлларнинг никоҳи харомдир. Мусулмон эркакларга ҳам оташпаст, бутпарастга ўхшаш мушрика ва кофира аёлларга уйланиш ҳам харомдир. Илоҳий китобларга ишонадиган яхудий ва






насроний аёлларга уйланиш жоиз, агар муслима аёл топилмаса.

**Фойда:** мусулмон аёллар топилмасагина ноилож уларга уйланса бўлади. Лекин уларни ислом динига киритмоқликни ният қилиб уйланса жоиз. Имкони бўлса уларга уйланмаслик афзалдир. Чунки, уларга уйланиш билан иймонга ва эътиқодга зарар етади. Оллоҳ сақласин. ҳозирги кунда ёш фарзандларимиз мусулмон аёлини ташлаб, динсиз, кофира ва мажусий аёлларга уйланиб олаяптилар, ҳозирги кунда қодиёнийлар кўпайиб кетди. Улардан Оллоҳ сақласин, уларга қиз бериб қизларини ҳам олиб бўлмайди. Яна баъзи тоифалар ҳам борки, улар Қуръоннинг ҳукмини ўзгартирса бўлади дейдилар. Улардан ҳам асло никоҳ қилинмайди. Худосиз тоифалардан ва диндан қайтган (муртад)лардан ҳам мусулмонлар қиз олиб, қиз бермоқлиги жоиз эмас. Чунки, улар билан никоҳ боғлаш харомдир. Яна юлдузларга ибодат қилган, мушриклардан ва пайғамбарларга, тушган китобларга ишонмаган тоифаларнинг қизларини мусулмонлар ўз никоҳига олмоқлиги жоиз эмас.

**С:** *Ўзгаларнинг ҳаққи сабабли никоҳи харом бўлганлар тоифасини баён қилинг?*

**Ж:** Аёлнинг эри бўлса ёки эрининг ўлганлиги, талоқ қилганлиги, ёки фосид никоҳ билан бирга





қўшилганлиги сабабли ажрашган бўлса ҳам ундаи аёлларнинг иддаси тугамай туриб никоҳга олмоқ харомдир.

**Фойда:** Ҳайздан ва боладан қолган аёлларнинг иддаси уч ойдир. Ҳайз кўрувчи аёлларнинг иддаси уч ҳайз ўтишидир.

### Турли масалалар

**C: Зино сабабли қайнона ва қайнота маҳрам бўладими?**

Ж: Ҳа, маҳрам бўлади. Масалан: бир одам бир begona аёл билан зино қилса ёки шаҳват билан у аёлнинг баданини ушласа ёки аксинча, у аёл эркак кишини шаҳват билан ушласа, у аёлнинг онаси ва қизи бу одамга харом бўлади. Яъни маҳрамга айланиб қолади.

**Фойда:** азиз биродарлар кўчада begona аёллар билан қўл олиб қўл бериб кўришиб юриш мусулмон одамларга жоиз эмас. У аёлнинг қизи ва онаси маҳрам бўлиб қолишини эҳтимоли бор, эҳтиёт бўлайлик.

**C: Бир одам бир аёлни никоҳлаб олмоқчи эди. У аёлнинг олдинги эри бошқа аёлдан бир қиз кўрган ўша қизни ҳам жамлаб никоҳига олса бўладими?**

Ж: Никоҳига олса жоиз.

**C: Бир одам аёлини талоқ қилгандан кейин аёлининг опа-синглисини никоҳига олса бўладими?**





Ж: У одам талоқи бойии ёки ражий талоқ қилган бўлса иддаси чиққанидан кейин талоқ қилган аёлининг опа-синглисини никоҳига олиши жоиз.

С: **Бир одам опа-синглисини ўзига чўри қилиб олган, ҳар иккаласи билан яқинлик қилса бўладими?**

Ж: Иккаласи билан яқинлик қилиши харомдир. қайси бири билан яқинлик қилмоқчи бўлса, иккинчисига яқинлик қилолмайди. Иккинчисини ўзига харом қилгандан кейингина биринчисига яқинлик қила олади.

С: **Уни ўзига қандай қилиб харом қилади?**

Ж: Бошқа бир одамга никоҳлаб беради, ёки мукофот қилиб беради, ёки ўз мулкидан чиқариб юборади, озод қилмоқлик билан, ёки ҳиба, ёки сотиб юбориш билан, ёки бирорвга садақа қилиш йўли билан чиқариб юборса аввалги чўриси билан яқинлик қилишга ҳаққи бўлади.

## Валийлар ва тенглик боби

С: **Кимни валий деймиз?**

Ж: Никоҳга эгалик қилиш тўртта сабабнинг бири билан собит бўлади.

1. қаробат; 2. Вало; 3. Имомат; 4. Мулқ;

*Изоҳ:* қаробат дегани, яқин қариндошлари; Вали дегани, ўша қизни кафолатига олган одам; Имомат деган сўз; ота-онаси, қариндошлари йўқ қизларга подшоҳни, қозини ёки имомни валий





қилинади; Мулк дегани, чўри аёлнинг валийси бўлмаса ҳожаси уни озод қилиб юбориб, бир одамга беришда ўзи валийлик қиласди.

Қаробатдан бўлган валийликда, мерос олишга ҳақли бўлган қариндошлар ўша қизга валийлик қиласдилар. қариндошларнинг ичидаги яқинроғи валийлик қилишга ҳақлидир. Аёл кишининг энг яқини ўғлидир, кейин ўғлининг ўғли, неварасининг ўғли ва ҳакозо. Кейин отаси, кейин катта ота-онасининг отаси, қанча юқори бўлса ҳам, кейин ота-онаси бир бўлган акаукаси, кейин ота-онаси бир бўлган акаукасининг ўғли, кейин ота бир ака-укасининг ўғли ва ҳаказо. Кейин ота бир она бир амакиси, кейин ота-она бир амакисининг ўғли, ва ҳаказо шу тартибда кетаверади.

Озод қилиш йўли билан бўлган валийликда, агар аёл кишининг қариндошларидан валийси бўлмаса у чўри аёлни озод қилган ҳожаси валийлик қила олади ва никоҳлаб бирорвга беради. Чунки у охирги қариндошлиқдир. Аммо қариндошларидан ҳеч кими бўлмаса ўша ёш бола ёки қизнинг яқинларидан бири никоҳига валийлик қиласди. Мулк валийлиги деб қулни ёки чўрини ҳожасининг валийлигига айтилади. ҳожаси қулини ёки чўрисини уйлантиришга ва никоҳлаб беришга ҳақлидир. Гарчи қул ёки чўри бу ишга норози бўлса ҳам. Агар қул ҳожасининг рухсатисиз уйланмоқчи бўлса ёки чўриси





рухсатсиз эрга тегмоқчи бўлса ҳожаси рухсат бергунча никоҳ тўхтатилади. Агар рухсат берса никоҳ қилинади, агар ҳожасининг рухсатисиз никоҳ қилинса никоҳи ботил бўлади. Имоматдан бўлган валийлик дегани имомни ёки қозини ёки султонни валий қилинади. Бошқа қариндошлари бўлмагани сабабли.

**С: Балофатга етган озод аёлни валийсининг изнисиз ўзини розилиги билан никоҳ қилинса унинг ҳукми қандай бўлади?**

**Ж:** У аёлнинг розилиги билан никоҳ боғланади агар валийси никоҳига қатнашмаса ҳам. Хоҳ у аёл қиз бўлсин, хоҳ жувон бўлсин никоҳи жоиз. Бу Имоми Аъзам раҳматуллоҳ алайҳнинг сўзлариdir. Аммо Имоми Муҳаммад билан Абу Юсуф агар валийси изн бермаса никоҳ боғланмайди, дедилар (улардан Оллоҳ рози бўлсин).

**С: Ақлли балофотга етган қизни валийси мажбурлаб куёвга берса бўладими?**

**Ж:** У аёл қиз бола бўлса ҳам, жувон бўлса ҳам валийси мажбур қила олмайди. Албатта ўзининг розилиги билан киёвга берилади. Никоҳнинг маъноси ҳам шу. Уларнинг розилигини гувоҳлар билиши билан никоҳ боғланади.

**С: Валийси қизни мажбурлаб эрга беролмаслигига ишондик, лекин ҳамма аёллар ўзларини ўzlари никоҳлаб**





**беролмайди-ку, валийлари уларни никоҳлантириади. Валийиси улардан изн сўрашга эҳтиёжи борми?**

Ж: Ҳеч қачон валийиси уларни мажбур қилолмайди. Фақатгина мен сени фалончининг ўғли пистончига никоҳлайман деса қиз рози бўлса никоҳи дуруст бўлади, агар рози бўлмаса никоҳи боғланмайди.

С: **Қиз бола тили билан ижозат беришдан уялса ундаи ҳолатда ижозати қандай билинади?**

Ж: Агар валийиси қизидан изн сўраганида, у кулса ёки жим турса, ёки овозсиз йифласа шу ҳолатларнинг ҳаммаси рози бўлганлигининг аломатидир. Агар валийсидан бошқаси изн сўраса албатта тили билан розилик бериши шарт.

С: **Агар қизи розилик бермаса валийси нима қиласди?**

Ж: Розилик бермагани учун никоҳни тўхтатади.

С: **Бир аёлни эрга бергандан кейин эрини йўқотиб қўйди, валийиси иккинчи эрга бериш учун изн сўраши лозимми?**

Ж: Иккита ишдан бири бўлиши шарт. Албатта валийиси овоз билан розилигини эшитиши шарт. У аёлнинг йифиси, кулиши, жим туриши розилигидан хабар бермайди, бундай ўринда никоҳ дуруст эмас.

С: **Бир қиз боланинг киёвга чиқмасдан олдин қизлиги баъзи сабаблар билан кетиб қолган**





**бўлса, кўп сакраш, кўп ҳайз кўриш, жароҳат сабабли шу қизларни қиз болага ҳукм қилинадими ёки жувонгами?**

Ж: Булардан рухсат сўрашда қиз болага ҳукм қилинади. Жим туриши, кулиши, йифиси рози бўлганлигидан хабардир.

С: **Бир ёш қиз боланинг қизлиги зино йўли билан кетиб қолса унинг ҳукми нима бўлади?**

Ж: Имоми Аъзамнинг фикрича изн сўрашда қиз болага ҳукм қилинади, рухсат сўрагандан жим туришидан розилиги билинади, аммо Абу Юсуф билан Муҳаммад жувоннинг ҳукмида бўлади дедилар.

С: **Бир одам балофот ёшидаги қизини киёвга никоҳлаб бераётганда куёви сукут қилиб турдинг деса, у қиз бола мен сукут қилганим йўқ балки қайтардим, деса уларнинг ўртасидаги ҳукм нима бўлади?**

Ж: Шу ўринда қизнинг сўзи эътиборга олинади. Имоми Аъзам у қизга қасам ичирилмайди дедилар. Аммо иккала шогирдлари қасам ичирилади дедилар.

С: **Ёшлик вақтида ёш қизни ва ўғилни ўзларининг рухсатисиз валийси никоҳлаб қўйса никоҳи дуруст бўладими?**



Ж: Ҳа, улардан рухсат сўрамасдан никоҳлаб қўйиши мумкин. Ушбу икки ёшнинг ёшлиги



сабабли валийси мажбуран никоҳлаб қўйиши жоиз. У ёшларнинг қиз-жувонлигига фарқи йўқ.

**С: Балофотга етмаган ёш болага ёш қизини валийси ёшлигига никоҳлаб қўйган бўлса, сўнг балофот ёшига етгандан кейин никоҳини бузса бўладими?**

**Ж:** Агар отаси ёки катта отаси никоҳлатган бўлса ажралишга яъни никоҳни бузишга ҳақлари йўқ, лекин отаси ва катта отасидан бошқа валийлари никоҳлатган бўлса ихтиёр уларда, хоҳласа яшайверади, хоҳласа никоҳини бузади.

**С: Яқин валийси узоққа кетганлиги сабабли узоқроқ валийси қизни никоҳлаб қўйса бўладими?**

**Ж:** Албатта узоқроқ валийси никоҳлаб қўйиши жоиз.

**С: Узоқ сафар деб нимани айтилади?**

**Ж:** Бир йилда бир марта карвон борган жойни узоқ сафар дейилади.

**С: Бир жувоннинг иккита валийси бўлса, улар отаси билан ўғли эди, никоҳига кимиси валийлик қиласи?**

**Ж:** Имоми Аъзам ва Абу Юсуф ўғли валийлик қиласи, дедилар. Аммо Муҳаммад эса отаси валий бўлади, дедилар.

**С: Яқин эркак қариндошларидан бошқаси масалан, онаси, опаси ёки ҳоласи ёш ўғил-қизини никоҳлаб бера оладими?**





Ж: Агар яқин эркак қариндошлари бўлмаса никоҳлаб бера олади.

С: Отаси ёш қизини никоҳлаб берганидан кейин маҳр мислининг ярмини олиб қўйди, ёки ярмини бўлди, ёки улардан ярмини олди, ёки ёш ўғлини уйлаган вақтида аёлининг маҳрининг мислидан ҳам ошириб юборди унинг ҳукми нима бўлади?

Ж: Бундай қилиш отаси ёки катта отаси учун жоиз, бошқаларга мумкин эмас.

С: Валийликнинг биз юқорида айтган қариндошлиқдан бошқа ҳам шарти борми?

Ж: Ўша валий болиф, оқил бўлиши шарт. Ёш бола ёки ақлсиз одам валийлик қила олмайди.

С: Кофирни валий қилса бўладими?

Ж: Уларнинг энг яқин қариндоши бўлса ҳам мусулмонларга валийлик қила олмайди.

С: Балофотга етган аёлни мажбуран никоҳлаши мумкин эмас дедингиз, балофотга етган аёл никоҳланганда куёви маҳри мислидан кам маҳр берса, валийси норози бўлиши мумкинми?

Ж: Абу ҳанифанинг сўзида: “Валийларнинг эътиroz билдиришларига ҳақлари бор, маҳри мислини тўла бергунча, ёки эридан ажраб кетгунча”.

С: Бир аёлнинг валийси амакисининг ўғли эди. У шу аёлни ўзига никоҳлаб олса бўладими?





Ж: Никоҳи тўғри бўлади, агар иккита гувоҳнинг олдида никоҳ қилган бўлсалар.

С: **Бир балоғотга етган қиз бир одамга тегишига изн берса, у одам иккита гувоҳ олдида никоҳланса тўғри бўладими?**

Ж: Ҳа, тўғри бўлади.

### **Тенгликка алоқадор масалалар**

С: **Куфву ва кафоат нима дегани?**

Ж: Кафоат ўхшашлик дегани. Куфву ўзингизнинг тенгингиз дегани. Никоҳдаги кафоРат деб насадба, динда, молида, ҳунарида тенг бўлмоқлигини эътибор қилинади.

С: **Диндаги кафоат нимадир?**

Ж: Диёнатдаги кафоатдир. Салоҳиятликда ва тақвода тенг бўлмоқликдир. Фосиқ одам салоҳиятдаги одамга ҳаргиз тенг бўлолмайди.

С: **Молдаги кафоат қандай бўлади?**

Ж: Қачонки эр киши маҳр беришига ва аёлига нафақа беришига қодир бўлса, у аёлга тенгдир.

С: **Ҳунардаги тенглик қандай бўлади?**

Ж: Эр кишининг ҳунаридан аёл томон ор-номус қилмаслиги керак. Ҳатто қон олувчи, кийимларни бўёвчи ва кўча супурувчиларга ўхшаган ҳунарларда ҳам тенг бўлмоқ керак.

С: **Бир аёл киши ўзига тенг бўлмаган эрга турмушга чиққани учун валийси эътиroz билдирса унинг ҳукми нима бўлади?**

Ж: Эътиrozлари ўринли. Икковларини ажратиб юборишига валийсининг ҳаққи бор.





## Қул ва чўриларнинг никоҳи ҳақидаги масалалар

**С:** Аёл киши ўз қулиига тегиши ёки эр киши ўз чўрисига уйланиши мумкинми?

**Ж:** Ўша қулига ҳожа бўлган аёлнинг никоҳида эри бўлмаслик шарти билан жоиз. Фақат ўша аёл битта қули билан яқинлик қила олади ҳалос. ҳўжайин бўлган аёллар билан қуллар ўртасида никоҳга ҳожат йўқдир. ҳўжайин эрлар билан чўри аёллар ўртасида ҳам никоҳ йўқдир. Лекин аёлидан қандай фойдаланган бўлса, чўрисидан ҳам шундай фойдаланиши мумкин. ҳатто, чўриси мусулмон, насоро ёки яхудий бўлса ҳам. Аммо мажусий ёки будпараст бўлган чўриларидан фойдаланиш ҳалол эмас. ўз чўрисидан нафланиш учун бошқа бир шарт ҳам бор. Бунда опа-сингилларини қўшиб фойдаланмаган бўлиши шарт. Бу ҳақда олдин ҳам айтиб ўтдик.

**С:** Мусулмон одам бошқа одамнинг чўрисини никоҳлаб олса бўладими?

**Ж:** У чўри аёл мусулмон ёки китобийя бўлса озод қилиб, никоҳига олса бўлади.

**С:** Озод аёлнинг устига чўрини олса ёки чўрининг устига озод аёлни олса, бунинг ҳукми қандай бўлади?

**Ж:** Аввалгиси жоиз эмас, кейингиси жоиз.

**Фойда:** Сабабини билмоқчи бўлсангиз, “ҳидоя” китобига қаранг.



- С:** **Ҳожаси чўрисига уйлангандан кейин уни озод қилди. ўша никоҳи билан яшаб қолишга чўрининг ўзида ихтиёри борми?**
- Ж:** У чўрини никоҳлаб олган одам озод ёки қул бўлса ҳам ихтиёр чўрининг ўзида бўлади. Хоҳласа яшайди, хоҳламаса ажраб кетади.
- С:** **Чўри аёл ҳожасининг изнисиз эрга теккандан сўнг озод қилинди никоҳи нима бўлади?**
- Ж:** Ўша никоҳи дуруст бўлади. Лекин чўрида ихтиёр қолмайди.
- С:** **Ҳожаси чўрисини эрга берганидан сўнг уни эрининг уйига яшаш учун юбориши вожибми?**
- Ж:** Ҳожасига вожиб эмас. Чунки у чўри ҳожанинг уйидаги ҳизматни қилади. ҳожаси чўрисининг эрига: “Эй биродар қачон вақт топсанг қовушиб олгин”, - дейди.
- С:** **Агар чўри аёл ҳожасининг уйида эри билан тунаса ва яшаса чўрининг нафақасини ким беради?**
- Ж:** У чўрининг нафақаси эрининг зиммасига вожиб бўлади.
- С:** **Ҳожаси чўрисини эрининг уйига юборгандан кейин ишига чақирса бўладими?**
- Ж:** Ҳа, чақиришга ҳаққи бор.
- С:** **Ҳожасининг изни билан қули уйланса, уйланган аёлининг маҳрини ким беради?**



Ж: Маҳрини қул беради. Бу унинг бўйнидаги қарзидир. Агар ҳожаси маҳрга молини ўз ҳисобидан бериб турмаса, қулни маҳр учун сотилади.

## Маҳр

### C: **Маҳрнинг маъноси нима?**

Ж: Аёл киши ўзининг иффатини, хаёсини, орномусини, авратини сақлаб юрганлигининг эвазига ва яна никоҳ вақтида ўзини тан маҳрамликка киёвига бағишлаганлиги эвазига эр кишининг зиммасига юкланган тўловдир. Маҳрнинг миқдори тайин қилинади. Маҳрни дарҳол ёки кейинроқ адо этиш ҳам жоиз. Лекин ўз вақтида бермоқ афзалдир. Китобларда маҳрни судоқ, нихола, қалин, ақд деган номлари бор. Шу номларни айтиш билан ҳам эрнинг устига маҳрни бериш вожиб бўлади.

### C: **Маҳрнинг оз-кўпини баён қилинг.**

Ж: Маҳрнинг энг ози ўн кумуш тангадир. Бундан оз айтилса ҳам 10 танга вожиб бўлади. Кўпига чегара йўқдир, яна қиз боланинг розилигига ҳам қаралади. Келин томон қанчага рози бўлсалар, ўшани бериш вожиб бўлади.

### C: **Маҳрни айтилмасдан аввал иккита гувоҳнинг олдида никоҳ қилинса иккаласи розилигини айтишгандан кейин уларнинг никоҳи дуруст бўладими?**



**Ж:** Бу суратда никоҳи дуруст. Лекин кейин у аёл билан қўшилган бўлса ҳам, эри ўлиб қолган бўлса ҳам маҳр мислини бериш вожиб бўлади. Агар қўшилмасдан аввал ва хилвати сахихадан олдин талоқ қиласа, бу аёлга “Мута” вожиб бўлади. Мутани яқинда билиб оласиз иншаОллоҳ.

**Фойда:** “Мута” деб ҳеч бўлмаганда ўз ҳолича учта кийим олиб бериш вожибдир деб айтилади.

**С:** **Маҳр беришга ҳеч нарсаси бўлмаса, маҳрни бермаслик шарти билан уйланса унинг ҳукми қандай бўлади?**

**Ж:** Унинг ҳукми маҳрни айтмасдан уйланган одамнинг ҳукмида бўлади, ёки “Мута” беради. Юқорида айтиб ўтганларимиздек маҳр бериш вожиб бўлади.

### **Никоҳниг маъноси ва унга оид ҳукмлар.**

**С:** **Бир мусулмон аёлга ҳаром ичимлик ёки гўшти ҳаром ҳайвонларни маҳр учун ваъда қилиб никоҳига олса нима бўлади?**

**Ж:** Никоҳи жоиздир, лекин ҳаром нарсанинг ўрнига у аёлни тенгларига қараб маҳр мисли берилади.

**С:** **Бир аёлга аниқ миқдордаги мол эвазига никоҳланса, кейин айтилган маҳр устига қўшиб берса ёки аёл келишилган маҳрдан бир қисмини кечса нима бўлади?**

**Ж:** Келишилган маҳрни ортифи билан бериш ҳам, баъзисини камайтириб олиш ҳам жоиздир.



- С:** Бир аёлга сифати ноаниқ бўлган ҳайвонни бериш шарти билан никоҳига олиш жоизми? Масалан: қўй, эчки, совлиқ, қўчқор каби.
- Ж:** Никоҳи дуруст, ўша ҳайвоннинг ўртачасини ёки қийматини бериш вожиб бўлади. Аммо қўй, эчки деб номини айтмай умумий қилиб бир ҳайвон бераман деса маҳр мисли бериши керак.
- С:** Маҳрни эвазига сифати ноаниқ бўлган кийим-кечакларни беришни ваъда қилса нима беради?
- Ж:** Кийим бермасдан ўзининг тенгларига қараб маҳр бериш вожиб бўлади.
- С:** Қизнинг тўйига берилган ун-гуруч, қўйлар ва қиз болага берилган кийимлар маҳрга ўтадими?
- Ж:** Қиз томонга берилган ун-гуручлар, яъни истеъмол қилинадиган таомлар маҳрга ўтмайди. Лекин, қиз болага кийим бераётиб “маҳрдан” деб берилса маҳрга ўтади. У кийим маҳр мислидан оз бўлмаслиги лозим. Агар куёвга ҳам қиз томон сарфо қилган бўлса, қизга берилган кийимлар маҳрга ўтмайди, чунки бу урфдаги одатdir. Агар қиз болага берилган кийимни маҳрдан десак, ўғил болага қиз томондан берилган сарфони ҳам маҳр деймизми?!



- С:** **Бир одам уйланмоқчи эди, маҳрнинг ўрнига бир йил ишлаб бермоқликтини ёки Қуръондан таълим бермоқликтини ваъда қилиб уйланса бўладими?**
- Ж:** Бундай ваъдалар маҳрнинг ўрнига ўтмайди, лекин маҳр мислий бериш вожиб бўлади.
- С:** **Бир аёлни валийси маҳрни ўз бўйнига олиши жоизми?**
- Ж:** Ҳа жоиз, лекин у аёл маҳрни валийсидан ёки эрдан талаб қилишга ҳаққи бор.
- С:** **Бир одам фосид никоҳ билан уйланса-ю, уларни қози ажратиб юборса маҳрни берадими?**
- Ж:** Агар улар бирга қўшилмасдан аввал қози ажратиб юборса аёлга маҳр беришмайди, лекин уларни хилвати саҳиҳадан кейин ажратиб юборса ва улар қўшилишган бўлсалар маҳр айтилмаган бўлса маҳр мислий вожиб бўлади, айтилган маҳрдан ортиқча қўшиб беришмайди.
- С:** **Уларни ажратгандан кейин идда сақланадими?**
- Ж:** Уларга ҳам айнан талоқнинг иддасидек идда сақлаш вожиб бўлади, агар у аёлдан бола туғилса насаби ўша отадан ҳисоб бўлади.
- С:** **Ҳилвати саҳиҳа деб нимани тушунамиз?**
- Ж:** Аёл билан эркакнинг қўшилишига ҳеч қандай тўсиқ ва монеълик бўлмаслигидир. Масалан: иккаласидан бири қаттиқ касал бўлмаса,



Рамазон ойида рўзадор бўлмаса, аёл киши ҳайз кўрган бўлмаса.

**С:** Нима учун Рамазон ойида рўзадор бўлмаса деб қайд қилдингиз?

**Ж:** Чунки икковидан бири нафл рўза тутган бўлса ҳам ҳилватда ўтириши билан ҳилвати саҳиҳани топди деб ҳисоб қилинади.

### **Маҳр мислий (тeng тушлар) маҳри.**

**С:** Кўп ўринда маҳр мислини тилга олдик маҳр мислий нима дегани ва яна қизжувонларнинг тенгдошлари кимлардир?

**Ж:** Қиз ёки жувонларнинг тенги опа-сингиллари, амма-холалари, ва амакисининг қизлариdir. Уларга ёшида, чиройида, бойлигида, ақлзаковатда, диёнатда, шаҳар ёки қишлоқда яшашлигида ўхшаш бўлган қиз ёки жувонларга берилган маҳрга қиёс қилинади. Яъни (маҳри аниқ бўлмаган никоҳланган аёлни шуларга қиёслаб маҳр берилади.)

**С:** Мутъа нима дегани?

**Ж:** Уч дона кийим, кўйлак, рўмол ва ҳижобдир.

### **Айб сабабли никоҳни бекор қилиш.**

**С:** Бир одам айби бор аёлга уйланиб қолса никоҳини бузишга ихтиёри борми?

**Ж:** У одам никоҳни бекор қилишга ҳаққи йўқ, лекин талоқ қилишга ҳақлидир.



- С:** **Бир аёл билмай, кўрмай жинни ёки тентак, маҳовга ўхшаш дарди бор кишига эрга текса никоҳни бузишга ҳаққи борми?**
- Ж:** Имоми Аъзам ва Абу-Юсуф ўша аёлда никоҳни бекор қилишга ихтиёр йўқ, дейдилар. Аммо, Имоми Муҳаммад у аёлда ихтиёр бор, дейдилар. (Учала имомимизни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин.)
- С:** **Бир аёл эрга тегди у одамнинг эса эркаклиги йўқ экан. У аёл қозига бориб ажралишни талаб қилса қози нима қиласи?**
- Ж:** Қози эрини чақиририб бир йил (даволанишга) муддат беради, агар шу муддат ичида тузалса аёлда никоҳни бузишга ихтиёр қолмайди. Агар шу муддат ичида тузалмаса аёлнинг талаби билан қози уларни ажратиб юборади.
- С:** **Агар уларни қози ажратиб юборса бу ажралишнинг ҳукми нима бўлади?**
- Ж:** Бу ажралишни талоқи “боин” дейилади. Ўша аёл маҳрни тўлиқ олади.
- Фойда:** талоқ икки хил бўлади, Талоқи *боин*, Талоқи *рожъий*, *тaloқи боинда* дегани эр аёли билан қайта ярашмоқчи бўлса иккита одам гувоҳлигига қайта никоҳ қилдиради. *Талоқи рожъий* дегани улар ярашмоқчи бўлсалар, аёлнинг иддасини ичида эр қайтдим деган сўзни айтиб аёли билан қайта никоҳланмасдан яшайверади. Булар ҳақида талоқ бобида кенгроқ айтиб ўтамиш.



**C:** **Бир аёлнинг эри мажбур яъни олати кесилган бўлса, қозидан ажралишни талаб қиласа қози нима қиласи?**

**Ж:** Қози уларни дарҳол ажратиб юборади, чунки аёли умрининг охиригача кутса ҳам эрининг тузалмаслиги аниқдир.

**C:** **Бир аёл эрини бичилган ҳолатда топса қози нима ҳукм қиласи?**

**Ж:** Қози эркаклиги йўқ одам каби бир йил даволанишга муддат беради.

**C:** **Аёл киши Ислом динини қабул қиласа, эри кофирлик ҳолатда қолса, дини сабабли эридан талоқ тушадими?**

**Ж:** Аёли Ислом динини қабул қилиши билан талоқ тушмайди, балки, қози эркакка Ислом динини таклиф қиласи. Агар эри Ислом динини қабул қиласа, у ўзининг никоҳидаги аёлидир. Агар эри Ислом динини қабул қилмаса уларни қози ажратиб юборади.

**C:** **Агар яҳудий ва насроний аёлларнинг эри Ислом динини қабул қиласа уларни ажратиб юбориладими?**

**Ж:** Уларни ажратиб юборишга сабаб йўқ, чунки мусулмон эркак киши китобия аёлларни никоҳига олишига шариат ижозат берган.

**C:** **Кофир давлатда бир кофир кишининг аёли Исломни қабул қиласа уларнинг никоҳи бекор бўладими?**





- Ж: У аёл уч марта ҳайз кўриб поклангандан кейин эридан ажралади ва у аёлга талоқи “боин” тушади.
- С: Эр-хотиндан бири кофир давлатда мусулмон бўлиб ислом диёрига келса талоқ тушадими?
- Ж: Ислом диёрига келиши билан талоқ тушади, бошқа сабабга қаралмайди.
- С: Кофир диёрида яшовчи бир кофира аёл Ислом динини қабул қилиб, исломий юрга ҳижрат қилиб келса, у ватанида эри бўлса идда сақладими?
- Ж: Идда сақламайди, дарҳол эрга тегиши мумкин, агар ҳомиласи бўлса бола туғилгунча кутилади, кейин эрга берилади.
- С: Эр-хотиндан бири “муртад” бўлса яъни диндан қайтса (Оллоҳ сақласин) қачон талоқ тушиб ажралади?
- Ж: Ўша вақтнинг ўзида талоқсиз ажралиб кетади кейин ҳам бирга яшашлик исломда ҳаромдир.
- С: Бундай ҳолатда маҳр бериладими?
- Ж: Эри муртад бўлишидан аввал аёли билан қовушган бўлса маҳрни тўлиқ беради, у аёл билан қовушмасдан аввал аёл диндан қайтса маҳр берилмайди, лекин қовушгандан сўнг диндан қайтса маҳрни тўлиқ беради.
- С: (Оллоҳ сақласин) Эр-хотинлар бирданига диндан қайтиб, яна биргаликда ислом динига киришса ўртасига талоқ тушадими?





- Ж: Уларнинг ўртасига талоқ тушмайди, олдинги никоҳи ўз ўрнида қолади.
- С: **Икки мусулмон эр-хотиннинг бири диндан қайтса, лекин бирга яшамоқликни хоҳласа яшаса бўладими?**
- Ж: Мусулмон аёл билан муртад эр бирга яшамайди ва мусулмон эр киши билан муртад аёл ҳам бирга яшамайди, уларнинг никоҳи фосиддир.
- С: **Коғир давлатидан Ислом диёрига бирга асир бўлиб келганларга ажралиш зарур бўладими?**
- Ж: Ислом диёрига бирга келишса ажралишмайди, агар ёлғиз келса уларнинг ўртасида ажралиш зарур бўлади.

### **Фарзанд ота-онанинг яххисига тобеъ бўлади.**

- С: **Отаси мусулмон бўлиб онаси ғайридин бўлган ҳолатда бола туғилса қайси бирига тобеъ қилинади?**
- Ж: Бундай ҳолатда болани мусулмон отага тобеъ қилинади. Эри ёки аёли ислом динини қабул қилган бўлса, уларнинг болаларига мусулмон деб ном берилади.

**Фойда:** 1) Бир коғир одам ўзларининг урф-одатига биноан иккита гувоҳсиз уйланган бўлса ёки бошқа коғир эрнинг иддасида ўтирган аёлга уйланса, бу никоҳ уларнинг динида мақбул бўлса, ўша эр-хотин ислом динига кирса





аввалги ўзларининг никоҳи ҳисобга ўтади, қайта никоҳга ҳожат йўқ. **2)** Ўз маҳрамига уйланган маъжусий, агар ислом динини қабул қиласа уларни дарров ажратиб юборилади.

### Эмишмоқлик боби.

- C:** **Бола онани неча йил ва неча ой эмишга ҳаққи бор?**
- Ж:** Имоми Аъзам: эмиш муддати 30 ой, дедилар. Аммо икки шогирдлари: эмиш муддати тўлиқ икки йил, дедилар (уларни Оллоҳ раҳмат қилисин).
- C:** **Эмиш ва эмизишга алоқадор бўлган қандай ҳукмлар бор?**
- Ж:** Имомларимиз белгилаган муддатнинг ичida янги туғилган гўдак ўзини ёки бегона аёлни оз ёки кўп вақт ичida эмиши билан, эмизган аёл билан эмган гўдак ва эмизган аёлнинг ота-оналари, опа-сингиллари ва ўғил қизлари ўртасида эмган болага маҳрамлик собит бўлади. Эмиқдош опа-сингиллари ва ака-укалари ҳам айнан бир онадан туғилган опа-сингил ва ака-укага айланиб қолади.

**Фойда:** Динсиз давлатларда ва олдинлари бизда ҳам туғриқхонада ётган аёлларнинг сутини соғиб олиб бошқа бегона аёлни боласига ичиради. Унда ўша туғриқхонадаги болалар бир-бирига маҳрам бўлиб қолади. Исломдан узоқ





юрган одамлар билмай эмикдош маҳрамига уйланиб қолиши мумкин.

**С:** **Ёш бола 30 ойдан кейин ёки 24 ойдан кейин бегона аёлни эмса оналиқ ҳурмати пайдо бўладими?**

**Ж:** Бола 30 ойдан кейин ҳам эмиши жоиз эмас. Эмизувчи аёл болага она бўлмайди ва яна фарзандлари ҳам эмувчи болага маҳрам бўлмайди.

**С:** **Оналиқ ҳурмати ва эмизишга алоқадор масалаларни кенгроқ айтиб беринг.**

**Ж:** 1) Қачонки ёш болалар ёшлиқ вақтида бир онани эмишса, буларнинг икковларининг бирбирига никоҳи ҳаромдир.

2) Сутини эмган болага ўша эмизган аёлнинг болаларининг никоҳи ҳаромдир;

3) Бир аёл бир қиз болани боқиб эмизса ўша қиз балофатга етганида у эмизган аёлни эрига ва отасига, ўғилларига никоҳи ҳаром бўлади, чунки у қиз болага ота ҳисобида бўлиб қолади;

4) Эмган бола эмизган аёлнинг эрининг опасингилларини никоҳига олиши ҳаромдир, чунки у аёллар болага амма бўлиб қолади;

5) Ўз ўғлининг аёлига уйланиш ҳаром бўлганидек, эмизган аёлнинг эрига ҳам эмган боланинг аёли ҳаромдир;

6) Эмишган ака-уканинг синглисига уйланмоқлик ҳалолдир, агар эмизган аёлнинг ўзининг фарзанди бўлмаса, насабдаги акасини





синглисига уйлангандек. Масалан: бир одамнинг ота бир она бошқа ака-укаси бор онасининг аввалги эридан бир қизи бор, шу қизга уйланиши жоиз бўлганидек;

**С: Яна қайси эмиқдошларнинг никоҳи ҳалол бўлади?**

Ж: 1) Эмиқдош амакисининг ёки аммасининг онасига никоҳи жоиз, лекин насабдагиларнинг никоҳи жоиз эмас;

2) Эмиқдош бўлган ўғилнинг синглисига никоҳи жоиз, аммо насабдагиларнинг никоҳи жоиз эмас;

3) Эмишган синглисининг опасига уйланмоқлик жоиз, лекин насабдагиларга жоиз эмас;

**С: Икки аёлнинг сутини аралаштириб бир болага берилса, қайси аёлни болага она деймиз?**

Ж: Имоми Абу-Юсуф: қайси бириниг сuti кўпроқ аралашган бўлса болага она бўлади, дедилар. Имоми Муҳаммад эса: ҳар иккаласи ҳам болага она бўлади, дедилар.

**С: Қиз болани эмса ҳам оналик собит бўладими?**

Ж: Албатта оналик собит бўлади, агар сут чиқса.

**С: Ёш болалар бир қўйнинг сутини бирга ичишса эмишган ака-ука ҳисобида бўладими?**





Ж: Ҳар қандай чорва ҳайвонларнинг сутини ичиш билан эмишган ака-ука бўлиб қолмайди.

**С: Бир одам аёлининг устига ёш гўдакни ҳам никоҳига олган бўлса катта аёли ёш гўдакни эмизиб қўйса нима бўлади?**

Ж: Иккаласи ҳам бу эрга ҳаром бўлади.

**С: Маҳрини қандай ҳолатда берилади?**

Ж: Агар катта аёли билан қовушмаган бўлса маҳр берилмайди, кичигига эса маҳрнинг ярми берилади.

**С: Бир бола бир аёлни эмган ёки эмгани билинмай ноаниқ бўлиб қолса қандай исботланади?**

Ж: Икки эр киши ёки бир эр икки аёлнинг гувоҳлиги билан исботланади, лекин эркаксиз ҳамма аёлларнинг берган гувоҳлиги эътиборга олинмайди.


**С: Агар аёлнинг сутини сувга қўшиб болага ичирилса, оналик событ бўладими?**

Ж: Сувдан онанинг сути кўпроқ бўлса оналик событ бўлади. Сув кўпроқ бўлса оналик событ бўлмайди.

**С: Аёлнинг сутини овқатга аралаштириб берилса нима бўлади?**

Ж: Имоми Аъзам: агар онанинг сути овқатга аралашса у сут овқатдан кўпроқ бўлса ҳам маҳрамлик событ бўлмайди, дедилар. Лекин икки шогирдлари у аёлнинг сути овқатдан






кўпроғига аралашса эмизишлик собит бўлади, дедилар. (Аллоҳ имомларни раҳмат қилсин.)

- С: **Аёлнинг сутига дори аралаштириб гўдакка ичирилса нима бўлади?**
- Ж: Агар аёлнинг сути доридан кўпроқ бўлса, у аёл болага она бўлиб қолади.
- С: **Аёлнинг сутини қўйнинг сутига қўшиб гўдакка ичирилса нима бўлади?**
- Ж: Агар аёлнинг сути кўпроқ бўлса у аёл болага она ҳисобидадир. Агар қўйнинг сути кўпроқ бўлса у аёл болага она бўлолмайди.

### **ХОТИМА.**

Оллоҳнинг ёрдами ва ҳидояти билан таржимамизнинг иккинчи қисми ҳам ниҳоясига етди. Энди учинчи қисмининг таржимасига ўтамиш.





## Учинчи қисм Талоқ китоби

С: Эр билан аёл никоҳдан кейин бирга яшашнинг иложи бўлмаса нима қиласди?

Ж: Аслида Оллоҳ таоло эр билан аёлни бир-бирига меҳрибон бўлиб яшамоқликка буйруқ қилган. Ул зот: “**Улар (аёллар) билан хушмуомалада бўлиб тинч-тотув яшанглар**”, -деди. Лекин орага совуқлик тушиб бир-бирини сўймай қолишиб, бирга яшашнинг асло иложи топилмаса, Оллоҳ таоло яхшилик билан бир-бирига зулм қилмасдан ажрамоқликнинг йўлини ҳам ўзи кўрсатди. Эр аёлни талоқ қилиб ўзининг никоҳидан чиқаради, эр талоқ қилувчи аёл эса талоқ қилинган бўлади.

С: Неча хил талоқ бор?

Ж: Талоқ уч хил бўлади:

- 1-энг яхши талоқ
- 2-суннат талоқ
- 3-бидъат талоқ

**Биринчиси:** Эр аёlinи ҳайздан покланган пайтида қўшилмай туриб **бир талоқ** қўяди, то иддаси чиққунга қадар аёлига яқинлик қилмай туради, бу энг яхши талоқдир.

**Иккинчиси:** Эр аёlinи ҳайздан пок бўлган кунларида орада яқинлик қилмай туриб уч покликнинг ичида бир талоқдан уч марта қўяди. Faқиҳ олимлар бу талоқни **чиroyли талоқ** дейдилар.

**Учинчиси:** Эр аёlinи бир вақтнинг ўзида бир сўз билан уч талоқ қўяди ёки уч талоқни бир талоқнинг ичида биттадан уч марта айтиб уч талоқ қилади. Бу энг ёмон **бидъат талоқ**dir.

**C: Яхши талоқнинг қандай фойдаси бор?**

Ж: Яхши талоқнинг фойдаси шуки: агар эр аёlinи бир талоқ қўйса унга бир талоқ тушади, лекин у иddаси тугамагунча эрининг ихтиёрида бўлади. Агар эр ярашмоқликни хоҳласа аёlinинг иddаси ичида ярашиб олиши мумкин.

**C: Агар эр аёlinи бидъат талоқ билан қўйиб юборган бўлса нима бўлади?**

Ж: Албатта талоқ тушади, лекин суннатга ҳилоф иш қилгани учун гуноҳкор бўлиб, қиёматда жавоб беради.

**C: Эр аёlinи ҳайз вақтида қўйиб юборса талоқ тушадими?**

Ж: Албатта талоқ тушади, лекин Ислом дини ҳайз ҳолатда талоқ қилишдан қайтарган. 1) агар “ражъий” талоқ қилиб қўйган бўлса, хоҳласа аёлига иddасининг ичида, аввал қўшилган бўлса қайтиши мумкин. 2) Шундан сўнг хоҳласа тозалик вақтида яқинлик қилмасдан

аввал талоқ қилиши ҳам мумкин. 3) Агар никоҳдан кейин аёлига қўшилмаган бўлса, ҳайз ҳолатида ҳам талоқ қилиши жоиз.

**C: Ҳомиладорлик вақтида талоқ қилмоқликнинг ҳукми қандай?**

Ж: Ҳомиладор аёлни ҳам талоқ қилса талоқ тушади, агар яқинлик қилгандан кейин бўлса ҳам.

**C: Эр аёлинни суннатга мувофиқ уч талоқ қилмоқликни хоҳласа нима қиласди?**

Ж: Эр аёли ҳайздан покиза бўлган вақтнинг ичидаги яқинлик қилмай туриб уни бир талоқ қиласди, яна иккинчи талоқни ҳам аввалгидек покизалик вақтида қиласди. Учинчи талоқни ҳам покизалик вақтида орада яқинлик қилмасдан қиласди.

**C: Ёши катталиги сабабли ҳайз кўрмайдиган аёлни суннатга мувофиқ ҳолатда қандай талоқ қилинади?**

Ж: Ҳар ойда бир талоқдан қўйиб уч ойда уч талоқ қилинади.

**C: Ҳомиладор аёлни суннатга мувофиқ талоқ қилмоқчи бўлса нима қилинади?**

Ж: Ҳар бир икки талоқнинг ўртасини бир ойдан ажратиб талоқ қилинади.

**C: Ҳар қандай эрнинг талоги аёлга тушадими?**

Ж: Эрнинг талоги аёлига тушиши учун балофатга етган ва ақлли бўлиши шарт. Ақлдан озган,



балофотга етмаган ва уйқусида жавлиб аёлини талоқ қилған эрнинг талоғи аёлига тушмайды.

**С:** Эр аёлини маст ҳолатда талоқ қилса ёки унинг ота-онаси мажбурлаб талоқ қилдирса талоқ тушадими?

**Ж:** Албатта талоқ тушади.

**Фойда:** Баъзи бир ота-оналар орзу-ҳавас билан олган келинини ёқтирмай қолиб, ўғлини мажбурлаб қўйдириб юборади, агар ўша келин ношаръий иш қилған бўлса майли, қўйдирсан, лекин намозини ўқиб, шариатга итоат қилиб юрган келинини қўйдириб юборишдан Оллоҳдан қўрқиши керак.

**С:** Соқовлар қандай талоқ қилади?

**Ж:** Қўли билан ишора қилади.

**С:** Бир қул ҳожасининг изни билан уйланган бўлса, аёлини ким талоқ қилади?

**Ж:** Ҳожасининг талоғи қулининг аёлиги ўтмайди, балки уйланган қулнинг ўзи талоқ қилади.

### Талоқ тушиш боби.

**С:** Таъсир қилиш жиҳатидан неча хил талоқ бор?

**Ж:** Таъсир қилиш жиҳатидан ҳам уч хил талоқ бор.

**Биринчиси:** талоқи Ражъий (идда ичида эр аёлига никоҳсиз қайтиши мумкин бўлган талоқдир).





**Фойда:** Ражъий талоқдан кейин эр ярашмоқчи бўлса қайта никоҳ қилишга ҳожат йўқ, агар никоҳни янгиласа зарари йўқ.

**Иккинчиси:** талоқи Боин (қайта никоҳ қилмай туриб ярашиб бўлмайдиган талоқ).

**Фойда:** талоқи Боиндан кейин ярашмоқчи бўлса, иккита гувоҳнинг олдида никоҳ қилиш вожиб бўлади.

**Учинчиси:** талоқи Фализ (энг қўпол ва оғир талоқдир) бундай талоқ қилган одам аёли билан қайта ярашмайди. Фақат у аёл бошқа эрга тегиб, у эри ўлса ёки у ҳам талоқ қилса, иддаси чиққандан кейингина аввалги уч талоқ қўйган эри уни қайта никоҳига олиши мумкин.

**С:** **Қандай ҳолатларда талоқи Ражъий ёки талоқи Боин билан талоқ тушади?**

**Ж:** Талоқ лафзга биноан икки хил бўлади.

**Биринчиси:** Очиқ-оидин талоқ сўзини айтмоқлик.

**Иккинчиси:** Кинояли талоқ.

**Ошкора талоқда:** “сен талоқсан”, “сени талоқ қилдим” деса, ниятида икки ёки уч талоқни ўйлаган бўлса ҳам ёки умуман талоқ қилиш ниятида бўлмаса ҳам бир ражъий талоқ тушади. Агар орада тўхтаб “сен талоқсан”, “сен талоқсан” деса икки талоқ тушади.

**Кинояли талоқда:** талоқ сўзи очиқ айтилмайди, балки талоқ сўзининг ўрнига масалан, “сенга мен бегонаман”, “сени ўзимга ҳаром қилдим”,





“сени жавобингни бердим”, деган кинояли сўзлар айтилади. Бу сўзлар билан талоқни ният қилса ёки ҳолатнинг кўриниши талоқни тақозо қилса талоқи Боин тушади.

**С: Талоқнинг ўрнига ишлатиладиган қандай киноя сўзлар бор ва уларнинг маъноси қандай?**

Ж: Киноя сўзлар икки тоифа бўлади. Қуйидаги киноя сўзлар билан талоқ қилса талоқ Ражъий тушади. (агар эр киши ушбу киноя сўз билан икки ёки уч талоқни ният қилган бўлса ҳам.) “идда ўтири”, “бачадонингни тозала” ва “сен ёлғизсан”, деган сўзлар билан. Қолган киноя сўзларни айтганда бир талоқи Боин тушади (гарчи икки талоқни ният қилса ҳам). Агар уч талоқни ният қилган бўлса уч талоқ тушади. Бундай киноя сўзлар ушбулар: “сен мендан ажralгансан”, “арқонинг бўйнингда”, “энди қариндошларинга қўшил”, “сен ҳолисан”, “сен яхшиликдан узоқсан”, “сени қариндошларингга бердим”, “сендан ажralдим” ва “сен озодсан”, “кўздан нари бўл”, “мендан юзингни беркит”, “бошқа эр изла” каби. Агар шу сўзларни айтишда талоқ қилиш нияти бўлмаса талоқ тушмайди. Аммо талоқ можароси бўлаётганда эр шу сўзларни айтса талоқ тушади. Лекин аёлинни сўкса ёки ҳақорат қилса ниятида талоқ



килиш бўлса талоқ тушади, бўлмаса талоқ тушмайди. Хулоса шуки:

**Очиқ талоқ** лафзларидан бирини айтиш билан ва яна идда ўтири, бачадонингни покла, сен ёлғизсан, деган сўзларни айтганда қайта никоҳ қилмасдан ярашиш мумкин бўлган талоқи Ражъий тушади.

**Фойда:** идда муддати тугаши билан ражъий талоқ ҳам боин талоққа айланиб қолади.

**Кинояли талоқ** сўзларни айтиш билан талоқни ният қилса ёки талоқ бўлишга ҳолат далолат қилса, талоқи Боин тушади.

**Талоқи Муғаллаз:** яъни оғир талоқ шулардан иборатdir. 1. Уч ҳайздан пок бўлганда ёки уч ой ичида қўйилган уч талоқdir. 2. Бир сўз билан айтилган уч талоқ ва уч талоқни ният қилган ҳолда киноя сўзи билан айтилган талоқdir, булар энг оғир талоқларданdir.

**С: Агар эр киши талоқни кўплик, катталик ва қаттиқлик билан сифатлаб талоқ қилса қайси талоқ тушади?**

**Ж:** Талоқи Боин тушади масалан, айтсаки: сен талоқи Боинсан, қум талоқсан, қаттиқ талоқсан, ёмонроқ талоқсан, шайтоннинг талоқисан, бидъатнинг талоқисан, тошга ўхшаш талоқсан, сен тоғдай талоқсан ёки сен уй тўла талоқсан, деса бундай сўзлар билан қилган талоқлар талоқи Боин бўлади.

- С: Агар эр талоқ лафзини аёлининг баъзи аъзосига айтса талоқ тушадими?**
- Ж:** Агар аёлини бошидан оёғигача ёки бир бўллагини айтиб талоқ қилса ҳам у аёлга талоқ тушади. Масалан, айтсаки: “сенинг бўйнинг талоқ”, “руҳинг талоқ”, “баданинг талоқ”, “жасадинг талоқ”, “авратинг талоқ” ва “юзинг талоқ” деса, талоқ тушади. Лекин айтсаки: сенинг қўлинг талоқ ёки оёғинг талоқ, деса талоқ тушмайди, чунки бу икки аъзоси билан инсоннинг бутун вужудини мақсад қилинмайди.
- С: Эр аёлига сенинг ярминг талоқ ёки учдан биринг талоқ деса талоқ тушадими?**
- Ж:** Албатта талоқ тушади, чунки инсоннинг жасадининг ярми ҳам, учдан бири ҳам бутун инсон ҳисобида бўлади.
- С: Агар эр аёлига талоқ лафзининг ярмини ёки учдан бирини айтса, масалан: “сен яrim талоқсан” ёки “бир талоқнинг учдан бирисан” ёки “бир талоқнинг учдан иккисисан” деса талоқ тушадими?**
- Ж:** Ҳа, тўлиқ бир талоқ тушади, чунки талоқ лафзи бўлинмай бутунича ишлатилади.

### Шартларга боғланган талоқ.

- С: Бир одам бир аёлга уйланмасдан аввал: “сенга уйлансанам талоқсан”, деса нима бўлади?**



Ж: У аёлни никоҳига олиши билан талоқ тушади.

С: Агар эр талоқни шартга боғлаб аёлига: “сен уйга кирсанг талоқсан”, деса нима бўлади?

Ж: Қандай шарт қўйса ҳам шарти топилиши билан аёлига талоқ тушади. Масалан: уйга кириши билан талоқ тушиб қолади. Лекин аёлига: “Худо хоҳласа сен талоқсан” деса талоқ тушмайди, чунки Аллоҳу таоло талоқ қилувчиларни сўймайди.

С: Бир киши бир бегона аёлга: “агар менинг уйимга кирсанг талоқсан”, деса кейин ўша аёлни никоҳига олса у аёл уйга кирса талоқ тушадими?

Ж: Бундай суратда талоқ тушмайди, чунки никоҳдан олдин у эркак бегона эди.

С: Қасамнинг ечилишининг маъноси нима?

Ж: Бунинг маъноси шуки: қасам шарти бир марта топилиши билан талоқ тушади. Шарт иккинчи марта топилса талоқ тушмайди, чунки шартнинг қуввати бир марта топилиши билан тугайди.


С: Шарт топилса шартнинг лафзлари ичida такрор талоқ тушадигани ҳам борми?

Ж: Ҳа бор. “Ҳар қачон” деган сўзни талоққа қўшиб айтилса, агар шарт такрорланса талоқ ҳам такрор тушаверади.

С: Бунга мисол келтиринг.

Ж: Масалан, эри аёлига: “ҳар қачон ҳовлига кирсанг талоқсан”, деса ҳар кирганида талоқ





тушаверади. Уч марта кириши билан уч талоқ бўлади, яна қанча кўп кирса ҳам уч талоққа ҳисоб бўлаверади.

- С: **Ушбу масалада шарт такрорланиши билан уч талоқ тушса кейин у аёл бошқа эрга тегиб яна аввалги эрига никоҳланса ва яна уйга кириши билан талоқ тушадими?**
- Ж: Йўқ талоқ тушмайди, чунки иккинчи никоҳ аввалги талоқни бекорга чиқаради.
- С: “Бир киши қандай аёлга уйлансан, ўша аёл менга талоқ бўлсин” деса, ўша одам бутун ҳаётида никоҳига олган ҳар бир аёлига талоқ тушадими?
- Ж: Ҳа, бутун ҳаёти мобайнида никоҳига олган ҳар бир аёлни никоҳ қилиши билан талоқ тушаверади.
- С: **Бир киши аёлга: “агар ҳовлига кирсанг ёки фалончининг ҳовлисига кирсанг талоқсан” деса кейин шарт топилмасдан аввал ўша аёлни никоҳига олса, ўша аёл ўша ҳовлига кирса талоқ тушадими?**
- Ж: Албатта талоқ тушади.
- С: **Бир киши аёлининг талофини бир шартга боғлаб қасам ичса кейин шарт топилишидан олдин талоқ қилса, аёл эридан ажралгандан кейин шарт топилса, шарт топилгандан кейин иккинчи марта никоҳига олса, шартнинг топилиши сабабли аёлига талоқ тушадими?**





Ж: Бундай ҳолатда талоқ тушмайди, чунки у аёл эрнинг қарамоғидан чиққандан кейин шарт содир бўлди, чунки шарт топилгандан кейин қасам ечилиб кетади.

С: Эр аёлига: “Эртага сен талоқсан”, деса қачон талоқ тушади?

Ж: Эртаси тонг отиши билан талоқ тушади.

С: Эр аёлига: “сен Маккада талоқсан деса”, у аёл Маккада бўлмаса нима бўлади?

Ж: Ўша айтган вақтнинг ўзида талоқ тушади ёки “сен ҳовлида талоқсан” деса ҳовлига кирмаса ҳам ўша вақтнинг ўзида талоқ тушади. Чунки, талоқни киришга боғламади, яъни “Маккага ёки ҳовлига кирсанг” демади.

С: Агар аёлига: “сен Маккага кирсанг талоқсан” деса нима бўлади?

Ж: Талоқ тушмайди, қачонки Маккага бориб, киргандагина талоқ тушади, чунки бунда талоқни киришга боғлаб қўйди.

С: Бир одам аёлига “ҳайз кўрсанг талоқсан” деса, у ишлар аёлларнинг ўртасида билинади халос, бунга қандай ҳукм қилинади?

Ж: Бундай ишларда аёлнинг сўзи инобатга олинади, бу аёлнинг шахсий ишидир. Сизга мисоллар келтириб равшан қиласмиш. Масалан, бир киши аёлига: “агар ҳайз кўрсанг сен ва кундошинг ҳам бир талоқ” деса, аёли: “ҳайз кўрдим” деса, айтувчига талоқ тушади халос, кундошига





эмас. Агар эр ҳар иккисини ҳайз күрганини тасдиқласа иккаласига ҳам талоқ тушади.

**С:** **Бир одам аёлига: “агар ҳайз күрсанг талоқсан” деса нима бўлади?**

**Ж:** Қачонки ўша аёл бир ёки икки кун ҳайз кўриш билан талоқ тушмайди, чунки ҳайзнинг оз муддати уч кундир. Балки у аёл уч кеча-кундуз ҳайз кўргандан кейин талоқ тушади.

**С:** **Бир одам аёлига: “сен уч талоқсан, магар битта эмас” деса ёки “сен уч талоқсан магар иккита эмас” деса неча талоқ тушади?**

**Ж:** Биринчи масалада икки талоқ тушади, иккинчи масалада бир талоқ тушади.


**Фойда:** Ҳаётда талоқ борасидаги муаммолар кўп такрор бўлгани сабабли биз ҳам талоқ ҳақда мисолни кўпроқ келтирдик.

**Аёл билан қўшилмасдан аввал талоқ қилиш.**

**С:** **Эр Аёл билан қўшилмасдан аввал талоқ қиласа талоқ тушадими?**

**Ж:** Бир одам бир аёлни никоҳига олганидан сўнг ёқтирмай қолса у аёл билан қўшилмай туриб уч талоқ қиласа уч талоқ тушади, агар уч талоқни биттадан қўшиб айтса, бир талоқ Боин тушади, иккинчи, учинчи марта айтган талоқлари маъносиз бўлиб қолади.

**С:** **Эр аёлига: “сен бир талоқсан яна сен бир талоқсан”, “сен бир талоқдан илгари бир талоқсан” деса неча талоқ тушади?**





Ж: Бу ҳолатларнинг барчасида бир талоқ тушади.

С: **Бир одам аёлига:** “сен бир талоқсан бир талоқдан сўнг”, ёки “бир талоқ билан яна бир талоқсан” деса неча талоқ тушади?

Ж: Бу ҳолатнинг ҳаммасида икки талоқ тушади.

**Фойда:** бу айтилган сўзлар никоҳдан сўнг аёлига қўшилмасдан аввал талоқ қилган одамларга учун тегишлидир.

### **Талоқ ҳукмини аёлига топширмоқнинг баёни.**

С: **Бир одам ўз аёлига талоқ қилишни мақсад қилиб:** “ажрашлиқ ихтиёрини ўзинг ол” деса, ёки “ўзингни талоқ қил” деса, ўша аёл ўзини талоқ қилиши жоизми?


Ж: Бу аёл ўзини шу икки суратда талоқ қилиши жоиз, агар ўша мажлисда турган бўлса, лекин ўша аёл мажлисдан туриб кетса ёки эшитмагандек бошқа ишга машфул бўлса талоқнинг ихтиёри у аёлдан чиқиб кетади. Аммо эри аёлига “қачон хоҳласанг ўзингни талоқ қил” деса ўзини талоқ қилиш аёлнинг ихтиёрида қолади.

С: Эри аёлига: “ихтиёрингни ол” деса, аёли ўша мажлисда ихтиёрни олса ҳукми нима бўлади?

Ж: Бир талоқи Боин тушади.

С: Эри аёлига: “ўзингни талоқ қил” деса, аёли ўзини талоқ қилса, қайси талоқнинг ҳукми жорий бўлади?





- Ж: Бир Ражъий талоқнинг ҳукми тушади. Аммо ўзингни талоқ қил деган вақтда эри ҳам уч талоқни ният қилган бўлса уч талоқ тушади.
- С: **Бир одам аёлини талоқ қилиш ниятида бир одамни вакилликка олса: эй биродар менинг аёлимни талоқ қилиб қўйинг деса, ўша одам унинг аёлини ўша мажлисда талоқ қилиш ваколати чекланганми?**
- Ж: Йўқ, чекланган эмас, хоҳлаган вақтида талоқ қилаверади ва талоқнинг ўрнига ҳам ўтади.

### **Касалнинг талоқи.**

- С: **Бир одам касаллик вақтида аёлини талоқ қилса у аёли мерос оладими?**
- Ж: У одам аёлини ўлим тўшагида ётган ҳолатида бир талоқи Боин қилиб қўйган бўлса, аёлни иддаси тугамай туриб эри вафот қилса албатта мерос олади. Лекин иддаси тугагандан кейин вафот қилган бўлса мерос ололмайди.

### **Никоҳни ечиш (ҳулъи)**

- С: **Аёллар эридан талоқдан бошқа йўл билан ҳам ажралса бўладими?**
- Ж: Албатта бўлади, агар эри билан аёлнинг ўртасида келишмовчилик пайдо бўлса, Аллоҳнинг буйруғини адо этмасликдан қўрқсалар, аёл эрига яна бошқа бир аёлга уйланиш учун кетадиган сарфни бериб унинг эвазига эридан ўзини ажратиб олиши мумкин.



Шунинг учун аёlinи ўз ихтиёри билан талоқ қилмаётган эрига: мен ўзимни сиздан фалон миқдордаги молни бериб эвазига ажратиб оламан деса, эри бу таклифни қабул қилса, аёлга ажратувчи талоқ тушади. Аёлнинг зиммасига эса молни бериш вожиб бўлади. Шу ишни ҳулъи дейилади.

**Фойда:** Аёлни талоқ қилиш истаги эр томонидан бўлса, аёлнинг молини олиб талоқ қилиш макруҳdir.

**C: Қанча миқдордаги молни бериб аёли эридан ажраши мумкин?**

**Ж:** Никоҳ вақтида аёлга бериладиган маҳри мислидан кам бўлмаслиги лозимdir.

**C: Аёли эрига: “менинг қўлимдаги нарсанинг эвазига мени “ҳулъи” қилинг” деса, аммо қўлида ҳеч нарса бўлмаса, аёлга талоқ тушиб мол бериш вожиб бўладими?**

**Ж:** Талоқи Боин тушади, аёлнинг зиммасига эса маҳрини эрига қайтиб бериш вожиб бўлади.

**C: Аёли эрига: “мени минг танга эвазига уч талоқ қилинг” деса, эри бир талоқ қўйса нима вожиб бўлади?**

**Ж:** Минг танганинг учдан бирини бериш вожиб бўлади.

**C: Эр киши аёлига айтсаки: “ўзингни минг танга эвазига уч талоқ қил” деса, аёли ўзини бир талоқ қилишга рози бўлса, нима ҳукм бўлади?**



Ж: Бу талоқ эр томонидан бўлгани учун, аёлга талоқ тушмайди ва яна мол бериш ҳам вожиб бўлмайди.

### Аёлига қайтиш.

С: Бир одам аёлинини бир ёки икки Ражъий талоқ қилган бўлса, иддасининг ичидаги ярашмоқчи бўлса аёлидан розилик сўрайдими?

Ж: Аёлидан розилик сўрамайди, аёли рози бўлса ҳам, бўлмаса ҳам қайтиб ярашиб олиши мумкин.

С: Бундай ҳолатда аёлига қандай йўл билан қайтади?

Ж: Эр киши талоқ қилган аёлига икки йўл билан қайтади. Сўз ёки амал билан. Масалан, эр аёлига: “сенга қайтдим”, “аёлимга қайтдим”, яъни “ярашдим” дейди, бу сўз билан қайтишдир. Агар эри аёли билан қўшилса, ўпса, шаҳват билан ушласа ёки авратига қараса бу ҳам аёлига амалий ҳолатда қайтишдир.

С: Аёлига қайтиш учун икки гувоҳни келтириш вожибми?

Ж: Аслида гувоҳга ҳожат йўқ. Аммо икки гувоҳ олдида аёлига қайтиши чиройли амалдандир.

С: Бир одам аёлинини Ражъий талоқ қилиб сўнг аёлнинг иддаси

тугаганида, ўша одам: “мен сенга  
иддангниую ичидаги қайтдим” деса, у аёл





**тасдиқ қилса ёки ёлғон деса ҳукми нима бўлади?**

Ж: Агар аёли тасдиқ қилса қайтган ҳисобга ўтади. Агар аёли тасдиқ қилмаса аёлнинг сўзини инобатга олинади кейин у аёлга қасам ичирилмайди.

**Фойда:** Аёлни Ражъий талоқ қилган эр киши аёлини олдига рухсат сўраб оёқ ковуш шарпасини эшигтириб кириб бормоқлиги яхши ишдир. Идда сақлаб ўтирган аёл ўзига зебизйнат бериб ўтирмоқлиги мустаҳаб амалдандир.

**Фойда:** Эри ушбу аёли билан гувоҳсиз қўшилса гуноҳкор бўлмайди. Чунки ражъий талоқнинг ҳукми аёли билан гувоҳсиз қўшилмоқликни тўсмайди, шу алоқа сабабли аёли билан ярашиб олади.

### **Талоқи Боин ва уч талоқ қилинган аёлларнинг қайта никоҳига олишга алоқадор масалалар боби.**

С: **Бир ёки икки талоқ қилинган аёллар эри билан яраша оладими?**

Ж: Аёли иддада ўтиса ҳам ёки иддаси тугаган бўлса ҳам ярашиб олиши мумкин. Лекин бошқа эр у аёлни олмоқчи бўлса иддаси тугаган бўлиши шарт.



**Фойда:** баъзи шопшилган одамлар аёл топилганига шукр деб иддасини суруштирмай никоҳига



олаяптилар, агар иддаси чиқмаган бўлса никоҳи фосид бўлади. У аёл билан бирга яшапи ҳаромдир.

**С:** **Бир одам аёlinи суннат ёки бидъатга мувофиқ уч талоқ қилган бўлса, яна никоҳига олса бўладими?**

**Ж:** Уч талоқ қилингандай аёлни бошқа эр никоҳига олиб у билан шаръий алоқада бўлиб, яшаб юргандага эри ўз ихтиёри билан қўйиб юборса, ёки вафот қилса, иддаси чиққандан кейин аввалги уч талоқ қўйган эр ўз никоҳига олиши жоиз, акс ҳолда жоиз эмас.

**Фойда:** бу никоҳи саҳиҳ шариат руҳсат берган никоҳ. Агар фосид никоҳ билан қўшилса кейин талоқ қилса аввалги эрига ҳалол бўлмайди, чунки фосид никоҳни шариат ҳисобга олмайди.

**С:** **Уч талоқ қилингандай аёлни ҳалол қилиш учун вақтингча никоҳласа бўладими? Масалан, ҳалола қилиш мақсадида келишилган вақт ичида бир одамга никоҳлаб бераётуб яна талоқ қилишини ҳам шарт қилса нима бўлади?**

**Ж:** Агар ҳалола қилиш шарти билан бир одам никоҳига олиши ҳаромга яқин бўлган макруҳ амалдандир. Лекин никоҳ шарти тўлиқ топилиб бирга ётиб аёлига қўшилгандан кейин ушбу эр ҳам талоқ қилса ёки вафот қилса иддаси чиққандан кейин аввалги эрига никоҳи ҳалол бўлади.





**С:** Бир ёки икки талоқ қилинган аёлнинг иддаси тугаши билан бошқа бир эрга никоҳлаб берилса у эри ҳам талоқ қилса ёки вафот топса яна аввалги эрига янги никоҳ билан тегса бу аёлнинг аввалги бўйнидаги талоқлари нима бўлади?

**Ж:** Кейинги эрга тегиши билан аввалги эрининг уч талоқдан озини бекор қилиб юборади.

**С:** Бир одам аёлинин уч талоқ қўйса, у аёл бошқа эрга шариатга биноан текса, бу эридан ажраб яна аввалги эрига текса неча талоқقا эга бўлади?

**Ж:** Иккинчи эри аввалги эрнинг уч талоқини бекор қилиб юборади.

**С:** Бир одам аёлинин уч талоқ қўйса кейин аввалги эрига: “мен эрга тегиб чиқдим, эrim билан қовушдим кейин мени талоқ қилди, иддам ҳам тугади” деса, аввалги эри унинг гапига ишониб никоҳига олса бўладими?

**Ж:** Агар ўша аёлнинг сўзининг ростлигига эрнинг гумони фолиб бўлса ва яна ўртадаги вақтнинг ўтганини ҳам тасдиқласа, аёлнинг сўзига ишониш ва никоҳига олиш ҳам жоиз бўлади.

### Идда боби.

**С:** Идда нима ва нима учун идда деб номланади?





Ж: Идда деб: бир аёлнинг эри талоқ қилса ёки ўлса  
аниқ тайин қилинган кунлар ва ойлар ичидан  
бошқа эрга тегмай ўтирган кунларни идда  
дэйилади.

**Фойда:** Идда ўтирувчи аёл ҳайз кўрса уч ҳайз  
ўтиради. Ҳайздан тўхтаган аёлларнинг иддаси  
уч ойдир. Эри ўлган аёлларнинг иддаси тўрт  
оий ўн кундир.

**С: Идданинг тафсилотини қисқа айтдингиз,  
кенгроқ тафсилоти қандай бўлади?**

Ж: Қуйидаги гапларни ёдда туting:

*Биринчи:* талоқ қилинган аёл ҳайз кўрувчи  
бўлса, унинг иддаси уч ҳайз ўтиб покланади.

*Иккинчи:* ҳайз кўрмайдиган аёлларнинг иддаси  
уч ойдир. Ҳайз кўрмайдиган аёллар икки хил  
бўлади, *Биринчи:* балофат ёшига етмаган қизлар;

*Иккинчи:* боладан қолган кекса аёллар; *Учинчи:*  
эри ўлган аёлларнинг хомиласи бўлмаса тўрт  
оий ўн кундир; *Тўртинчи:* хомиладор аёлнинг  
эри ўлса ёки талоқ қилса, унинг иддаси  
ҳомиласини туфиши билан тўлиқ тугайди.

**С: Бир киши аёlinи ҳайзли вақтида талоқ  
қилса, ўша ҳайзи учдан бирига ҳисоб  
бўладими?**

Ж: Йўқ, бу ҳайз идданинг уч ҳайзидан бирига ўтди  
деб ҳисоб қилинмайди. Балки бу ҳайздан бошқа  
тўлиқ уч ҳайз қўриши билан идда тугайди.

**С: Ўлим тўшагида ётган эр аёlinи меросдан  
маҳрум қилиш мақсадида талоқ қилса, у**





аёлнинг иддаси тугамай эри вафот этса, аёл қайси идданинг ҳисобида ўтиради?

Ж: Узоқроқ идданинг муддатида ўтиради, агар ўлимнинг иддаси узоқроқ бўлса, ўлимнинг иддасида ёки талоқнинг иддаси узоқроқ бўлса талоқнинг иддасида ўтиради, аёли идда сақлаб ўтирганда идда тугамай эри ўлса у аёл албатта мерос олади.

С: Бир эр аёлни талоқ қилса ёки эри ўлса у аёл узоқроқда яшагани учун ўзини талоқ қилинганини ёки эрининг ўлганини ҳам билмаса, идда муддати ҳам ўтиб кетган бўлса, бу аёлнинг иддаси нима бўлади?

Ж: Эрининг талоқ қилганини ёки вафотини билмаса ҳам идданинг муддати ўтиб кетган бўлса, у аёлнинг иддаси тугайди, кейин билиб қолса бошқатдан идда ўтирамайди.

С: Бир одам ҳайздан қолган аёлинни талоқ қилган эди, идданинг ой ҳисобида ўтирган вақтида яна ҳайз кўриб қолса у аёл нима қиласди?

Ж: У аёл янгидан ҳайз ҳисобида идда ўтиради.

### Аза тутиш.

С: Бир аёлнинг эри ўлса ёки талоқ қилса, у аёлга идда ўтиришдан бошқа иш ҳам вожибми?



Ж: Бир аёлнинг эри ўлса ёки талоқ қилган бўлса, аёли балофат ёшига етган муслима бўлса,



иддасининг давомида аза тутиш ҳам вожиб бўлади.

**С: Аза нима дегани?**

Ж: Аза дегани: эри ўлган аёл ўзига зеби-зийнат бермоқлиkdir ва яна ўзига хушбўй нарса сепиш, зеби-зийнат тақиши, хина қўйиш, зальфарон билан бўялган кийим кийиш, сурма ва ўсма ёки бетёфи суртишга ўхшаш амалларни қилмаслиги лозим бўлади.

**Фойда:** Баъзи бир аёллар аза кунлари кийимларини ўзгартиб қора ёки кўк рангли кийим киядилар бу христиан динидаги одатлардир, Исломда “оқ кийди”, “кўк кийди” деган сўзлар йўқ. Аза тутиш уч кун халос, фақат эри ўлган аёлгина тўрт ойу ўн кун иддасининг ичida аза тутиб ўтиради. Лекин бошқалар учун, агар ота-онаси ёки фарзанди ўлса аза тутиш уч кун халос. Баъзи бир аёллар ота-онаси вафот қилса қирқ кунгача ўзининг уйига бормасдан отасининг уйида аза деб ўтирас экан, бу ишларимиз Ислом динига хилофдир. Лекин динимиз уч кунлик аза ўтгандан кейин уйига бориб одатдагидек ишларини қилмоқлиkkка чақирди.

**С: Юқорида балоғотга етган муслима аёл бўлса деб қайд қилдингиз, у аёл балоғот ёшига етмаса ёки кофира бўлса аза тутишда қандай фарқи бор?**





Ж: Агар аёли балофот ёшига етмаса ёки кофира бўлса, уларни азага буюрилмайди.

### **Уйдан чиқмоқликнинг ҳукми.**

**С: Талоқ қилингандан ёки эри ўлган аёллар учун идда сақлаш ва аза**

**тутищдан бошқа ҳукмлар ҳам борми?**

Ж: Ҳукмлар бор: талоқ қилингандан аёллар учун кечаси ва кундузи уйдан кўчага чиқиши жоиз эмас. Эри ўлган аёл гоҳо кундузи ёки кечаси зарурат бўлса чиқиши жоиз. Лекин кечаси бошқа жойларда тунаб қолиш жоиз эмас. Бу сўзнинг фойдаси ва ҳикмати китобларда ёзилган.

**С: Талоқ қилингандан ёки эри ўлган аёллар қаерда идда сақлаб ўтириши лозим?**

Ж: Ўлим ёки ажралиш содир бўлган уйларда ва яна эрнинг уйида ҳам идда сақлаб ўтириш лозим.

**С: Эри ўлган аёлга эрининг хонадонида етарлик имконият бўла туриб, отаонасининг ёки бошқа яқинларининг уйида идда ўтириш жоизми?**

Ж: Узрсиз жоиз эмас.

**Фойда:** Баъзи иймони заиф мусулмонлар аёлни талоқ тушгандек кейин, ёки эри ўлгандан кейин ўгай болалари иддасининг ичида уйдан чиқариб юбориши ножоиздир.





- С: Эри ўлган аёлни ўз ҳовлисидан у аёлга мерос улушини бермай ва яшаш учун шароит ҳам қилиб бермай, ворислари сифдирмай чиқариб юборса, у аёл бошқа жойга кетиб идда сақлаши мумкинми?
- Ж: Бошқа жойда идда сақласа жоиз, лекин жой бермаганлар қиёматда жавоб беради.
- С: Майитнинг ҳовлисида у аёлга етарли насиба бўлмаса ўз ихтиёри билан чиқиб кетиши мумкинми?
- Ж: Агар ўзи хоҳласа ва туришга шароит ҳам топилмаса, уйдан чиқиб кетиши жоиз.

### Турли масалалар.

- С: Эри ўлиб идда сақлаб ўтирган аёлга бошқа эр томондан совчи юбориш жоизми?
- Ж: Ошкора совчи юбориш жоиз эмас. Лекин эр киши ўзининг ҳаридор эканига ишора қилишнинг зарари йўқ.
- С: Китобий кофира аёлнинг эри ўлса ёки талоқ қиласа идда ўтирадими?
- Ж: Албатта ўша аёл эрнинг ҳовлисида ҳимоячиси бўлса ҳам бўлмаса ҳам идда ўтиради, иддаси чиқмасдан аввал бошқа эрга теголмайди.
- С: Оллоҳ сақласин: бир аёл зинодан ҳомиладор бўлса у аёлни никоҳга олиш жоизми?
- Ж: Бошқа эр никоҳига олиш жоиз, лекин ҳомиласини туққунча эри билан қўшилмайди, иложи бўлса бошқа уйда яшаб турмоқлиги



афзалдир. Агар зино қилган одамнинг ўзи ўша аёлни никоҳига олса бола туғилмасдан аввал аёл билан қўшилиши мумкин.

### **Насабнинг событ бўлиши.**

**С: Боланинг насаби одатда қандай событ бўлади?**

Ж: Бир одам аёлга уйланса, у аёл олти ойдан кейин туғса, агар эри туғилган болани тан олса ёки индамаса, боланинг насаби ушбу отадан событ бўлади. Лекин олти ойдан озроқ вақт ичидаги бола туғилса боланинг насаби бошқа отадан деб ҳисоб қилинади.

**С: Бир аёл бола туққандан сўнг эри тан олмаса, боланинг насаби кимдан деб ҳисоб қилинади?**

Ж: Аёлнинг гувоҳлиги билан ҳам боланинг насаби событ бўлади, кимга гувоҳлик берса насаб ўшандан деб ҳисоб қилинади.

**С: Эри талоқ қилгандан кейин бола туғилса насаби қандай событ бўлади?**

Ж: Агар талоқи Ражъий ёки талоқи Боин қилгандан кейин аёл иккни йил ичидаги бола туғса боланинг насаби ўша олдинги отадан ҳисоб бўлади. Лекин бола иккни йил ўтгандан сўнг туғилса боланинг насаби аввалги отадан деб ҳисоб қилинмайди. Яна эри ўлган аёл, эри ўлгандан кейин иккни йил ичидаги бола туғса насаби ўша эрдан событ бўлади. Яна идда ўтирган аёл идаси



тамом бўлғандан кейин олти ойдан сўнг бола туғилса насаби ўша отадан бўлади. Агар олти ойдан аввал бола туғилса насаби бошқадан деб ҳисоб қилинади.

### Лаънат айтиш боби.

- С: Эри аёлининг туққан боласини тан олмаса, эр билан аёл қандай чора қўллайдилар.
- Ж: Эр аёлини зино қилдинг деб даъво қилса ёки туққан боласини мендан эмас деса, эр билан аёлнинг гувоҳлиги шариатда қабул қилинган ва эътиборли одамлардан бўлса аёли эрининг бу ёлғон даъвоси учун жазоланишни талаб қилса бундай ҳолатда эр ўзига лаънат айтиш лозим бўлади. Агар эри лаънат айтишдан бош тортса ҳоким уни то ўзига лаънат айтгунча ёки ўзини ёлғончи эканини тан олгунча қамаб қўяди. Кейин кимиси тухмат қилган бўлса унга “ҳад” (дарра) урилади. Ўзига лаънат айтишнинг йўли шудир: қозининг олдида тўрт марта Оллоҳни ўртага қўйиб гувоҳлик беради. ҳар бир гувоҳлигида: мен Оллоҳни гувоҳ қиласманки аёлимни зино қилди деган даъвоимда ростгўйман дейди. Бешинчисида эр айтади: албатта менга Оллоҳнинг лаънати бўлсин, агар аёлимни зино қилди деган даъвоимда ёлғончи бўлсам дейди. Эр ҳар бир лаънат айтганда мана бу деб аёлга ишора қиласди. Кейин аёл ҳам Оллоҳни ўртага қўйиб гувоҳлик беради. ҳар бир гувоҳлигида “Мен





Оллоҳни гувоҳ қиласанки эрим менга зинони даъво қилишида ёлғончидир” дейди. Бешинчисида: “Оллоҳнинг ғазаби менга бўлсин агар эрим менга даъво қилаётган зинода ростгўй бўлса” дейди. Кейин қози ўрталарини ажратиб юборади. Тез кун ичида қайси бири ёлғончи бўлса ёки ёлғон даъво қилган бўлса Оллоҳнинг лаънати остида қолади. Оллоҳ сақласин.

**С: Аёл қозидан даъвонинг жазосини талаб қилса, қози икковига лаънат айтишга буйруқ қилса, эр лаънат айтишга тайёр турса, аммо аёл лаънат айтишдан бош тортса, қози нима ҳукм қилади?**

**Ж:** Эр лаънат айтишга тайёрланса аёлга ҳам лаънат айтиш вожиб бўлади. Агар лаънат айтишдан бош тортса, ҳоким то аёл ўзига лаънат айтгунча ёки эрининг даъвосини аёл тан олгунча ҳибсга солади.

**С: Қозининг буйруғи билан эр-хотин лаънат айтгандан сўнг ўрталарида эр-хотинлик алоқаси қоладими? Ва боланинг насаби кимисида қолади?**

**Ж:** Лаънат айтишгандан сўнг қози икковларининг ўртасини талоқи Боин билан ажратиб юборади ва боланинг насабини отадан олиб онага топширади, бола онасининг номига ўтади.

**С: Эр лаънат айтгандан сўнг ўз гапидан қайтиб ёлғон даъво қилганини изҳор қилса унинг ҳукми нима бўлади?**



- Ж: Қози эрга (тухматчига белгиланган ҳукмга күра)  
80 дарра урдиради.
- С: **Бир одам бегона аёлга бу зино қилди деб туҳмат қилса, сўнг у одам туҳмати учун жазо олгандан кейин ўша аёлга уйланса бўладими?**
- Ж: Уйланса бўлади, лекин мусулмон одам бирорга туҳмат қилишдан Оллоҳдан қўрқиши лозимдир.
- С: **Соқов одам ўз аёлини зино билан туҳмат қилса қози лаънат айтишга буюрадими?**
- Ж: Соқовларга лаънат айттирилмайди.
- С: **Бир одам ўз аёли билан бирга яшаб туриб аёлининг ҳомиласини мендан эмас деса, қози лаънат айтишга буюрадими?**
- Ж: Йўқ, лаънат айттирилмайди, чунки эр ёлғончи бўлиб қолиши мумкин.
- С: **Бир одам аёлига зино қилдинг, бу ҳомиланг зинодан деса лаънат айтишадими?**
- Ж: Бу сувратда икковлари ўзига лаънат айтишади, лекин боланинг насабини эр инкор қилмайди.
- С: **Бир аёл бир вақтнинг ичидаги экизак бола туғса, эри аввалги туғилган бола яъни ҳасанбой мендан эмас деса, иккинчиси, яъни ҳусанбой менини деса ёки аксини айтса, бу икки сувратда лаънат айтишадими ва боланинг насаби кимдан собит бўлади?**
- Ж: Ҳар иккала сувратда ҳам ҳар иккала боланинг насаби ўша отадан собит бўлади. Аввалги

masalada эрга дарра урилади. Иккинчи масалада лаънат айттиради.

**Фойда:** Азиз мусулмон биродарлар ҳар бир одам ўзига ишонч билан яшashi керак. Оиласига ҳам содиқ бўлиши лозим. ҳақиқий мусулмон эр аёлига, аёли эрига ҳиёнат қилмай ва ҳар хил гумонга ҳам тушмасдан, эр аёлининг, аёли эса эрининг орқасидан пойлаб юрмасдан, гоҳо уйига кеч келиб қолса ким билан юрдинг деб тафтиш қилмасдан ёки аёли боласини отасининг орқасидан пойлатиб юрмасдан, аёли эрига, эри аёлига ишонч билан яшаш керак. Акс ҳолда бир-бирига ишонмаса оиласида тинчлик, осойишталик ва баракот кўтарилиб, болалари ҳам ота-онасига ёмон гумонда бўлиб ота-онасининг сўзига қулоқ солмай қўяди. Натижада у оилада фарокандалик пайдо бўлиб уларга яна Оллоҳнинг имтиҳони ва ғазаби бўлиб қолиши мумкин. Оллоҳ сақласин.


### Ийло (қасам) боби.

**С: Ийло нима дегани?**

Ж: Ийлонинг луғавий маъноси қасам ичмоқдир. Фақиҳ олимлар истилоҳида эса эр ўз аёлига яқинлик қилмаслик учун қасам ичишдир.

**С: Бу қасамнинг шариатдаги ҳукми қандай?**

Ж: Эр ўз аёлига мен сенга тўрт ой яқинлик қилмайман деб қасам ичади. Агар шу тўрт ой ичида аёлига яқинлик қилса, қасамини бузган бўлиб кейин каффорат тўлайди ва ичган



қасами ундан соқит бўлади. Кейин тўрт ойни тутатиб аёлига яқинлик қилмоқчи бўлса, аввал қайта никоҳ қилдиради, чунки қасам билан бирга талоқи Боин тушиб қолади.

**С:** **Бир одам аёлига тўрт ойдан озроқ вақт ичида яқинлик қилмайман деб қасам ичса нимага ҳукм қилинади?**

**Ж:** Тўрт ойдан озроқ муддат ичида яъни: аёлига уч ой яқинлик қилмайман деб қасам ичса, кейин яқинлик қилиб қўйган бўлса каффорат тўлайди, тўрт ой ёки ундан ортиқроқ муддат ичида яқинлик қилмаса талоқ тушмайди, чунки уч ойлик ийло (қасам)га ўтмайди.

**С:** **Биз яхши билдик, қасам ичувчи тўрт ой ичида аёлига яқинлик қилса каффорат берар экан, агар яқинлик қилмаса битта талоқи Боин тушар экан. Лекин шу ўринда бир савол туғилади, қасамдан кейин пушаймон қилиб аёлига тўрт ойнинг ичида қайтмоқчи бўлса, ўзи ёки аёлининг беморлиги сабабли аёлига қўшилолмаса ёки ўзи билан аёлинни турган масофаси жуда узоқ бўлса, нима қиласди?**

**Ж:** Телефон билан ёки хат орқали ёки гувоҳларнинг олдида сўз билан мен аёлимга қайтдим дейди, шунда қасам бескор бўлади.





## **Зиҳор масаласи.**

**С: Зиҳорнинг шарий ва луғавий маъноси нима?**

Ж: Зиҳор “захр” сўзидан олинган бўлиб орқа деган маънони билдиради. Масалан, бир одам аёлига сен менга онамнинг орқаси ва белига ўхшаган ҳаромсан деса, шариатда зиҳор событ бўлади.

**С: Зиҳорга тегишли ҳукмларни баён қилинг.**

Ж: Бир одам аёлини зиҳор қилган бўлса, то зиҳор қилгани учун каффоратни бермагунча у аёли билан қўшилиш, ушлаш ва ўпиш ҳалол эмасдир. Агар каффорат беришидан аввал аёли билан алоқа қилса, Оллоҳдан кечирим сўраб, гуноҳига истиффор айтади. Зиҳорнинг каффоратини бериш аёлига қўшилмоқчи бўлганда лозим бўлади.


**С: Бир одам аёлига сен менга онамdexсан ёки онамга ўхшайсан деса нима бўлади?**

Ж: Бундай сўзлар ниятга боғлиқдир. Эр бу сўзи билан аёлини эъзозлаш ва қадрлашни ният қилган бўлса, демак у сўзи аёли учун эъзозлашдир. Агар бу сўзи билан Зиҳорни ният қилган бўлса бу сўзи билан Зиҳор бўлиб қолади. Агар бу сўзи билан талоқни ният қилган бўлса, бир талоқи Боин тушади. Агар эри бу сўзи билан ҳеч нарсани ният қилмаган бўлса, у сўзи ҳам ҳеч нарсани ҳосил қилмайди.

**С: Зиҳорнинг каффорати нима?**

Ж: Оллоҳ таоло буни “Мужода” сурасида баён қилган: агар топилса бир қул озод қиласи,





топилмаса ҳибсда ётган бир мусулмонни озод қилиб олиб чиқади ёки пайдар-пай 60 куну 2 ой рўза тутади, бу ишга қодир бўлмаса олтмишта мискинга бир кунлик таомини беради. Бу ишларни аёлининг баданига қўл теккизмасдан аввал бажаради. Бир мискинни 60 кун тўйдирса ҳам каффорат ўрнига ўтади, лекин бир мискинга 60 кунлик овқатини бир вақт ичидаги берабер қўйса бир кунлик каффоратга ўтади халос.

### **НАФАҚА БОБИ.**

- С:** Мусулмон эр кишининг зиммасига оиласидан кимларга нафақа бериш вожиб бўлади?
- Ж:** Эр кишининг зиммасида аёллари, фарзандлари, талоқдан кейин идда ўтирган аёли, ота-онаси ва яқин қариндошларининг нафақасини бериш вожиб бўлади.

### **Аёллар нафақаси.**

- С:** Аёллар нафақасига оид ҳукмларни баён қилинг?
- Ж:** Аёлларниң нафақаси эрнинг зиммасида вожиб эканини ёдда сақланг.
- 1 – у аёл муслима ёки китобия бўлса ҳам эр кишига ўз нафсини топширган бўлса, у аёлнинг озиқ-овқати, кийим-кечаги ва яшаш жойи эрнинг зиммасига вожиб бўлади. Нафақа бериш миқдори эр кишининг бой ёки камбағал



холатига қаралади. Агар бой бўлса бойларча, камбағал бўлса камбағалларча нафақа бериш вожиб бўлади.

- 2 – аёл кўнгилсиз бўлиб, бирга тўшакда ётмай эрига ўз нафсини топширмай қўйса то ўзини эрига топширмагунча нафақа бериш вожиб эмас.
- 3 – агар аёл маҳрини олгунча ўзини эрига топширмаса ҳам нафақа бериш вожиб бўлади.
- 4 – агар аёл балофатга етмаган, ёш бўлса ҳам ўзини эрига топширса унга нафақа бериш вожиб эмас.
- 5 – аёл ўзини эрига топширса, лекин эри кичиклиги сабабли аёли билан қўшилолмаса ҳам эрнинг молидан нафақа олиши вожиб бўлади.
- 6 – аёли эридан бошқа маҳрамлари билан ҳаж сафарига кетса, нафақаси эрга лозим эмас.
- 7 – эрни ёки ота-онасини уйида касал бўлиб ётган аёлига ҳам нафақа бериш лозим.

**С:** Эр аёлига бир неча кун ёки ой ичида нафақа бермаса, у аёл ўзига шу муддат ичида сарфлаган нафақасини эри тўлаши вожибми?

**Ж:** Қози таъйин қилган миқдордаги нафақани аёлга ҳукм қилади ёки эр-хотин бир миқдордаги нафақага келишган бўлса, лекин эри ўша нафақани бермаган бўлса албатта ўша ўтган кунларининг нафақасини тўлиқ беради.

**С:** Эр кишининг зиммасига аёлининг нафақаси юкланган бўлса, нафақани беролмай касал бўлиб ётиб бир неча ойдан кейин вафот



**қилган бўлса, нафақанинг ҳукми нима  
бўлади?**

Ж: Бундай ҳолатда нафақа соқит бўлади.

С: Эр аёлига узоқ муддат ҳисобига белгилаб  
нафақа берган бўлса нафақаси тугамай  
туриб икковидан бири вафот қилса, қолган  
нафақани аёлдан қайтиб олинадими?

Ж: Қайтиб олмаслиги яхшидир, ўзи муҳтож бўлиб  
туриб қайтиб олса зарари йўқдир.

С: Эр киши камбағаллиги сабабли аёлига  
нафақа беролмаса, уларни ажратиб  
юбориладими?

Ж: Уларни ажратиб юборилмайди, лекин аёлга  
Эрингни тепасидан қарз олиб тур, имконият  
топганда қарзни узади деб айтилади.

### **Уй-жой масаласи.**

С: Эр аёли учун қандай жой тайёрлаб бериши  
вожиб?

Ж: Аёли учун алоҳида бир уй бўлиши лозим.  
Хоҳласа ўзи ёлғиз яшайди ёки эрнинг  
яқинларидан бирортаси ҳам агар аёл изн берса  
бирга яшаши ҳам мумкин .

С: Эри аёлига яшаш учун уй тайёрлаб берса  
ўша уйга аёли ота-онасини, қариндош-  
уруғларини ва аёлининг олдинги эридан  
топган болаларини уйига бирга яшаш учун  
эри киргизмай қўйишга ҳаққи борми?





Ж: Уларни бирга яшаш учун киргизмай қўйишга ҳаққи бор, лекин аёлинин улар билан кўришиш ва гаплашишдан қайтаришга ҳаққи йўқдир.

### **Идда ўтирган аёлга турар жой ва нафақа бериш масаласи.**

С: **Идда ўтирган аёлга ким нафақа беради?**

Ж: Идда ўтирган аёлни турар жой билан таъминлаш ва нафақасини бериш эрнинг зиммасига юкланди. Эри вафот этган аёлнинг нафақаси эса эрнинг мулкидан эмас, балки, эрдан теккан меросдан нафақа берилади.


### **Болалар нафақаси.**

С: **Ёш болаларнинг нафақаси эр билан аёлнинг қайси бирига вожиб бўлади?**

Ж: Ёш болаларнинг ва аҳли аёлларнинг нафақаси эрнинг зиммасига юкланган бўлади.

С: **Балофатга етмаган фарзандининг нафақаси кимга вожиб бўлади?**

Ж: Балофат ёшига етиб куч-қувватга тўлган ўғил болаларнинг нафақаси ўз зиммасида бўлади. Лекин катта ёшли ногирон ўғил болаларнинг нафақасини ва балофат ёшига етган эрсиз қиз болалар нафақасини адо этиш учун отаси учдан икки қисмини беради, аёли эса учдан бир қисмини беради.



**Фойда:** Ёш болалар мерос, совфа ёки ҳадялар олиш сабабли, бой бўлиб қолишиша нафақасига ўзларининг мулкидан сарф қиласидилар.

## Ота-онанинг нафақаси.

- С: **Ота-онанинг нафақаси кимга вожиб?**
- Ж: Ота-она ва бобо-момоларни ўзларининг мулки бўлса, ўша мулкидан сарфлайди.
- С: **Агар ота-онасидан бири ёки иккови фақир, муҳтоҷ бўлса, уларга ўғил-қизлари нафақа бермоқлиги вожиб бўладими?**
- Ж: Албатта вожиб бўлади.
- С: **Бир одам ота-онасининг нафақасини бермай узоқ сафарга кетиб қолса, фарзандининг молидан нафақасига ишлатса кейин тўлаб берадими?**
- Ж: Фарзандининг моли-дунёси ва уй-жойлари отанинг ҳисобида бўлади, фарзандидан сўрамай хоҳлаганича ишлатиш жоиз.
- С: **Бир одам узоқ сафарга кетаётиб, молудунёсини бир одамга амонат қилиб қўйиб кетса, ота-онаси ўзининг нафақаси учун омонат қўйган одамдан, яъни ўз фарзандини молидан олса бўладими?**
- Ж: Қозининг рухсати билан олади, рухсатсиз олган бўлса қайтиб беради.
- С: **Бир одамнинг отаси, онаси ёки аёли динсиз бўлса уларга ўз молидан нафақа берса бўйнидан соқит бўладими?**
- Ж: Ўрталарида диний тафовут бўлса ҳамма қариндошлирига нафақа бериш соқит бўлади, фақат ота-онасига, бобо-момосига, боласига,



набираларига ва аёлига нафақасини бериш вожиб бўлади.

**Фойда:** Мана, яхши билдикки ота-онани, аҳли аёлни, фарзандларни нафақасини бериш вожиб экан. Лекин баъзи бир одамлар кун бўйи чойхоналарда ўтириб, карта ўйнаб, топганини кўчада йўқотиб, қўғирма-димлама еб қорнини тўйфазиб уялмай уйига кириб келади. Болалари ва аҳли аёллари ёки ота-оналари эса оч ўтирган бўлади, инсоф қилайлик майли уларнинг нафақасини бериб қўйиб ортганини кўчада еб ичайлик. Бир олим айтган эди: “Мен агар кўчада нима таом еб келсан, уйдаги ота-онам ва фарзандларимга ҳам ўша еган таомимнинг мислини седириб қўяр эдим”, - деган эди.

**С: Ота-она ёки фарзандларидан бошқа қариндошларга ҳам нафақа бериш вожибми?**

Ж: Мерос олувчилардан бўлган ҳар бир маҳрам қариндошларига ҳам нафақа бериш вожиб бўлади. Агар камбағал бўлса, ёш бўлса ёки ишга яроқсиз бемор бўлса, шуларнинг ҳаммасига нафақа бериш вожиб бўлади.

### Ёш гўдакни эмизиш ва тарбиялаш.

**С: Гўдакни ким эмизади?**

Ж: Агар гўдакни эмизишга онаси рози бўлса, бола учун энг фойдали яхши ишдир.



Агар онаси эмизишдан бош тортса, отаси бошқа  
эмизувчи аёлга болани маълум ҳақ эвазига  
топширади яъни ижарага олади.

**С: Боланинг ўз онаси эридан ижара ҳақини  
олиб эмизса бўладими?**

Ж: Эмизувчи аёлнинг нафақаси эрнинг зиммасида  
бўлгани сабабли ўз онаси ёки ўгай онаси бўлса  
ҳам ҳақ олмайди, лекин қўйиб юборган аёли  
иддаси тугаганидан кейин келишилган ҳақнинг  
эъвазига ўз боласини эмизиши яхшидир.

**Бедарак йўқолган одамнинг ҳукми.**

**С: Киши уйидан чиқиб кетиб, ҳеч қандай хат-  
хабарсиз йўқолиб кетса ва тирик ёки  
ўликлигидан ҳам нишона бўлмаса, унинг  
мол-мулкини ва уй-жойларини ким  
сақлайди?**

Ж: Қози унинг молини сақлайдиган ва ҳақларини  
ўз ўрнига қўядиган бир одамни тайин қиласди.  
У одам йўқолган одамнинг молидан аёлига ва  
болаларига сарф қилиб туради.

**С: Бедарак йўқолган одамнинг аёли эрга  
тегмоқчи бўлса, қози эр билан аёл  
ўрталарини ажратиб юборадими?**

Ж: У аёл туғилган кундан бошлаб бир юз йигирма  
кун ўтмагунча ажратиб юбормайди. қачонки  
шу муддат тамом бўлгандан кейин қози уни  
ўлганга ҳукм қиласди, ўша кундан бошлаб эри  
ўлган аёлнинг иддасида ўтиради, ундан кейин  
хоҳласа эрга тегади.

Бу Имоми Аъзам Абу ҳанифа мазҳаби эҳтиёт учундир. Бир қанча асрлар ўтгандан кейин олимларимиз одамларда тақво озайиб кетганлигини ва аёлларда бесабрликни кўргандан сўнг, Имом Моликнинг мазҳабига қараб фатво бердилар яъни, йўқолган одамнинг аёли шаръий гувоҳлар билан қозининг олдига келиб: менинг эрим шунча йилдан буён йўқолиб кетган, деб айтади. қози йўқолган одамни имкони борича суриштиради. Агар қози йўқолган одамни топишдан умидини узса, аёлга яна тўрт йил эрини кутиб туришга тавсия қиласди. Шундан кейин ҳам хабар топилмаса, эри ўлганга ҳукм қиласди. Шундан кейин у аёл эри ўлган аёлнинг иддасида ўтиради, кейин хоҳласа эрга тегиши мумкин.

**Фойда:** Баъзи бир бесабр ота-оналар қизларининг куёви бир ёки икки йил дом-дараксиз йўқолиб кетса, ўлган деб бошқа куёвга бериб юборяптилар; орқасидан аввалги киёви ҳам келиб орада катта жанжал-низолар бўлган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бундай оғир мусибатдан Оллоҳ сақласин. Энди бу аёл қайси бири билан яшайди, деган савол туфилади. Кейинги эри талоқ қиласди, чунки аввалги эрини никоҳида турган аёлни олишлик никоҳи фосид эди, кейинги эри талоқ қилгандан кейин аёл идда ўтиради кейин яна аввалги эри олмоқчи бўлса никоҳ қилиб олиши мумкин.



Лекин улар қилған гуноҳига Оллоҳдан кечирим  
сўраб истиғфор айтадилар.

Азиз биродарлар Оллоҳимиз бизларга неъмат қилиб берган аҳли аёлимизни ташлаб дом-дараксиз йўқолиб кетмайлик, одамларнинг ўртасида чўпни ҳор қилсанг кўзингга зиён қиласан деган сўзлар бор бу айнан ҳақиқатдир.

- С:** **Йўқолиб кетган одамни ўлган деб ҳукм қилингандан кейин меросга ҳақли одамлар бор, баъзилари ўлиб кетган, энди меросни қандай тақсим қилинади?**
- Ж:** Меросга ҳақли бўлган тирик одамларга тақсим қилинади, бундан аввал ўтиб кетганларга мерос тегмайди.
- С:** **Йўқолган одамни ўлган деб ҳукм чиқмасдан аввал йўқолган одам келиб қолса ўлиб кетган қариндошларидан мерос оладими?**
- Ж:** Йўқолган киши йўқлик вақтида ўлиб кетган қариндошларидан мерос олмайди.

### Жиноятлар китоби

- С:** **Шариатда ва луфатда жиноятнинг маъноси нима?**
- Ж:** 1-луфатдаги жиноятнинг маъноси: бошқа бир одамга моддий-маънавий томондан бир зарар етказмоқликдир.

2-шариатдаги жиноятнинг маъноси: фақиҳ олимлар, бирорнинг жонига ёки аъзосига тажовуз қилмоқлик, дейди. Бирорнинг жонига



тажовуз қилмоқлик уни ноҳақ ўлдиromoқликдир. Хоҳ қасддан ёки билмасдан қилган бўлса ҳам. Аъзоларга тажовуз қилмоқлик эса қўлни, оёқни, қулоқни кесиш ва кўзни ўйиш каби ишлардир.

**С: Ҳалок қилиш навларга бўлинадими?**

**Ж:** Бирорни ҳалок қилиш беш қисмга бўлинади.

1-қасддан ҳалок қилиш;

2-қасдга ўхшаш йўл билан ҳалок қилиш;

3-ҳато қилиш сабабли ҳалок қилиш;


4-ҳатога ўхшаш йўл билан ҳалок қилиш;

5-бир сабаб билан ҳалок қилиш.

**С: Бу беш хил жиноятнинг ҳукмини баён қилинг.**

**Ж:** 1-қурол билан ёки қуролга ўхшаш нарса билан қасддан уриб ҳалок қилиш. Ва инсон аъзоларига жароҳат етказиш мақсадида, пичоқ ёки учланган ёғоч, тош ва ўтга ўхшаш нарсалар билан урганда одам ҳалок бўлса, шу ишни ижро қилувчи қотил бу дунёда оғир жазо, охиратда эса абадий ўтда куйишга ўхшаш азоблар билан жазоланади. У мерос олишдан ҳам маҳрум бўлади ва ундан қасос олинади. Магар марҳумнинг эгалари ҳунидан кечса яъни, авф қиласа қасос олинмайди

2-қурол ҳисобида бўлмаган ва қурол ўрнида ишлатилмайдиган асбоблар билан қасддан уришдир. Имоми Аъзамнинг иккала шогирдлари: агар катта тош билан урса ёки



катта калтак билан урса, қасдан уриб, қасдан ҳалок қилган бўлади. Бундан қасос олинмайди, балки катта “хун” тўлайди. “Хун” деб туждан 100 та, қўйдан 1000 та бериш вожиб бўлади.

3 та ҳато сабабли ҳалок қилиш икки хил бўлади.

Биринчиси: қасдан ҳато қилмоқ масалан, бир одам кийикни ният қилиб ўқ отса, бошқа бир одамга тегиб у одам ҳалок бўлса.

Иккинчиси: ўқ узаётганда хато кетса, масалан, бир нишонни кўзлаб отса-ю, ўқ бошқа бир одамга тегиб у одам ҳалок бўлса, каффорат беради ва оиласига ҳунини тўлайди.

4-ҳатога ўхшаб ҳалок бўлса масалан, бир одам уйқудан уйғониб, уйқусраган ҳолатда бир одамни уриб ҳалок қилган бўлса, бунинг ҳукми ҳам ҳато қилиб ҳалок қилганни ҳукмидадир.

5-бир сабаб билан ҳалок қилиш. Масалан, бир одам йўлнинг тепасига қудуқ ковлаган эди, бир йўловчи билмасдан тушиб кетиб ҳалок бўлса ёки ўзига тегишли жойга катта тошларни олиб келиб қўйган бўлса, у тош юмалаб бир одамни ҳалок қилса бунинг жазоси, оқиласига хун вожиб бўлади холос, каффорат бермайди.

### **Жон учун қасос олиш масаласи.**

**С:** Қасос нима дегани?

**Ж:** Қасос қасдан ўлдирилган одамнинг бадалига қотилни ўлдиришиликдир.





**С:** Озод кишини озод киши, қулни озод киши, озод кишини қул ёки қулни қул ҳалок қилган бўлса, нимага ҳукм қилинади?

**Ж:** Озод киши учун озодни қул учун озодни, озод киши учун қулни, қул учун қулни, ҳалок қилинади.

**С:** Аёллар учун ўрнига эркакни ёки эркак учун аёлни, ёш бола учун каттани, кўр учун кўзи очиқни, шол ва ақлсиз учун соғлом одамни, аъзолари кесилган одам учун соғ одамни ҳалок қилиб қасос олиш жоизми?

**Ж:** Буларнинг ҳаммасидан қасос олинади.

Аллоҳ таоло айтди: “*Уларга албатта жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва яна бошқа барча жароҳатлар учун ҳам қасос олинади*”, - деб ёзиб қўйдик.

**С:** Бир одам ўғлини ёки қулини ёки чўрисини ёки ўғлининг қулини ҳалок қилса қасос олинадими?


**Ж:** Ўзининг қарамоғида бўлгани учун қасос олинмайди.

**С:** Бир одам отасидан қасос олишга меросҳўр бўлса, қасос олиш учун отасини ҳалок қиласидими?

**Ж:** Бундай ҳолатда оталик ҳурмати сабабли қасос олинмайди.

**С:** Қотил ҳалок бўлган одамнинг оиласига ёрдам берса бўладими?





- Ж:** Ёрдам берса бўлади, кейин қотилдан қасос олинмайди, унинг ёрдамини оз-кўплигига фарқи йўқ, лекин арзигудек бирон нарса бериш вожиб бўлади.
- С:** Бир одамни кўпчилик ҳалок қилган бўлса ёки бир одам кўпчиликни ҳалок қилган бўлса, баъзилари қасосини кечса, баъзилари ёрдам олиб ислоҳга келса, бошқалари нима қиласди?
- Ж:** Ҳар икки сувратда қасос олиш бекор бўлади. қолганларини ҳаққи учун хун тўламайди, хоҳласалар хуннинг ҳақини таҳсимлаб оладилар. қотилга эса уларни қийнамасдан вақтида бериш лозим бўлади, мақтулни (ҳалок қилинган) одамни қариндошлари ҳам қотилни қийнамаслиги лозим бўлади. Шунинг учун Оллоҳ ўз каломида “**Бақара**” сурасининг 178 оятида: “Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бироз авф қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса) у ҳолда яхшилик билан бўйин суниш ва унга чиройли суратда (товон) тўлаш лозимдир,” деди.

**Изоҳ:** яъни қотилни ўлдирилмасдан товон тўлашига рози бўлган тараф қўполлик қилмай,



қўрқитмай кутиши, қотил тараф эса чўзмасдан, хиёнат қилмасдан товонни тўлаши лозимдир.

**Бу (ҳукм) Парвардигорингиз томонидан (берилган) енгиллик ва раҳм шафқатдир. Бас, кимки шундан кейин хаддан ошса (масалан: товон тўлагандан кейин ҳам қотилни ўлдирса) унинг учун аламли азоб бордир. Сизлар учун қасос (олиш)да ҳаёт бор, эй аҳли донишлар: шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар.**

**Изоҳ:** яъни ҳар қандай киши ўзидан қасос олинишини ўйлаб ўзини қотилликдан тияди. Демак, Исломда қотилдан қасос олиш ҳукми борлиги сабабли жуда кўп қотил ва мақтул бўлиши мумкин бўлган кишиларнинг ҳаёти сақланиб қолади. Ушбу оятга амал қилган қавмларнинг орасида қотиллик йўқолиб кетганлигидан ўтмишдаги тарих китобларимиз хабар беради, бундай ҳаром ишлардан Оллоҳ сақласин.

**С:** **Бир одам бир жамоани ҳалок қилган бўлса, яқин қариндошлари уни қамаб қўйган бўлса, кўпчилик тўпланиб уни ҳам ҳалок қиласими?**


**Ж:** Ҳа, ҳаммалари томонидан уни ҳалок қилинади. Улардан бир одам қотилни ҳалок қилган бўлса, бошқаларидан соқит бўлади.

**С:** **Кўпчилик бир одамни ҳалок қилган бўлса, қасосни кимдан олинади?**

- Ж:** Бир одам учун ҳаммадан қасос олинади.
- С:** **Бир одамдан қасос олиниши вожиб эди,** лекин у одам вафот топган бўлса, нима қилинади?
- Ж:** Ундан қасос ҳам, дия ҳам соқит бўлади.
- С:** **Бир одам қасддан бир одмни отса ўқ аввалги одамга тегиб, орқасидаги одамга ҳам текса, иккови баробар ҳалок бўлса, қайси бири учун қасос ва хун олинади?**
- Ж:** Аввалги ҳалок бўлган одам томонидан қасос олинади, иккинчи одам учун дия (товор) тўлайди.
- С:** **Бир одамга қасддан жароҳат етказилса, шу сабабли ҳалок бўлса қасос лозимми?**
- Ж:** Албатта қасос олиш вожиб.
- С:** **Қасосни қандай олинади?**
- Ж:** Қасосни қийнамасдан фақат қилич билан олинади.
- Фойда:** “Нисо” сурасининг 92 оятида: “**Ким қасддан бир мўъминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак** (дир). Ва у Оллоҳнинг фазаби ва лаънатига дучор бўлган (кимсадир), Оллоҳ унинг учун жаҳаннамда азобни тайёрлаб қўйгандир”. Яна “Моида” сурасининг 32-оятида Оллоҳ таоло айтади: **Ана ўша (қотиллик) сабабли биз Бани Исроилни зиммасига** (шундай фармонни) **битдик: кимки бирон жонни** (ўлдирмаган) **ва ерда**

**бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гүё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса ёки ўлимдан қутқазса) демак у гүё барча одамларга ҳаёт берибди. Дарҳақиқат бизнинг пайғамбарларимиз уларга (Бани Исроилга) мана шундай ҳужжатлар келтиридилар. Шундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида (қон тўкиш билан) ҳаддан ошиб юргувчиidlар.**

**Изоҳ:** Мазкур оятда Исломнинг инсонпарварлиги кўзга ташланади. Яъни бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жамиятни ўлдириш, бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш эса бутун жамиятни асраб қолишидир, деб такидланади. Ушбу ўринда Пайғамбар алайҳиссаломдан бир ҳадис келтирамиз. Расулуллоҳ биринчи бор Каъбани кўргандан дуо қилдилар: Эй Оллоҳим Каъбангни улуғлигини, буюклигини, шарофатини, ҳайбатини зиёда қилгин, деб Каъбани зиёрат қила бошладилар, қачонки тавоғни қилиб бўлгандан кейин Каъбага юзланган ҳолатида: эй Каъба қандаям чиройли, гўзал Каъбасан, қандаям ҳидларинг ширин. Ер юзида сендан улуғ уй ёки макон йўқдир, чунки сен Оллоҳнинг уйисан. Сени Одам алайҳиссаломдан бошлаб, то қиёмат кунигача фаришталар ва одамлар тавоғ қиласи (сенга қараб юзланиб намоз ўқийди). Эй Каъба билиб



қўйгин Оллоҳнинг ҳузурида бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўйи сендан баландроқдир, дедилар. Азиз мусулмонлар: одамларнинг қонини ноҳақ тўкиш, молини алдаб олиб қўйиш, обрўйини тўкиб қўйиш Каъбани вайрон қилгандан ёмонроқ гуноҳ экан. Барчамизни бундай гуноҳ ишлардан Оллоҳ сақласин.

## **Одамларнинг аъзоларидан олинадиган қасос.**

**С:** Қайси аъзолардан қасос олинади?

**Ж:** Қуйидаги масалаларни ёдда тутинг:

- 1) бир одам бировнинг қўлини, оёғини ёки бурнини, қулоғини кесган бўлса, жиноятчини ҳам айнан шу аъзоларини кесилади;
- 2) бир одам бировни кўзига уриб қўйса ундан қасос олинмайди, лекин кўзининг нури кетиб кўр бўлиб қолса жиноятчининг ҳам кўзининг нурини кетказиб қасос олинади. Унинг йўли шуки: аввал намланган пахтани кўзига босиб орқасидан қиздирилган ойнани кўзига қўйилади, то кўзининг нури кетгунча ушлаб турилади;
- 3) бир одамнинг тишини синдирган бўлса, уни ҳам тишидан қасос олиб синдирилади, лекин суяги ёрилган бўлса унга қасос йўқ;
- 4) бир одам бировнинг тилини кесган бўлса, ундан қасос олинмайди;



-  5) эр-аёл ўртасида қасос олинмайди, агар ҳалок қилмаган бўлса. ҳожа билан қулнинг ўртасида ҳам қасос йўқ, агар ҳалок қилмаган бўлса, қуллар қуллардан қасос олмайди;
- 6) мусулмон билан маҳаллий кофиirlар учун аъзолардан қасос олинмайди;
- 7) икки киши бир кишининг қўлини кесган бўлса, икковидан қасос олинмайди, балки бир кишини яrim баҳосини тўлайди;

### **Ўлдирилган одамларга “дият” тўлаш.**


**С:** Диятнинг маъноси нима?

**Ж:** Шариатда билмасдан ёки қасддан ўлдирилган одам учун қотил томонидан бериладиган тўловдир, ёки бирор аъзо учун тўланадиган молни “арш” ҳам дейилади.

**С:** **Диятнинг ҳукмини ва миқдорини баён қилинг.**

**Ж:** 1-агар бир одамни қасддан ёки қасдданга ўхшаб ўлдирса, қотилнинг қариндошлирага катта миқдордаги молни тўлаш вожиб бўлади ва қотилни ўзига эса каффорат бериш вожибдир. Катта мол деганимиз шуки: Имоми Аъзам ва Абу Юсуф: 100 дона тўрт хил тужа бермоқ вожиб, дедилар. 25 та икки ёшли, 25 та уч ёшли, 25 та тўрт ёшли, 25 таси беш ёшли туялардан берилади.

2-хатога йўл қўйиб ўлдирган бўлса, диятига 100 та тужа беради, қотил эса каффорат беради. Икки



ёшли туюдан 20 та эркак ва 20 та урфочи тую ва уч ёшли туюдан 20 та эркак ва 20 та урфочи тую беради ва 20 та тўрт ёшли эркак тую беради, бу катта тўлов эмасдир.

3-агар диятни тилло билан ўлчанса 1000 тилло беради. Кумушдан 10 000 танга беради.

4-агар диятни молдан берса 200 та мол беради. Агар қўйдан бермоқчи бўлса, 1000 та қўй беради.

**Фойда:** Азиз биродарлар! Бу аҳли ислом учун буюрилган шариат ҳукмлариидир. Турли сабаблар билан одам ўлдирган кимсалар ва уларнинг қариндошлари бу дунёдаги азоблардан кўра кўпроқ охиратдаги қиёмат азобидан қўрқсалар эди, бундай гуноҳи кабираға қўл урмас эдилар.

**Чорва ҳайвонларининг жинояти.**

**С:** Агар бир одамни уй ҳайвонлари бир одамнинг экинини пайхон қилса, бунга ким айбдор ва ким тўлайди?

**Ж:** Қанча экинни оёфи ёки оғзи билан еб пайхон қилган бўлса, ўша ҳайвоннинг эгаси ёки миниб юрувчиси тўлайди.

**Фойда:** Далалардаги бирорвоннинг экинларига мол-қўйларини қўйиб юборган одамларнинг ўқиган намози қабул бўлармикан?!

**С:** Бир одам қўй-молларни ҳайдаб кетаётганда, бирорвоннинг экинини пайхон қилиб кетган бўлса ким тўлайди?





- Ж:** Ҳайвонлар пайҳон қилған әкинни етакчи түлайди. Агар орқасида ҳайдовчиси бўлса, ҳар иккаласи заарни түлайди.
- С:** **Икки чавандозлар бир-бирини ўлдирса, ким жавобгар бўлиб диятини тўлайди?**
- Ж:** Ҳар иккаласининг қариндошлари бир-бирларига диятини тўлайди.

### **Онанинг қорнидаги бола ҳақида**

- С:** Бир одам аёл кишининг қорнига ургандан сўнг бола ўлик туғилса нима вожиб бўлади?
- Ж:** Ургувчига диятнинг йигирмадан бир қисми, яъни 500 танга кумуш бермоқ вожиб бўлади.
- С:** **Ургандан сўнг бола тирик туғилиб кейин ўлса нима вожиб бўлади?**
- Ж:** Жиноятчининг қариндошларига тўлиқ дият тўлаш вожиб бўлади.
- С:** **Калтакнинг зарбидан бола ўлик туғилиб кейин онаси ҳам ўлса нима вожиб бўлади?**
- Ж:** Она учун тўлиқ дият тўлайди, бола учун 500 кумуш танга тўлайди.
- С:** **Аввал она ўлиб, кейин бола ўлик туғилсачи?**
- Ж:** Онага тўлиқ дият тўлайди, лекин болага ҳеч нарса вожиб эмас.
- С:** **Калтак зарбидан она ўлиб, бола тирик туғилса, кейин ўлса нима вожиб бўлади?**
- Ж:** Иккита дият тўлаш вожиб бўлади.





## Каффорат тўлаш боби.

- С: Қасданга ўхшаш ёки ҳато йўли билан қотиллик қилган одамга каффорат вожиб бўлади, дедингиз кенгроқ баён қилиб беринг.
- Ж: Оллоҳ таоло “Нисо” сурасида қотилнинг зиммасига бир мўъмин қулни озод қилишга буйруқ қилган, агар қулни озод қилишга қодир бўлмаса, икки ой узлуксиз рўза тутишга буйруқ қилган. Бу Оллоҳга тавба қилишдир.
- С: Чўрисини урса қорнидаги боласи ўлик туғилса каффорат тўлайдими?
- Ж: Чўрининг боласига каффорат тўланмайди.
- С: Зиҳорга каффорат тўлагандек 60 та мискинни тўйдирса бўладими?
- Ж: Қотиллар учун мискинларга таом бермоқлик каффоратни ўрнига ўтмайди.

## Қасомат китоби

- С: Бир маҳаллада қотили ноаниқ бўлган ҳолатда, бир ўлик топилса, қотилни қандай излаб топилади?
- Ж: Пайғамбар алайҳиссалом йўл кўрсатиб ушбу маҳалла аҳлидан 50 кишига Оллоҳнинг номи билан қасам ичишга буйруқ қиласидилар. Буни қасомат дейилади.
- С: Бу 50 кишини ким танлайди ва уларга қандай қасам ичирилади?





**Ж:** Ҳоким танлайди, уларнинг ичида ёш бола, ақлсиз, аёл киши ва қуллар бўлмаслиги лозим. Ва улар Оллоҳнинг номига қасам ичиб, бизлар ўлдирмадик ва қотилини ҳам кўрмадик, деб гувоҳлик берадилар.

**С:** **Қасам ичиш билан қутилиб кетадими?**

**Ж:** Йўқ, маҳалла аҳлига ҳоким диятини тўлатади.

**С:** **Агар ўликни эгаси шу маҳаллада яшаса, у ҳам қасам ичадими?**

**Ж:** Ундан қасам ичишни талаб қилинмайди, агар қасам ичса ҳам уни жиноятчи қилинмайди.

**С:** **Ҳоким 50 кишини қасамга чақирса, баъзи одамлар қасам ичишдан бош тортса, нима қилинади?**

**Ж:** То қасам ичгунча ҳибс (зиндан)га солинади.

**С:** **Ҳоким 50 киши тополмаса нима қилинади?**

**Ж:** Ҳоким топилган одамларга такороран 50 тага етгунча қасам ичиради.

**С:** **Бир маҳаллада ўлик топилса, лекин жароҳатнинг асари топилмаса, қасомат ва дият вожиб бўладими?**

**Ж:** Бундай ҳолатда қасомат ҳам дият ҳам, ҳеч кимга вожиб эмас.

**С:** **Ўлган одамнинг бурни ва оғзидан қон оққан ҳолатда топилса қасомат ва дият вожиб бўладими?**

**Ж:** Шундай ҳолатда топилса, дият ҳам қасомат ҳам вожиб эмас, чунки ўз дарди сабабли ўлган ҳисоб бўлади.



- С:** Агар икки кўзидан ёки қулоғидан қон оқкан бўлса-чи?
- Ж:** Бирор томонидан ўлдирилган ҳисоб бўлиб, бунга қасомат вожиб бўлади.
- С:** Ўлган одам бир ҳайдовчининг машина ёки уловининг устида топилса нима вожиб бўлади?
- Ж:** Дият ҳайдовчининг яқинларининг зиммасига тушади, лекин маҳалла аҳлларига дият вожиб эмас.
- С:** Бир ўлик бирорининг ҳовлисидан топилса, кимга қасам ичирилади?
- Ж:** Ҳовлининг эгасига қасам ичирилади ва қариндошларига дият юкланди.
- С:** Агар ўлган одам кемада топилса, қасомат кимга вожиб бўлади?
- Ж:** Кемадаги ҳамма одамларга ҳам, кемачига ҳам қасам ичирилади.
- С:** Агар маҳалла масжидида топилса-чи?
- Ж:** Масjid аҳлига қасам ичирилади.
- С:** Агар икки қишлоқ ўртасида топилса, қайси қишлоқ аҳолисига қасомат вожиб бўлади?
- Ж:** Яқинроқда яшовчи қишлоқ аҳолисига қасам ичиш вожиб бўлади.
- С:** Агар қуруқликда топилса-чи?
- Ж:** Иморат ва уй-жойлар йўқ жойда топилса, ҳеч кимга қасомат ҳам, дият ҳам вожиб бўлмайди.
- С:** Агар дарё ичидаги ўлик топилса кимга қасам ичирилади?



**Ж:** Агар дарёни ўртасида ва сув юрадиган йўлидан топилса, ундан диятни бекор қилинади, агар дарёning қирғози ўралган бўлса, шу ернинг яқинида яшовчилардан қасам ичирилади.

**С:** Агар валий маҳалла аҳлларидан бир одамга даъво қилса, бошқалардан қасам ичиш соқит бўладими?

**Ж:** Бошқалардан қасам ичиш соқит бўлмайди.

**С:** Агар валий маҳалла аҳлидан бошқа бир одамга даъво қилса-чи?

**Ж:** Маҳалла аҳлидан дият ҳам, қасам ҳам соқит бўлади.

**С:** Бир одамдан қасам ичишни талаб қилинса, у одам бошқа одамни қотил деб кўрсатса, гапига ишониб ҳукм қилинадими?

**Ж:** Йўқ, балки ундан қасам ичишни талаб қилинади, у айтади: “Аллоҳга қасамки, мен ўлдирганим йўқ, фалончидан бошқа одам уни ўлдирганини билмайман”, - дейди.

**С:** Маҳалла аҳлларидан икки киши гувоҳлик бериб айтсаки: ўзларидан бўлган бир киши ўлдирди, деса уларнинг гувоҳлиги қабул қилинадими?

**Ж:** Ҳаргиз қабул қилинмайди.

### Оқилалар боби.



**С:** Диятни қотил тарафидан Оқила адо этади, деб бир неча бор айтдингиз, Оқиланинг маъноси нима?



**Ж:** Оқила деб: қотил тарафидан диятни адo қилувчиларни Оқила дейилади. ҳар бир қотиллик учун бериладиган тўлов оқиланинг зиммасига тушади. Имоми Аъзам раҳматуллоҳ алайҳ айтадилар: Оқила аҳли девонлардан бўлади, агар қотил улардан бўлса (аҳли девон деб ҳукумат дафтарига номлари тиркалган саркардалардир). Диятни уч ичида уларнинг маошларидан олинади. Агар жиноятчи девон аҳлидан бўлмаса, унинг қабиласини Оқиласи деб айтилади.

**С: Оқилалар кўтара оладиган ёки кўтара олмайдиган тўловларни баён қилинг.**

**Ж:** 1) қасдга ўхшаш диятни Оқилага юкланди;  
2) хато йўли билан ўлдирган бўлса, Оқилага юкланди;  
3) бирор сабаб орқали ўлдирган бўлса, Оқилага юкланди;  
4) кўчага панжара ўрнатиб қўйса, у бирор одамни босиб ҳалок қилса, диятни Оқилага юкланди;

5) ёш бола ёки бирор ақлсиз одам бирорни ҳалок қилган бўлса, диятни Оқилага юкланди;

Аммо Оқилага диятни юкланмайдиган жиноятлар қуийдагилардир:

1) ҳар бир қасддан қилинган жиноятда қасос олиш шубҳа сабабли соқит бўлса, диятни Оқила эмас, балки жиноятчи ўзи тўлайди;



2) агар отаси ўз фарзандини ҳалок қилган бўлса, диятини ўз молидан уч йил ичида тўлайди;

3) қотил бўйнига олган жиноятни диятини қотилнинг мулкидан олинади, уни Оқиласининг зиммасига юкламайди. Агар Оқиласи қабул қилиб қўйган бўлса, тўлаш вожиб бўлади. Икки томондан бир сулҳга келишган бўлса, диятини Оқиласи тўламайди;

### **Ҳад уриш боби.**

**С:** **Ҳаднинг шариат ва луфатдаги маъноси нима?**

**Ж:** Луфатдаги маъноси жазони қайтармоқ, шариатда эса ҳар бир таъйин қилинган жазони Аллоҳнинг розилиги учун мукаммал қилиб бажарилган амални ҳад дейилади.

**С:** **Шариатда қандай гуноҳ қилган одамга ҳад урилади?**

**Ж:** Қози зино қилувчига, ароқ ичувчига ва ноҳақ тухмат қилувчига ҳад (дарра) урдиради. Шу ўринда яна бир ҳад бор, у ўғриларнинг қўлинни кесмоқдир, буни ўз ўрнида кенгроқ баён қиласиз.

### **Зино учун ҳад уриш боби.**

**С:** **Зино қилувчиларга бериладиган ҳад (жазо)ни баён қилинг.**

**Ж:** Зинонинг жазоси икки хил бўлади:



- 1) Зино қилувчи эр ва аёлга юз дарра урилади, агар эр уйланмаган бўлса ва аёл эрга тегмаган бўлса;
- 2) агар эр уйланиб аёл эрга теккандан кейин ҳам уялмай зино қилишган бўлса катта жамоа йиғилиб, тошбўрон қилиб ўлдирилади. Шу зино қилувчиларнинг жазосини Аллоҳ Ўз каломида “Нур” сурасининг 2 оятида: **Зинокор аёл ва зинокор эркак – улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар.** Агар сизлар Аллоҳга ва оҳират кунига иймон келтирувчи **бўлсангизлар Аллоҳнинг (бу) ҳукмида** (яъни зонокорларга дарра уришда) **сизларни уларга нисбатан раҳм-шавфқат (туйгулари)** тутмасин (ушламасин) **уларнинг** азобланишига бир тоифа мўъминлар гувоҳ бўлишсинлар. З-оятида: Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрика аёлга уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ва мушрик уйланур ва бу (яъни зинокор аёлларга уйланиши) **мўъминларга ҳаром қилингандир**, деб Аллоҳ таоло ҳабар беради.

**Фойда:** Нима сабабдан Аллоҳ таоло зино қилувчиларга бундай оғир жазони ўташга буйруқ қилди деб ўйларсиз, бунинг ҳикматини Аллоҳнинг ўзи яхши билади. Зинога мубтало бўлиб қолган одамнинг кўзи ўйнаб ўзини бошқара олмайди. Шаҳвоний нафсига қул





бўлиб қолишини билган Аллоҳ уларнинг бу фоҳиша ишидан қайтмаслигини ҳам билиб уларга оғир жазо бермоқликка буйруқ қилди. Лекин бу дунёда жазо олмаса охиратда эса бундан ҳам каттароқ жазо борлигини эсимиздан чиқариб қўймайлик, азиз китобхонлар. Агар гуноҳлигини билмасдан зино қилган одамлар тушкунлика тушиб ноумид бўлиб юрмасдан тезроқ Аллоҳдан кечирим сўраб тавба қилсинлар, чунки Аллоҳнинг тавба эшиклари доим очиқдир. Чунки, Аллоҳимиз ўз қаломида: “*Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар, албатта Аллоҳ хоҳласа ҳамма гуноҳларни ҳам кечириб юборади*”, - деди. Чунки, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

- С:** **Қозининг олдида зино қилувчини қандай исбот қилинади?**
- Ж:** Зино қилганлигига ўзи иқрор бўлиб бўйнига олади ёки гувоҳлар зино қилганлигидан хабар беради.

### **Бу уриладиган ҳадга ҳужжат келтириング.**

Бир эркак ёки бир аёлнинг зино қилганини тўртта одам кўриб гувоҳлик беради. қози гувоҳларнинг олдида улардан зино ҳақида сўрайди. У иш нима ўзи? Қандай бўлди? Қаерда зино қилди? Ким билан зино қилди? Ўша гувоҳлар биз буларни зино қилганини аниқ






кўрдик, чунки сиёҳдоннинг ичида қалам турганлигини кўрдик, яъни уларнинг авратлари бир-бири билан қўшилганини кўрдик, деб гувоҳлик беради. қози уларни тафтиш қилиб, улар рост сўзлаяптими, адолатлими?-деб сўрайдилар. Агар уларнинг ички, ташқи қўринишлари адолатлик бўлса, уларнинг гувоҳлигини қабул қилиб, зино қилувчиларга ҳад урдиради. Агар гувоҳлар тўрттадан оз бўлса ёки гувоҳлар фитна учун ёлғондан туҳмат қилган бўлса, қози туҳматчиларга саксон дарра урдиради.

### **Ўзи иқрор бўлгани учун уриладиган ҳад.**

Балофатга етган ақлли одам мен зино қилдим, деб бўйнига олгандан кейин қози тўрт марта тўрт ўринда иқрор қилдиради. Ҳар иқрор қилганида қози уни ёлғондан айтяпсан деб гапини қайтариб туради. қози учун “Бу сўзингдан қайтгин бирор срини ушлагандирсан ёки қучоқлаб ўпгандирсан”,- деб қўймоқлиги яхшидир. Агар тўрт марта юқорида айтилган гаплар тамомига етса ундан қози зино ҳақида сўрайди. У иш нима? қандай бўлади? Ким билан зино қилдинг? қаерда зино қилдинг? Шу саволларга жавоб бергандан кейин ҳад уриш вожиб бўлади.

- C: Уйланмаган одамнинг ҳади 100 дарра дедингиз, қандай қилиб урилади?**





**Ж:** Аввал унинг устидаги кийимлари счилади, фақат авратини беркитадиган кийими қолади. Кейин ҳад урувчи тикансиз қамчи билан баданининг ҳамма жойига тақсимлаб уриб чиқади. Лекин бошига, юзига, авратига урмайди.

**С:** **Ҳад уришда эркак билан аёлнинг фарқи борми?**

**Ж:** Ҳар иккаласига ҳадни teng баробар урилади. Лекин аёл кишининг кийимлари счилмайди, фақат пўстини ёки пахталик қалин тўни счилади ҳолос.

**С:** **Ҳад урилганда тик турғизиб ёки ўтқизиб уриладими?**

**Ж:** Эр кишиларни тик турғизиб, аёлларни эса ўтқизиб урилади.

**С:** **Эҳсон, муҳсин деб кимни айтамиз?**

**Ж:** Тошбўрон қилинадиган одам, озод, ақлли, балофатга етган мусулмон бўлиб, аввал саҳсҳ никоҳ билан уйланиб аёли билан бирга қовушган бўлиши шарт. Шу сифатга эга бўлган одамни муҳсин деймиз.

**С:** **Муҳсинни зино қилгандан сўнг қандай қилиб тошбўрон қилинади?**

**Ж:** Зино қилувчи муҳсинни ҳалок бўлгунча тош билан урилади.

Қози зино қилувчини кенг майдонга олиб чиқиб катта жамоанинг олдида аввал гувоҳлар сўнг қози, кейин одамлар тошбўрон қиласидилар,





ўша жойда гувоҳлар тошбўрон қилишдан бош тортса, қози ҳад уришни тўхтатади. Лекин зино қилувчининг ўзи иқрор бўлса, қози тош отишни бошлайди. Кейин одамлар тош отишда эргашади. Аёл кишини қўкрак баробар чуқур ковлаб қўйиш мустаҳабдир.

**Фойда:** Азиз биродарлар, баъзи мусулмонлар нафсини тиёлмай, гуноҳ иш қилиб қўяди. Меҳрибон Аллоҳимиз қиёмат кунида шарманда қилмай ҳисоб-китобдан кейин жаннатга киритмоқликни хоҳлаб шу дунёни ўзида жазо бермоқликни ихтиёр қилди. Бу Аллоҳнинг бизга меҳрибонлигидир. Азиз китобхонлар ҳозирги кунда зино сабабли юқувчи (спид) вабо касаллиги кенг тарқалиб кетди, бунинг даъвосини Исломдан излайлик, бошқа йўли йўқдир. Аллоҳдан қўрқиб ҳар бир эркак-аёл ўзини тийиб олсалар, тез кунлар ичida бу касаллик ёйилмай, вабо (спид) касаллиги йўқолиб кетган бўлар эди, Аллоҳимиз ёшларга инсоф берсин.

- С:** **Зино сабабли тошбўрон қилинган одамларни фусл қилдириб, жаноза ўқиладими?**
- Ж:** Ҳа, ювиб, кафанлаб, жаноза ўқиб қабрга қўйилади.

### **Қайтмоқлик масаласи.**

- С:** **Гуноҳига иқрор бўлган одам гапидан қайтса ҳад уриладими?**





**Ж:** Жазони юргизмасдан олдин ёки жазони юргизаётган вақтда гапидан қайтса, гапини инобатга олиб йўлинни очиб қўйилади.


**С:** **Ҳуқм чиқиб ижро қилинмасдан олдин гувоҳлардан бири сўзидан қайтса нима қилинади?**

**Ж:** Гувоҳлик берувчиларнинг барчасига 80 даррадан урилиб, гуноҳкорни зиммасидан жазони бекор қилинади. Агар тошбўрондан кейин гувоҳларнинг бири гапидан қайтса, фақат қайтганинг ўзига жазо берилади. Дарра урилгандан сўнг гувоҳ тонса диятнинг тўртдан бирини тўлайди.

**С:** **Жиноятнинг қайси бирига ҳад урилади ва қайси бирига ҳад урилмайди?**

**Ж:** Бир одамга бир аёлни никоҳлаб қўйгандан кейин ўрнига бошқа аёлни бераётиб, бу сенинг аёлинг деса, у одам билмай бошқа аёл билан қўшилган бўлса, бу одамга ҳад урилмайди. Балки шу аёлнинг маҳрини беради ҳолос, кейин ҳохласа янгитдан никоҳлаб олиши мумкин.

- 1) бир одам ўзининг қўрпасида бегона аёлни ётганини кўриб у билан қўшилган бўлса, унга ҳад урилади.
- 2) бир одам никоҳи ҳалол бўлмаган маҳрам бўлган бир аёлни никоҳлаб олган бўлса унга ҳад вожиб эмас.
- 3) бир одам ўзининг аёлини орқасига алоқа қилган бўлса, яъни Лут алайҳиссаломнинг қавмини





амалига ўхшаб, ҳаром иш қилган бўлса, Имом Абу ҳанифанинг фикрида ҳад урилмайди, балки таъзир лозим бўлади. Аммо икки шогирдлари уларга ҳам зино қилувчилардек ҳад лозим, дедилар. Бу Имомларни Аллоҳ раҳмат қилсин.

- 4) қайси бир одам ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилса, ҳад урилмайди, лекин қаттиқ таъзир берилади. Аллоҳ кечирган бўлсин, лекин қиёматда ўша ҳайвон у одамдан ўчини олар экан.
- 5) бир одам коғир давлатида ёки золимлар срида зино қилиб, ўз юртига қайтиб келса, унга ҳад урилмайди, лекин жазони Аллоҳ қиёмат кунига тайёрлаб қўяди. Агар ўзи хоҳласа, кечириб юбориши ҳам мумкин.

### **Турли масалалар.**

1. Қул ёки чўри зино қилса, уларга 50 дарра урилади, чунки қулнинг жазоси ҳур-озоднинг жазосини ярми берилади, уларга муҳсин бўлмагани учун тошбўрон қилинмайди.
2. Муҳsinga дарра билан тошбўронни жамлаб жазо берилмайди.
3. Қиз бола билан уйланмаган йигитга дарра билан сургунни жамланмайди, магар подшоҳ бирор маслаҳат берса ўшани ижро қилинади.
4. Касал одам уялмай зино қилган бўлса, уни тошбўрон қилинаверади, лекин дарра уришни тўхтатиб соғайгунча кутиб турилади.





5. Агар ҳомиладор аёл уялмай зино қилган бўлса, боласини туққунча ҳад урилмайди. Агар жазоси дарра бўлса, нифосидан чиққунча кутилади. Агар жазоси тошбўрон бўлса, нифоси ичида ҳукмни ижро қилинади.

### **Ичкилик учун ҳад уриш боби.**

**С: Маст қилувчи ичкиликни ичган одамнинг ҳади қандай бўлади?**

**Ж:** Қайси бир одам ароқ ичса, ёки маст ҳолатида ушланса ёки ичганлиги учун гувоҳлар гувоҳлик берса, ёки ўзи тан олса 80 дарра урилади. Агар ҳиди кетгандан кейин ўзи тан олса ҳам унга ҳад урилмайди. Ичган одамнинг кайфи тарқамагунча ҳад урилмайди. Икки кишининг гувоҳлиги ёки ўзини бир марта ичганини тан олгандан кейин ичганлиги исбот бўлади. Лекин эркаклар билан аёллар биргаликда берган гувоҳлиги қабул бўлмайди.

**С: Ароқдан бошқа нарсани ичса ҳам ҳад уриладими?**

**Ж:** Набиз (меваларнинг суви)ни ачитиб ичиб маст бўлса ҳад урилади. Лекин кўринган маст одамга то набиз ичиб маст бўлгани аниқланмагунича ёки ўзининг ихтиёри билан ичгани аниқ бўлмагунча ҳад урилмайди.

**С: Бир одамдан ароқнинг бўйи келса ёки қайт қилса, ўзи иқрор қилмаса, ичганига гувоҳ ҳам бўлмаса ҳад уриладими?**





**Ж:** Йўқ, ҳад урилмайди.

**С:** Ароқ ичиб маст бўлган одамнинг жазоси нима бўлади?

**Ж:** Зино ҳадида айтганимиздек унинг жазоси 80 даррадир. Лекин юзига, бошига, авратига урилмайди.

**С:** Бир одамга ёлғондан туҳмат қилса жазоси нима бўлади?

**Ж:** Унинг жазоси 80 дарра бўлиб ҳамма аъзоларига тақсимлаб урилади, яланғоч қилинмайди. Лекин қалин тўнини ечиб қўйилади. Аллоҳу таоло туҳмат қилувчилар ҳақида: “Туҳматчиларни 80 дарра уринглар, гувоҳлигини абадий қабул қилманглар”, - деди.

**С:** Туҳматчи қул бўлса, унга қанча жазо берилади?

**Ж:** Жазонинг ярми бўлади, яъни 40 дарра урилади.

**С:** Эҳсон сифати билан сифатланган қандай одамни муҳсин деймиз?

**Ж:** Туҳмат қилган одам ўзи озод, ақлли ва балофатга етган мусулмон бўлиб у аёл ёки эркак бўлса ҳам ўзи зинодан пок бўлса, муҳсин деймиз. Шу сифатга эга бўлган одамга туҳмат қилса унга ҳад урилади.

**С:** Туҳмат қилувчи аввал иқрор бўлиб кейин сўзидан қайтса нима ҳукм қилинади?

**Ж:** Туҳматчи сўзидан қайтса қабул қилинмайди. Агар жабрланувчи жазони талаб қилса ҳад урилади.





**С:** Бир одам бир кишига сен бу отангдан эмассан деса, туҳмат қилгани учун ҳад уриладими?

**Ж:** Ҳа шундай ўринда туҳматчиларга ҳад урилади.

**С:** Бир одам бир кишига эй зинокорнинг боласи деса, яъни: “Жалабнинг боласи”, - деса, ваҳоланки, у аёл покиза аёл бўлиб оламдан ўтган бўлса, бунга нима ҳукм қилинади?

**Ж:** Агар ўша ўғил бола ҳад уришни талаб қилса, туҳматчига ҳад урилади, ўлганлар учун туҳматчига жазо талаб қилинмайди. Лекин ўша туҳматчининг туҳмати сабабли бир одамнинг насабига таъна етса унга жазо берилади. У отани насабига етган таъна болага етган таънадир, чунки у боланинг отасидир.

**С:** Бир одам муҳсинни туҳмат қилса, унинг кофир ўғли ёки чўрисидан туғилган қул фарзанди туҳматчидан жазони талаб қилиши жоизми?

**Ж:** Иккала фарзанди учун туҳматчидан жазони талаб қилиши жоиз.

**С:** Бир қулнинг онаси озод эди, ҳожаси қулнинг онасини туҳмат қилган бўлса, қули ҳожасини жазога тортишга ҳаққи борми?

**Ж:** Йўқ, мумкин эмас.

**С:** Бир одам арабга: эй ажам, деса ёки бир одамга: эй осмон сувининг боласи, деса унга ҳад уриладими?





- Ж:** Бу сўзлар ҳақорат бўлмагани учун ҳад урилмайди.
- С:** **Бир одамни амакингнинг ўғлисан, тоғангни, опангни эрини ўғлисан, деса ҳад лозим бўладими?**
- Ж:** Бу сўзлар тухмат ҳисобига ўтмайди.
- С:** **Бир одам ўз мулкида бўлмаган чўрига ҳаром йўл билан қўшилган бўлса, у одамни зино қилдинг деб тухмат қилса, бунга нима ҳукм қилинади?**
- Ж:** Унга тухматчи деб ҳад урилмайди.
- С:** **Бир аёлнинг эри тухмат қилгани учун қозининг олдида лаънат айтишган бўлса, кейин бошқа бир одам у аёлни бузуқсан, деб тухмат қилса, у тухматчига ҳад уриладими?**
- Ж:** Агар эр-хотиннинг ўртасидаги боласини зинодан деб гумон қилиб, тан олмай лаънат айтишган бўлса, кейин бир одам тухмат қилса у тухматчига ҳад урилмайди. Агар ораларида фарзанди бўлмаса эри аёлинин зинокор деб тухмат қилгани учун лаънат айтишган бўлса, кейин бир одам у аёлга тухмат қилса, унга ҳад урилади.
- С:** **Бир одам қулининг чўрисини ёки кофирни зино билан тухмат қилса ҳад уриладими?**
- Ж:** Унга ҳад урилмайди, балки таъзир берилади.
- С:** **Бир одам эй эшак ёки эй тўнфиз, деса таъзир бериладими?**





**Ж:** Бу одамга ҳад ҳам, таъзир ҳам лозим эмас, лекин мусулмон одамга ҳайвонларнинг отини қўйиш гуноҳ ишлардандир.

**С:** қози шариатга биноан ҳад урдиргандан сўнг жиноятчи ўлиб қолса дият тўлайдими?

**Ж:** У жиноятчи учун дият ҳам тўланмайди, таъзир ҳам қилинмайди.

**С:** Туҳматчига 80 дарра уришдан бошқа жазо ҳам борми?

**Ж:** Агар мусулмон бўлиб туриб, тухмат сабабли 80 дарра урилган бўлса, агар тавба қилган бўлса ҳам унинг гувоҳлиги ҳаргиз қабул қилинмайди. Аллоҳ таоло қуръонида: “Туҳматчига 80 дарра уринглар ва уларнинг гувоҳлигини ҳаргиз қабул қилманглар”, - деди.

**С:** Бир кофир мусулмон одамга туҳмат қилгани учун ҳад урилса, кейин мусулмон бўлиб юрган вақтида гувоҳлик берса гувоҳлиги ўтадими?

**Ж:** Албатта унинг гувоҳлиги қабул қилинади.

**Фойда:** 1) таъзирнинг кўпи 39 қамчи, ози эса 3 қамчи, Имоми Абу Юсуф 75 қамчи дедилар; 2) агар қози даррага қамоқни ҳам қўйши, унинг учун жоиздир; 3) калтакнинг энг қаттифи таъзирдир, кейин зинонинг ҳади, кейин ичимликнинг ҳади, кейин тухматчининг ҳадидир;



## Ўғирлик боби.

**С:** **Ўғирлик луғатда ва шариатда нима?**

**Ж:** Ўғирлик луғатда бирорвинг молини кўрсатмасдан олмоқлиkdir. Шариатда эса: бир мусулмон мукаммал одам бирорвинг 10 кумуш тангадан ортиқроқ миқдордаги молини қўриқчиси бор бўлса ҳам ёки беркитиб қўйган бўлса ҳам ўғирлаб олган бўлса, ўғри дейилади.

**С:** **Ўғирилар учун шариатда қандай жазолар тайин қилинган?**

**Ж:** Ўғирлик қилган одам балофатга етган, ақлли, озод ёки қул бўлса ҳам аёл ёки эр киши бўлса ҳам, ўн танга миқдордаги пулни ёки матони ҳеч қандай шак-шубҳасиз ўғирлаган бўлса, унинг қўлини кесиш вожиб бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонида: **ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар:** (токи бу) уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин ва Аллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир, деди.

**Фойда:** Исломда ўғириларнинг қўлини кесиш билан оғир жазо беришдан мақсад шуки: ўғирликни таг томири билан йўқотишидир. Чунки ҳар бир ўғри бирорвинг молини кўрсатмай олаётганда иккала қўли билагидан кесилишини кўз олдига келтириб ўзини тўхтатиб қолади. Расулуллоҳнинг вафотидан кейин юз йил ичида тўртта одамнинг қўли кесилган экан. Ер

юзидаги ҳамма давлатлар жамланиб ўғирликка қарши қонун ишлаб чиқса ҳам, ўғрини озайтиришда Аллоҳ чиқарган қонунга ҳаргиз ўхшамайди.

**С:** **Ўғрининг қўлини қайси жойдан кесилади?**

**Ж:** Ўнг қўлини кафтининг тепасидаги билак ошиғидан кесилади, кейин ёққа доғланади?

**С:** **Агар яна иккинчи бор ўғирлик қилса, чап қўли кесиладими?**

**Ж:** Агар иккинчи бор яна ўғирлик қилса чап оёғининг ошиғидан кесилади. Лекин учинчи бор ҳам ўғрилик қилса, қўл-оёғи кесилмайди, балки қамоқхонада то тавба қилгунча ёки ўлгунча ушлаб турилади.

**С:** **Бир одам 10 тангадан ортиқроқ молни маҳкамлаб қўйилган жойдан ўғирлаб кетса, у ўғрини чап оёғи шол бўлса ёки чап қўли кесилган бўлса ёки ўнг оёғи аввал кесилган бўлса қози қолган оёғини кесишга ҳукм қиласдими?**

**Ж:** Йўқ, бундай аҳволдаги одамни қўл-оёғини кесилмайди, балки бошқа жазо беради.

**С:** **Бир одамнинг уйини ўғри тешиб кириб молини эшакка юклаб олиб чиқиб кетса нима ҳукм қилинади?**

**Ж:** Ўғрининг қўлини кесиш вожиб бўлади.

**С:** **Ўғирлик қандай исботланади?**

**Ж:** Ўзи бир марта иқрор бўлса ёки икки киши гувоҳлик берса ўғрилиги исботланади.

- С:** **Ўрини қўлини кесаётганда молнинг эгаси ҳам бўлиши шартми?**
- Ж:** Ўша жойга жабрланувчи келмагунча ва ўғирланган молни талаб қилмагунча ўрининг қўли кесилмайди. Агар шу молни ўғрига ҳадя қилса ёки ўғридан сотиб олса, ёки молнинг қийматини ўн тангадан озайтиrsa, ўрининг қўли кесилмайди.
- С:** **Агар ўғри ўн тангадан кўпроқ молни ўғирласа, унинг қўлини кесиш вожиб бўлади, лекин ўғирланган молни ҳам қайтарадими?**
- Ж:** Ўрининг қўли кесилгандан кейин мол турган бўлса эгасига қайтарилади. Молни ишлатиб юборган бўлса, ҳеч нарса қайтариш лозим эмас.
- С:** **Кўпчилик жамоа бирликда ўғирлик қилган бўлса, ҳаммасининг қўли кесиладими?**
- Ж:** Агар ҳаммасига 10 тангадан ортиқроқдан теккан бўлса, ҳаммасининг қўли кесилади, акс ҳолда ҳеч қайси бирининг қўли кесилмайди.
- С:** **Ушбу мўътабар масалаларда “Ҳирз” нинг маъноси нима?**
- Ж:** “Ҳирз” икки хил бўлади. Жой билан ҳовли ва уйлар билан дўконлар ва қўриқчилар билан асралган матолардир. Қайси бир одам қўриқчиси бор бир жойдан молни ўғирласа ёки эгаси яшириб қўйган жойдан молни ўғирласа, у ўрининг қўлини кесиш вожиб бўлади.



- С:** Ўғрилар тўпланиб бир уйга ёки дўконга кириб баъзилари матодан олса, баъзилари эса олмай чиқиб кетса, ҳаммасининг қўли кесиладими?
- Ж:** Агар ўғирланган мато ҳар бирига ўн тангадан тегса ҳаммасининг қўли кесилади, аксинча 10 тангадан озроқдан тегиб қолса, ҳеч кимнинг қўли кесилмайди.
- С:** Ўғри пул алмаштирувчининг сандифига қўл солиб пулинни олса, ёки бир одамнинг енгидан қўл солиб чўнтағидан пулинни олса, унга нима ҳукм қилинади?
- Ж:** Агар 10 тангадан ортиқроқ нарса олган бўлса, ўғрининг қўли кесилади.
- С:** Ўғри уйни тагидан тешиб кириб кейин молни олиб ташқаридаги одамга узатса, иккаласининг қўли кесиладими?
- Ж:** Икковининг ҳам қўли кесилмайди, лекин бошқа жазо қўлланади, валлоҳу аълам.
- С:** Агар уйга кирган одам молни кўчага ташлаб, кейин ўзи чиқиб олса, қўли кесиладими?
- Ж:** Албатта қўли кесилади.
- С:** Бир одам масжиддан бир матони ёки молни ўғирласа, қўли кесиладими?
- Ж:** Агар матонининг эгаси ўша масжидда матосининг олдида бўлса, қўли кесилади.
- С:** Ўғрининг қўли кесилмайдиган ўринларни айтиб беринг.



**Ж:** Ёдда тутинг қуйидаги ўринларда ўғрининг қўли кесилмайди:

- 1) ислом мамлакатининг чўл саҳроларида олиш мубоҳ бўлган нарсаларни олса масалан, қамиш, ҳашак, ўтин, сувдаги балиқ, саҳродаги парранда ва ҳайвонларга ўхшаш нарсаларни олиб кетса қўли кесилмайди;
- 2) тезда айниб бузиладиган нарсалар масалан, ҳўл мева, сут, қатиқ, гўшт, ёғ, қовун, тарвуз, дараҳтдаги мевалар ва даладаги ўрилмаган экинлар;
- 3) беҳуш қилувчи ва хушнуд қилувчи ичимлик сувлари;
- 4) танбур, чолғу асбоблари;
- 5) ноғара, чилдирма, фиччаклар;
- 6) Қуръони Каримни ўғирласа, агар у тилла сув билан зийнатланган бўлса ҳам;
- 7) олтин ёки кумушдан ясалган бутни ўғирласа ҳам қўли кесилмайди;
- 8) шаҳматни тахтаси билан ўғирласа;
- 9) нардани ўғирласа (ўйин асбоблари);
- 10) озод болани ўғирласа, агар у боланинг устида қиммат баҳо кийими бўлса ҳам;
- 11) катта қулни ўғирласа, лекин ёш қулни ўғирламаса қўли кесилмайди;
- 12) ҳар қандай дафтарларни ўғирласа ҳам кесилмайди фақат ҳисоб дафтарини олган бўлса қўли кесилади;



- 13) бир одамнинг итини ёки қоплонини ўғирласа;
- 14) ҳиёнат қилувчи эр-аёлнинг қўли кесилмайди;
- 15) қабрни ковлаб бирор нарса олган одам;
- 16) молни олиб қочса;
- 17) қўлидан тортиб олса;
- 18) Байтул молдан ёки фазотдан тушган ўлжадан олса;
- 19) ўзи шерик бўлган молдан ўғирласа;
- 20) ота-онасини, ўз ўғлини, яқин қариндошларининг молидан ўғирласа кесилмайди;
- 21) эр билан аёл бир-бирларининг молини олса ҳам кесилмайди;
- 22) қул ҳўжайиннинг молидан ёки хожасининг аёлининг молидан ёки аёл хожасининг эрининг молидан олса кесилмайди;
- 23) хўжайин мукотаба қулининг молидан олса ҳам кесилмайди;
- 24) ҳаммомдан ёки барча одамлар киришига изн берилган жойдан олса ҳам кесилмайди;
- 25) меҳмон мезбоннинг нарсасини олса ҳам кесилмайди;
- 26) ўғри бу мол ўзимники деса, лекин ҳужжат кўрсатолмаса ҳам қўли кесилмайди, ушбу барча ўринларда қўл кесилмайди, лекин қиёмат кунида Аллоҳ таоло одамларнинг ҳаққини ва молини ҳаром йўли билан олган одамларнинг савоб амалларини мазлумга олиб беради. Агар яхши амали тугаб қолса, мазлумнинг гуноҳини





золимнинг тепасига юклаб, дўзаҳга ҳайдар экан. Аллоҳ сақласин;

**С:** **Ўтинлардан ва дарахтлардан қўл кесилмайди дедингиз, қайси бир ўтинни ва дарахтни назарда тутдингиз?**

**Ж:** Қўриқланмайдиган ўтинларни ва дарахтларни олса қўл кесилмайди дедик. Аммо лекин қўриқчи қўйилган, сотиладиган ва буюмга ишлатиладиган, дарахтлар бўлиб, унинг қиймати ўғирликнинг нисобига етса, яъни ўн тангадан ортиқроқ бўлса ўғирлаган одамнинг қўли кесилади. У дарахтлар қайрафоқ, чинор, ёнғоқ, сандал кабидир. Шунингдек қимматбаҳо идишлар, эшиклар ва буюм-идишлар олинадиган дарахтларни ўғирласа ҳам қўли кесилади.

**С:** **Ўғри бир аниқ нарсани олса, унинг қўли шу буюм сабабли кесилиб буюмни эгасига қайтариб берилса, у ўғри яна ўша нарсани ўғирласа, ўғрининг қўли яна кесиладими?**

**Ж:** Агар мол аввалги ҳолидан ўзгармаган бўлса, ўғрининг қўли иккинчи бор кесилмайди. Агар эгаси молни аввалги ҳолидан ўзgartириб қўйган бўлса, масалан, ипни тўқиб, бўз қилиб қўйган бўлса, бўзни олган ўғрининг қўли иккинчи бор кесилади, чунки бу бошқа мол бўлгани учун.



## Қароқчиларнинг ҳукми.

С: Қароқчиларга қандай ҳукм бор?

Ж: Аллоҳ таоло ўзининг Қуръони Каримида баён қилган. “Моида” сурасида (33-34 оят). “Албатта, Аллоҳ ва Пайғамбариға қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси ўлдириш ёки дорга осилиш ёки оёқ-қўллари қарама-қаршисиға (яъни, ўнг қўл билан чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ) кесилиши ёки ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик-шармандалик бўлур. Охиратда эса улар учун улуғ азоб бордур. Магар сизлар уларнинг устига қодир-ғолиб бўлишингиздан (қўлга тушишиларидан) илгари тавба қилган кишилар бўлса, билингки, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон зотдир”, дейди. Агар бир жамоа ёки якка одам бебошлиқ билан йўл тўсиш учун яъни қароқчилик қилмоқ учун қасд қилиб йўлга чиқсалар, лекин йўловчининг молини олмасдан ёки одамини ўлдирмасдан олдин қўлга олинса, ҳоким уларни тавба қилгунicha ҳибсга олади. Агар ўша қароқчилар мусулмонларнинг ёки зиммий коғирнинг молини олса, у мол барчасига 10 тангадан ортиқроқдан тегса, ёки шу 10 танганинг қийматига баробар келадиган молни олган бўлса, ҳоким уларнинг ўнг қўл ва




чап оёгини кестиради. Агар улар молини олмай эгасини ўлдирган бўлса, ҳоким барчасини ўлим жазосига ҳукм қиласди. Агар улар молни олиб эгасини ҳам ўлдирган бўлса, ҳоким уларни аввал қўл-оёгини кестириб, кейин ўлимга ҳукм қиласди.

- С:** **Жиноятчининг ичида ёш болалар, ёки ақлдан озганлар, ёки яқин қариндошлари бўлса нима ҳукм қилинади?**
- Ж:** Булардан яъни ёш бола билан ақлсиздан жазо соқит бўлади, лекин қариндошларидан хоҳласа жазо олади ёки кечириб юборади, ихтиёр ўзидадир.
- С:** **Ўлим жазоси учун бир бошчи ўзи бормай кўпчиликка буйруқ қилса, ўлим жазоси ҳаммага тегадими?**
- Ж:** Албатта, ҳаммага баробар тегади.

### **Ичимликлар боби.**

- С:** **Қайси ичимликлар ҳаром қилинган?**
- Ж:** Тўрт хил ичимликни ҳаром қилинган:
1. Хамр. Бу узумнинг ачиган сувидир. У узум бир идишни ичида қайнаб, ачиб, кўпигини ташқарига чиқариб юборади, ушбу ачиган узумнинг суви ичган одамни маст қилиб қўйса ҳаром бўлади.
  2. Узумнинг суви учдан икки қисмидан озроқ қолгунча ачиб қайнаб чиқса ичиш ҳаром бўлади.





3. Хурмонинг сиқиб олинган суви ачиб кучга кирса, яъни ичган одамнинг ақлини кетказса ичиш ҳаром бўлади.

4. Майизнинг шарбати ачиб, кучга кирса, ичган одамни маст қилса, ичишлик ҳаром бўлади.

**С:** **Хурмо билан майизни жамлаб қайнатилса, лекин ичган одамни маст қилмаса нимага ҳукм қилинади?**

**Ж:** Агар озроқ қайнаб чиқса ёки қайнатилиб кучга кирса, лекин ичган одамнинг фикрида маст қилмайди деб ўйласа ва майшат айшу-ишрат учун демай ичса ҳалодир, агар маст қилмаса.

**С:** **Майиз билан хурмонинг сувини аралаштириб ичса бўладими?**

**Ж:** Ичиш ҳалолдир.

**С:** Асал, анжир, буғдой, арпа, тариқни ачитмай сувини олиб ичиш ҳалолми?

**Ж:** Буларнинг барчаси агар қайнатилса ҳам, қайнатилмаса ҳам ҳалолдир.

**С:** **Агар узумнинг сиқиб олинган суви ачитилмай, учдан иккиси кетгунича қайнатилса нима бўлади?**

**Ж:** Агар кучга кирса ҳам, ҳалолдир.

**С:** **Агар узумнинг ачиган сувини сиркага айлантирилса ёки ўзи сиркага айланиб қолса ичиш ҳалол бўладими?**

**Ж:** Ҳар бир нарсадан сирка олиш мақсадида бир идишда қайнатилса, сирка қилиш йўлини билиб





сиркага айлантиrsa, уни истеъмол қилса ҳалол бўлади.

**C: Дубба (қовоқ), Хинтам (кўза), Нақир (хурмо ёғочидан қилинган идиш) Музаффат (ҳум) идишларда тайёрланган нарсани ичиш ҳалолми?**

**Ж:** Бу айтилган идишларни Исломдан аввал ароқ тайёрлаш учун ишлатилгани сабабли шу идишларни тутиш ҳам ҳаром қилинган эди. Лекин бу идишларни Ислом кучга киргандан кейин ишлатишга рухсат берилди.

### **Ов қилиш ва уни сўйиш боби.**

**C: Овнинг маъноси нима?**

**Ж:** Гўшти хоҳ сийлсин, хоҳ ейилмасин эҳромда бўлмаган одам ҳарамдан бошқа жойларда узоқ масофадаги эгасиз бўлган ҳайвонларни овламоқ жоиздир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда “Қачонки эҳромдан чиқиб ҳалол бўлсаларингиз ов қилаверинглар”, - деди.

**C: Мусулмон одамга қандай ҳолатда ов қилмоқ ҳалол бўлади?**

**Ж:** Ўргатилган ит, қарчиғай ва булардан бошқа ҳар қандай ўргатилган ёввойи ҳайвонлар билан ов қилиш жоиздир. Аллоҳ таоло қуръонида: “Сизларга покиза нарсаларни ва яна (овни ўргатилган) ҳар қандай ҳайвоннинг ови Аллоҳ сизларга қандай билдирган бўлса,



**сизлар ҳам уларга овни ўргатгандан кейин  
(олиб келган ўлжасини) сизларга ҳалол  
қилинди”, - деди.**

**С:** Бир овчи ўргатилган қуш ёки йиртқич  
ҳайвонни кўрсатиб “бисмиллоҳи”,  
“Оллоҳу акбар”, деб қўйиб юборса, у  
ўлжани ўлик ҳолатда олиб келса, гўшти  
ҳалол бўладими?

**Ж:** Агар овчи ўргатилган қуш ёки итга ўлжанинг  
кўрсатиб юборган вақтида “Бисмиллаҳи  
Оллоҳу акбар”, - деса ва яна ўргатилган ҳайвон  
ўлжани қонини чиқариб жароҳатлаган бўлса,  
гўшти ҳалолдир ва ейиш ҳам жоиздир.  
Шунингдек ўргатилган лочинни ёки бургутни  
“Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар”, - деб бирор қушни  
кўрсатиб қўйиб юборса, у лочин бир қушни  
ушлаб жароҳатлаб ва қонини чиқариб олиб  
келгандан сўнг у қуш ўлса ҳам гўштини ейиш  
ҳалол бўлади.

**С:** Нима учун лочин жароҳат қилгандан кейин  
ўлса ҳам гўштини ейиш ҳалол дедингиз?

**Ж:** Чунки ушланган ўлжани жароҳатлаб қон  
чиқариши айнан ўлаётган ҳайвоннинг  
бўйнидан сўйишни иложи бўлмаса баданидан  
қайси бир жойини жароҳатлаб қон чиқарса  
ҳалол бўлгандек, у овлаётган ҳайвоннинг  
ўлжаси ҳам ҳалолдир. Агар ўлжасининг бирор  
жойини емай олиб келса, ҳалолдир.

**С:** **Ов** учун итни ёки қушни ўргатилган дедингиз, уларни қандай ўргатилади?

**Ж:** Ит билан қоплонни ўргатиш мумкин. Ўлжани олиб келиш учун юборилганда уч марта емасдан овчини олдига олиб келса ўргатилган деб айтилади. қушнинг ўргатилгани эса овчи чақирганда қайтиб келганидан билинади. Ит олиб келган ўлжасидан бир бўлагини еб келса, овчига қолганини сийиш ҳаромдир. Лекин, ов қуши тутиб келган ўлжасидан озроқ еб келган бўлса, овчига қолганини сийиш жоиз бўлади. Чунки овчи қушнинг ўргатилганини чақирганда қайтиб келганидан билинади. Чунки қушнинг олиб келган ўлжасини ўзи емай келса деб шарт қилинмаган.

**С:** **Овга** олиб чиқилган ит ёки қоплон тутган ўлжасининг қонини чиқармай бўғиб ўлдирган бўлса, овчи сўйиб улгурмаган бўлса, у жониворнинг гўштини еса бўладими?

**Ж:** Гўштини сийишлик ҳаромдир, гўё ўзи бўғилиб ўлган ҳайвоннинг гўштини емаганимиздек.

**С:** **Бир** овчи ўргатилган итни овга юборса, ўлжани бошқа ўргатилган ит олиб келса ёки бошқа бир мажусийнинг ити ёки Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар, деб айтилмаган бошқа ит шерик бўлиб олиб келса шу ўлжани ҳукми нима бўлади?



- Ж:** Ушбу ҳолатда олиб келган ўлжаларнинг гўштини ейиш ҳаромдир.
- С:** Аввал ҳайвон ва қушлар билан қилинган овларнинг ҳукмини айтдингиз, шу ўринда овнинг бошқа турлари ҳам борми?
- Ж:** Ҳа, овнинг бошқа турлари ҳам бор, камон ёки милтиқ билан ов қилмоқликдир. қачонки бир мусулмон ўлжага ўқ узаётиб “Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар”, - деса, у отилган ўлжани ейиш ҳалол бўлади, агар ўқнинг жароҳати сабабли ўлган бўлса ҳам. Лекин овчи ўлжани тирик ушласа, тезлик билан сўйиши лозим бўлади, агар уни сўймай туриб ўзи ўлиб қолса, унинг гўштини ейиш ҳаромдир.
- С:** Бир овчи ўлжани отгандан кейин у отилган нарса сувга тушиб қолса, овчи уни ўлик ҳолатда топса, ёки у ўлжа томга ёки тоқقا тушиб кейин ерга юмалаб тушиб ўлган бўлса, бу ўлган ўлжанинг ҳукми нима бўлади?
- Ж:** Бундай ҳолатда овланган ўлжаларнинг гўшти ҳаром бўлади.
- С:** Агар овланган ўлжа ерга тирик ҳолатда тушиб, кейин ўлса ҳукми ўзгарадими?
- Ж:** Ҳа, ҳукми ўзгариб, бундай суратда овланган ўлжанинг гўшти ҳалол бўлади.
- С:** Бир овчи ўлжага ўқ узгандан кейин ўлжа у ўқни кўтариб фойиб бўлса, кейин овчи уни





**ўлик ҳолатда топса, уни ейиш ҳалол  
бўладими?**

- Ж:** Агар овчи ўлжани тезлик билан излаб топган бўлса, гўштини ейиш ҳалол бўлади. Аксинча изламай қўйса, тўсатдан кўриб қолса, гўштини ейиш ҳаромдир.
- С:** **Бир овчи ўлжага ўқ узгандан сўнг ўлжанинг баъзи аъзоси узилиб тушса, бунинг ҳукми нима бўлади?**
- Ж:** Узилиб тушган аъзосидан бошқа жойи ҳалодир, узилиб тушгани эса ҳаромдир, шунинг учун уни ейилмайди, қолган жойлари ҳалол бўлиб ейилиши жоиздир.
- С:** **Отилган ўқ ўлжани иккига бўлиб юборса нима бўлади?**
- Ж:** Агар отилган ўқ ўлжани икки бўлакка ажратса, учдан икки қисмини бир бўлак қилган бўлса, агар кўпроқ томони охирига қўшилган бўлса, ҳамма жойи ейлади, гўё сўйилган ҳайвондек ҳисоб қилинади. Агар бўлакнинг кўпрофи бош томондан бўлса, ўша кўпи ейилиб, озрофини ташлаб юборилади. Агар ўқ ўлжани teng иккига teng қилиб бўлса, иккала томони ҳам ейлади.
- С:** **Овчи камон ўқини отганда ўлжага кўндаланг ҳолатда текса, бунинг ҳукми нима бўлади?**
- Ж:** Агар найза кўндаланг ҳолатда тегиб, ўлжани ҳалок қилса гўшти ейилмайди. Магар





жароҳатлангандан кейин овчи уни сўйса гўшти ҳалол бўлади.

**С:** **Бир одам ўлжани милтиқнинг найзаси билан ёки сопи билан уриб ўлдирган бўлса, нимага ҳукм қилинади?**

**Ж:** Агар овчи милтиқни ўқидан бошقا жойи билан уриб ўлдирган бўлса, гўшти ҳаром бўлиб, ейилмайди. Агар ўлжани тирик ҳолатда топса, уни сўяди ва ейиш ҳам ҳалол бўлади.

**С:** **Бир овчи ўлжага ўқ узса, лекин ўлжа ўлмасдан туриб иккинчи овчи ҳам отса кейин ўлса, бу ўлжа аввал отган овчига тегадими ёки кейин отган овчига бериладими? Гўшти ейиладими ёки ейилмайдими?**

**Ж:** У ўлжа иккинчи овчига тегади, гўшти ҳам ейилади.

**С:** **Агар овланган ўлжани аввалги овчи қаттиқ жароҳатласа, кейин иккинчи овчи ҳам уни отиб ўлдирса нимага ҳукм бўлади?**

**Ж:** Бундай ҳолатда аввалги ҳукмнинг акси бўлиб ўлжа биринчи овчиники бўлади, лекин гўшти ейилмайди. (Чунки ўз ихтиёри билан сўйиш мумкин бўлган ўлжани бошقا одамнинг отгани сўйганинг ўрнига ўтмайди.) Иккинчи овчи биринчи овчига ўлжанинг қийматини тўлайди, чунки аввалги овчининг ўлжасини ҳаром қилиб қўйган эди.





**С: Гўшти ейилмайдиган ҳайвонларни овлаш жоизми?**

**Ж:** Гўшти ейилса ҳам, ейилмаса ҳам овлаш жоиз.

**С: Одамларнинг орасида овланган нарсасининг гўшти ейилмайдиганлари ҳам борми?**

**Ж:** Эҳромдаги одамнинг ўлжасини ва мажусий, муртад ва бутга сифинувчиларнинг отган ўлжасини агар ўқ узганда ёки итни овга қўйиб юборгандা Оллоҳнинг номини айтиб отган бўлса ҳам гўшти ейилмайди. Магар китобий кофир ёки Маккада эҳром киймаган мусулмонлар Оллоҳнинг номини айтиб отган бўлса гўшти ҳалол бўлиб ейиш жоиздир.

### Ҳайвонларни сўйиш одоби.

**С: Сўйиш нима ва мусулмон одамга қандай шартлар билан сўйилган жонлик ҳалол бўлади?**

**Ж:** Сўйиладиган жониворларнинг кўкраги билан жафи ўртасидаги томирлари кесилиб, яна ўша сўйиладиган жонликни гўшти ейиладиган бўлиши шартдир. Ва яна сўйиладиган ҳайвоннинг гўштини ҳалол бўлиш шарти шуки: ўша ҳайвоннинг гўшти ейиладиган бўлиб ва сўювчи мусулмон ёки китобий бўлиши ва сўяётганда “Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар”, - демоқлиги ҳам шартдир, буни закот дейилади.

**С: Сўйиш вақтида кесиладиган томирларни баён қилинг.**





**Ж:** Сўйиш вақтида вожиб бўлган томирлар тўрттадир:

- 1) қизилўнгач;
- 2) кекиртак;
- 3) иккита катта қон томир, яъни “(Вена) номли томирлар, қачонки ушбу томирларнинг ҳаммаси ёки кўпроғи кесилган бўлса гўшти ҳалол бўлади”, - дейди Имоми Аъзам раҳматиллоҳи алайҳ ва икки шогирдлари эса кекиртак, қизилўнгач ва иккала томирдан бирининг кесилиши шарт дедилар. (Уларни Аллоҳ раҳмат қилсин.)

**С:** Агар сўювчи сўяётган вақтда “Бисмиллоҳи Оллоҳу акбар”ни айтмасдан сўйса, нимага ҳукм бўлади?

**Ж:** Агар сўяётиб “Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар”ни унутиб қўйса, гўштини сийиш ҳалол бўлаверади, Аллоҳ кечирсинг. Лекин қасддан айтмаса, унинг гўшти ўлақсадек ҳаром бўлиб қолади. Ҳаргиз сийилмайди.

**С:** Ҳайвонни сўйиш учун фақат пичоқ таъйин қилинганми?

**Ж:** Йўқ пичоқ билангина сўйиш тайин қилинган эмас, балки қамиш, ўткир тош ва яна ҳар хил асбоблар билан ҳайвоннинг қонини оқизадиган бўлса, ўша нарса билан ҳам сўйиш мумкин, лекин ўрнида турган тиш ва тирноқ билан сўйиш мумкин эмас.



- С:** Туя, сигир ва қўйни сўйгандан кейин қорнидаги боласи ўлик ҳолатда чиқса, бунинг ҳукми нима бўлади?
- Ж:** Агар боласини қорнидан ўлик олинса, стилган бўлса ҳам чала бўлса ҳам ейилмайди. Агар тирик олинса сўйиб ейилаверади, лекин тирик олиниб, сўймасдан олдин ўлган бўлса ейилмайди.
- С:** Ҳайвоннинг тамоғидан сўймай бўйнининг орқасидан сўйса, гўштини ейиш мумкинми?
- Ж:** Бўйнидан ёки бўйнининг орқасидан сўйилганда бўйнидаги томирлари узилгунча тирик турса, гўшти ейилади, лекин макруҳдир. Агар томирлари кесилгунча ўлиб қолса, гўшти ҳаром бўлиб қолади. Чунки ҳаром қон гўштнинг ичидаги қатиб қолади.
- С:** Уйга ўрганган ёввойи ҳайвон ва ёввойига айланиб кетган уй ҳайвонини қандай сўйилади?
- Ж:** Уйга ўрганиб қолган ёввойи ҳайвоннинг закоти сўйиш билан ҳалол бўлади, лекин ёввойи бўлиб кетган уй ҳайвоннинг закоти баданига жароҳат етказиб қон чиқариш билан ҳалол бўлади, буни мажбурий сўйиш дейилади.
- С:** Мусулмон ҳам, китобия ҳам бўлмаган одамларнинг сўйган нарсалари нима бўлади?
- Ж:** Мусулмон ёки китобияларнинг сўяётган нарсасини бошқа динсиз одамлар ҳам сўйган



бўлса ҳаром бўлади, яна муртад, мажусий, бутга ибодат қилувчиларнинг сўйган ҳайвонлари ҳам ҳаромдир.

**С: Муҳримнинг сўйган нарсаси қандай бўлади?**

**Ж:** Агар муҳрим (ҳаж ибодатини қилиш учун эҳром боғлаган одам) баъзи одамлар овлаган ҳайвонни сўйган бўлса, гўшти ейилмайди, лекин муҳрим қўй, мол, товуқ, туюни сўйса ейиш жоиздир.

### Турли масалалар.

1. Ҳайвонларни сўювчи аввал пичофини ўткирлаб олмоғи яхши амалдир;
2. Пичноқни бирданига тортиб кекиртагини ёки бошини узиб ташлаш (жон чиқмай туриб) макруҳдир, лекин гўштини ейиш жоиздир;
3. Туюни кўкрагидан сўйиш мустаҳабдир, томоғидан сўйиш эса макруҳдир, лекин қўй билан молларни эса кўкрагидан сўйиш макруҳ бўлиб, томоғидан сўйиш мустаҳабдир;
4. Гўшти ейилмайдиган ҳайвонларни шариат кўрсатган йўл билан сўйилса териси ва гўшти ейилмаса ҳам (бирон нарсага ишлатиб фойдаланиш) дуруст бўлади, баданига ёғини суртиш каби. Лекин одамнинг улуғлиги сабабли, тўнфизни эса нажаслиги сабабли терисини ошлаш билан ҳалол бўлмайди;





## Гўшти сийладиган ва сийлмайдиган ҳайвонлар ҳақидаги боб

- С:** **Қандай ҳайвонларнинг гўшти ейилмайди?**
- Ж:** Тиши билан ов қиласидиган ҳайвонларнинг ҳаммаси ва чангали билан ов қиласидиган қушларнинг барчасининг гўшти ҳаромдир ва эшак-хачирлар, эчкиэмар, чиябўри ва бошқа ҳашоратларнинг гўшти ейилмайди, чунки шариат буларни ҳаром қилган.
- С:** **Қарға ҳақида Имоми Аъзам нима дейдилар?**
- Ж:** Дон сидиган қарға-затчаларнинг гўшти ҳалолдир, лекин ўлакса сидиган қарға-хакка ва бошқа қушларни ейиш ҳаромдир.
- С:** **Имоми Аъзам от ҳақида нима дейдилар?**
- Ж:** Аслида отнинг гўшти ҳалолдир, лекин жанг майдонида уруш асбоби сифатида ишлатилгани учун сўйиш макруҳ, дедилар.
- С:** **Қуёnlарнинг гўшти қандай?**
- Ж:** Гўштини сийишда ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ.
- С:** **Чигирткаларни ейиш жоизми?**
- Ж:** Чигирткаларнинг гўшти ҳалол бўлиб, сўймасдан сийлади.
- С:** **Сув ҳайвонлари ҳалолми?**
- Ж:** Балиқларнинг ҳамма турлари ҳалолдир. Лекин қорни тепага айланиб ўлган балиқ билан бошқа сув ҳайвонлари ҳаромдир, фақат қисқичбақа ҳалолдир.



## ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ БОБИ.

**С:** Исломда қурбонликнинг ҳукми нима?

**Ж:** Қурбонлик ақлли, озод, бой (закотга қодир) бўлган одамларга вожибдир, лекин қулларга мусофиirlарга, камбағалларга вожиб эмас.

**С:** Бу вожибни адo қилиш учун нима сўйилади?

**Ж:** Бир одам битта қўй сўяди, туя билан молга етти киши шерик бўлади, еттидан озроқ кишилар шерик бўлса ҳам жоиз. ҳаммалари қурбонлик ниятида гўштини teng тақсимлаб олиш шартдир. Лекин еттовининг ичида бир одам қурбонлик қилмай, гўштига шерик бўлса, қолганларининг қурбонлиги ҳисобга ўтмайди, яъни қабул бўлмайди.


**С:** Қурбонликнинг аввалги вақти қачондан бошланади?

**Ж:** Биринчи ҳайит қуни тонг отгандан бошланади. Аммо ҳайит намози ўқиладиган қишлоқ ва шаҳар аҳолиси учун намоз ўқимай туриб қурбонлик қилиш жоиз эмас.

**С:** Агар бир одам қурбон ҳайитини ўқимасдан олдин қурбонлик учун қўйни сўйиб қўйса нима бўлади?

**Ж:** Ийди намозидан кейин қурбонлик учун бошка қўй сўяди.

**С:** Ийд намози ўқилмайдиган қишлоқларда тонг отгандан кейин сўйса нима бўлади?



- Ж:** Улар учун ийд намози ўқилмай туриб қурбонлик сўйиш жоиз. Лекин намоздан кейин сўйиш афзалдир.
- С:** **Қурбонликни биринчи Ийд кунида сўйиш зарурми ёки кенглик ҳам борми?**
- Ж:** Биринчи Ийд кунида ва ундан кейинги иккинчи ва учинчи кунларида сўйиш мумкин, лекин Зулҳижжа ойининг ўн иккинчи куни қуёш ботиши билан қурбонлик вақти тугайди. Энг афзали биринчи куни, кейин иккинчи кунидир. Кечасида эса қурбонлик сўйиш макруҳдир.
- С:** **Қайси ҳайвонларни қурбонлик қилиш жоиз эмас?**
- Ж:** Икала кўзи кўр, йўлида юролмайдиган чўлоқ бўлиб сўядиган жойга юриб боролмайдиган ночор бўлса ёки суягида илиги йўқ ва териси гўштига ёпишган бўлса ва яна ўта озғин бўлган ҳайвонлар ҳам қурбонликка ярамайди. Ва шунга ўхшаб қулоғи, думи тагидан кесилган ёки думи ва қулоғининг кўпроғи кесилган ҳайвонлар ҳам қурбонликка ярамайди.
- С:** **Агар қулоғи ва думининг кўпроғи ўзида қолса қурбонликка ярайдими?**
- Ж:** Ҳа, қурбонликка ярайди ва сўйиш жоиздир.
- С:** **Қурбонликка шохи йўқ, бичилган, айланбош ва териси қўтирир ҳайвонларни сўйса бўладими?**
- Ж:** Ўрнига бошқа топилмаса жоиз.





**С:** Қурбонликка қайси ҳайвонларни сўйиш жоиз эмас?

**Ж:** Қурбонлик учун сўйишга яроқли бўлган ҳайвонлар ҳоссатан қўй, эчки ва молдир. Бошқа ҳайвонлар жоиз эмас. Шуларнинг барчаси “саний” бўлса сўйиш жоиз, яъни мол икки ёшдан ўтган бўлса, туя беш ёшдан ўтган бўлса, қўй олти ойдан ўтган бўлса, эчки эса бир ёшдан ўтган бўлиши шартдир.

**С:** Қурбонликни эгаси сақлаб қўйиб гўштидан еса бўладими?

**Ж:** Ўзининг қурбонлигидан сийши ва сақлаб қўйиши ҳам мумкин ва бойларга ҳам камбағалларга ҳам едириши мумкин, учдан бирини садақа қилиши ҳам мумкин.

**Фойда:** қурбонликнинг яхшиси учдан бирини хом ҳолатда гўштини камбағалларга тарқатиб, яна бир бўлагини пишириб едириб қолганини аҳли-аёли, ота-оналари ва фарзандлари билан смоқлиги жоиздир. Лекин бой одамлар ҳаммасини бериб юбориши афзалдир.

**С:** Қурбонликнинг терисини нима қиласди?

**Ж:** Афзали садақа қилишдир ёки ошлаб уй асбоблари сифатида ишлатади, масжидга бериш шарт эмас. Лекин ташлаб юбориш макруҳдир.

**С:** Қурбонликни ўзи сўядими? Ёки бир одамни вакил қилиб сўйдирадими?





- Ж:** Агар сўйишни яхши билса, ўзи сўйгани афзалдир, лекин бошқа одамга сўйдирса ҳам бўлади.
- С:** **Аҳли китобияларга сўйдирса нима бўлади?**
- Ж:** Қурбонликка ўтади, лекин уларга сўйдириш макруҳдир.
- С:** Икки киши бозордан қурбонликни ният қилиб, 2 та қўй олиб келгандан сўнг танимай адашиб бири иккинчисининг қўйини сўйса, икковининг қурбонлиги ҳам адо топадими?
- Ж:** Албатта адо топади, яъни икковининг қурбонлиги ҳам жоиз бўлади, лекин бири иккинчисини қўйига зомин бўлмайди.

### **ҚАСАМЛАР ВА НАЗИРЛАР БОБИ.**

- С:** **Қасамлар нима?**
- Ж:** Аксом қасамнинг кўплигидир, луғатда эса қувват билан аъзоларни ўртасида шерик бўлмоқликдир. Истилоҳда эса, икки тарафнинг бирини қувватлаш учун қасам ичувчи томонидан айтилган хабардир, ўша қасамни **ямин** дейилади, чунки, хилоф қилувчи қасам билан бир ишни қилганини ёки қилмаганини қувватлайди.
- С:** **Қасамнинг неча қисм эканлигини баён қилинг.**
- Ж:** Қасамлар уч қисмга бўлинади:





1. Ёлғон қасам – “Фомус”
2. Бофланувчи қасам – “Мунъақид”
3. Беҳуда гумон қасам – “Лағви”

**Биринчи:** Фомус қасами ўтган замондаги ишга ёлғон қасам ичишдир. Масалан: “Валлоҳи” Аллоҳга қасамки, фалон ишни қилмадим дейди. ҳолбуки у ишни қилған бўлади. Бундай қасам ичиш гуноҳи кабирдир. Бу қасамни Фомус, яъни чўқтирувчи деб номланишига сабаб шуки эгасини аввал гуноҳга кейин жаҳаннам ўтига чўқтириб юборади. Бу қасамнинг каффорати йўқдир, балки, қасам ичувчи одам тавба қилиб Аллоҳга истиффор айтиши лозимдир. Пайфамбар алайҳисалом гуноҳи кабирларни санадилар:

- Аллоҳга ширк келтириш;
- ота-онага оқ бўлиш;
- ноҳақ одам ўлдириш;
- ёлғондан қасам ичиш дедилар.

**Иккинчи:** Яминул-мунъақид боғланувчи қасам, бир одам келаси замонда бир ишни қилишга ёки қилмасликка қасам ичишидир. Агар бу қасамни бузса каффорат беради.

**Учинчи:** Лағв қасами бир одам ўтган бир ишни гумон билан бўлди, деб қасам ичади, ҳолбуки бу иш бўлмаган эди. Бу кечирилиши умид қилинган қасамдир.



**С: Бофланувчи қасам қандай ҳолатда бузилса, каффорат лозим бўлади?**

**Ж:** Бу қасамни қасдан ёки зўрлаб бузилса ҳам каффорат лозим бўлади.

**С:** Зўрлаб ичирилган қасамни бузса ҳам каффорат лозим бўладими?

**Ж:** Албатта, каффорат бериш лозим бўлади.

### **Қасамнинг боғланадиган ва боғланмайдиган ҳолатлари.**

**С:** Мусулмон одам қайси ҳолатда қасам ичса, қасам ичган деб ҳисобланади?

**Ж:** Қачонки, Аллоҳнинг номи билан қасам ичса ёки Аллоҳнинг исмларидан баъзисига масалан, Раҳмон, Роҳимга ўхшаш ёки Аллоҳнинг Иззати, Жалоли ва Кибриёсидек зотий сифатларини бирга қўшиб қасам ичиши билан қасам ичувчига айланиб қолади, лекин Аллоҳнинг илми ва сўзига қасам ичса, қасамдан ҳисоб қилинмайди.

**С:** Бир қасам ичувчи агар айтсан: “Аллоҳнинг газабига ёки қаҳрига қасам”, деса қасамга ўтадими?

**Ж:** У одам қасам ичувчи бўлмайди.

**С:** Бир одам агар шу ишни қилсан, менга Аллоҳнинг газаби ёки азоби бўлсин, деса қасамга ўтадими?

**Ж:** Бу сўзлар билан қасам ичувчи бўлмайди.

**С:** Аллоҳга, исмларига ва сифатларига қандай қилиб қасам ичилади?



**Ж:** Аллоҳнинг номига ёки исмига қасам ичмоқчи бўлган одам қасам ҳарфларидан бўлган В.Б.Т ҳарфларидан бирини қўшиб қасам ичади. Масалан, “Валлоҳи агар шу ишни қилсам”, дейди.

**С:** **Қасам ҳарфлари қайси ва қанча?**

**Ж:** Қасам ҳарфлари учтадир: Вов, Бе, Те; Валлоҳи, Биллаҳи, Таллоҳи. Агар дилида қасам ичмоқчи бўлса шу уч ҳарфни қўшмаса ҳам, қасам ичган бўлади, масалан, Аллоҳ, Раҳим агар мен шу ишни қилсам уч кун рўза тутаман, дейди.

**С:** **Бир одам Аллоҳнинг ҳаққига қасам, деса қасам ичган бўладими?**

**Ж:** Имоми Аъзам бундай сўзлар билан қасам ичса қасам ичган бўлмайди, дедилар.

**С:** **Қасам ичадиган феълларни баён қилинг.**

**Ж:** Аллоҳнинг номи билан қасам ичаман, Аллоҳни гувоҳ қиласман, Аллоҳнинг номига қасам, Аллоҳнинг аҳдига қасам ва Мисоқига қасам деган сўзларни ишлатилади.

**С:** **Бир одам Аллоҳнинг номига қасамки, деб орқасидан иншо Аллоҳ фалон ишни қиласман, деса қасам ичган бўладими?**

**Ж:** Агар иншо Аллоҳ деган сўзни қасамга қўшиб айтган бўлса, қасам ичган бўлмайди.

**С:** **Бир одам агар мен фалон ишни қиласман бўлсан мен яҳудийман ёки насронийман ёки мажусийман, ёки мушрикман деса қасам ичган бўладими?**



- Ж:** Албатта, қасам ичган бўлади, агар қасамни бузса каффорат тўлайди.
- С:** Бир одам айтсаки: мен фалон ишни қилсан зинокорман, ёки ароқхўрман, ёки судхўрман деса, қасамга ўтадими?
- Ж:** Бу сўзлар билан ҳаргиз қасам ичган бўлмайди.
- С:** Бир одам Аллоҳнинг номидан бошқа нарсаларга қасам ичса масалан, пайфамбарнинг номига, Қуръонга, Каъбага қасам деса, нима бўлади?
- Ж:** Аллоҳнинг номидан бошқа нарсаларга қасам ичса қасамга ўтмайди. Лекин Аллоҳнинг номидан бошқа нарсаларга қасам ичса, Аллоҳга ширк келтирган бўлади.
- С:** Бир одам гуноҳ ишга қасам ичса, масалан, Аллоҳга қасамки, намоз ўқимайман, ёки, албатта, фалончини ўлдираман деса нима бўлади?
- Ж:** Гуноҳ ишни қасд қилмоқликнинг ўзи гуноҳдир. Энди гуноҳга қасам ичишлиқ ундан ҳам каттароқ гуноҳдир. Шу сўзлар билан қасам ичган одам тезроқ қасамини бузиб каффорат тўлаб бу ниятидан қайтмоқлиги лозимдир.
- С:** Бир одам ўз мулкидан ҳалол нарсасини ўзига ҳаром қилса, ўша мулки у одамга ҳаром бўлиб қоладими?
- Ж:** У мулки ҳаромга айланмайди. Лекин ўша мулкига қайтмоқчи бўлса, қасамига каффорат беради.



**С:** Бир одам барча ҳалол нарсалар менга ҳаромдир, деса нималар назарда тутилади?

**Ж:** Бу сўзидан урфдаги ейдиган таом ва ичадиган ичимликлар назарда тутилади. Магар бошқа нарсани ният қилган бўлса, ўша ниятидаги нарса назарда тутилади.

**С:** Бир кофир қасам ичса, кейин кофирлик ҳолатида, ёки исломга киргандан кейин қасамини бузса, унга каффорат вожиб бўладими?

**Ж:** Улуф шариат Ислом унинг қасамини инобатга олмайди, унинг қасами эътиборли қасам эмасдир, шунинг учун қасамини бузса, унга каффорат вожиб бўлмайди.

**С:** Бир одам қўлидан келмайдиган нарсага қасам ичса, масалан, Аллоҳга қасамки, мана бу тоғни тиллога айлантираман ёки осмонга чиқаман деса, қасами боғланадими? Ёки қасами боғланган бўлса қачон қасами бузилган бўлади?

**Ж:** Бундай суратда аввал қасами боғланади ва қасамининг изидан қасами бузилади, яъни ҳонис бўлади.

**С:** Бир одам Басра шаҳрига бораман деб қасам ичса, кейин боролмасдан ўтиб кетса, қасамини қачондан бузди деб айтилади?



**Ж:** Умрининг охириги лаҳзасида қасамини бузди, деб ҳукм қилинади.

## Сүздаги қасам.

**С:** Бир одам ҳеч гапирмайман деб қасам ичса, кейин намозда жаҳрий қилиб қуръон ўқиса қасамини бузган бўладими?

**Ж:** Қуръон ўқиши билан қасами бузилмайди.

**С:** Бир одам фалончига бир муддат ичида ёки бир замон бўйи гапирмайман, деб қасам ичса, қандай муддатни ўз ичига олади?

**Ж:** Агар муддатни ният қилмаган бўлса 6 ой ўтади, лекин бир муддатни ният қилса ўша муддат ҳисоб бўлади.

**С:** Бир одам бир неча кун гапирмайман, деб қасам ичса, қанча кунни ўз ичига олади?

**Ж:** Уч кунни ўз ичига олади, аммо бу ноаниқ бўлган қасамга танитмоқлик учун ишлатиладиган ломни қўшиб айтсаки: бир қанча кунлар гапирмайман деса, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ўн кунни ўз ичига олади, дедилар. Лекин икки шогирдлари (уларни Аллоҳ раҳмат қилсин) етти кунни ўз ичига олади дедилар.

**С:** Бир одам бир неча ойлар гапирмаслик учун қасам ичса, учала имомларимиз нима дейди?

**Ж:** Имоми Аъзам ўн ой дедилар, икки шогирдлари эса ўн икки ой дедилар. (уларни Аллоҳ раҳмат қилсин)

**С:** Бир одам “фалончига гапирмайман”, деб қасам ичса кейин эшиттириб гапирса, лекин у уйқуда бўлса, бу ҳақда нима дейсиз?



Ж: Бундай суратда қасамни бузган бўлади.

С: Бир одам фалончига гапирмайман, фақат изн берса гапираман, деб қасам ичса унга ўша одам гапиришга изн берса, лекин қасам ичувчи унинг рухсат берганини билмасдан аввал гапирган бўлса, қасамини бузган бўладими?

Ж: Ҳа, қасамини бузган бўлади.

С: Бир одам Тайласон (қимматбаҳо тўн) кийим кийган одамга гапирмайман, деб қасам ичса, у одам Тайласонни сотиб юборгандан кейин ўша одамга гапирса, қасамини бузган бўладими?

Ж: Ҳа, қасамини бузган бўлади.

С: Бир одам шу ёш болага гапирмайман, деб қасам ичган бўлса, у болага қаригандан кейин гапирса, қасамини бузган бўладими?

Ж: Ҳа, қасамини бузган бўлади.

С: Бир одам фалончининг аёлига гапирмайман, деб қасам ичган бўлса, у одам аёлинни қўйиб юборгандан кейин ўша аёлга гапирса, қасамини бузган бўладими?

Ж: Йўқ, қасамини бузган бўлмайди.

С: Бир одам фалончининг қулига гапирмайман ёки фалончининг ҳовлисига кирмайман, деб қасам ичса, кейин қулнинг эгаси қулни ва ҳовлининг эгаси ҳовлисини сотгандан кейин қул билан гаплашса ёки ҳовлига кирса, қасамини бузган бўладими?



**Ж:** Йўқ, қасамини бузган бўлмайди.

**Овқатни емоқ-ичмоққа қасам ичиш.**

**С:** Бир одам эрталабки овқатни емайман, ёки кечки овқатни емайман ёки саҳарлик қилмайман деб қасам ичса, булар билан нимани мақсад қилган бўлади?

**Ж:** Эрталабки овқат деб тонг отгандан бошлаб кун қайтгунча, кечки овқат деб пешиндан бошлаб тунни ярмигача, саҳар деб кечани ярмидан бошлаб тонг отгунча айтилади. Энди ҳар ким ўзининг саволига ўзи жавоб топсин.

**С:** **Бир одам нон емасликка қасам ичса, қайси бир нонни емаса қасамида турган бўлади?**

**Ж:** Шаҳар аҳли қайси бир нонни еб одат қилган бўлса, ўша нонни емаса, қасамида турган бўлади. ва яна ироқликлар гуручдан қилган нонидан еса ёки “қатоиф” номли нондан еса ҳам қасамни бузган бўлмайди.

**С:** **Бир одам мана шу буғдойдан емайман, деб қасам ичса буғдойни тегирмонда тортиб нонидан еса, қасамини бузган бўладими?**

**Ж:** Имоми Аъзам (уларни Аллоҳ раҳмат қилсин) бундай суратда қасамини бузган бўлмайди, дедилар.

**С:** **Бир одам шу ундан емайман, деб қасам ичса, кейин нонидан еса қасамини бузган бўладими?**

**Ж:** Ҳа қасамини бузган бўлади.



**С:** Бир одам гўшт әмайман деб қасам ичса, кейин балиқ гўштидан еса, қасамини бузган бўладими?

**Ж:** Балиқ гўштидан еса қасамини бузган бўлмайди.

### Уйга кириш, чиқиш ва яшашга қасам ичиш ҳақида.

**С:** Бир одам шу уйга кирмайман деб қасам ичса, кейин ўша уй бузилиб кетгандан сўнг кирса қасамини бузган бўладими?

**Ж:** Уйга кирса қасамини бузган бўлмайди.

**С:** Бир одам мана бу ҳовлига кирмайман деб қасам ичса, кейин у ҳовли бузилиб текисланиб майдонга айлантирилгандан кейин кирса қасамини бузган бўладими?

**Ж:** Ҳа, ҳовли бузилиб текисланса ҳам, кириши билан қасамини бузган ҳисобланади.

**С:** Бир одам ўзи ичидаги турган ҳовлига кирмасликка қасам ичса, ўша вақтда ташқарига чиқмаса, ваҳоланки ўтириб, туриб, юраверса қасамини бузган бўладими?

**Ж:** Бундай суратда қасами бузилмайди, балки ташқарига чиқиб кейин кирса қасамини бузган бўлади.

**С:** Бир одам уйга кирмасликка қасам ичса, сўнг Каъбага ёки масжидга ёки бутхонага ёки уларнинг ибодатхонасиага кирса қасамини бузган бўладими?





- Ж:** Қасамини бузган ҳисобланмайды. Чунки уйда ухланади, бутхонада ухланмайды, шунинг учун уй дейилмайды.
- С:** Бир одам бу ҳовлига кирмайман деб қасам ичса, сўнг ўша уйнинг сатҳида турса ёки даҳлизига кирса қасами бузиладими?
- Ж:** Бундай ҳолатда қасами бузилмайди. Аммо эшик қулфланганда ташқаридаги пештоқида турса қасамини бузган бўлмайди.
- С:** Бир одам бу ҳовлида яшамайман деб қасам ичса, ўша ҳовлига аҳли-аёлинни, болачақасини, молу-дунёсини ташлаб ўзи чиқиб кетса, бунинг ҳукми нима бўлади?
- Ж:** Бундай ҳолатда қасами бузилиб каффорат беради.

### Олди-сотди ва ижарага алоқадор қасамлар.

- С:** Бир одам сотмасликка ёки сотиб олмасликка қасам ичса ёки шу ишни қилиш учун бир одамни ижарага ҳам олмаса кейин шу ишни қилиш учун бир одамни вакил қилса, шу суратдаги одам қасамни бузган бўладими?
- Ж:** Йўқ, қасамини бузган бўлмайди.

**Ўтириш ва ухлашдаги қасам.**

- С:** Бир одам ерга ўтирмайман деб қасам ичса, кейин паласга ёки бўйрага ўтиrsa ҳонис бўладими?





**Ж:** Ҳонис бўлмайди.

**Фойда:** “Ҳонис” деб қасамни бузувчи одамга айтилади.

**С:** Бир одам сўрига ўтирмайман деб қасам ичса, кейин тепасига палас

солинган сўрига ўтиrsa ҳонис бўладими?

**Ж:** Албатта ҳонис бўлади.

**С:** Бир сўрининг устига бошқа сўри қўйилган бўлса, тепасидаги сўрига ўтиrsa ҳонис бўладими?

**Ж:** Тайин қилинган сўрига ўтирмасдан бошқа сўрига ўтиrsa, ҳонис бўлмайди.

**С:** Бир одам тўшакнинг устида ухламайман деб қасам ичса, тепасида филофи бор тўшакда ухласа унинг ҳукми нима бўлади?

**Ж:** Бундай суратда ҳонис бўлади, лекин агар тўшакнинг тепасига бошқа тўшак солинган бўлиб унинг тепасида ухласа, ҳонис бўлмайди.

### Уйдан чиқиш учун изн бериш ҳақидаги қасам.

**С:** Бир одам аёлига мендан берухсат кўчага чиқмайсан, деб қасам ичса, кейин бир марта чиқишига рухсат берса, аёли чиқиб қайтиб, яна рухсатсиз чиқса, эр ҳонис бўладими?

**Ж:** Ҳа, шундай бўлса ҳонис бўлади. Албатта, ҳар бир чиқишига рухсат сўраш лозим, агар юқоридаги сўзлар билан қасам ичган бўлса, лекин аёлига Аллоҳу саламки ҳар қачон мен





сенга рухсат берганимда чиқасан деса, бир марта чиқишига изн берса, аёли бир марта чиқиб келиб, бундан сўнг рухсатсиз яна чиқса, эр ҳонис бўлмайди, яъни қасами бузилмайди.

### **Кийим кийиш, от миниш ва бориш-келишга алоқадор масалалар.**

**С:** Бир одам фалончининг отига минмайман деб қасам ичса, руҳсатли ўз қулининг отига минса ҳонис бўладими?

**Ж:** Ҳонис бўлмайди.

**С:** Бир одам кийиб турган либосини кўрсатиб мана бу кийимни киймайман, деб қасам ичса ёки миниб турган отини кўрсатиб мана бу отни минмайман деб қасам ичса ва ўзи билан бирга бўлган нарсага қасам ичса, ҳонис бўладими, ёки бу ўринда бошқа кенгроқ тушунча борми?

**Ж:** Қачонки ўша либосни дарҳол ечса ва ўша уловидан тушса ҳонис бўлмайди. Аммо қасам ичгандан кейин бир оз вақт кийиб ёки уловидан тушмай турса ҳонис бўлиб қасами бузилади. Чунки, аввалги кийимда бардавом туришни ва аввалги уловини миниб туриши, янгидан кийинган ва бошқатдан минган деб ҳисоб қилинади.

**С:** Бир одам қодир бўлсам, фалончининг олдига бораман, деб қасам ичса, ушбу қодир бўлсам деган сўзидан нимани назарда тутилади?





**Ж:** Ушбу қодир бўлсам деган сўзидан унинг соғлиги кетиб қолмаса, ёки ҳоким руҳсат бермаса, эсидан чиқиб қолмаса ва ақл-хуши жойида бўлса ҳам, бормаса ҳонис бўлади.

### **Қарзни бериш ва ҳаққини олишга алоқадор масалалар.**

**С:** Бир одам қарзимни узоқ кунда ёки яқин кунда бераман деб қасам ичса, ушбу яқинда ва узоқда деган сўзидан нима тушунилади?

**Ж:** Бир ойдан озроқ муддатни яқин дейилади, бир ойдан кўпроқ муддатни узоқ деб эътибор қилинади.

**С:** Бир одам бугун фалончининг қарзини узаман деб қасам ичса, бас уни узгандан кейин қараса, у пул савдогарлар ишлатадиган байтулмолни пули экан яъни, пулни чекига ўхшаган ёки бошқа метали кўпроқ бўлган кумуш тангага ўхшаган нарсани пулнинг ўрнига берса, қасамида турган бўладими?

**Ж:** Қасамида турган бўлиб, ҳонис бўлмайди.

**С:** Агар ўша берган тангаси қўрошин бўлса ёки учдан икки қсмига бошқа темирлар аралашган бўлса, бунинг ҳукми нима бўлади?

**Ж:** Бундай суратларда ҳонис бўлади.

**С:** Бир одам ҳақимни бўлмасдан оламан деб қасам ичса, кейин озроғини ёки ярмини олса нима ҳукм бўлади?



**Ж:** Озини олиши билан ҳонис бўлмайди, лекин ҳаммасини бўлиб-бўлиб олган бўлса ҳонис бўлади.

**С:** **Юқорида биз эслатиб ўтган одам қарзимни бирданига оламан деса кейин қарзини икки тарозида икки марта ўлчаб олса, ҳонис бўладими?**

**Ж:** Агар икки марта тортишнинг ўртасида бирон иш билан машғул бўлмасдан фақат тортиш билан машғул бўлса, ҳонис бўлмайди, бунда ўрта ажралмайди. Агар иккала тортишнинг ўртасида бирон иш билан машғул бўлса, албатта, ҳонис бўлади.

**Фойда:** ҳоким бир одамни чақириб шаҳарга бузғунчилик учун кирган ҳар бир одамни менга билдирасан деб қасам ичса. бу қасами волий бўлиб турган вақтнинг ўзида ишлайди. қачонки ишдан бекор бўлса ва қасам ичганини билдирмаса, ҳонис бўлмайди.

**Танбех:** Бир одам бир ишни қилишга қасам ичса, масалан, Аллоҳга қасам фалон ишни қиласман деса бу одам ўша ишни умрида бир марта қилса ҳам, қасамини бажарган бўлади. Агар қасамни замонга ёки маконга ёки бирон нарсага қайд қилган бўлса ҳам. Агар ўша замонда ёки маконда ўша ишни қилса, қасамини бажарган бўлади, акс ҳолда ҳонис бўлади. Бир одам фалончининг уловига минмайман деб қасам ичса, бас миниб қўйса ҳонис бўлади, бошқа

одамнинг уловига минса, ҳонис бўлмайди. Бир одам бир ишни қилмасликка қасам ичса, яъни Аллоҳга қасамки фалон ишни қилмайман деса, бу одамга умр бўйи қилмаслик лозим бўлади. Агар умри ичида бир марта қилса ҳам ҳонис бўлади.

### **Бу фаслда назрнинг ҳукмлари.**

- С:** **Бир одам айтсаки, мен ўзимга назр қилдим ёки Аллоҳга назр қилдим деса, назр қилган нарсасини зикр қилмаса, нимага ҳукм бўлади?**
- Ж:** Лафзга эътиборан назр бўлади, маънода эса қасам бўлади. Шу айтган сўзига қасамнинг каффоратини бериш лозим бўлади.
- С:** **Бир одам назр қилган нарсасини зикр қилиб назр қилса, бунинг ҳукми нима бўлади?**
- Ж:** Бир одам бирон шартга боғланмай назр қилган нарсани зикр қилиб назр қилса, масалан: Аллоҳ учун ўзимга бир ой рўза тутмоқликни назр қилдим, деса ёки икки ракат намоз ўқимоқликни ўзимга назр қилдим деса, ёки ҳажга боришни ўзимга назр қилдим деса ушбу назрларни тезда бериш вожиб бўлади.
- С:** **Агар ушбу назрни бирон шартга боғласа, масалан: агар Аллоҳ дардимга шифо берса, ёки ўғлим сафардан келса мен ўзимга 10 кун рўза тутишни ёки 50 ракат намоз ўқишни ёки умрага боришни назр қилдим,**



деса кейин шарт топилса, назрга вафо  
қилиш вожиб бўладими?

**Ж:** Ҳа, албатта шу суратларда қилган назрига вафо қилиш вожиб бўлади, чунки Аллоҳнинг Китобидаги фармони умумийдир. Аллоҳ ўз Китобида: “**Албатта қилган назрларингизга вафо қилинглар**”, - дедилар. Абу ҳанифадан ривоят қилинган бир сўз бор, у киши айтадилар: “**Бир одам назр қилса, албатта, мен шу ишни қилсан, мени зиммамга ҳаж қилиш ёки бир йил рўза тутишни назр қилдим деса, лекин қилолмаса, қасамнинг каффоратини берса ҳам ўрин ўтаверади**”, - дедилар. Бу Имоми Муҳаммаднинг сўзлари.

**С:** **Бир одам гуноҳ иш қилмоқ учун назр қилса нима бўлади?**

**Ж:** Қилган назри учун Аллоҳга осий бўлмайди, яъни гуноҳ ишни қилмай балки каффорат беради. Масалан, бир одамнинг қўлини синдириш менга назр бўлсин деганидек. Бундай ҳолатда унинг қўлини синдирмай, балки қасамнинг каффоратини беради.

**С:** **Бир одам молимдан садақа қилишга назр қилдим деса нима нарса лозим бўлади?**

**Ж:** У одамга закот учун молидан қанча миқдорни чиқариш вожиб бўлса, ўшанинг мислини садақа қилиб бериш вожиб бўлади.





**С:** Бир одам қўлимдаги бор нарсани садақа қиласан деб назр қилса бундай суратда нима лозим бўлади?

**Ж:** Ўзи эгалик қилган ҳамма молни садақа қилиш лозим бўлади ва у одамга айтилади: ўша молингдан ўзингга, аҳли-аёлингга ва касб қилиб бошқа мол топгунингча кераклигини олиб қол дейилади.

### Қасамнинг каффорати

**С:** Қачонки қасамни бузса, нимани каффорат қилиб беради?

**Ж:** Қасамнинг каффоратини Аллоҳ таоло ўзининг азиз Китобида баён қилган: “**Аллоҳ сизларнинг тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди, балки (дилларингиздаги) маҳкам туккан қасамлар сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) сизни жазолайди.** Бас, унинг каффорати ўз оиласигизни боқадиган ўртacha таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиб бериш ёхуд бир қулни озод қилишидир. Ким (*бу нарсаларни*) топа олмаса, уч кун рўза тутсин, мана шу қасам ичган (*ва буни бузган*) вақтингиздаги қасамларингизнинг каффоратидир. Қасамларингизни бузишдан сақланингиз. Шукр қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай очиқ ойдин баён





қилур. “Моида” сурасининг 89-ояти. Мана бу қасамнинг каффоратидир, қасамини бузган одамнинг ихтиёри ўзида, хоҳласа ўз аҳлига едирган таомидан 10 та мискинни едиради ёки уларни кийинтиради ёки бир қулни озод қилади. Мана бу айтилган учта нарсаларга қодир бўлмаса, пайдар-пай уч кун рўза тутади”.

**С:** Агар таом едирмоқликни хоҳласа қандай қилади?

**Ж:** 10 та мискинни тўйгунча эрта ва кечки овқатини едиради ёки буғдойдан ярим сог, яъни 1 кг 600 г ёки арпадан, хурмодан бир сог, яъни 3 кг 200 г беради.

**С:** Агар мискинга буғдойни ёки арпа билан хурмони пулини берса ҳам каффорат адо топадими? Яъни каффорат берган бўладими?

**Ж:** Ҳа, шу билан каффоратнинг жаримасидан чиққан бўлади.

**С:** Агар кийим бермоқликни ихтиёр қилган бўлса, қандай кийим беради?

**Ж:** Ҳар бир мискинга бир тўн беради, бу зиёда бўлишидир. Кийимнинг ози намозга ярайдиган бир либос бўлиши шартдир.

**С:** Агар бир қулни озод қилмоқчи бўлса, қандай қулни озод қилса, каффоратдан қутилади?





**Ж:** У одамнинг аъзолари соғлом бўлган бутун бир қулни озод қиласди, биз зиҳорнинг каффоратида эслатиб ўтганмиз.

**С:** Сиз ўша учта нарсага қодир бўлмаса пайдар-пай рўза тутади

дедингиз, қуръонда пайдар-пай деган сўз зикр қилинганди? Бунга қандай ҳужжат ва далилингиз бор?

**Ж:** Бунинг далили Абдуллоҳ Ибн Маъсуд уч кун пайдар-пай рўза тутмоқликни қуръондан ўқиган деб, ҳужжат кўрсатдилар.

**С:** Бир одам қасам ичса, кейин қасамини бузишдан олдин қасамини бузишни хоҳлаб каффоратни бериб қўйса, у одам кейин қасамини бузса, яна унга иккинчи бор каффорат бериш вожиб бўладими?

**Ж:** Агар қасамини бузишдан аввал каффорат берган бўлса, вожиб бўлган нарсанинг ўрнига ўтмайди ва у қасамини бузгандан кейин унга иккинчи бор каффорат бериш вожиб бўлади.

### Даъво китоби

**С:** Шариатда ва луфатда даъвонинг маъноси нима?

**Ж:** Ўзи “фаъло” вазнида келади. Луфатдаги маъноси ўзига бир нарсани қўшишдан иборатдир. Аммо шариатдаги маъноси: тортишув вақтида ўзига бир нарсани қўшмоқликдир.





**С: Даъво қилувчи одам ким?**

**Ж:** Даъвони тарк қилганда хусумат қилувчига жабр етказган одамдир.

**С: Даъво қилингандан одам ким?**

**Ж:** Хусумат қилувчига жабр етказмаган одамдир.

**С: Бир одам бир одамнинг устидан даъво қилиб келса, қози унинг ёлғон даъвосини қабул қиласими?**

**Ж:** Даъво қилингандан нарсанинг миқдори ва жинси аниқ бўлмагунча қози унинг даъвосини қабул қилмайди. Агар даъво қилинаётган нарса аниқ даъво қилингандан одамнинг қўлида бўлса, даъво қилингандан нарсанни кўрсатиш учун маҳкамага олиб келишга таклиф қилинади. Агар ўша нарсанни олиб келишнинг иложи бўлмаса, даъвогар у нарсанинг қийматини баён қиласди. Агар ерни даъво қилса, унинг чегарасини аниқлаб келади ва даъво қилингандан одамнинг қўлида эканлигини билдиради ва олиб беришни талаб қиласди. Агар даъвогарнинг зиммасида унинг ҳаққи бор бўлса, ҳаққи борлигини билдиради ва менинг ҳаққимни олиб беришингизни сўрайман, дейди.

**С: Агар унинг қилган даъвоси ҳақ ва рост бўлса қози нима иш қиласди?**

**Ж:** Агар даъвогарнинг қилаётган даъвоси рост бўлса, қози даъво қилингандан одамдан унинг даъвоси ҳақида сўрайди. Агар ўша нарсанни бўйнига олса, даъвогарнинг ҳақини ундан



олиб беради. Агар олган одам тан олмаса, даъвогардан қози олганлиги учун ҳужжат сўрайди. Агар даъвогар гувоҳларни олиб келса, улар гувоҳликка ўтгандан сўнг, қози унга олиб беришга ҳукм қиласи. Агар даъвогар ҳужжат келтиришдан ожиз бўлса, қози унинг ҳусуматчисига қасам ичиради. Агар даъво қилган одам олмагани учун қасам ичса, даъвогарнинг даъвосини ўзига қайтаради. Агар даъво қилинган одам қасам ичишдан бош тортса, қози унинг заарига ҳукм қиласи ва даъвогар нимани сўраса ўшани бериши лозим бўлади. Шу ўринда эй даъвогар сен қасам ичсанг, мен сенга уч марта қасам ичираман, демоқлиги қозига лойиқдир. Агар қасам ичишдан бош тортса, сенинг заарингга ҳукм қиласман дейди. Агар қози бу қасамни уч марта такрор қиласа ва у қасам ичишни инкор қиласа, қози уни заарига ҳукм қиласи.

**С:** Агар даъвогардан қози ҳужжат сўраса, у ҳужжати борлигини айтса, лекин даъво қилинган одамнинг қасам ичмоқлигини талаб қиласман деса, қози унинг айтган сўзига қулоқ солиб ижро қиласими?

**Ж:** Имоми Аъзам раҳматулло алайҳи айтадиларки, даъвогар учун гувоҳлик берувчи ҳужжати бўлса ҳам, даъво қилинган одамга қасам ичирилмайди.

- С:** Даъво қилинган одам қасамдан бош тортса, қасамни даъвогарга қайтариладими?
- Ж:** Унга қасамни қайтарилмайди.
- С:** Қасам ичишни инкор қилувчиларга қасам ичирилмайдиган бошқа ўринлар ҳам борми?
- Ж:** Агар у даъво, никоҳнинг даъвоси бўлса, унга қасам ичирилмайди. Гўё талоқи Рожийда ҳам, қасамда ҳам, қасамдан қайтганда ҳам, қуулликда ҳам, уммуваладда ҳам, насабда ҳам, вилода ҳам, жиноятларда уриладиган ҳадларда ҳам ва лаънат айтишда ҳам қасам ичишни талаб қилинмагандек. Аммо иккала шогирдлари (уларни Аллоҳ раҳмат қилсин) лион ва ҳадлардан бошқа ўринларда қасам ичишни талаб қилинади дейдилар.
- С:** Иккита одамнинг ҳар бири учинчи одамнинг қўлидаги аниқ нарсани меники, деб даъво қилса, икковлари ҳам ўзининг ҳужжатларини кўрсатса, қози нима қиласди?
- Ж:** Иковига teng қилиб бўлиб беради.
- Фойда:** Бу ҳукм ҳидоя китобидан олинди.
- С:** Икки кишининг ҳар бири бир аёлни мени аёлим деб ҳужжат кўрсатишса, нима ҳукм қилинади?
- Ж:** Қози иккала ҳужжат келтирувчининг бирига ҳукм қилмайди, лекин икковидан бирини аёл тасдиқ қилишига қараб ҳукм чиқаради.



**С:** Агар икки киши бир қулни сотиб олгани учун ҳужжат келтириб фалончидан олганман, деса уларнинг ўртасида нима ҳукм қилинади?

**Ж:** Икковига ихтиёр берилади, хоҳласа, қулни яrim пулинини бериб ўзига олади, хоҳламаса олмайди. Агар қози шу ишга ҳукм қилиб икковидан бирига айтсаки: қулнинг ярмини олмай кечиб юбор деса иккинчисига қулни ҳаммасини олиш дуруст эмас, агар икковидан бири қулни сотиб олган замонини айтмай туриб иккинчиси сотиб олган замонини баён қиласа қул ўшаники бўлади. Агар икковидан ҳар бири сотиб олган замонини айттолмаса лекин бири қулни ушлаб турган бўлса, қулни шу одамга бериш авлодир.

**С:** Икки кишидан бири бир матони бир одамдан сотиб олдим, деб даъво қиласа, иккинчиси эса менга ҳиба қилган деса, ўша матони иккови ҳужжат билан ушлаб турган бўлса, лекин ҳиба қилган ва сотган вақтини айттолмаса, бу мато кимга ҳукм қилинади?

**Ж:** Сотиб олдим деб даъво қилганга ҳукм қилинади.

**С:** Бир одам бу қулни бир кишидан сотиб олдим деб даъво қиласа ва яна бир аёл мен унга текканман деб, даъво қиласа, икковларининг ҳам ҳужжатлари бўлса, уларнинг ўртасини қандай ҳукм қилинади?



**Ж:** Улар даъвода тенгдирлар, бири иккинчисидан даъвода ортиқ эмас.

- С:** Бир одам бу нарсани фалончидан гаровга олдим деса, иккинчи одам мен ундан ҳибога олдим деб даъволашса, бунда кимнинг даъвоси кучлироқ бўлади?
- Ж:** Гаровга олдим деган одамнинг даъвоси кучлироқ бўлади.
- С:** Бир мулкни қўлига олмай туриб ташқаридан иккинчи киши ўзининг ҳужжатларини кўрсатиб даъво қилса, лекин олган вақтини иккови ҳам икки хил айтса, уларга қандай ҳукм қилинади?
- Ж:** Олдинроқ олганлигига ҳужжати бор одамга ҳукм қилиниши авлодир.
- С:** Агар икки киши бир одамдан бир вақтда матони олганлиги ҳақида ҳужжат кўрсатишса, нима ҳукм қилинади?
- Ж:** Иккови баробардир, бири-иккинчисидан ҳужжатда кучли эмасдир.
- С:** Икки кишининг бири бир нарсани эгасининг қўлидан олса., иккинчи одам ўша нарсани бошқа одамнинг қўлидан олса, аввалги одам олган вақтини кўрсатса, кейинги одам эса, аввалги одамдан олдинроқ олганига ҳужжат кўрсатса, кимисига берилади?
- Ж:** Аввалроқ олганига, ҳужжат кўрсатган одамга берилади.
- С:** Бир одам эгасининг қўлидан бир ҳайвонни сотиб олиб бу меники деб даъво қилса, иккинчи одам эса бошқа бир одамнинг

қўлидан олдим деб бу меники деса,  
икковлари ҳам олган вақтининг замонини  
айтса, у ҳайвонни қайси бирига ҳукм  
қилинади?

**Ж:** Молни эгасининг қўлидан олган одамга ҳукм  
қилинади. Чунки, у молни олишга  
ҳақлироқдир.

**С:** Бир одам бир хил тўқилган газламани бошقا  
бир одамнинг қўлидан олгани учун меники  
деб даъво қилса, иккинчи одам эса, эгасини  
қўлидан олдим деб даъво қилса, иккови ҳам  
тўқилган газламани ўзимники деб ҳужжат  
кўрсатса, қайси бирига ҳукм қилинади?

**Ж:** Газламани эгасининг қўлидан олиб бир марта  
тўқиган одамга ҳукм қилинади.

**С:** Бир ташқаридаги одам мутлоқ бир мулкка  
эга эканлигини ҳужжат қилса, иккинчи  
одам эса эгасининг қўлидан сотиб олганига  
ҳужжат кўрсатса, қайси бирига ҳукм  
қилинади?

**Ж:** Эгасининг қўлидан сотиб олдим деганга ҳукм  
қилинади.

**С:** Икки киши бир нарсани меники деб даъво  
қилишса, лекин бири тўртта гувоҳ олиб  
келса иккинчиси эса иккита гувоҳ олиб  
келса, қайси бирига ҳукм қилинади?

**Ж:** Икковлари биробардир, хоҳласа тенг қилиб  
бўлишиб олади, гувоҳларнинг оз-кўпида фарқ  
қилинмайди.



**С:** Бир одам бошқа бир одамдан қасос олиш учун даъво қилса, даъво қилинган одам инкор қилса қандай ҳукм қилинади?

**Ж:** Даъво қилинган одамга қасам ичиралади. Агар қасам ичишдан бош тортса, қасос олиш лозим бўлади, агар қасос олишдан ҳам бош тортса, бўйнига олгунча ёки қасам ичгунча қамаб қўйилади.

**Бир ҳовлини икки киши даъво қилмоқ боби.**

**С:** Бир одамнинг қўлида битта ҳовлиси бор эди. Икки кишининг бири ҳаммаси меники деса, икинчи одам эса ярми меники деса, икковлари ҳам ҳужжат кўрсатса, уларга қандай ҳукм қилинади?

**Ж:** Имоми Аъзам (Аллоҳ раҳмат қилсин) ўша ҳовлини тўртга бўлинади, тўртдан уч қисмини ҳаммаси меники деганга берилади ва тўртдан бир қисмини ярми меники деган одамга берилади, дедилар. Иккала шогирдлари эса, учга бўлиниб икки қисми аввалгига қолган бир қисми икинчи одамга тегади, дедилар.

**С:** Агар ўша ҳовли меники деган даъвогарларнинг иккови ҳам ҳовлига кириб олган бўлса, масалан ўз ҳолича турган бўлса, уларга қандай ҳукм қилинади?





**Ж:** Ҳовлиниң ҳаммаси меники деган одамга ҳовлини иккига бўлиб ярмини қозининг олдида бўлиб берилади ва ярмини эса қозининг олдида бўлмаган даъвогарга берилади.

### **Икки киши битта ҳайвонни даъво қилиш боби.**

**С:** Икки киши битта ҳайвонни талашиб қолса, икковлари ҳам ўзларига ҳужжат кўрсатишса, у ҳайвон биттасининг қўлида боқилса, икковлари ҳам сотиб олган вақтини баён қиласа, уни қайси бирига ҳукм қилинади?

**Ж:** Ўша ҳайвоннинг ёши сотиб олувчининг олган йилига тўғри келса ўша одамга ҳукм қилинади. Агар икковларининг ўртасида мушкуллик пайдо бўлса, икковига бўлиб берилади.

**С:** Агар икки кишидан бири ҳайвонни миниб турган бўлса, иккинчиси эса юганидан ушлаб турган бўлса, улардан қайси бири эгаси бўлишга лойиқдир?

**Ж:** Ўша ҳайвонни миниб турган одам эга бўлишга лойиқдир.

**С:** Агар икки кишидан бири ўша ҳайвонга юк юклаган бўлса, иккинчиси эса фақат қуруқ даъво қилмоқда халос, унга кимиси ҳақли деб ҳисобланади?



- Икки одам бир кўйлакни даъво қилиш боби.**
- С:** Икки одамдан бири бир кўйлакни кийиб олган бўлса, иккинчиси эса, енгига осилиб олган бўлса, кимга ҳукм қилинади?
- Ж:** Иккинчисига нисбатан кийиб турган одам олишга ҳақлидир.

### **Иккита сотиб олувчининг даъвоси ҳақидаги боб.**

- С:** Иккита сотиб олувчининг ўртасида сотиб олинган нарсада ёки сотиб олинган нарсанинг пулида иҳтилоф пайдо бўлса, қай бирига ҳукм қилинади?
- Ж:** Бу саволнинг хилма-хил суратлари бор, у нарсанинг хилига қараб ҳукм ҳам ҳар-хил бўлади. Бас қуидаги нарсаларни ёдлаб олинг:
- 1) қачонки сотиб олувчи бир нарсани айтса, яни юз сўмга сотиб олдим деса, сотувчи эса кўпроқقا сотдим деб даъво қилса, ёки сотувчи ўша нарсанинг бир бўлагини сотдим деса, сотиб олувчи эса кўпроғи менга тегади деб даъво қилса, икковидан қайси бирининг ҳужжати бўлса ўша одамни фойдасига ҳукм қилинади;
  - 2) агар сотиб олинган нарса ҳалок бўлса унинг нархида келишмовчилик пайдо бўлса, Имоми Аъзам уларга қасам ичирилмайди дедилар. Абу Юсуф эса сотиб олувчининг нархидаги сўзи инобатга олинади, дедилар, Абу Муҳаммад эса,

икковлари қасам ичади ва бай бузилиб ҳалок қилувчининг бўйнига ўша молнинг қиймати тушади, дедилар. (Уларни Аллоҳ раҳмат қиласин.);

**Эр билан аёлнинг ўртасидаги даъволар.**

**С:** Эр билан аёл маҳр ҳақида даъво қилишса, қайси бирини сўзи инобатга олиниб, унинг фойдасига ҳукм қилинади?

**Ж:** Бунинг баёни кенгроқдир, қуйидаги сўзларни ёдлаб олинг:

- 1) эр киши никоҳ вақтида минг танга маҳр эвазига никоҳимга олдим деса аёли менга маҳрни икки минг тангга беришга ваъда қилиб уйланган, деса қайси бирининг олиб келган ҳужжатини қабул қилинади?
- 2) агар икковлари ҳам ҳужжат олиб келса, аёл кишининг ҳужжати қабул қилинади.
- 3) агар икковларининг ҳам ҳужжати бўлмаса, Имоми Аъзам (Аллоҳ раҳмат қиласин уларни): аввало улар қасам ичишади ва уларнинг никоҳи бузилмайди, қози маҳр мислини бермоқликка ҳукм қиласди. Агар эр киши бермоқчи бўлган пули маҳр мислига етса, эрнинг сўзига қараб ҳукм қилинади. Агар аёл киши даъво қилаётган пул маҳр мислига етса ёки ортиқроқ бўлса аёл кишини сўзига ҳам ҳукм қилинади. Агар ўша маҳр мисли эр киши бераман деган пулдан ортиқ бўлса ҳам ва аёл



киши талаб қилаётган пул маҳр мислидан озроқ бўлса ҳам маҳр мислинини беришга ҳукм қилинади.

**С: Уй матоларини бўлишишда эр билан аёлнинг ўртасида келишмовчилик пайдо бўлса, уларнинг ўртасини қандай қилиб ечилади?**

**Ж:** Эр киши ишлатадиган буюмларни эрга берилади ва аёл киши ишлатадиган буюмларни аёл кишига берилади. Аёл билан эр бир га ишлатадиган буюмларни эрига берилади. Бу ҳукмлар икковлари ҳам тирик бўлиб ораларида келишмовчилик пайдо бўлса ижро қилинади. Агар икковларидан бири ўлган бўлса, мерос олувчиларнинг ўртасида мерос талашув пайдо бўлса, эр томон эрга тегадиган нарсани сўраса, аёл томон эса ўзига тегишли нарсани талаб қилса, мерос олувчиларга ҳеч нарса берилмайди, балки тирик қолганига ҳамма нарса берилади.

### **Ижара берувчи ва олувчининг даъвоси.**

**С: Ижарага олувчи билан берувчининг ўртасида иҳтилоф пайдо бўлса уларнинг ўртасида қандай ҳукм қилинади?**

**Ж:** Бунинг бир қанча суратлари бор қуйидагиларни ёдда туting:

1) ижарага олинган нарсани бермасдан олдин келишмовчилик пайдо бўлса;





- 2) агар ижарани бергандан кейин ихтилоф пайдо бўлса, қасам ичирилмайди, ижарага берувчининг қасами билан сўзини инобатга олинади;
- 3) ижарага олинган нарсани ярмини бергандан кейин ўртада ихтилоф пайдо бўлса, қолган нарсадан ижара битими бескор қилиниб, олдин айтган сўзимиздек ижарага берувчининг сўзи қасам билан инобатга олинади;

### **Қасам ичиш фасли.**


**С:** **Даъво қилинган одам қандай қасам ичади?**

**Ж:** Бунинг баёни кенгдир, қуйидаги сўзларни ёдингизда туting:

- 1) мусулмон одам фақат Аллоҳнинг номи билан қасам ичади. Оллоҳ таолонинг сифатларини айтиб қасам ичиш жоиз. Мусулмон одамга замон ва макон билан қасам ичишга мажбур қилиш вожиб эмас.
- 2) Мусо алайҳиссаломга тавротни туширган Оллоҳнинг номига яхудийлар қасам ичади;
- 3) Исо алайҳиссаломга инжилни туширган Оллоҳни номига насоролар қасам ичади;
- 4) мажсийлар оловни яратган Оллоҳнинг номига қасам ичади;
- 5) уйдаги ибодатхоналар номига қасам ичишмайдилар;



## Гувоҳлар китоби



**С: Ислом шариатида гувоҳнинг ҳукми нима?**

**Ж:** Бир одамнинг ҳаққи йўқ бўлиб кетишидан сақлаб ва унинг ҳаққини ҳосил қилиш учун у одамга гувоҳликка ўтишлик фарзdir. Ва яна ҳақ эгаси гувоҳликка чақирса билган нарсасини беркитмоқлик жоиз эмас. Шу ҳақда Аллоҳу таоло айтади: “Қачонки гувоҳларни гувоҳликка чақирсалар бош тортмасинлар” ва яна Аллоҳ айтади: “Гувоҳликларингизни беркитманглар ва қайси бир кимса гувоҳликларини беркитса унинг қалби гуноҳкор бўлибди”. Бу эса гувоҳликка ўтишнинг ҳаққидир. Аммо жиноят ҳадлари учун гувоҳликка ўтганда ўша жиноятчининг айбини очиқ айтиш билан пардага ўраб айтишлиқда гувоҳликка ўтган одамнинг ўзига иҳтиёр берилади. Айбини пардага ўраб айтиш афзалдир. Масалан, бир одамнинг ўғирлик йўли билан олган молни ўғирлади дейишни ўрнига молни олди деб гувоҳликка ўтиш афзалдир.

**С: Гувоҳликка ўтувчининг оз-кўплигида даражаси борми?**

**Ж:** Гувоҳликнинг даражаси бор.

1) зино қилувчи учун гувоҳликка ўтувчи одамлар тўрттага етиш шарт, бу ўринда аёлларнинг гуоҳлиги қабул қилинмайди;



- 2) қасос олиш учун гувоҳлика ўтиш билан ва бошқа жиноят ҳадларида икки кишининг гувоҳлиги қабул қилинади;
- 3) бундан бошқа гувоҳликнинг ўрниларида икки эр киши ёки бир эр киши билан икки аёл кишининг гувоҳлиги ҳам жоиздир. У гувоҳлик молга бўлса ҳам, молсиз бўлса ҳам фарқи йўқдир. Масалан: никоҳ, талоқ, вакиллик ва васиятга ўхшаган ишларга ҳам гувоҳлик бериш жоиздир;
- 4) эркак кишининг гувоҳликка ўтиши жоиз бўлмаган ўринларда аёл кишининг гувоҳлиги қабул қилинади. Масалан, аёлнинг қорнида хомиласини бор ёки йўқлигини билиш ва қиз болани қизлигини текшириб гувоҳлик бериш аёлларга хосдир;

**С: Гувоҳликни қабул бўлиши учун бирон нарсани шарт қилинадими?**

**Ж:** Ҳа, гувоҳлик берувчиларнинг ҳаммаси адолатли бўлиши ва гувоҳлигини очиқ сўз билан ифода қилиши шартдир. Агар гувоҳга ўтувчи очиқ сўз билан айтмаса балки, биламан, менимча, шундай деб ўйлайман, деб гувоҳлик берса унинг гувоҳлигини қабул қилинмайди.

**С: Зоҳири адолатли одамга ўхшаса гувоҳликка ўтадими? Ёки гувоҳликка ўтувчининг ички-ташқи аҳволларини текшириб кўриладими?**

**Ж:** Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ кўриниши адолатли мусулмон бўлса кифоя қиласи,



дедилар. Магар ҳадларда ва қасос олишда гувоҳликка ўтувчини текширилади ва уни аҳволидан сўралади, гўё хусуматчидан қачонки таъна етказганда сўралганидек. Аммо Абу Юсуф эса гувоҳликка ўтувчи одамни ичкиташки аҳволларини албатта текширилади дедилар.

### **Баъзи одамларнинг гувоҳлиги қабул**


**қилинади, баъзисини эса қабул қилинмайди.**

**C: Одамларнинг ичида гувоҳлиги қабул қилинмайдиганлари ҳам борми?**

**Ж:** Ҳа, бор қуидаги одамларнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди:

- 1) кўр одамларнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди;
- 2) қулларнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди;
- 3) агар тавба қилган бўлса ҳам, бирорни зинога нисбатини бериб сўккан бўлса қабул қилинмайди;
- 4) бола отасига, ёки ота-онасига, ёки боболарига, момоларига, ёки боласига ва набирасига гувоҳлик берса ўтмайди;
- 5) аёли билан эри бири-бирларига берган гувоҳлиги ўтмайди;
- 6) ҳожанинг қулига ёки мукотоф қулига берган гувоҳлиги ўтмайди;
- 7) бир ишда шерик бўлган одам иккинчи шеригига гувоҳлиги ўтмайди;






- 8) хуноса одамнинг гувоҳлиги ўтмайди (ўзини хуносага ўхшатган одамнинг гувоҳлиги ўтмайди);
- 9) баланд овоз билан йифлаган одамни ҳам гувоҳлиги қабул қилинмайди;
- 10) ашула айтадиган артистларнинг ҳам;
- 11) кўнгил ҳушлик учун ичган одамни ҳам;
- 12) қушлар билан ўйнайдиган одамларни ҳам;
- 13) одамларга нафма чалувчини ҳам;
- 14) хусусан ҳад уриш вожиб бўладиган гуноҳи кабира қилган одамни ҳам;
- 15) ҳаммомга яланфоч кирган одамни ҳам;
- 16) судхўрликдан овқат еган одамни ҳам;
- 17) қимор ўйнаш мақсадида шаҳмат-шашка ўйнаган одамни ҳам;
- 18) йўлларга таҳорат ушатган ва югуриб кетаётиб овқат еган одамларни ҳам гувоҳлиги ўтмайди;
- 19) оламдан ўтган салафларни ва аждодларни сўккан одамларни ҳам гувоҳлиги ўтмайди;
- 20) харбий кофирини зиммий кофирга берган гувоҳлиги ҳам ўтмайди;
- 21) бири-бирига адовати бўлган одамни гувоҳлиги ҳам ўтмайди, агар уларнинг адовати дунё учун бўлган бўлса;

**С:** Энди қайси бир одамнинг гувоҳлиги қайтарилмай қабул қилинади?

**Ж:** Қуйидаги сўзларни ёдингизда туting:





1-акаси ва амакисига берган гувоҳлиги ўтади.  
2-ўз нафсининг хоҳишига эришган одамни ҳам гувоҳлиги ўтаверади. Магар Равофизия қавмини ақидасида юрган одаимларни гувоҳлиги ўтмайди. (Равофизияларни ақидасида Алийни катта илоҳ, Жъафарни кичик илоҳ деб эътиқод қиласр экан, буларни коғир дейилади.)

3-Аҳли зиммийларни бири-бирига берган гувоҳлиги ўтади. Улар яҳудий ва насоролардир.

4-гуноҳидан савоби кўпроқ одамни ҳам гувоҳлиги ўтади, агар ўзини катта гуноҳлардан сақлаган бўлса.

5-эркаклиги кесилган, бичилган ва зинодан туғилган одамларни ҳам гувоҳлиги қабул бўлади.

6-хуноса одамни ҳам гувоҳлиги ўтади.

7-зиммий коғирни гувоҳлиги мусулмонлардан паноҳ сўраб келган харбий коғирга ўтади.

**Фойда:** 1. Агар гувоҳлик берувчини гувоҳи даъво қилувчини сўзига тўғри келса қабул қилинади, акс ҳолда қабул қилинмайди.

2. Иккала гувоҳларни сўзида, гапининг маъносида ўхаши тўғри келиб иттифоқ бўлишса гувоҳлиги эътиборга олинади, дедилар Имоми Аъзам (Уларни Аллоҳ раҳмат қилсин).





## Иккала гувоҳнинг сўзи тўғри ёки нотўғри келиши ҳақида.

- С: Агар иккала гувоҳларнинг гувоҳлиги бири-иккинчисига тўғри келмай қолса, масалан, гувоҳларни бири минг сўм олган деса, иккинчи гувоҳ эса икки минг сўм олган деса у гувоҳларни қайси бирининг сўзини инобатга олинади?
- Ж: Имоми Аъзам икковини ҳам гувоҳлиги қабул эмас, дедилар.
- С: Иккала гувоҳлардан бири 1000 сўм олган деса иккинчisi эса 1150 сўм олган деса, қайси бирини гувоҳлиги ўтади?
- Ж: Faқat минг сўмга гувоҳлик берган одамнинг гувоҳлиги ўтади.
- С: Агар иккала гувоҳлар 1000 сўм олган деса, лекин икковидан бири 500 олган деса, бу иккала гувоҳларни ҳукми нима бўлади?
- Ж: Қози иккала гувоҳни минг сўм олган деган сўзини қабул қиласди, лекин беш юзини олган деган сўзга қулоқ солмайди, магар бошқа гувоҳлар ҳам қўшилса беш юзини олган у учун гувоҳлик берган одамни сўзига қулоқ солади ва гувоҳлик берувчилар беш юзини олганига иқрор бўлгунча минг сўмни олган деб гувоҳлик бермаслик лозимдир.
- С: Икки гувоҳнинг бири айтсаки бу одам Макка шаҳрида Ийд қурбонлик куни ҳалок қилинди, деб гувоҳлик берса, иккинчisi





Эса бу одам Ийд қурбонлик куни Кўфа шаҳрида ҳалок қилинди деб гувоҳлик берса, сўнг уларни ҳукмини олдига олиб келса нима ҳукм қилинади?

- Ж: Қози уларнинг гувоҳлигини қабул қилмай қайтариб юборади.
- С: Агар ўша иккала гувоҳларнинг бири олдин келиб гувоҳлик берса, ҳоким унга ҳукм чиқарса, сўнг бошқа гувоҳлар ҳам келиб қолса ҳукмни бекор қилинадими?
- Ж: Бошқа гувоҳларнинг гувоҳлигини қабул қилмайди ҳукм чиққандан сўнг ва ҳукмни ҳам бекор қилинмайди.

Эшитган нарсасига гувоҳлик бериш боби.

- С: Бир гувоҳ кўзи билан кўрмаган нарсага гувоҳлик бериш жойизми?
- Ж: Мана бундай нарсаларга гувоҳ бериш жойиз эмас, лекин фақатгина насаб, ўлим, никоҳ, духул (аёлига қўйилиш) ва қозининг қози эканлигига гувоҳлик бериш жойиз. Чунки, юқоридаги нарсалар ҳақида унга ишонган бир кимса ҳабар берган бўлса эшитгани учун гувоҳлик бериши мумкин.

Гувоҳликка кўра (биноан) гувоҳлик бериш.

- С: Гувоҳликка биноан гувоҳлик бериш шаръийми ёки ношаръийми? Агар шаръий бўлса унинг кўриниши қандай бўлади?






## Мана шунга гувоҳ келтириб қўйишим лозимми йўқми?

**Ж:** Гувоҳ кўрсатадиган нарса икки қисмдир: 1) ҳукмини ўзи исбот қилган нарсадир мисоли бой. Ижара, никоҳ иқор, тортиб олганлик, қотиллик ва ҳокимнинг нарсаларини эшитган ёки кўрган бўлса ўша нарсага гувоҳлик бера олади ва қўрмаган бўлса ҳам унинг сотганлигига гувоҳлик бераман деб айтади. Лекин мени гувоҳ қил (ди)деб айтмайди. 1) ҳукмини ўзи исбот қилмаган нарса ва бу бир гувоҳликка биноан гувоҳлик беришидир. Бир гувоҳнинг бирор нарсага гувоҳлик бераётганини эшитиб қолган кимса учун гувоҳлик бериши жойиз бўлмайди магар ушбу кимсани гувоҳ қилиб айтган бўлсагина жоиздир. Шунингдек гувоҳ ўзининг гувоҳлигига бирорни гувоҳ қилаётганини эшитиб қолувчи учун шу нарсага гувоҳлик бериши мумкин бўлмайди. Гувоҳликка биноан гувоҳлик бериш ҳар қандай ҳақларда жойиз бўлиб, бирор шубҳа билан соқит бўлмайди. Лекин жазо ва қасосларда қабул қилинмайди. Икки гувоҳнинг гувоҳлигига биноан икки гувоҳнинг гувоҳлари қабул қилинади. Лекин бир кишининг гувоҳлигига биноан бир кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

**С:** Гувоҳ қилиш сифатини баён қилинг.





**Ж:** Масалан, аслий гувоҳ иккинчи даражали гувоҳга шундай демоқлигидир: “Менинг гувоҳлигимга биноан гувоҳ бўл. Фалончи ўғли фалончи менинг ҳузуримда фалон нарсага иқрор бўлди ва мени ўзига гувоҳ қилди”, агар “Мени ўзига гувоҳ қилди” демаган бўлса ҳам гувоҳлиги жоиздир.

**С:** **Агар иккинчи даражали гувоҳ, гувоҳ қилмоқчи бўлса нима деб айтади?**

**Ж:** Иккинчи гувоҳ адо вақтида шундай деб айтади: “Фалончи менинг ҳузуримда шундай нарсага иқрор бўлганига гувоҳлик бераман ва менга дедики: фалон нарсага гувоҳ бўлганимга гувоҳ бўлгин ва мен манашу нарсага гувоҳман”- дейди.

**С:** **Иккинчи даражали гувоҳнинг гувоҳлигини қабул қилиш учун бирор нарса шарт қилинадими?**

**Ж:** Иккинчи даражали гувоҳларнинг гувоҳликлари фақатгина асосий гувоҳлар ўлган бўлишса ёки 3 кун ва ундан зиёда қунлик йўл масофасида бўлишса ёки қози мажлисига ҳозир бўла олмайдиган даражада касал бўлган бўлсагина қабул қилинади.

**С:** **Иккинчи гувоҳлар аслий гувоҳларнинг гувоҳлигига тўғрилаш киритишининг ҳукми нима?**

**Ж:** Фаръий гувоҳлар уларни тўғрилаган бўлсалар жоиздир. Агар аслийлар фаръийлар





тўғрилашга сукут қилган бўлсалар ҳам, қози аслийларнинг ҳолатини текшириб қўяди.

**С:** Иккинчи, фаръий гувоҳлар гувоҳлик бермоқни истадилар-у лекин аслий гувоҳлар уларнинг гувоҳликларини инкор қилишди. Мана шу суратда фаръий гувоҳларнинг гувоҳликлари қабул қилинадими?

**Ж:** Қабул қилинмайди.

Гувоҳлигидан қайтиш ҳақидаги боб.

**С:** Баъзида гувоҳлар берган гувоҳликларидан қайтишади. Мана шу суратда қози нима қиласди? Агар қози уларнинг гувоҳликлари сабабли ҳукм чиқариб қўйган бўлса гувоҳлар зиммасига харажатни тўлашлик вожиб бўладими?

**Ж:** Бунинг тафсилоти бордир, қалбингизни бериб қулоқ солмоғингиз ва келгусидаги ҳукмларни ёдлаб олмоғингиз сизга лозим бўлади:

1. Агар гувоҳлар (қози у бунга ҳукм чиқаришидан аввал) гувоҳликларидан қайтсалар гувоҳликлари соқит бўлади ва уларга ҳеч қандай тўлов ҳам вожиб бўлмайди.
2. Агар ҳукм уларнинг гувоҳликлари сабабли даъво қилинувчи зиммасига мол тўловни ҳукм қилгач ва сўнгидан улар гувоҳликларидан қайтсалар ҳукм бузилмагай ва уларнинг зиммаларига гувоҳликлари





сабабли даъво қилинувчи зиммасига талофат бўлган молни тўламоқлари вожиб бўлади.-  
дедилар

3. Агар улардан биттаси гувоҳлигидан қайтса молнинг ярмини тўлайди.
4. Агар бир мол тўловчига уч кипи гувоҳлик берсалар сўнг улардан биттаси гувоҳлигидан қайтса, унга ҳеч нарса тўлаш лозим бўлмайди ва агар яна бир бошқаси ҳам гувоҳлигидан қайтса, бу икки қайтувчига молнинг ярмини тўлаш вожиб бўлади.
5. Агар бир эркак ва икки аёл гувоҳлик берсалар улардан бир аёл гувоҳлигидан қайтса бу аёл ҳақнинг тўртдан бирини тўлайди. Агар аёлларнинг иккиси ҳам қайтишса ҳақнинг ярмини тўлайдилар.
6. Агар бир эркак ва ўн аёл гувоҳлик берган бўлсалар ва аёллардан саккизтаси гувоҳлигидан қайтишса зиммаларига ҳеч қандай тўлов лозим эмас. Агар яна бир бошқаси ҳам қайтса қайтувчи аёлларнинг барчалари зиммасига ҳақнинг тўртдан бири лозим бўлади. Агар ўша бир эркак ва аёлларнинг барчалари қайтган бўлсалар Абу Ханифа раҳматуллоҳнинг наздларида эркак зиммасига ҳақнинг олтидан бири аёллар зиммасига эса олтидан бешини тўлаш лозим бўлади. Икки шогирдлари айтадиларки





(Аллоҳ уларни раҳмат қилсин): “Эр кишига ярми аёлларга эса ярми вожиб бўлади”.

7. Агар икки гувоҳ бир аёлнинг маҳр мисли ёки ундан кўпроқ эвазига никоҳланганлигига гувоҳлик бериб сўнг қайтишса зиммаларига ҳеч нарса вожиб эмас. Агар маҳри мислидан озига гувоҳ бўлишиб сўнг қайтсалар нуқсонни тўламайдилар.
8. Агар икки гувоҳ бир кишининг бир аёлга маҳри мисли ёки ундан озроқ миқдори эвазига гувоҳ бўлишиб сўнг қайтишса ҳеч нарса тўламайдилар. Агар маҳри мислидан кўп миқдор эвазига уйланганига гувоҳлик бериб сўнгра қайтсалар, ўша маҳри мислидан зиёдани тўлайдилар.
9. Агар бир нарсанинг ўз қиймати ёки кўпроғи эвазига сотилганига гувоҳлик бериб сўнг қайтишса тўламайдилар. Агарда ўз қийматидан озроқ бўлган бўлса нуқсонини тўлайдилар.
10. Агар бир киши аёлига духул қилмоғидан аввал уни талоқ қилганига гувоҳлик бериб сўнг қайтсалар маҳри мислининг ярмини тўлайдилар. Агар духул қилмоғидан кейин қайтсалар ҳеч нарса тўламайдилар.
11. Агар бир киши қулини озод қилганига гувоҳ бўлиб сўнг қайтсалар қулнинг қийматини тўлайдилар.





12. Агарда қасос бўлишга гувоҳлик беришиб сўнг қатлдан кейин қайтсалар тўлиқ дияни тўлайдилар, лекин у гувоҳлардан қасос олинмайди.
13. Агар иккинчи даражали гувоҳлар ўз гувоҳликларидан қайтсалар тўлайдилар.
14. Агар аслий гувоҳлар гувоҳлигидан қайтишса ва биз гувоҳлигимиздан фаръий гувоҳларни гувоҳ қилмаганмиз дейишса зиммаларига тўлов лозим эмас. Агар, уларни гувоҳ қилганмиз ва биз ҳато қилганмиз десалар тўлайдилар, бу Имоми Муҳаммад наздида. Аммо Абу Ханифа ва Абу Юсуф наздларида асллар қайтсалар ҳеч нарса тўламайдилар. Чунки ҳукм фаръийларни шаҳодати билан боқий бўлади.
15. Агар фаръий (иккинчи даражали) гувоҳлар аслий гувоҳлар “Ёлғон айтишди”, - десалар ёки “Хато қилишди”, - десалар уларнинг бу сўзларига қаралмайди.
16. Агар тўрт киши зино бўлганига гувоҳлик беришса ва икки киши эса покизалигига гувоҳлик беришса сўнгра тошбўрон қилингач поклик гувоҳлари қайтсалар тўламайдилар.
17. Агар закот берувчи кимсалар закот берилганидан қайтсалар закотини тўлайдилар.
18. Агар икки гувоҳ қасам ичилганига гувоҳлик беришса ва бошқа иккиси эса қасам гарти






топилганига гувоҳлик бериб сўнг гувоҳликларидан қайтишса тўлов хусусан қасам гувоҳлари зиммасига лозим бўлади.

### Турли масалалар

1. Қози шархи: Жарҳрга кўра гувоҳлик дегани бу устидан даъво тушган кимса гувоҳларга таъна етказади ва бундай дейди: улар фосиқдурлар ёки улар гувоҳликларига ҳақ оладилар, ёллангандурлар деб бунга далил келтиради. Қози унинг далилига қулоқ солмайди ва кўнгил бурмайди. Лекин қози дъво қилинувчининг гувоҳларини маҳфий суриштиради ва зохирода уларни поклайди. Агарда уларнинг гувоҳликларидан олдин одилликлари исбот бўлган бўлса. Нафий (қайтариш)га кўра гувоҳлик мақбулдир, агарда нафий исботи билан бўлса ва бу нарса қазо (ҳукм) остига кирадиган нарсалардан бўлса, худдики масалан: манабу кимса фалончининг меросхўри унинг бундан бошқа меросхўри йўқ ёки унинг бундан бошқа меросхўри борлигини билмаймиз деб гувоҳлик берганларига ўхшаш. Мана бу гувоҳлик қабул қилинади ҳатто унга молнинг барчаси топширилади. Шунингдек бир киши ўзининг қулига айтса: “Агар шу бугун манашу ҳовлига кирмасанг, сен хурсан”, - деса иккита гувоҳ унинг кирмаганлигига гувоҳлик





берссалар гувоҳликлари қабул қилинади ва унинг озодлигига ҳукм қилинмайди. Чунки нафийда шарт топилганига гувоҳлик бериш тингланувчиидир. (*Жавҳарадан*) Ёки нафийга кўра бўлган гувоҳликка қулоқ солинмайди ва у билан ҳукм ҳам қилмайди.

2. Абу Ханифа раҳматуллоҳ ёлғон гувоҳлик берган кимса ҳақида шундай дедилар: Бозорда уни одамларга кўрсатаман, лекин таъзир бермайман. Шогирдлари айтадиларки: уни одамларга кўрсатаман лекин таъзир бермайман. Шогирдлари айтадиларки: уни калтаклаймиз ва қамаб қўямиз.
3. Бир гувоҳ хати (ёзуви)ни кўриб қолган бўлса гувоҳлик бермоқлиги ҳалол бўлмайди магар гувоҳлигини эслатсагина ҳалол бўлади.

## Қозининг одоблари ҳақидаги китоб

### С: Қозиликка кириш жоизми?

Ж: Унга тегишли ишларни адолат билан ўташига ишонган кимса учун қозиликка киришнинг зарари йўқ. Лекин қозиликнинг фарзларини адо қилишга ожизлик қилишдан ёки зулм қилиб қўйишдан ўзига қўрқкан кимса учун қозиликка кириш макруҳdir. қозиликни талаб қилиб олиш ва қозилик вилоятини сўраш кишига лозим бўлмайди. Қози бўлувчи кимсада ақл, балофат, хурлик, ислом ва одилликдан иборат бўлган гувоҳлик шартлари жам



бўлмагунича ва ўша кимса ижтиҳод аҳлидан бўлмагунича қозиликни бошқариши шахиҳ бўлмайди.

**С: Қозиликка қўйилса ўзидан аввал бошлиқ бўлган қози қамаган маҳбуслар хусусида қандай амал қиласди?**

**Ж:** Кимки қозиликка қўйилса унга ундан аввалги қозининг иш юритган девони топширилади ва янги қози маҳбусларниң холини қараб чиқади. Маҳбуслардан қай бириси ҳақни эътироф қиласа тўлашга мажбур қиласди. Кимки ҳақни инкор қиласа, унинг зиддига аввалги тушган қозининг сўзини қабул қиласмиади, магар қабул қиласа ҳам хужжат-далил билан қабул қиласди. Агар хужжат қойим бўлмаса уни қўйиб юборишга шошилмайди, тоинки бозор ва шунга ўхшаш жойларда нидо қилиниб, унинг иши ҳақида зоҳир қилинмагунича. Яна шунингдек омонатлар ва вақфдан келадиган фаллаларни ҳам қараб чиқади ва бунга қойим бўлган хужжат ёки нарса қўлида бўлган кишининг эътирофига қараб ўша бўйича амал қиласди. Бу нарса хусусида четланган қозининг сўзи бўйича амал қиласмиади, магар амал қиласа ҳам нарса қўлида бўлган кимсанинг четланган қози буни унга топширганлигини эътироф қиласагина амал қиласди ва шу нарса хақидаги сўзини қабул қиласди.

**С: Қози бошқарувчилиги кунларида ихтиёр қиласынан балызы сифаттарни баён қилиб беринг?**

**Ж:** Масжидда очиқ күренишида ўтиради ва хадя қабул қилмайды магарам яқын бўлган маҳрам қариндошидан ё қозиликдан олдин хадя олишликка одатланган кимсадангина қабул қиласи. Чақириқларга фақат омма билангина ҳозир бўлади ва жанозага қатнашади ва касални зиёрат қиласи ва хусуматлашувчиларни бири қолиб бирини меҳмон қилмайди, агар иккала хусуматлашувчи ҳозир бўлса ўтиришилик ва юзланишида иккаласини орасини баробар қиласи ва иккаласидан бири билан сирлашмайди ва унга ишора қилмайди ва унга хужжатини айтиб бермайди.

**С: Даъво қилинаётган кишининг зиёнига ҳак собир бўлса қози ҳисобга оладими ?**

**Ж:** Агарда ҳақ собит бўлса ва ҳақ тўловчини ҳибис қилишини талаб қиласа ҳисоб қилинишга муддат белгиламайди ва зиммасидаги нарсани тўлашга буюради. Агар тўлашдан бош тортса қўлида ҳосил бўлган молдан бадали лозим бўлган ҳар бир қарзда ҳибисга олади. Сотилган нарсани пули ва қарзнинг бадалига ўхшаш ва яна кафолат ва муддати белгиланган маҳрга ўхшаш ақд сабабли лозим бўлган қарзларда



ҳам ҳибисга олинади ва ундан бошқа қарзларда “мен фақирман” деса хибсга олинмайди.

**С:** **Мен фақирман деган сўзига суяниб холини очишга уринилмайди?**

**Ж:** Агар тўловчини моли собит бўлса уни икки ой ёки уч ой хибисга олинади. (қўшниларидан) у ҳақида сўралади, натижада моли йўқлиги зоҳир бўлса қўйиб юборилади у билан қарздорлари ораси тўсилмайди.

**С:** **Аёлинин нафақаси ҳақида киши хибисга олинадими?**

**Ж:** Ҳа олинади.

**С:** **Ота боласини қарзида хибисга олинадими?**

**Ж:** Бу ҳолатда хибисга олинмайди, магарам зиммасидаги нафақани инкор қиласа хибисга олинади.

**С:** **Бир бошқармада қозилик ўриниларида аёл киши бошчилик қиласа хукум чиқарса жоизми?**

**Ж:** Ҳар бир нарсада жоиз бўлади магарам хад уриш ва қасос олишда змас.

**С:** **Йўқ одамнинг зиёнига хукм чиқарса бўладими?**

**Ж:** Жоиз бўлмайди, магарам ўрнига турадиган одам ҳозир бўлсагина жоиз.

**С:** **Агар қозига бошқа қозининг хукми олиб борилса уни амалга ошириладими?**



**Ж:** Амалга ошириш жоиз, магарам китоб ва суннатга хилоф чиқса ёки ижмоъга хилоф



чиқса ёки бир сўз бўлса-,ю унга далил йўқ бўлса жоиз эмас.

**С:** Қози қозиликка бирортасини ўрнига қўйса бўладими?

**Ж:** Унга қозилик топширилгандан кейингина жоиз бўлади.

**С:** Хоким отасини, боласини, аёлинни фойдасига қилган хукми нима бўлади?

**Ж:** Бу хукм ботилдир.

### Хукм қилдириш боби

**С:** Икки хусуматлашувчи ўзаро бир кишининг хукм чиқарувчи қилишса ва хукмига рози бўлиши жоизми?

**Ж:** Жоиз бўлади, агарда хукм қилувчи “хоким” сифати билан сифатланган бўлса, кофирни ва қулни ва зиммийни ва тухмат сабабли хад урилган кимсани ва фосиқни ва собий ёш болани хукми жоиз эмас.

**С:** Бир кишининг хукум чиқарувчи қилишса сўнг иккаласидан биттаси ёки иккаласи хукум чиқаришдан қайтишни хоҳлаши жоизми ?

**Ж:** Модомики хукум чиқармаган бўлса жоиз, агар хукм чиқарган бўлса иккаласи ҳам хукмини бажариш лозим бўлади.

**С:** Агар хокимни хукми қозига кўтарилса, уни амалга ошириш жоиз бўладими?





**Ж:** Агар мазхабга мувофиқ бўлса амалга оширади, агар хилоф бўлса бекор қиласди.

**С:** **Хокимлар хужжатларни эшитиб ўч олишга хукум чиқариши жоизми?**

**Ж:** Ҳа, жоиз.

**С:** **Агар бир кишини хукум чиқарувчи қилишса қоннинг хунини тўлашликда қариндошларининг зиммасига ўша тўлашликни хукм қилса ўтадими?**

**Ж:** Йўқ, ўтмайди.

### **Қозини бошқа қозига мактуби**

**С:** **Гоҳида бир қози бошқа бир қозига китоб (хат) жўнатишга муҳтоҷ бўлади. Бу кито (хат) қабул қилинади?**

**Ж:** Хақларда қозининг бошқа бир қозига юборган китоби қабул қилинади агар китобга жўнатилган қози олдида гувоҳ келтирилса. Ҳад урилса ва қасосларда қабул қилинмайди. Агар ҳозир бўлган хусуматлашувчининг зиёнига гувоҳлик беришса гувоҳликка қўра хукм қиласди ва ҳукмнинг ёзиг юборади. Агар хусуматлашувчини йўқ бўлишлиги билан гувоҳлик беришса хукм чиқармайди. Ва хат жўнатилаётган қозига ҳукм чиқариш учун гувоҳликни ёзиг юборади. Ва хатни етказувчи гувоҳларга хатда нима борлигини билишликлари учун ўқиб бериши сўнг муҳрлаб уларга топшириш вожиб бўлади.



**С: Агар жўнатилган хат қозига етиб борса  
хужжатсиз қабул қиласими?**

Ж: Қабул қилмайди магарам икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл гувохлиги билан ва хусуматлашувчини хозир бўлишилиги билан қабул қиласиди. Агар гувоҳлар хатни топширишса муҳрни текширади. Агар гувоҳлар: бу фалон қозининг хати бу бизга ўқиб берди ва муҳрлади сўнг бизга топширди деб гувоҳлик беришса хат жўнатилинган қози уни очади ва хусуматлашувчига ўқиб беради ва хатдаги нарсага уни мажбурлайди.

### Қисмат китоби

**С: Уй-ҳовли ёки ундан бошқа нарсалардаги  
шериклари бўлишиб олишга муҳтоҷ  
бўлсалар ким бўлиб беради?**

Ж: Имомларга ажрсиз одамлар орасида бўлиб бериш учун байтулмодан ризқланадиган бўлувчини тайн қилиш лозим бўлади.

**С: Агар байтулмолдан бўлувчи ризқланадиган  
мол бўлмаса бўлувчи қандай тайнин  
қилинади?**

Ж: Шериклар орасидаги ажрга бўлиб берадиган кимсани тайн қилинади. Бундай вақтда ажр шерикларга юкланади ва бўлувчи одил, ишончли, бўлиширишни биладиган бўлиши вожиб. Ва қози одамларини бир бўлувчига мажбурулаб буюрмайди худди бир ишга кўп бўлувчиларни тек ташлаб қўймаганидек.




## Муртадлар ҳукмларининг баёни

**С:** Мусулмонларнинг баъзиси Ислом динидан қайтиб кетади. (Аллоҳ сақласин) уларнинг ҳукмлари нима бўлади?

**Ж:** Қуидаги ҳукмларни ёдда тутинг:

1. Баъзи одамлар исломдан қайтса уларга исломга қайта киришни таклиф қилинади, бирон шубҳага тушиб қолса, уни ечилади ва уч кун ҳибсда сақланади. Қайтиб исломга кирса қўйиб юборилади. Агар Калима айтиб динга кирмаса, қатл қилинади. (Бу ҳукмлар Ислом давлатида яшаган мусулмонларга хосдир.)
2. У одамни Исломга таклиф қилмасдан аввал бирор одам ҳалок қилиш макруҳdir, лекин унга дият ёки қасос олиш вожиб эмас.
3. Агар аёл киши диндан қайтса, уни қатл қилинмайди, балки Исломга қайтгунча қамоқда сақланади.
4. Муртад бўлган одамнинг мол-мулкини олиб қўйилади, агар исломни қабул қилса қайтиб берилади. Агар муртадлик ҳолда қолса, ёки ўлдирилса мусулмонлик вақтида топган мол-мулкини меросхўрларига берилади ва мусулмонлик вақтидаги қарзларини ўша молидан берилади, муртадлик вақтида топган молини ўлжа ҳисобида давлат омборига олиб қўйилади.
5. Агар муртадлик ҳолатида кофир давлатига қочиб кетса ҳоким уни қочиб кетганлигига





ұукм чиқарғандан сүнг қуллари озод қилиниб, одамлардаги ҳақлари бекор қилиниб, молини ейиш ҳалол бўлади. Мусулмонлик вақтида топган моллари мусулмон меросхўрларига берилади. Мусулмонлик вақтида олган қарzlари берилади, мусулмон ҳолатидаги олган қарзини мусулмон ҳолатида топган молидан беради, муртадлик вақтида олган қарzlарини муртадлик вақтида топган молидан беради.

6. Муртадлик вақтида бирон нарса сотса ёки сотиб олса, ёки бирон нарсага ишлатса у ишларни тўхтатиб қўйилади. Агар исломга қайтса олди-сотди ишлари жоиз. Агар ўлса ёки ўлдирилса ёки кофир давлатига қочиб кетса ҳамма ишларини бекор қилинади.

7. Агар кофир давлатига кетганлиги учун ұукм чиққандан кейин ўз юртига мусулмон бўлиб қайтиб келса, мерос олувчиларнинг қўлидаги бору мол-мулкини қайтиб олади.

8. Муртад бўлган аёл муртадлик вақтида ишлатган нарсаларини кейин яна ишлатиши жоиз.

## Ўз бошимчалик ва золимлик қилувчиilar ҳақида.

C: Бир тоифа одамлар исломдан бош тортиб ўзларича брон шаҳарни эгаллаб олса, улар билан ҳоким қандай муомала қилади?





**Ж:** Ҳоким уларни ўз жамоатига қайтиб келишга чақиради ва шубҳалик ишларини ечиб беради, улар уруш қилмай туриб, уларга уруш бошламайди. Агар улар уруш бошласалар уларни бўлиб ташлагунча уруш қилинади, агар уларни аскари бўлмаса ҳалок қилинмайди ва аёлу-фарзандларини асир қилинмайди, молмулкларини тортиб олиб тақсим қилинмайди.

**С:** **Ҳокимнинг аскарлари уларнинг қуролларини тортиб олган бўлса, ўша қурол билан жанг қилса бўладими?**

**Ж:** Агар мусулмонлар ўша қуролга муҳтоҷ бўлса ишлатиш жоиздир.

**С:** **Ҳоким уларнинг молларини тортиб олган бўлса нима қилади?**

**Ж:** Уларнинг молини вақтинча тўхтатилиб турилади. Уларнинг мол-мулкини тавба қилгунча қайтармай ушлаб турилади, агар тавба қилса қайтариб берилади.

**С:** **Ўша зўравонлик билан босиб олган ерлардан улар ушур ва ҳирожларини олган бўлса, ҳоким у ерларни қайтиб олгандан сўнг яна иккинчи марта ҳарож-ушур оладими?**

**Ж:** Иккинчи марта олмайди. Агар улар ўз ўрнига топширган бўлса, берган одамларнинг зиммасидан ҳисоб бўлади. Агар улар ўз жойига сарф қилмаган бўлса, уларга Аллоҳ билан ўзларининг ўртасидаги ҳақни қайта адо этмоқлик лозим бўлади.





## Қайтариlgан ва мубоҳ нарсалар ҳақидағи боб.

**С:** Қайтариlgан ва мубоҳ ишларнинг маъноси нима?

**Ж:** Қайтариlgан дегани бу: ишларни қилиш мусулмон одамга яхши эмас, мумкин эмас, деган маънони билдиради. Мубоҳнинг маъноси шуки: бир ишни қилиш ёки қилмаслик ўзининг ихтиёридадир, ўша ишни қилса савоб, қилмаса гуноҳкор бўлмайди.

### Кийим кийишлик фасли.

**С:** Эркак ва аёлларга қайси кийимлар ҳалол ва қайсилари ҳаромлигини баён қилинг.

**Ж:** Қуйидаги сўзларимизни ёдлаб олинг:

1. Эркаклар ва аёллар ўзларини кофирлар киядиган кийимларни кийиб уларга ўзларини ўхшатишлик ҳаромдир. Гўёки аёл киши ўзини эркакларга, эркаклар эса ўзини кийимида, муомаласида аёлларга ўхшатгандек.

2. Қимматбаҳо кийимларни ўзига кибру-ҳаво боғлаб мақтаниш учун олиб кийиш ва исроф қилиб ташлаб юбориш ҳаромдир.

3. Ипакдан тўқилган кийимларни кийиш ва тилло тақинчоқ тақиши эркакларга ҳаромдир, лекин аёлларга ҳалолдир.

4. Жанг майдонида ипак ва шойидан тўқилган кийимларни кийиш жоиздир.

5. Орқаси ип билан тўқилган ипакли кийим кийиш эркакларга жоиздир.





6. Эркаклар учун шим, қўйлагини ва бошқа кийимларини ҳам ошифидан тушириб, ўзига кибру-ҳаво боғлаб судраб юриш ҳаромдир.

**С: Ипакдан тўқилган кўрпа-ёстиқларда ўтириш жоизми?**

**Ж:** Имоми Аъзам раҳматуллоҳу алайҳ суюниб ўтирсалар зарари йўқ, дедилар, иккала шогирдлари эса макруҳ дедилар.

### **Олтин-кумушни ишлатмоқликни баёни.**

**С: Олтин ва кумуш ишлатса бўладими?**

**Ж:** Қуйидаги масалаларни ёдда тутинг:

1. Эркакларга олтин ва кумушдан қилинган, ясалган безаклар билан зийнатланмоқлик ҳаромдир, лекин аёлларга жоиздир.

2. Ёш ўғил болаларга ҳам ипакли кийим кийиш ва олтин билан зийнатланиш дуруст эмас.

3. Эркакларга оғирлиги бир мисқолга етмаган кумуш узук тақишлиқ жоиз.

4. Кумуш ва тилло идишларда овқатланиш, суюқлик нарсалар ичиш, баданини ёғлаш, хушбўй нарса сепиш жоиз эмас. Гўё тилладан ясалган қошиқларда овқат ичиш жоиз бўлмагандек. Эр билан аёл бир-бирларига майл ҳосил қилиш учун баъзи аъзоларини сурма билан безаш жоиз эмас.

5. Биллюрдан ясалган шиша идишларда сув ичиш, кумушдан безалган эгарда ўтириб от миниш ва кумушдан безалган курсида ўтириш





жоиздир. Агар соф қумушни ўзидан сақланса, дедилар Имоми Аъзам.

6. Қуръони Каримни олтинни суви билан безаш ва масjidни ҳам тилло суви билан безашни зарари йўқдир.

### **Бегона аёлга қараш ва бадан-қўлини ушлашнинг баёни.**

**С:** Эр киши бегона аёлга қараши мумкинми?

**Ж:** Эр кишида жинсий хоҳишнинг уйғониш ҳавфи бўлмаса, бегона аёлнинг юзига ва кафтига қарашнинг зарари йўқдир. Агар шаҳватдан ўзини тиёлмаса юзига ҳам қараш жоиз эмас. Магар бир ҳожат сабабли юзига қарашнинг зарари йўқдир. Эр киши бегона аёлнинг қўлини, юзини ушлаши жоиз эмас, агар шаҳватдан ҳотиржам бўлсалар ҳам.

**С:** Табибларга аёл кишининг сонидаги ярасини кўриш жоизми?

**Ж:** У табиб фақат сонидаги ярасидан бошқа жойини кўриш мумкин эмас.

**С:** Қандай ҳожат сабабли юзига қараши мумкин?

**Ж:** Ўша аёлнинг кимлигини билиш учун, гувоҳлик берганда ва қози у аёлга ҳукм чиқарадиган вақтида, шаҳват назаридан қўрқса ҳам юзига қарамоқлик жоиздир.

**С:** Эр киши эр кишига, аёл киши аёл кишига қараши жоизми?





**Ж:** Эркаклар бир-бирлариға аврат ҳисобланган жойидан бошқа жойига қараши жоиз, магар киндик билан тиззасини ўртасига қарамоқ жоиз эмас. Шунингдек аёллар ҳам эрлар қандай жойга қарааш мумкин бўлса аёллар ҳам бир-бирига қараши жоиздир.

**С:** **Аёллар маҳрам бўлган эркакларни қайси жойига қараашлари жоиз?**

**Ж:** Эрлар бир-бирлариға қараши жоиз бўлган жойлариға аёллар ҳам маҳрам бўлган эркакларга қараши жоиздир.

**С:** **Эр кишилар ўз аёлларини ёки чўриларининг қайси жойлариға қараашлари жоиз?**

**Ж:** Аёллари ва чўриларининг ҳамма баданлариға қараашлари мумкин. (Лекин бир-бирларининг авратлариға қараашлари яхши эмас, бу аҳлоқсизликдир.)

**С:** **Эр кишилар ўзлариға маҳрам бўлган аёлларининг қайси жойлариға қараашлари жоиз?**

**Ж:** Маҳрам бўлган аёларнинг юзига, бошига, кўкрагига ва ошигини пастки қисмига қараашлари жоиз. Белига, сонига, қорнига қарааш мумкин эмас. қараашлик жоиз бўлган жойларни ушлаш ҳам жоиздир.

**С:** **Эр кишилар бошқаларнинг чўрисини кўриш жоизми?**



**Ж:** Эркаклар ўз маҳрамларининг қайси бир аъзосига қараашлик мумкин бўлганидек



бошқаларнинг чўрисига ҳам қарашилик мумкиндири ва уни сотиб олмоқчи бўлса ўша жойларини ушлаб кўришлик ҳам жоиздир.

**С: Қуллар ўз ҳожаси бўлган аёлга қараши мумкинми?**

**Ж:** Ўзига ҳўжайин бўлган аёлларни баданига қарашилик жоиз эмас. Магар бегона аёлларга қарашилик жоиз бўлган жойларга қараши мумкин юқоридаги шартларга биноан.

**Дон сақлаш ва нарҳ-навони белгилаш баёни.**  
**С: Озиқ-овқатни сақлаб қўйишни ҳукми нима бўлади?**

**Ж:** Қиймат бўлганда сотаман деб, одамлар билан ҳайвонлар ейдиган озуқа ва дон-дунларни сақлаб қўйиш макруҳdir, агар шаҳар аҳолиси зарар кўрса.

**С: Ўзининг еридан чиқиб нобуд бўлаётган фалласини ёки бошқа шаҳардан олиб келган фаллани сақлаш жоизми?**

**Ж:** Буларнинг сақлаш жоиздир.


**С: Подшоҳлар одамларга ўзи хоҳлаган бир нархни қўйиш жоизми?**

**Ж:** Бир хил нарх қўйиб соттирмоқлик подшоҳларга лойиқ эмас, балки одамларнинг ўzlари хоҳлаган нархни қўйиб сотмоқликлари жоиздир.



## **Турли масалалар.**

1. Қуръоннинг ҳар бир ўн оятига бир аломат белги ва нуқта қўйиш ва ичига бошқа ҳарфлар киритиш макруҳdir.
2. Пичилган эр кишини ишлатиш макруҳ.
3. Ҳайвонларни пичиш мумкин.
4. Ҳачир олиш учун отдан эшакни урчиши мумкин.
5. Ҳадя олишда ва руҳсат олишда қуллар билан ёш болаларни сўзини қабул қилиш жоизdir.
6. Муомалада фосиқнинг сўзини ҳам қабул қилинади.
7. Диёнат ишларида фақат одил кишининг сўзи қабул қилинади.
8. Бегона аёлга қарашда пичилган одам билан пичилмаган одамнинг фарқи йўқdir, қараш мумкин эмас.
9. Чўриси билан алоқа қилаётганда ундан руҳсат олмай, фарзандли бўлиб қолмаслик йўлини излаш эр кишининг ўзига ихтиёр берилгандир. Лекин озод аёlinи руҳсатисиз бу ишни қилиш мумкин эмасdir.
10. Одамларнинг орасида фитна бўлиб турган вақтида қурол сотиш мумкин эмасdir.
11. Меванинг сувини ичимлик қилиш учун тайёрлаб қўйган одамдан сотиб олиш мумкиндиr. Агар уни ичимлик сифатида ишлатмаса.



**Фойда:** Агар банданинг зиммасида Аллоҳни буйруғи бўлган ибодатларни адо қилмай вақти ўтиб кетган бўлса, масалан: закот, рўза, ҳаж ибодатларини фарзандларига ўзини маблағидан бериб адо қилмоқликка васият қилиб қўйиш вожибdir, одамларда оласаберасаси бўлса фарзандларига васият қилиб қўйиш лозимdir.

### **Дорул-харбда Исломни қабул қилган одам ҳақидаги фасл.**

**С:** **Дорул-Харб деган сўзнинг маъноси нима?**

**Ж:** Файри Исломий давлатни ва яна Ислом қонуни билан хукм чиқармай яшаган давлатни дорул-харб дейилади.

**С:** **Кофирлардан бир одам дорул-харбда Исломни қабул қилса, мусулмон бўлгани сабабли ўзини химоя қила оладими?**

**Ж:** У Исломни қабул қилган одам ўзини ва кичик фарзандларини, қўлидаги молу-мулкини ва ҳар бир амонатга берган ҳамма нарсасини сақлаб қолишга ҳаққи бордир.

**С:** **Улардан бир одам Исломни қабул қилса, дорул-харбда эри ёки аёли ёки kata ёшдаги фарзандлари бўлса, агар биз уларни устидан ғалаба қилсак ўша мусулмоннинг молу-мулклари ва аҳли аёлларининг устидан нима ҳукм қилинади?**





**Ж:** Қачонки биз коғир давлатига ғалаба қилсақ, унинг ери, аёллари, мол – мулклари ва фарзандларини ҳам ўлжа қилиб олинади ва бир одам ўз қули билан жанг қилиб асир қилса уни ҳам ўлжага қўшилади. Агар улар Исломни қабул қилмаса.

**С:** Бир одам дорул-харбда Исломни қабул қилса. У одамнинг на моли мусулмонни қўлида ёки зиммийни ёки харбийни қўлида мажбуран тортуб олинган бўлса унинг ҳукми нима бўлади?

**Ж:** Агар у одамнинг моли харбийни қўлида тортуб олинган бўлса, ёки омонотга қўйилган бўлса ҳам, ўлжага қўшилади ва яна мусулмонни ёки зиммийни қўлида мажбурлаб олинган мол бўлса Имом Аъзам ўлжа ҳисобига қўшилади дедилар. Аммо шогирди Имом Муҳаммад ўлжага олинмайди дедилар. (уларни Оллоҳ раҳмат қилсин.)

### Ушур ва ҳирож боби.

**С:** Қайси бир ердан ушур ёки ҳирож олиш вожиб бўлади?

**Ж:** Ушрий ерлар бир неча ҳилга бўлинади.

1-Араб ерларининг барчаси ушрийдир. У ерларнинг масофаси Узайр деган жойдан ҳажр деган жойгачадир. У жойлар ҳижозни, Тихомани, Маккани, Тоифни ва Яманни ерлариидир.



2-Қайси бирининг одамлари мусулмон бўлса ушрий деб ҳисоб қилинади.

3-Куч билан қўлга олинган ерларни мусулмонларга бўлиб берилса улардан ушур олинади.

4-Басра шаҳрининг ерлари Абу Юсуфнинг фикрида ушрийдир ва ҳамма саҳобаларнинг фикрлари ҳам ушрийдир.

Хирож олинадиган ерларда ҳам бир неча бўлакдир.

1-Узайбдан ҳаловотгача бўлган Ироқнинг ҳамма ерлари ҳирожийдир.

2-Фазот сабабли олинган ерларнинг барчаси ҳирожийдир, агар у ернинг аҳолиси иқороп қилган бўлса.

3-Бир одам қўрик ерни очган бўлса Имом Абу Юсуф ён атрофига қаралади дедилар. Агар атрофидаги ерлар ушрий бўлса ушур берилади, агар хирожий бўлса хирож олинади дедилар. Имоми Муҳаммад эса ўша янги очилган ер қудуқ ковлаб сувидан ерни суғорса, ёки қудуқ ва булоқларидан сувини чиқариб суғорган бўлса ёки Фурот-Дажла ёки катта дарё суви билан суғорган бўлса у дарёлар эгасиз бўлса буларнинг ҳаммасидан ушр олинади.

Ажамлар ковлаган дарёлар сувидан эшикни суғорган бўлса, Подишоҳлар ковлатган ёки форс подшоҳи ковлатган дарёлардан суғорилган экинларга хирож берилади.



**С:** Ушурни адo қилиш йўлларини кенгроқ тушунтириб беринг ?

**Ж:** Биз закот бобида айтиб ўтдик , сиз ўша бобга қаранг.

**С:** Ҳирожий ерларни баён қилинг.

**Ж:** Ироқ аҳлига Умар разияллоҳу анҳу хар бир яман ерига сув стиб, экин экилган бўлса бир соъ ва бир танга хирож бермоқликни жорий қилди ва яман ерининг ҳурмозоридан беш танга бурмоқликни ва узум боғига ҳурмо боғи туташган бўлса ўн танга хирож берилади, булардан бошқа экинлардан тоқати етгунча хирож олинади.

**С:** Имом баъзи ерга хирож бермоқликни таклиф қилса лекин сўраганини беролмаса нима қиласди?

**Ж:** Ҳолига яраша озроқ беришни таклиф қиласди.

**С:** Ҳирожий ерларни сув босса, ёки сувдан чаиқаб қуриб қолса, ёки экинга бир офат етган бўлса, шундай вақтда хирож олиш соқит бўладими?

**Ж:** Ҳа хирож бериш соқит бўлади.

**С:** Бир одам ерни бўш қўйса яъни, экин экмаса ёки тарбия қилмаса ҳеч нарса ўсмаса шундай сувратда хирожнинг хукми нима бўлади?

**Ж:** У одамнинг бўйнига хирож бериш вожиб бўлади.



**С:** Ҳирожий ернинг эгаси аввал зиммий кофир эди, кейин Исломни қабул қилса ёки бир



**мусулмон одам у зиммийни ҳирожий ерини  
сотиб олса, шундай сувратда ернинг  
вазифаси ўзгарадими?**

- Ж:** Аввал ўша ердан қандай хирож ёки ушур олинган бўлса ўзгармай олинаверади.
- С:** **Хирожий ерлардан чиқсан ҳосилдан ушур ҳам олинадими?**
- Ж:** Иккита вазифани жамланмайди, яъни хирожий ерлардан ушур олинмайди.
- С:** **Хирожий ерлардаги аввалги ҳосилдан бир марта хирож олинса кейинги ҳосилдан ҳам такроран хирож олинадими?**
- Ж:** Қайта такроран хирож олинмайди.

### **Жизя (Налог)лар боби**

- С:** **Жизя (Налог) деб нимани айтамиз?**
- Ж:** Мусулмон юртида яшаб турган зиммийнинг молини ва ўзини талофатдан сақлаш учун олинадиган ҳақдир. У жизя иккига бўлиниади, биринчиси сулҳ яъни иккала томоннинг розилиги билан қўйиладиган тўловдир. Иккинчиси Мусулмонлар кофирларга фолиб бўлса ва у зиммий ўз мулкига эгалигига иқор бўлса, Имом унга жизя қўймоқликни бошлишидир.
- С:** **Имом жизяни қўяди деган сўзимизни тафсили нимадир?**
- Ж:** Имом бойларга, зохири бойга ўхшаган одамларга қирқ саккиз дирхам қўйиб хар ойда



тўрт дирхамдан олиб туради. Энди ўрта хол одамлардан 24 дирха солиб ҳар ойда 2 дирхамдан олиб туради. Фақир зиммийдан эса 12 динор олинади ҳар ойда бир дийнордан тўлаб туради.

**С: Аҳли зиммийлардан жизя олинмайдиганлари ҳам борми?**

Ж: Аёлларидан, ёш болаларидан, кафили бор зиммийдан, ишга яроқсиз фақирлардан, одамларга аралашмайдиган Роҳиблари (диний пешиволари) дан жизя олинмайди.

**С: Ҳамма коғирларни тепасига жизя юқланадими? Ёки улардан баъзилари бундан мустасноми?**

Ж: Аҳли китобларга, Мажусийларга, (ўтга сажда қилувчилар) ва ажамлардан бутга ибодат қилувчиларга жизя қўйилади. Лекин Араблардан бутга ибодат қилувчиларга жизя қўйилмайди гўё муртадларга жизя қўйилмаганидек уларга ҳам жизя қўйилмайди. Албатта бу икки ҳил одамларга фақат исломга қайтишга даъват қилинади, унамаса қиличга рўбарў бўлишга чақирилади.

**С: Зиммий исломга кирса унинг бўйнидаги жизя соқит бўладими?**

Ж: Ҳа, албатта соқит бўлади.

**С: Зиммий икки йилдан буён жизя тўлашга қодир бўлмай икки йиллиги тўпланиб қолса, жизя олишда унга имтиёз бериладими?**

Ж: Ҳа икки йиллик жизяни бир йилини кечиб бир йилга тұлашға қисқартиб қүяди.

**Ғаниматлар ва фай ҳақидағи фасл.**

**С: Фай нима дегани? Ва ғанимат билан файнинг фарқи нима?**

Ж: Икковининг ўртасидаги фарқ шуки: Фазот вақтида коғирларни молу-мулкини күч ва қувват билан енгіб олинган ўлжани “Ғанимат” дейилади. Коғирлардан Фазот қилмай мажбуран қўлга олнган ўлжани “Фай” дейилади. Фиқҳ олимларимиз ўз китобларида файнинг суратларини баён қилди. Масалан, Хирож, Жизя ва Сулх йўли билан ёки сулҳизз тортиб олинган молу-мулкларни фай дейилади. Ҳозир баъзи файнинг суратларини билдингиз, Худо хоҳласа яқинда файнинг бошқа кўринишларини билиб оласиз.

### **Ҳирожу-Жизяни ва файнинг бериладиган ўринлари.**

**С: Ҳирожу-жизя ва файни қандай ўринларга сарф қилинади?**

Ж: Ҳирожу-Жизядан олинган молларни ва хокимлар жамлаган молларни ва ахли ҳарблардан олинган молларни Имомга топширилади, у Имом мусулмонларнинг эхтиёжига топширади ва чегараларни маҳкамлайди, кўпригу-йўллар қуришга сарф

қилади ва мусулмонларнинг қозиларига ва ўша юртнинг аҳли илмларига ўша молдан жиҳодга чиқувчиларнинг болалариға ҳам ўзига ҳам берилади.

**Аҳли зиммийларга тегишли баъзи хукмлар.**

**С: Ислом давлатида яшаб турган  
зиммийларга ҳос бўлган хукмлар борми?**

Ж: Уларнинг ўзларига хос бўлган хукмлар бор, Ислом давлатида яшаб турган файридинлар учун бутҳона ва канисалар қуриб олиш жоиз эмас. Ислом фалаба қилмасдан олдин бузулиб кетган ибодатҳонасини қайта тиклашга Имом руҳсат беради. Имом зиммийларнинг кўриниш хайати ва минадиган маркаби, эгарлари ва бош кийимлари билан ажраб туришга буюради. Яна Зиммийлар от минмайди ва қурол тақмайди ва ушбу ҳукмлар остида яшайдилар.

**С: Зиммий кофир жизя тўлашдан бош тортса,  
ёки мусулмонни халок қилса, ёки  
Пайғамбар алайҳиссаломни ва аҳли  
аёлинни сўкса, ёки муслима аёлни номусига  
тегса, унинг химояси учун берилган ваъда  
бекор қилинадими?**

Ж: Юқорида айтганимиздек уларнинг химояси учун берилган, ваъдаларbekор қилинмайди. Балки улар кофир давлатига қўшилгандагина bekор қилинади ва яна бизлар билан жанг қилаётган ўринда аҳли зиммийлар фалаба қилса уларнинг

химояси учун берилган ваъда бекор қилинганидек.

### Омонлик бериш боби.

С: Кофирлар бизнинг мамлакатимизга ҳимоя ва бошпана сўраб келишга мухтоҷ бўлса ва мусулмонлар ҳам кофир давлатидан ҳимоя ва бошпана сўраб кирсалар, уларга қандай хукм қилишни баён қилинг.

Ж: Фиҳ олимлар қуийдаги масъалаларни сизга кенгроқ қилиб беради.

Уни ёдингизда тутинг.

1. Қачонки бир қанча мусулмонлар кофир давлатига савдо-сотиқ учун киришга омонлик сўраб келган бўлсалар уларнинг молларига ва жонларига азият етказиш учун йўлини тўсиб чиқиш уларга ҳалол эмас. Агар мусулмонлар хиёнат қилиб алдаб, бирон нарсасини олса ва ўша олган нопок молга эгалик қилиб Ислом давлатига олиб келса ҳаммаси уларнинг қўлидан олиб садақа қилиб юборишга буйруқ қилинади.

2. Қачонки Харбий кофирлар омонлик сўраб бизнинг давлатимизга келса бир йил туришга имконияти бўлмаса, унга имом айтади: агар бир йил тўлиқ турсанг сенга жизя қўяман, агар бир йил турса жизя олинади, у зиммийга айланади, энди уни кофир давлатига бир йил тўлмагунча қайтишга руҳсат берилмайди.

3. Агар коғир давлатига қайтиб келса мусулмоннинг олдидағи омонатни ташласа ёки зиммийни олдидағи омонатни бир мусулмон ташласа, ёки бўйнидаги қарзини адо қилмаса, бас дорул-харбга қайтиши билан унинг қони мубоҳликка айланади ва Ислом давлатидаги унинг моли-мулки тўхтатилиб қўйилади.
4. Агар уни асирга олинса ёки уларнинг давлатига ғалаба қилинса, бас уни ҳалок қилинса унинг қарзлари бўйнидан соқит бўлади. Унинг омонат қўйган моллари файға айланади, агар уни ҳалок қилинган бўлса, ўз ҳовлисида топилмаса, бас қарзлари, хақлари ва омонатга қўйган нарсалари ўзининг мерос олувчиларига берилади, валлоҳу аълам.

### **Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**

Азиз бродарлар! Аввалам бор мерос илмини ҳамма одамлар яхши билиб олиш зарур бўлган илмдандир. Афсуски кейинги вақтларда шу мерос илмига эътибор бермаганлиги сабабли ота-оналар оламдан ўтгандан кейин фарзандлари мерос талашиб, бири-бириларидан жудо бўлиб кетпятилар. Аслида ота-оналар ўзлари тирик вақтларида фарзандларини жамлаб бир мерос илмини билувчи аҳли илимни олиб келиб фарзандининг ҳаммаларига ўз улуш насибасини тақсимлаб берсалар яхши бўлар эди.

## Китобул фароиз.



С: Фароиз нима?

Ж: Фароиз, аслида мажбурият маъносини англатувчи “фарз” сўзининг кўплигидир. Бу ўринда Оллоҳнинг бандаларини зиммасига юклаб, ижросига қатъий амр қилиб, шаръий узрсиз тарк этганларни фосиқ-итоатсиз деб, эълон қилган-Илоҳий фармонлар мажмуасидир. Фуқаҳолар урфида ушбу калимани Оллоҳ Ўз Каломида ўлган киши қолдирган мулкдан мерос оладиган эркак ва аёл бўлган ворислар учун Оллоҳ белгилаб қўйган улушни ўлчовларга нисбатан ишлатилса фароиз илми дейдилар. Оллоҳ таоло Ўз Каломида: “Оллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилди”. “Нисо” сурасининг 7-13 ояллари: “Эркаклар учун ота-оналар ва қариндош-урувлари қолдириб кетган нарсадан-меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-урувлари қолдириб кетган нарсадан-меросдан улуш бордир. Бу улушлар оз-кўплигидан (*қатъий назар*) фарз қилинган ҳақлардандир. (*Мерос*) тақсимида (*узоқ*) қариндошлар, етим ва мискинлар ҳам ҳозир бўлсалар, уларни ҳам шу (*меросдан*) баҳраманд қилиб, уларга



**яхши сўзлар айтинглар.** (Бировнинг ўлимига ҳозир бўлган) кишиларнинг ўзлари ожиз-  
нотавон фарзандларини қолдириб вафот  
қилиб кетсалар, улардан хавотир  
олганлари каби (ўзгаларнинг етимлари  
ҳаққидан ҳам) қўрқсинлар. Бас, Оллоҳдан  
қўрқиб (ўлим олдидаги кишига) ҳақ сўзни  
айтсинлар!”

Изоҳ: Бу оят ўлим соатлари яқинлашиб қолган  
пайтида топган мол-мулкини фарзандларига  
қолдирмасдан бегоналарга хайр-эҳсон қилиб  
юборишини ёки Шаръан мерос олиш ҳуқуқи  
бўлмаган кимсаларга васият қилиб кетишни  
мўлжаллаган кишиларнинг бундай номаъкул  
ниятларидан хабардор бўлиб қолган одамлар  
ҳақида нозил қилинган бўлиб, уларга  
етимларнинг ҳақларидан қўрқиши ва ўлим  
олдидаги кишига тўғри сўзларни айтиб, уни бу  
адолатсиз ишдан қайтариш буюрилади! Оллоҳ  
айтади: “Етимларнинг молларини зулм  
йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-  
шубҳасиз, қоринларига оловни еган  
бўлурлар. Ва албатта дўзаҳга киражаклар!”  
“Оллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос)  
ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши  
баробарида мерос беришни амр қилур. Агар  
(мерос ўхрлар) иккidan ортиқ қиз бўлса,  
уларга (ота –она) қолдирган нарсанинг  
учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга

(мероснинг) **ярми тегур.** Агар (марҳумнинг)  
фарзанди (ва ота –онаси қолган) бўлса,  
қолдирган меросидан ота-онасининг ҳар  
бирига олтидан бири тегур (қолгани  
фарзандига қолур). Энди агар фарзанди  
бўлмай, фақат ота- онаси унга меросхўр  
бўлса, у ҳолда онасига учдан бир тегур  
(қолгани отасига қолади). Агар унинг ака-  
укалари бўлса, онасига олтидан бир тегур.  
(Қолган қисми отасига тегади, зеро,  
марҳумнинг ака-укаларини едириб-кйидиши ва  
уйлаб-жойлаш отанинг зиммасидадир. Бу  
тақсимотлар хотинларингиз) қилган васият  
ва қарзлари адo этилганидан кейин бўлур.  
Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг  
қайси бирлари сизлар учун фойдаси  
**тегувчироқ эканини билмайсизлар.**  
(Бинобарин, ўзингизга қолса, мерос,  
тақсимотини ҳамadolat билан ҳал қила  
олмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос  
тегиши) Оллоҳ томонидан қатъий фарз  
қилиб қўйилди. Албатта Оллоҳ билим ва  
ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. Сизларга  
хотинларингиз қолдирган меросдан – агар  
улардан фарзанд қолмаган бўлса – ярми  
тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари  
қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан  
тўртдан бири тегур. (Бу тақсимотлар  
хотинларингиз) қилган васият ва қарзлари

адо этилгандан кейин бўлур. Уларга (*хотинларингизга*) сизлар қолдирган меросдан – агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса – тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири тегур. (*Бу тақсимотлар*) сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо қилгандан кейин бўлур. Агар мероси қолаётган сўққабош эркак ёки аёлнинг на ота-онаси ва на боласи бўлмай, (*она томонидан*) бир aka ёки укаси ёхуд бир опа ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар. (*Бу тақсимотлар меросчўрларга*) зарар етказмайдиган ҳолда қилинганинг васият ва қарзлар адо қилингандан кейин бўлур. (*Бу ҳукмлар*) Оллоҳ томонидан бўлган амр-фармондир. Оллоҳ Билгувчи ва ҳалимдир. Мана шу Оллоҳнинг (*белгилаб қўйган*) ҳадлариридир. Ким Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этса, (*Оллоҳ*) уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий (*ҳаёт баҳи этар*) ва бу буюк саодатдир. Ким Оллоҳ ва Унинг Пайҳамбарига итоатсизлик қилиб



**Оллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қиласа, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир”.**

**С: Мерос қай тариқа тақсимланади?**

**Ж:** Уламоларнинг таъкидлашича майит қолдирган мулкда тўрт турли ҳақ бор.

1. Майитнинг меросга айланган мулкидан ўша майитни ювиш, кафанлаш, гўр (лаҳад) кавлаш ва дағн этиш каби чиқимларга сарфланади.
2. Майит зиммасидаги қарзлар адо этилади.
3. Қолган мулкнинг учдан бир қисми билан майит айтган васият амалга оширилади.
4. Ушбу уч турли ҳақларни адо этилгандан кейин қолган мулкни Қуръон ҳукми ва Расулуллоҳнинг суннати андозасига биноан ворисларга тақсимланади.

Шариат назарида мерос оловчи ворислар 10 тоифа бўладилар. Мероснинг улушлари Қуръони Каримда баён қилинган ворисларга тақсимлашдан бошланади. Улар улушларини олгандан кейин ошиб қолган молни ёки ушбу улуш эгалари бўлмасагина ҳамма мерос мулкни оладиган “асаба” қариндошларга тақсимланади. Агар асаба қариндошлари бўлмаса, ошган молни улуш эгаларига қайта тақсимланади. Агар майитнинг Қуръонда зикр этилган улуш соҳиблари ҳам, асаба қариндошлари ҳам бўлмаса бу ҳолатда “улуш





арҳам” (яъни, улушлари белгиланмаган ва асаба қариндошлари синфига ҳам кирмаган узоқ қариндошлар)га тақсимланади.

**С:** Майитнинг мулкидан мерос оладиган эркак меросхўрлар кимлар?

**Ж:** Майит мулкидан 10 тоифа эркак киши мерос олади. Улар: 1) ўғли; 2) ўғлининг ўғли ва ўғилнинг невараси; 3) ота ва онанинг онаси; 4) ака-ука; 5) ака-уканинг ўғли; 6) амаки; 7) амакининг ўғли; 8) эр; 9) озод қилган киши;

**С:** Мерос оловчи аёллар неча тоифа бўлади ва улар кимлар?

**Ж:** Мерос оловчи аёллар етти тоифа бўлади. Улар: 1) майитнинг қизи; 2) ўғлининг қизи; 3) онаси; 4) момалари; 5) опа-синглиси; 6) хотини; 7) озод қилган саййидаси.

**С:** Қайси холатлар ворисни меросдан маҳрум қиласди?

**Ж:** Тўрт турли ҳолат меросхўрни меросдан маҳрум қиласди:

- I. Қотиллик; (ота-онасини мерос олиш учун ўлдириш.)
- II. Диний тафовут;
- III. Юртлар тафовути;
- IV. Қуллик;  
Демак,  
I. Диндан қайтган муртад (динсиз) ва қул ҳеч кимдан мерос олмайди;





- II. Қотил ўзи ўлдирган қариндошидан мерос олмайди;
- III. Кофир мусулмондан, мусулмон кофирандан мерос олмайди;
- IV. Бири ислом юртида, бири куфр мамлакатида яшаётган кофирылар бир-бирларидан мерос олмайди;

**С: Оллоҳнинг китобида белгилаб, баён қилиб қўйилган улушлар миқдори қанчадан иборат?**

**Ж:** Улар олтита:

- 1. Ярим улуш олади;
- 2. Тўртдан бир улуш олади;
- 3. Саккиздан бир улуш олади;
- 4. Учдан икки улуш олади;
- 5. Учдан бир улуш олади;
- 6. Олтидан бир улуш олади;

**С: Майитнинг мулкидан teng ярмига ҳақдор бўладиган меросхўрлар кимлар?**

**Ж:** Мерос мулкининг teng ярмига ҳақдор бўлган меросхўрлар ҳолатлар тақазосига биноан қўйидаги меросхўрлардир:

- 1. Майитнинг қизи;
- 2. Майитнинг қизи бўлмаган тақдирда ўғлининг қизи;
- 3. Ота бир ва она бир опа синглиси;
- 4. Бундай опа-синглиси бўлмагандан ота бир опа-синглиси;





5. Ўлган аёлнинг боласи ёки ўлган аёлнинг шу эридан ёки бошқа эридан бўлган ўғлининг боласи ва неваралари бўлмаганда, эри мероснинг тенг ярмига ҳақдор бўлади. Шунингдек аёл ҳам ярим улушга ҳақдор бўла олади. Ўлган эрининг боласи ва шу аёлдан ёки бошқа аёлдан бўлган ўғлининг боласи бўлмаганда. Аммо, майитнинг аёллари биттадан ошиқ бўлса, уларнинг ҳар бири тўртдан бирдан зиёда мерос ололмайди;

**С: Мероснинг тўртдан бирига ҳақдор бўлган меросхўрлар кимлар?**

**Ж:** 1) эр қачонки, ўлган аёлнинг боласи бўлса ёки шу эридан ёки бошқа эридан бўлган ўғлининг боласи бўлса. 2) аёл қачонки ўлган эрининг боласи ва ўша аёлдан ёки бошқа аёлдан бўлган ўғлининг боласи бўлмаса. Аёллар биттадан кўп бўлса, уларнинг ҳар бири тўртдан бирдан зиёда мерос ололмайди.


**С: Мероснинг саккиздан бир улушкига кимлар ҳақдор бўлади?**

**Ж:** Майитнинг боласи ёки ўғлининг боласи бўлса аёли саккиздан бирини олади. Аёли биттадан ошиқ бўлганда ҳам у аёллари саккиздан бирдан ортиқ улуш ололмайдилар.

**С: Мероснинг учдан икки улушкига кимлар ҳақдор?**



**Ж:** Майитнинг ўғли бўлмай икки ёки ундан ортиқ қизлари бўлса. Ўша қизлар учдан икки улушкига



эга бўладилар. Шунингдек, майитнинг ўз болалари ва ўғлининг ўғли бўлмаганда, ўғлининг икки ёки ундан ортиқ қизлари учдан икки ҳисса улушга ҳақдор бўлади. Яна учдан икки ҳисса улуш олади, майитнинг ўғил-қизи бўлмаса. Майитнинг ота бир ва она бир ёки фақат ота бир икки ёки ундан ортиқ сингиллари бўлса ўшалар ҳам учдан икки ҳисса улуш оладилар. Шунингдек, майитнинг ота-онаси бўлиб, ўзининг ўғил-қизи бўлмаса, ота учдан икки ҳисса улушга ҳақли бўлади.

**С: Мероснинг учдан бир улушкига ҳақдор кишилар кимлар?**

**Ж:** Мероснинг учдан бир улушкига ҳақдор бўлади. Қачонки майитнинг боласи ўғлининг боласи, иккidan ортиқ ака-ука ва опа-синглиси бўлмаса. Ўлган онанинг иккidan ортиқ болалари, ўғлининг боласи, отаси ва бобоси бўлмаса. Шуларнинг ҳаммаси меросни учдан бирига ҳақдор бўлади.

**С: Мероснинг олтидан бирига кимлар ҳақдор бўлади?**

**Ж:** Мероснинг олтидан бир улушкига, майитнинг боласи ёки ўғлининг боласи ва неваралари бўлганда, ота-оналари ҳақдор бўладилар. Шунингдек она ҳақдор бўлади, майитнинг қайси томондан бўлса ҳам иккidan ортиқ опа-синглиси ва ака-укаси бўлганда, Бобо ва Момолар ҳам олтидан бир улушкига ҳақдор





бўладилар. Ва яна майитнинг қизи билан ўғлини фақат қизлари бўлса, булар ҳам олтидан бирига ҳақдор бўладилар.

**С:** **Баъзи қариндошлар сабабли баъзи қариндошларнинг меросдан бўлган улуши соқит бўладими?**

**Ж:** ҳа, соқит бўлади, бунинг тафсилоти қуидагича:

- I.       Она сабабли момоларнинг ҳаққи соқит бўлади;
- II.      Ота сабабли бобо, ака-ука, опасингилларининг ҳақлари соқит бўлади (яъни, меросдан маҳрум бўлади).
- III.     Майитнинг боласи, ўғлининг боласи, отаси ва бобоси сабабли, онасининг боласи меросдан маҳрум бўлади ва ҳаказо...

### **Асабалар боби.**

**С:** **Асаба қариндошлар деб, кимларни айтилади?**

**Ж:** Асаба қариндошлар деб – улуш эгаларидан қолган қолдиқ молни, улар мерос оловчилар бўлмаганда ҳамма мерос молни оладиган қариндошлардир. Улар қуидагилар:

1.      Асабалар энг яқини – майитнинг ўғиллари;
2.      Уларнинг ўғиллари яъни майитнинг набиралари;
3.      Отаси;
4.      Бобоси;





5. Отанинг ўғиллари;
6. Амакилар ва ҳаказолар...

### Тўсиш боби.

**С:** ҳажб – тўсиш. У қандай амалиёт?

**Ж:** ҳажбнинг луғавий маъноси – тўсмоқ, маҳрум қилмоқдир. Фуқаҳолар истилоҳида эса баъзи меросхўрларнинг мерос олишдан бутунлай маҳрум қилинишига ёки улуш миқдорини камайтириб юборилишига айтилади.

*Масалан:* Майитнинг боласи, ўғлининг боласи, невара, чевараси бўлса, ёки қайси томондан бўлса ҳам икки ака-укаси ёки опа-синглиси бўлса, майитнинг онаси оладиган учдан бир улушни, олтидан бирга тушуриб камайтириб қўйилади. Майитнинг аёлини боласи бўлса, эри оладиган teng ярим улушни тўртдан бирга тушуриб, камайтириб қўйилади. Шунингдек, ўлган эрининг боласи бўлса аёлининг тўртдан бир улушкини, саккиздан бирига камайтириб қўяди ва ҳаказо...

### Рад этиш боби.

**С:** Мерос тақсимоти пайтида учрайдиган “рад этиш”, масаласи қандай амалиёт?

**Ж:** Рад этиш, қайтариш масаласи – мерос мулки улушлари Қуръонда белгилаб қўйилган қариндошларга тақсимланганда ошиб қолган “қолдиқ” мулкни оладиган – асаба





қариндошлар бўлмаса, яна қайтадан “улуш эгаларига” тақсимлашни “қайтариш” дейилади.

**Фойда:** Улуш эгаларидан ошиб қолган “қолдиқ” мулкни фақат насаб жиҳатидан бўлган қариндошларга қайта тақсимланади. Никоҳ сабабли бўлган қариндошларга берилмайди.

### Қариндошлар

**С:** Майитдан қолган улушларни миқдори Қуръонда зикр этилган ва булардан ошган қолдиқ меросни оладиган асабалари бўлмаган ҳолатда меросни оладиган қариндошлари кимлардир?

**Ж:** Бу қариндошлар 10 тоифа бўлиб, жумладан қуийдагилардир:

- 1 – Майитни қизининг боласи.
- 2 – Опа – сингилларининг боласи.
- 3 – Ака – укаларининг қизи.
- 4 – Амакисининг қизи.
- 5 – Тофаси.
- 6 – Холаси.
- 7 – Онасининг отаси.
- 8 – Онасининг амакиси.
- 9 – Аммаси.
- 10 – Она бир аканинг боласи.

**Танбех:** Яқинроқ қариндошлари узоқроқ қариндошларидан аълороқдир.





## Турли масалалар

Икки ҳолатда онага, қолган мероснинг учдан бир улуши тегади. *Биринчи*: бир аёлнинг, эри ва ота – онаси қолган бўлса, эри мероснинг ярмини олади. Қолганини ота – онаси учга бўлиб, учдан бирини она олади. Учдан иккиси отага тегади. *Иккинчи*: Бир киши ўлса, ундан аёли ва ота – онаси қолса, аёлига тўртдан бири. Ота – онасига, қолган меросни учга бўлиб, учдан бири онага, учдан икни улуши отага тегади.

1) Бир киши ўлса, меросхўр бўлиб амакисининг икки ўғли қолса. У икковининг бири онаси бир ака бўлса. Бу ҳолатда акага олтидан бири. Қолгани икковининг ўртасида тенг ярмидан бўлинади.

2) Бир аёл ўлса, унинг эри, онаси, момаси, она бир ака – укаси ва она бир, ота бир ака – укаси қолган бўлса, бу ҳолатда эрига ярими, онасига олтидан бир, онасининг болаларига учдан бир улуш тегади. Ота бир, она бир ака – укаларга ҳеч нарса тегмайди.

## Оталар

**С:** Қуръони Каримда оталар учун неча ҳолат мавжуддир?

**Ж:** Оталар учун уч ҳолат мавжуддир.

1 - Фарзи мутлақ: Яъни, Қуръони Каримда зикр қилинган олтидан бир улушни оладидедик. Бу, маййитнинг ўғли деб, ўғлининг ўғли ва чеваралари бўлганда олтидан бир олади.





- 2 – Фарз ва таъсиб: Яъни, ҳам фарз улушкини ҳам асаба улушкини олган одамга айтилади, маййитнинг қизи, ёки, ўғлининг қизи (қанча паст бўлса ҳам) олтидан бир олади
- 3 – Маҳз таъсиб: Яъни, Маййитнинг боласи, ўғлининг боласи (қанча паст бўлса ҳам) йўқ бўлса. (Яъни, маййит бефарзанд бўлса онасига учдан бир тегади) отага қолган учдан иккиси асаба ҳисоби билан тегади.

### **Оналар**

**С: Маййитнинг онаси меросдан қанча улуш олади?**


**Ж:** 1) Маййитнинг боласи ёки ўғлининг боласи (қанча паст бўлса ҳам) бўлганда олтидан бир улуш олади.

2) Маййитнинг икки ва иккidan ортиқ ака – ука ва опа сингиллари бўлганда ҳам олтидан бир улуш олади.

3) Маййитнинг боласи ёки ўғлининг боласи ва икки ва ундан ортиқ ака – ука ва опа – сингиллари йўқ ҳолатда она ҳамма мероснинг учдан бирини олади.

### **Онанинг болалари**

**С: Ўлган аёлнинг болалари кимлар ва меросдан улушлари қанча?**



**Ж:** Ўлган аёлнинг бир ёки бир неча эридан бўлган болалари (яъни, ўғли – қизлари) мерос



тақсимотида ва тақсимотдан тегадиган улушда ҳаммалари баробардирлар.

Ўлган аёлнинг ўғил – қизлари учун уч ҳолат мавжуд.

- 1 – Ўлган аёлнинг боласи битта бўлса, мероснинг олтидан бири тегади.
- 2 – Агар она бир ака – ука ва опа – сингиллар биттадан ортиқ бўлсалар мероснинг учдан бирида teng шерикдирлар.
- 3 – Ўлган кишининг боласи, ўғлиниң боласи (қанча пастласа ҳам) отаси ва бобоси борлигида онасининг болаларига мерос олиш соқит бўлади.

### Эрлар

**С: Эрнинг меросдан улуси қанча?**

**Ж:** Ўлган аёлнинг эри учун икки ҳолат бор.

- 1 – Ўлган аёлнинг боласи ва ўғлиниң боласи бўлмаса. Эри иккidan бир олади. Агар боласи бўлса эр тўртдан бир улуш олади. Ўлган аёлни қолдирган балалар ҳоҳ шу эридан бўлсин, хоҳ бошқа эридан бўлсин, эр шу улушни олаверади.

### Аёллар фасли

**С: Эри ўлган аёл эрининг меросидан қанча улуш олади?**

**Ж:** Эри ўлган аёлнинг боласи ёки ўғлиниң боласи бўлмаса, аёл меросдан тўртдан бирига ҳақдор бўлади. Агар боласи бўлса саккиздан бир қисм





олади. Бу ҳолатда бир қисм ўғли учун, икки қисм қизга улуш учун деб берилади.

### **Сулбий қизлар**

**С:** Сулбий қизлар кимлар ва улурнинг улуш миқдори қанча?

**Ж:** Сулбий қиз деган сўзнинг маъноси эр – Кишининг ўз пушти камаридан бўлган қизи. Бу қизлар учун уч хил ҳолат мавжуддир.

- 1 – Агар қиз битта бўлса, иккидан бир улуш олади.
- 2 – Икки ёки иккидан ортиқ бўлса учдан икки улуш олади.
- 3 – Қизнинг ака – укаси бўлса, ўғил бола икки, қизнинг насибасига тенг улуш олади.

### **Ота бир ва она бир опа – сингиллар**

**С:** Булар учун меросдан неча ҳолат бордир?

**Ж:** Булар учун беш хил ҳолат мавжуддир.

- 1 – Маййитнинг фақат битта опаси ёки синглиси бўлса у мероснинг иккидан бир улушкини олади.
- 2 – Агар икки ёки ундан ортиқ бўлса учдан икки улушкини оладилар.
- 3 – Агар опа – сингилларнинг ака – укалари бўлса, бу ҳолатда опа – сингиллар асабага айланиб (учдан икки улушкини) оладилар. Агар Маййитнинг опа – сингиллари аралаш ўғил – қиз, ака – укалари бўлса. Бу ҳолатда ҳар бир ўғилга икки қиз боланинг насибаси тегади.





Маййитнинг невара қизи ва опа – сингиллари бўлганда ҳам худди шундай тақсимланади.

- 4 - Маййитнинг ўз қизи ёки ўғлининг қизи бўса, бу ҳолатда маййитнинг опа – сингиллари, қизлари ортиб қолган меросни асаба бўлиб оладилар.
- 5 – Маййитнинг ўғли, ўғлининг ўғли (қанча паст бўлса ҳам) отаси ва бобоси бўлса, бу ҳолатда опа – сингиллар меросдан маҳрум бўладилар. Агар маййитнинг боласи бўлмай фақат битта опаси ёки синглиси бўлса, бу ҳолатда унга мероснинг ярми тегади.

### **Ота бир опа – сингиллар**

**С: Бундай опа – сингиллар меросдан қай тариқа улуш оладилар?**

**Ж:** Бундай опа – сингиллар, туғишган опа – сингиллар бўлмагандаги етти ҳолатда улуш оладилар.

- 1 – Агар маййитнинг ота бир опа – сингиллари бўлса, мероснинг иккidan бир улушкини олади. Агар икки ёки иккidan ортиқ бўлса, бу ҳолда учдан бирини олади.
- 2 – Агар туғушган бир опа – сингил бўлса, (ота бир опа - сингиллар) нечта бўлса ҳам, олтидан бир улуш олади. Бу учдан иккисини тўлдириш учундир.
- 3 – Агар опа – сингиллар икки ёки ундан ортиқ бўлсалар (ота бир опа - сингиллар) мерос олмайдилар.





4 – Агар ота бир опа – сингиллар билан ака – укалари ҳам бўлса, (ота бир сингиллар) асабага айланадилар. Оллоҳ билгувчироқдир. Қолганини Фароиз китобидан билиб оласиз!



## МАЗҲАБ

**С:** **Мазҳаб нима?**

**Ж:** Мазҳаб масаласи кейинги йилларда кишилар оғзидан тушмасдан, кўпчилик толиби илмлар, аҳли ибодатлар ўртасида айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани сир эмас. Бизлар мазҳаб масаласи ҳақида аждодларимиздан давомли равишда, асрлар давомида ўрганиб, одатланиб келган йўлимиз нақадар қуръону ҳадисга мувофиқ эканини билганимиз учун изоҳ берамиз. Кишиларнинг мазҳабга беътиборлиги – уларнинг мазҳаб ўзи нима, асосчилари ким эканлигини билмаганликларидандир, яъни жаҳолатдандир.

Дини Ислом – Оллоҳнинг комил ва сўнгги динидир.

У бизга, бутун инсониятга то қиёматгача ўзгармай амал қилиш учун юборилган динидир. У маълум бир минтақадаги бир миллат ёхуд бир қавмга бир муддат амал қилиш учун юборилган дин эмас. Динимизнинг буюклиги, унинг бошқа динлардан фарқи ҳам мана шундадир.

Демак, ана шундай улуф ва бутун Оламни қамраб оладиган Аллоҳнинг сўнгги ва баркамол дини – Дини Исломнинг қабул қилган кишиларнинг қавмлари ҳам, тиллари ҳам, замонлари ҳам, маконлари ҳам хилма-хиллигидан келиб чиқиб, бу ерларга динни етказиб келган кишиларнинг таълимотларига асосан диний амалларини адо-

этарканлар, ана шу амаллардан бир минтақадаги мусулмонларнинг амаллари айрим масълаларда бошқа минтақадаги мусулмонларнинг амалларидан фарқли бўлиб қолиши мумкин. Ва бу нарса динимизнинг кенглиги, Аллоҳ таолонинг Сиз ва бизга берган катта неъматларидан биридир. Чунки Дини Ислом Оламга ёйилиши билан, бутун оламдаги кишиларнинг амал қилиши учун ҳар томонлама мос, сенгил, осон равишда бўлишини Аллоҳнинг ўзи таъминлаган ва бунга сабаб қилиб жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сизга бизга динни етказиб келган уламоларимизнинг дунёнинг ҳар тарафида пайдо бўлишини Аллоҳ таолонинг Ўзи хоҳлаган экани, бу ҳар бирмиз учун яхшиликдир.

**С:** **Мазҳаблар хилма-хиллиги ҳақида улар орасидаги баъзи ихтилофлар ҳақида ҳархил фикрлар билдирадиган кишилар бор. Баъзилар: “қуръон битта бўлса, динимиз бир, шариатимиз бир бўлса, нега 4 та мазҳаб бўлиши керак?” – деб айтадилар. Умуман, мазҳаб бўлиши шартми? Кишининг муайян мазҳабда бўлиши ҳам шартми?**

**Ж:** Бу саволларга биз Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадислари билан жавоб берамиз. Жаноби Расулуллоҳ айтадилар: “ҳар



бир ибодатингизда аввало Аллоҳнинг китоби – Каломуллоҳга мурожаат қиласизлар, Унда нима дейилган бўлса-шунга амал қиласизлар, агар қуръонда бирон масаланинг жавобини тополмасангиз, у ҳолда Мендан қолган, Мендан ўтган суннатга мурожаат қиласизлар, менинг ҳадисларимга амал қиласизлар, агар ҳадисларимдан ҳам тополмасангиз , у ҳолда саҳобаларимнинг айтган гапларига эргашасиз. Чунки саҳобаларим осмондаги йўлчи юлдузларга ўхшайдилар. Манзилатлари шу қадар буюқdir, уларнинг қайси бирига эргашсангиз, ҳидоят йўлига етаклаб кета оладилар. Саҳобаларим ўртасида халма-хил масалалар айтилиши ҳам Сизлар учун аллоҳнинг марҳаматидандир”.

Мана шу ҳадисдан жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳивасаллам ўзларидан кейинги саҳобалар орасида айrim масалаларда ихтилофлар бўлиши эҳтимолини баён қилдилар. қайси саҳобага эргашсангиз адашмайсиз, бирини ҳақ, иккинчисини ноҳақ, дейишга ҳаққингиз йўқ, деб марҳамат қилдилар. Бу динимизнинг кенглигидан далолатдир.

Жаноб Расуллуоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни бир дақиқа бўлса ҳам иймон билан кўриб қолган киши Саҳоба дейилади.



Пайғамбаримизнинг Саҳобалари 124 минг нафар бўлган экан. Саҳобаларнинг манзилатлари шу қадар буюкки, Аллоҳнинг дўсти бўлган мингта авлиё, бир саҳобага мартабада тенг келолмас экан. Чунки, улар Расулуллоҳга замондош бўлиб, Саодат асрида яшаган, Дини Исломни бутун оламга тарқатишида Расулуллоҳга кўмакдош бўлган кишилардир. Ўша саҳобалар Жаноб Расулуллоҳнинг сўzlаридан ва ҳаётларидан хилма-хил ҳадислар ривоят қиласидарки, айрим пайтларда бир ҳадис иккинчисига зоҳирда тескари келиб қолиши ҳам мумкин. Бу табиий, албатта. Биримиз бир саҳобанинг иккинчимиз бошқа саҳобанинг ҳадисини олар эканмиз, гарчи масалада икки хиллик турса ҳам ҳар икки тараф ҳидоятда, тўғри йўлда деб эътиқод қилинади. Мазҳабларнинг ўртасидаги ихтилофли масалалар мана шу ердан келиб чиқади. Демак, саҳобалар ўртасидаги ихтилофлардан мазҳаблар ўртасидаги ихтилофлар келиб чиқади.

**С:** *Бас, шундай экан, умуман мазҳабга бўлинмай, тўғри қуръону, ҳадисдан фойдаланиб динимизга амал килаверсак бўлмайдими?*

**Ж:** Аллоҳ таолонинг каломи бўлган қуръон ва жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўzlари, суннатлари ва



ҳадислари инсоният учун руҳий озуқадир. Беморни дори билан даволаганидек, кишини руҳоний ҳасталик – динсизликдан, нодонликдан, жаҳолатдан даволайдиган шифо жаноб Расулуллоҳнинг ҳадисларидир. Демак, Пайғамбар алайҳис саломнинг айтган гаплари гўё дорилардир. Бизларга бу дори – ҳадисларни етказган муқаддас олимлар дорихона эгаларидир. Улар ўша дориларни кетма – кет кўрсатиб, китобларга битиб қўйдилар. Энг улуғ, энг шифобаҳш дори – руҳнинг дориси бўлган ўша ҳадисларни ўз ўрнида ишлата билишса – ҳар ким ҳам уддалайверадиган осон иш эмас. Маълумки, инсон ҳасталанса, гарчи саводхон бўлса ҳам, дорихонадан ўзи дори танлай олмайди ва табибга мурожаат қиласди. Шунинг учун ҳам бизлар агар ҳадисларни руҳни шифоловчи дорилар деб билсак, мазҳаб имомларини доришунос табиблар деб биламиз. Сиз билан биз ўша табибларни гапларига қулоқ солсак, доридан тўғри фойдалана оламиз. Ва бу бизнинг нажотга боришимиз, охират диёрида ҳам баҳтлибўлишимиз учун бир таъминот бўлади, иншооллоҳ.

- С: Демак, мазҳаб бошлиқлари (Аллоҳ барчаларини раҳмат қилсин) бизлар учун ўша табиблар ўрнидаги кишилардир дедингиз у нима дегани?**





**Ж:** Ана ўша “Дори белгилайдиган табиблар” яъни мазҳаб бошлиқлари эҳтимолки, айрим ҳолатларда айрича, хилма – хил дориларни, бири бир дорини, иккинчии бошқа бир дорини, яъни бир имом бир масалага бир жавобни, бошқа имом иккинчи жавобни айтиш билан ўрталарида жузъий ихтилоф пайдо бўлиши мумкин.

Фақат бир табибни дориси билан даволанган киши шифо топганидек, бир мазҳаб имомнинг этагини ушлаган киши руҳий шифо топиши ақлга аёндир.


Демак, бизлар учун мазҳаблар – Аллоҳнинг раҳмати. қуръону ҳадисни тушунишимиз учун уламоларнинг ҳизмати экан.

**С: Мазҳабларнинг кўплиги диннинг бирлигига хавф солмайдими?**

**Ж:** Динимиз бир. қуръонимиз бир. Шариат ҳукмлари бизга қуръону ҳадисдан стади. Шунга амал қилсак, Исломда турган бўламиз. Лекин қуръон илмида бир нарса борки, шуни айтиб ўтсак. Сиз сўраётган масалага жавоб бўлади, иншооллоҳ.

Аллоҳнинг Каломи бўлган қуръоннинг 7 хил қироати бор. Етти қори қуръонни 7 хил ўқийдилар. Жаноб Расулуллоҳ ҳам “қуръон етти ҳарф, яъни етти қироат устида нозил қилинди” дегандар. Бу қироатлар ўртасидаги тафовутлар шундаки, айрим калималаргина





хилма – хил қироат қилинади, халос. Бу ўша 7 нафар қоридан бизларга мерос бўлиб қолган.

Бизларнинг диёримизда ва қарийб бутун оламда ўша етти қоридан бири бўлган Осим қироатида ўқилади ва қўлимиздаги қуръон китобларимиз ана ўша бир қорининг қироатига асослангандир. Осимдан унинг икки шогирди қуръонни қандай қироат қилишлик кераклиги ҳақида ривоят қилганлар. Улар Хафс ибн Сулаймон ва Шўъба деган кишилар эди. Сизу биз, хозирги замондаги аксари мусулмонлар ана ўша Осим деган қоридан Хафс ибн Сулаймон қилган ривоят бўйича ўқиймиз.

Қолган 6 нафар қоридан ҳам, иккитадан ровий қилган ва ўша 6 нафар қорининг қироати ҳам худди бизнинг қироатимиздек ҳақ қироатдир. Уларнинг ўртасида қуръон моҳиятида фарқ йўқдир.

### **Имоми Аъзамнинг насаблари**

Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу васаллам умматлари бўлган мусулмон биродарларимизга тарих давомида хизмат қилиб ўтган уламоларимизни, хусусан, Имоми Аъзамдек буюк шахсни танитиш – уламоларнинг вазифаларидир. У кишининг таржимаи ҳолларини нақадар аниқ билсак, у кишининг юритган йўлларини ҳам нақадар ҳақ эканлигини аниқ билиб ишонишимиизга сабаб бўлади.



Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи  
васаллам: “Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга бир мансаб  
– мартаба ато қилған. Бирор олиймақом зот бўлса,  
бирор бироз қуириоқ мақомда ҳаёт кечириб ўтади.  
Сизлар ҳар бир инсонни имкониятинглар қадар ўз  
манзилатлариға қўйинглар. Яъни Буюк шахсларга  
бекурматлик назари билан қараманглар ва  
беписандлик билан уларга беэътибор бўлманглар”,  
деб марҳамат қилғанлар. Ана шу улуғ мартаба  
эгалари бўлган Аллоҳнинг дўстларидан, бизга  
динимизни баркамол қилиб етказиб келган  
уламолардан, энг пешқадам зотлардан бири бўлган  
зот – ҳазрати Имоми Аъзам раҳматуллоҳи  
алайҳдир. У кишининг асл исмлари – Нўъмон,  
оталарининг исми Собит, боболарининг исми Зуто  
бўлган экан.

Зуто қобул шаҳрида таваллуд топганлар.  
қавмиятлари, миллатлари форслардан. Дини Ислом  
келиб мусулмонлар бутун дунёни фатҳ қилиб,  
қобулга борганларида бу киши асир бўлиб Кўфа  
шаҳрига келиб қолган эканлар. Зуто исломни қабул  
қилғанларидан сўнг уни қулликдан озод қиласидар  
ва у озод мусулмонлар қаторига қўшилади. Зутодан  
Кўфада Собит исмли фарзанд дунёга келади.  
Собитдан эса бизнинг Имомимиз – ҳазрат Нўъмон  
ибн Собит, лақаблари Абу ҳанифа, унвонлари  
Имоми Аъзам бўлган зот Кўфада таваллуд  
топдилар. Имоми Аъзам- улуғ Имом деганидир. Бу

марtabага бошқа ҳеч бир мазҳаб бошлиғи стиб борган эмас. Имоми Аъзам, деб шарафлайдилар, лекин уларнинг ўзларини ҳеч ким Имоми Аъзам демайди. Бизлар ўшандай улуғ Имомнинг мазҳабидаги кишилардирмиз.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 80 йилдан таваллуд топганлар. Демак, Пайғамбар алайҳиссаломнинг Асри Саодатларида, биринчи асрда туғилганлар, Кўфанинг ўзида ўсиб улғайғанлар. Шу ердаги энг катта уламолардан дарс олдилар. То қиёматгача турадиган мазҳабга асос солиш даражасидаги илмларни ўша Кўфада эгаллаганлар. Бу кишининг устозлари ҳаммод ибн Абу Сулаймон деган зот эди. У Кўфа шаҳрининг фақиҳи, катта муҳаддис олими эдилар. Бу зот имомимизнинг энг катта ва энг асосий устозларидир. Лекин имомимиз бошқа ҳеч кимга насиб бўлмаган даражада жуда кўпчиликдан сабоқ олганлар. Расулуллоҳни (кўрган) ва саҳобаларни кўрган 4 минг кишидан дарс олган эканлар. Имомимиз таваллуд топган 80 йилда ҳали саҳобаларнинг ҳаётлари бор эдилар. Жумладан Кўфа шаҳрида Имоми Аъзам 9 нафар саҳоба билан мулоқатда бўлганлар. 8 эркак ва 1 аёл саҳобани кўрганликлари ҳақида китобларда баён қилинади.

Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган киши саҳоба, саҳобаларни



кўрган киши тобеин ҳисобланади. Саҳобалар ва тобеинларнинг мақоми Расулуллоҳнинг ҳадисларида бундай баён қилинади: “Замонларнинг энг яхшиси – менинг замоним. Инсоният пайдо бўлганидан то қиёматгача мен яшаган замондан яхши замон бўлмайди. Менинг замонимдан кейин саҳобаларим яшаган замон ҳам яхши замон. Саҳобаларимни кўрган тобеинлар яшаган замон ҳам яхши замон. Лекин тобеинлардан кейин замон бузилиб, ёлғон ёйилиб, одамлар орасида фитна-фасодлар кўпайиб кетади”. Сиз билан бизнинг имомимиз-ҳазрат Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ саҳобалар яшаётган замондан таваллуд топдилар ва саҳобалар билан мулоқотда бўлдилар. Ўзлари тобеинлар қаторига кирдилар.

Имоми Аъзам абу ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ илм олиш бобида, илмий даражалари миқёсида тенгсиз эдилар.

Биз Аҳли сунна вал жамоа мазҳаблари 4 та дедик, яъни 4 та энг катта улomo 4 мазҳабга асосчи эканликларини эътироф этамиз. Ўша уламоларнинг номма-ном санасак, ўз мазҳабимизнинг даражаси янада аён бўлади:

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ 80 йилда туғилганлар.

Имоми Молик бин Анас 93 йилда туғилганлар.

Имоми Шофейи 150 йилда туғилганлар.

Имоми Аҳмад бин ҳанбал 164 йилда



туғилганлар.

Демак, энг аввал туғилган, пайғамбар асирида туғилған имом бизнинг имомимиз Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдир. У зотнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига ҳам замон бўлғанликлари ҳақида айтдик. Бошқа Имомлар эса саҳобаларнинг суҳбатларини ололмаганлар. Шунинг учун ҳам улар бизнинг имомимизни ўзларига устоз, деб билганлар.

Мазҳаб бошлиқларидан бири Имоми Шофей шундай эътироф қиласидар: “Одамлар ҳаммалари – барча уламолар қуръону ҳадисни англашда, масала илмида Абу ҳанифага бола-чақаликка ярайди холос, Абу ҳанифа билан рақобат қилиш даражасига чиққан инсон йўқ”.

Имоми Молик бин Анас раҳиматуллоҳу эса: “Мен ҳадис илмини билишда, жаноб Расулуллоҳнинг охирги ҳадисларини етказишида, энг саҳиҳ ҳадисларни англаб этишда Имоми Аъзамга ўхшаган бошқа инсонни учратмадим”, дейдилар ва бу зот ҳам доимо Имоми Аъзамни ўзларига устоз деб санаганлар.

Ҳақиқаттан, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ Имоми Моликка ҳамда бошқа икки имомга ҳам устоз эдилар. Чунки навбатдаги имом-Имоми Шофей раҳматуллоҳи алайҳ Имоми Аъзам вафот қиласидар 150-йилда туғилған эдилар ва бу киши бир муддат Имоми Аъзамнинг шогирди Муҳаммад бин ҳасандан дарс олганлар. Демак, Имоми Шофей



Имоми Аъзамнинг “набира” шогирди бўлар эканлар.

Тўртинчи мазҳаб асосчиси Имоми Аҳмад ибн ҳанбал эса Имоми Шофеийдан дарс олганлар. Демак, у киши бизнинг Имомимизга “чевара” шогирд эканлар. Имомимиз шу қадар буюк, барча бошқа мазҳабларнинг имомларига ҳам устоз бўлган зот эканлар.

Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг 124 минг ададли саҳобасининг 150 нафари яна бошқа бир ривоятга қараганда 1500 нафари Кўфада яшаганлар. Булар шунчаки илмсиз саҳоблар эмасдилар. Росулуллоҳдан кейин кўп саҳобалар Кўфага келганлар. Уларнинг энг улуғларидан Абдуллоҳ ибн Маъсуд розияллоҳу анҳу, ҳазрати Али Каррамаллоҳу Важҳаҳу каби улуғ зотлар ҳам Кўфада истиқомат қилиб тургандилар. Демак, Имоми Аъзам тарбияланган муҳит-Кўфа иқлими ҳадисларга бой бир иқлим эди. Шунинг учун Имомимиз ўзлари тақрибан 4000 ҳадис ривоят қилганлар. “Муснади Аби ҳанифа” деган алоҳида ҳадис китоблари бор.

Такрор бўлса ҳам айтамизки, 124 минг саҳобанинг ҳаммаси ҳам илмли бўлмаган. Уларнинг орасида чўпони ҳам, деҳқони ҳам, тижоратчиси ҳам, ҳунарманди ҳам бўлган. Шу билан бирга уламолари ҳам бўлган. Шу катта саноқдан 130 киши муфтийлик мақомига, яъни ҳам қандай масалада фатво берадиган мақомга етган



экан. Ўша 130 саҳобанинг ичидан б кишигина мужтаҳид деган мақомга чиққан экан. Бу қуръону ҳадис асосида масала чиқариш иқтидорига эга бўлишдир. Имомимиз ўша мужтаҳид саҳобаларнинг олти нафаридан ҳадис ривоят қилганлар. Улар Расулуоллоҳнинг шунчаки бир соат кўриб қолган кишилар эмас, балки У Зотнинг ёnlарида жуда узоқ вақт ҳамсуҳбат бўлган кишилар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Маъсур, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Дардо, Убай ибн Каъб, Абу Мусо ал-Ашъарий каби саҳобалар мужтаҳидлик мақомига чиққан кишилар эдилар. Имомимиз буларнинг ҳаммаларидан ҳадис ривоят қилганлар.

Демак, Имоми Аъзамни у қадар ҳадисга моҳир эмас деганлар жоҳил кимсалардир, ўз имомини танимайдиган кишилардир. Ёки улар бир улуф зотнинг манзилатини пастга тушурмоқчи бўлган бадғараз кишилар бўлиб чиқади.

**С:** Энди мазҳаблар ўртасидаги айрим яққол кўзга ташланадиган ихтилофлар ҳақида айтиб берингиз?

**Ж:** Кейинги даврда, Алҳамдуилиллоҳ, Аллоҳ таоло марҳамати билан чегаралар очилиб, ҳориж билан борди-келди кўпайди. Эркин равишда диний билимларни олишимизга шароитлар бўлди. Бунга шукр қилишимиз керак бўлган нesъмати илоҳиядир.



Лекин, шу билан бирга чегаралар очилган, хилма-хил оқимлар бизнинг диёrimизга кириб кела бошлади. Ёҳуд диёrimиздан нечта сафар қилганлар бошқа мазҳаблардаги кишиларнинг ибодатларига гувоҳ бўлдилар. Натижада, ўртада баъзи аралashiшлик, айрим масалаларда ихтилофлар юзага чиқди.

Шундай ихтилофли масалалардан бири (аввалги суҳбатларимизда ҳам бир қадар қисқароқ гапириб ўтганмиз) намоз ибодатлардаги “Омин” лафзини жаҳрий ёҳуд махфий айтиш масаласидир. Бу ихтилоф - мазҳаблар ўртасидаги ихтилофdir. Маълумки, Имомимиз Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ намозда “Омин”ни махфий айтиш лозим дейдилар. Бошқа бир мазҳаб соҳиби Аҳмад ибн ҳанбал роҳимаҳуллоҳу намозда “Омин”ни жаҳрий (овоз чиқариб) айтиш керак дейдилар. Мана икки имом ўртасида ихтилоф пайдо бўлди. Лекин икки имом ҳам беҳуда гапни эмас, далили, ҳужжати бор гапни айтдилар. Дарвоқэ, Имоми Шофеий ва Имоми Молик ҳам намозда “Омин”ни махфий айтишни тан оладилар. Фақат Аҳмад ибн ҳанбал оминни жаҳрий айтилсин дейдилар. Бундай дейиш учун далил сифатида у киши ҳадис келтирадилар. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Абдуллоҳ ибн Зубайр, деган киши (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) пайғамбаримиз намоз



ўқиётганларида “Омин”ни жаҳрий айтганлар, деб ҳадис ривоят қилганлар.

Эътибор қилинг: Абдуллоҳ ибн Зубайр Пайғамбаримиз вафот қилганларида 9 яшар бола эдилар. Мана шу киши пайғамбаримиз вафотидан кейин намозда “Омин”ни жаҳрий айтдилар ва бошқаларга ҳам шуни тавсия қилдилар.

Яна бир саҳоба Воил ибн Хужур деган зот (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Пайғамбар алайҳис саломдан ривоят қилиб: “Мен пайғамбаримиз ортларида намоз ўқидим, Пайғамбаримиз намозда “Омин” ни ошкора овоз чиқариб айтдилар”, - дейдилар. Бу ҳам ҳақ ҳадис. Лекин, Воил ибн Жуҳурнинг ўзи ким эди? Яманнинг подшоҳи бўлиб, бошқа диндаги киши эди. Жаноб Расулуллоҳнинг пайғамбар бўлиб юборилганларини эшитиб, у кишини Аллоҳ ҳидоят қилиб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб иймон келтирганлар. Ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг орқаларида бир ҳафта намоз ўқиганлар. Шунда Пайғамбар алайҳис салом намоз ўқишининг тартибини ўргатиш учун бўлса керак янги ўрганаётган кишига “Омин”ни ҳам жаҳрий айтиб берганлар. Бир ҳафтадан кейин у киши иймонга кириб, намозни ўрганиб юртларига қайтиб кетганлар ва умрларини охиригача Расулуллоҳни қайта қўрмаганлар.

Демак, “Омин”ни овоз чиқариб айтиш керак деган бир саҳоба Расулуллоҳнинг вафотларида 9



ёшар бола бўлса, бошқа саҳоба Расулуллоҳни бори йўғи бир ҳафта кўрган киши эди ҳалос. Бизнинг имомимиз – Имоми Аъзам намозда оминни жаҳрий айтиш кераклиги тўғрисида Абдуллоҳ ибн Маъсурдан ривоят қиласидилар, Бу киши бир куни Расулуллоҳнинг вафотларидан кейин ёнларидаги ҳамсуҳбатларига: “Мен сизларга ҳозир Пайғамбар алайҳис саломнинг намозларини ўқиб кўрсатиб бераман”, - дедилар. Ва намоз ўқиб кўрсатиб бердилар. Шу намозларда қўлларини елка баробарига кўтармадилар ва шу билан бирга “Омин”ни ҳам ичларида айтдилар. Расулуллоҳ намозни шундай ўқиганлар, деб баён қиласидилар.

Абдуллоҳ ибн Маъсуд бошқа бир ҳадисларида эса мана бундай деганлар: “Тўрт нарсани намозхон одам пинҳон ўқийди Аллоҳу акбар деб намозга киргандан сўнг Субҳанакааллоҳумма деб бошланадиган санони, Аузу...ни, Бисмиллаҳ...ни ва Оминни”.

Шу ҳадисни, яъни Расулуллоҳ “Омин”ни маҳфий айтинглар, деб буюрганлар, намозларида маҳфий айтганлар, деган ҳадисни ривоят қиласидилар Абдуллоҳ инб Маъсуд Пайғамбар алайҳис салом билан 22 йил ёнма-ён турган саҳоба эдилар. Пайғамбар алайҳиссалом: “қуръонни нами кетмаган ҳолда, яъни менга нозил қилинган ҳолида ўрганмоқчи бўлсангиз, Абдуллоҳ ибн Маъсурдан ўрганинг”, - деган эдилар.



Ана энди инсоф билан ўзимиз қайси йўлга юришни танлашимиз мумкин: Расулуллоҳнинг номозлари ҳақида гапирган 9 ёшли боланинг гапи тўғрироқ бўладими, Расулуллоҳни умрида бир ҳафтагина кўрган саҳобанинг гапи тўғрироқ бўладими ёки Пайғамбаримиз билан 22 йил ёнмаён турган, ҳатто Пайғамбарнинг болаларидан деб саналиб келган Абдуллоҳ ибн Масъуднинг гаплари тўғрироқ бўладими?

Албатта, Расулуллоҳнинг ёнларида узоқ вақт ҳамсуҳбат бўлган, Ислом миллати ичида энг катта олим деб тан олинган Абдуллоҳ ибн Масъуднинг гапи ҳақроқдир, деб эътиқод қиласиз ва афзал деймиз. Бизнинг имомимиз шу ҳадис асосида “Омин”ни маҳфий айтишни буюрадилар.

Қолаверса, динимиздаги асосий манба Аллоҳнинг каломи-қуръони Каримга мурожаат қилсак, яратган “Парвардигоримиз ибодатимиз ҳусусида бизларга: “Парвардигорингизга дуо қилишда Аллоҳдан қўрқиб ва ичингизда дуо қилинг”,-деб буюрган. Бу Аллоҳнинг каломидир.

“Омин” деб айтадиган калимамиз – дуодир. Демак бизлар дуони ичимизда айтишимиз қуръоннинг мана шу кўрсатмасига ва Расулуллоҳ ҳазратларининг ҳадисларига мувофиқ бўлади ва шунинг учун имомимиз ва бошقا икки имом ҳам намозда “Омин”ни маҳфий айтишни бизларга китобларида қолдириб кетганлар.



Хозирда айрим кишилар мана шу масалага тушунмасдан мусулмонлар ўртасига ихтилоф солиб қўймоқдалар. Баъзи масжидларга диндош биродарлар, оға-инилар бир-бирлари билан шу масала устида “сан-ман”га бориб қолган ҳоллари ҳам қулоққа тушади. Бизлар бунинг асосини билсак, бу нарсанинг қаердан, қай ҳолатда вожиб бўлганлигини билсак, тадқиқ қилсак-иншо Оллоҳ, мусулмонларимизнинг иттифоқлигига сабаб бўлади.

### **Имоми Аъзам Абу ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳоллари.**

Имоми Аъзамнинг тижоратдаги ҳалолликлари тарихда достон бўлиб қолган. Бу ҳақда замондошлари – дўстлари ҳам душманлари ҳам ёзиб қолдирганлар. Мана баъзи лавҳалар: Имомимиз бир тожир шериклари билан бошқа юртга мол юборибдилар. Мол икки хил навли бўлиб бири сифатли, иккинчиси сифатсизроқ экан. Имомимиз шерикларига молни 2 хил нархда, яхшисини қимматроқ, ёмонини арzonроқ сотасан, деб тайинлабдилар. Лекин мол етказилган юртда айнан шу нарса тақчил бўлганлигидан, молнинг ҳаммаси бир хил-қиммат нарҳда сотилиб кетибди. У киши 30 минг кумуш тангалик савдо қилиб Кўфага қайтибди. Шунда имомимиз ўша шерикларидан “Икки хил навли молни икки хил нархда сотдингми?” деб сўрабдилар. У киши, йўқ одамлар



ўша қиммат нарҳга ҳам рози бўлиб сотиб олавердилар, деб жавоб берибди. Шунда Имом Аъзамнинг дили оғриб ўша 30 минг танга Аллоҳ йўлида садақа бўлсин, дебдилар. “Лекин мен бу садақадан савоб умид қилишга Аллоҳдан ҳаё қиласман, одамларни алдаб савдо қилибсиз, шунинг учун энди орамиздаги шериклик ҳам битди” – деб 15 йиллик шерикларидан ҳам воз кечибдилар. Бироннинг ҳаққидан қўрқиш, яъни Аллоҳдан қўрқиш Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳда шударажада қувватли экан.

Кунлардан бирида Имоми Аъзам бозорда газлама харид қилмоқчи бўлдилар. молнинг эгаси 100 танга деб баҳо айтди. Имомимиз ўзлари савдогар бўлганликлари учун ҳам, мол 100 тангалик эмас, балки анча қимматлироқ эканлингини сезардилар. Шунинг учун мол – мулк эгасига, молингиз 100 тангалик эмас, қимматроқ нарҳ айтсангиз сотиб оламан, дейдилар. Мол эгаси 200 танга берақолинг дейди. Харидорга мол бундан ҳам қимматлироқ бўлиб туюлаверибди. Ва буни яна савдогарга айтдилар. Мол эгаси эса, бу менинг нарсам, қайси нарҳда сотгим келса сотовераман, дейди. Шунда Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ бозорнинг нарҳ белгиловчи оқсоқолини чақириб келиб, матонинг нархини аниқлаб беришни сўрайдилар. Нарх белгиловчининг айтишича, бу газлама 500 тангалик экан. Имомимиз матони ўз нархида – 500 тангага сотиб олганлар экан. Имом



Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ аввалги масалада сотувчи сифатида биронинг ҳақидан қанчалик қўрққан бўлсалар, кейинги масалада ҳаридор сифатида ҳам биронинг ҳаққидан шунчалик қўрққанлар. Яна бир кун имомимиз Кўфа шаҳри қассоблари ўғрилар келтирган қўйларни сотаяпдилар, деган гапни эшитиб қолдилар. Шу куниёқ бир чўпонни олдига бориб, ундан битта қўй ўртacha неча йил яшайди деб сўрадилар. Етти йил деган жавобни эшитганларидан сўнг имомимиз шунча йил қўй гўшти емаган эканлар.

Бу кишининг тақволарига сонсиз – саноқсиз шундай мисоллар бор. Мана, ўша мисоллардан яна бири.

Яна бир гап, имомимиз совдогарлик билан шуғулланиб юрган даврларда Имомимизнинг газлама дўконлари бўлар экан. Ўша дўкондаги ҳодимлари бир куни газламаларни тахтай туриб, матоларида гулларга маҳлиё бўлиб қолибдида, бу дунёнинг гуллари шу қадар гўзал бўлса, Жаннат гуллари қандай гўзал бўлар экан, “Эй Худо, бизга ҳам Жаннатинингдан насиб эт!” деб дуо қилиб юборади. Ҳодимларининг бу дуосини эшитган имомимизнинг ранглари қув учиб, дўконни ёпиб, уйларига кетиб қолади. Эртасига келганларида имомимиздан ҳодимлари кечаги воқеани сабабини сўрайдилар. Шунда Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ: “Эй биродар, биз қайси қилган ибодатимиз учун Аллоҳдан жаннатни сўрашга ҳаддимиз



сигади? Биз фақат Аллоҳдан гуноҳларимизни авғ  
қилишини сўрашга ҳаддимиз сигади, холос” –  
дедилар.

Имомимиз мана бундай буюк тақво эгаси  
бўлганлари сабабли ҳам, ниҳоят даражада  
ибодатли киши эдилар. У зот ибодатда шу қадар  
муқим бўлганларки, 70 йиллик ҳаётларининг 40  
йилида кечалари ухламай ибодат қилган эканлар.  
30 ёшлик чоғларида то умрларининг охиригача  
ҳуфтан намозидаги таҳоратлари билан бомдодни  
ўқиган эканлар. Кечалари ҳамма мусулонлар  
ҳуфтон намозидан кейин истироҳатга, оромга  
кирадиган бўлса, Имом Аъзам ҳазратлари янги  
либосларини кийиб намозга тураг эканлар. Бир  
ракаатда туриб нафл намозда 30 пора қуръон  
ўқийдилар. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг  
ҳаёти баён қилинган китобларда имомимиз 30 пора  
қуръонни ўқиётиб “Алҳакумуттакосур” сурасига  
келганларида, қироатни давом эттиrolмай  
йиғлайверар эканлар. Чунки бу сурада Аллоҳ таоло  
сиз билан бизга “Эй ғофил банадалар, то  
гўрларингизга кириб кетгинунгизгача дунё  
кўпайтириш билан машғул бўлдиларингизку” деб  
миннат қиласи. Имомимиз шу сурани  
ўқиганларида, мен ҳам шу кишилар  
қаторидаманку, Аллоҳимга қандай жавоб бераман  
деб йиғлар эканлар.

Рамазони шарифда эса, қуръонни ҳар куни  
икки бор хатми қиласи эканлар. Бошқа ойларда ҳар



куни хуфтондан бомдодгача бир бор хатми қисалар, Рамазони шарифда саҳарликкача бир бор хатми қилар эканлар. Аллоҳ таоло имомимизга қуръон хатми қилсин учун вақтни ҳам баракотли қилган эканлар. Имомимиз вафот қилган хоналарида 7 минг марта қуръони каримни хатм қилғанлар экан. 7 минг марта қуръон хатм қилиш - бу муттасил йигирма йил давомида ҳар куни бир бор тик туриб қуръон ўқиш дегани. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳга шу насиб этган экан. Имомимизнинг кечалари намозда тик туришларига қўшнилари шу қадар ўрганган эканларки, у зот вафот қилғанларида бир қўшниларининг фарзанди – ёш бола отасидан, ота қўшнимизнинг уйи ўртасида бир устуни бўлар эди, йиқилиб тушибди деган экан. Шунда у киши, ўғлим бу устун эмас, шу хонадоннинг эгаси, Абу ҳанифа ҳар кеча намозда турганлирини кўрар эдинг, у киши вафот қилдилар, деб жавоб қиласилар. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ шу қадар намозга бақувват, қуръонга муҳаббатли бўлиш билан бирга, умрларининг сўнги 30 йили ичida бирон кун оғзилари очиқ бўлмаган экан. ҳаётларини доимий рўза билан ўтказган экан.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ шу қадар гўзал хулқли инсон бўлган эканларки, замондошлари у кишининг шу фазилатларини тан олиб, энг чиройли ҳулқ Имоми Аъзамнинг хулқидир, деб эътироф қилғанлар. Бу ҳусусда кўп катта уламолардан баёнотлар қолган. Имомимиз,



сухбатимиз давомида айтганимиздек, аҳли тижорат бўлганлар. Аллоҳ таоло бу зотга ҳалол ризқу насиба берган, бекаму – қўст, бой – бадавлат бўлиб яшаб ўтганлар. У кишининг доимий саҳоватларидан ҳамма баҳраманд бўлган. Имомимиз Аллоҳ таоло берган неъматга шукронасини ташқи кўринишида ҳам кўрсатиб ўтганлар. Доимо чиройли ва покиза кийимларда юрганлар. Бу ҳақида ҳам замондошлари гувоҳлик бериб кетганлар. Шундай баланд мақомга эришган зот ниҳоятда тавозели, хокисор, камтар киши эканлар. Маълумки, кишига Аллоҳ таоло бир фазилат берса, қанчалик баланд мақомга кўтарилса, унинг хасадгўйлари ҳам шунча кўпаяди. Имомимиз Имоми Аъзам ҳам шундай ҳолатдан бенасиб эмас эканлар. Имомимиз эса, ўшандай ҳасадгўйларни кўрганида “Бизларни ёмонлаган кишиларнинг Аллоҳ гуноҳини кечирсин, бизларни яхши кўрганларни Аллоҳ раҳмат қисин”, - деб дуо қиласар эканлар. Яъни ёмонликка ёмонлик билан жавоб қиласас эканлар. Бу ҳаётлари давомида жуда кўп кўринган ҳолатdir.

Бир куни Имомимиз кўчада кетаётганларида ўшандай бадҳулқ кишилардан иккитаси Имоми Аъзамнинг шаънларига ярашмаган ҳақоратларини қилибди. ҳар қандай кишининг ҳам фазабини қўзғайдиган бундай ҳақоратларни эшитган Имоми Аъзам уларга эътибор бермай, ўз йўлларида давом этаверибдилар. ҳалиги икки бадҳулқ ҳам сўкинишдан тўхтамай Имомимизнинг ортидан



эргашиб келаверибдилар. Ниҳоят Имомимиз ўз уйларига етиб келадиларида, эшиклари олдида тўхтаб, ҳалигиларга: “Биродарлар, мен уйимга етиб келдим. Агар ҳақоратлардан қолган бўлса, сўкиб, сўкиб олинглар, мен кутиб тураман, тугаганда уйимга кириб кетаман”, - деган эканлар. Бу киши шу даражада хокисор, тавозели камтар бўлган эканлар.

Яна бир мисол, ҳалолни харомдан ажрата олмайдиган, ўзи камбағал бечора бўлса ҳам калондимоғ, бировларни сўкиб, дилга озор етказиб маза қиласидиган кишилар бўлади. Имомимизнинг ўшандай бир қўшнилари бўлган эди. У Аллоҳ таоло ҳаром қиласидиган ичкиликка гирифтор, ҳар кеча маст экан. Имоми Аъзам шаънларига ҳажвлар айтар, бақир-чақир қилиб у зотга озор берар экан. Имомимиз тоқат билан унинг ҳақоратларини эшитаверар эканлар. Иттифоқо, бир куни қўшнининг хонадонидан одатдаги бақир – чақир, сўкиниш, ҳақорат саси келмай қолибди. Имомимиз ҳавотирланиб хабар оладилар. маълум бўлишича, ўша бадхулқ қўшни бадхулқлиги туфайли миршабларнинг қўлига тушиб, ҳибсга олинибди. Имоми Аъзам уни Худо жазолабди деб қўя қолмасдан, дарҳол амирнинг ҳузурига борибдилар. Менинг бир аёлманд косиб, камбағал қўшнимни қандайдир айб билан зиндонбанд қилибдилар. Ўша қўшнимни озод қилинг, унга мен ўзим кафилман, деб илтимос қилибдилар. Кўфанинг



амири, албатта, Имоми Аъзамнинг ким эканлигини билар эдилар. Шунинг учун у кишининг хурматидан нафақат бадҳулқ қўшнини, балки кейинги икки кун давомида ҳибсга олингандарнинг ҳаммасини қўйиб юбордилар. Шундан сўнг у қўшнига Худо инсоф берди. У зиндандан тўғри Имоми Аъзамнинг ҳузурига келди. Тавба қилиб, Имомимизга шогирд бўлди. Тарих китобларининг гувоҳлик беришича, у киши кейинчалик катта олим бўлиб кетган эканлар. Замондошларнинг таъкидлашларига қараганда Имомим Аъзам анча – мунча кишиларни бир кўришдаёқ ҳолатларига қараб қандай одам эканликларини аниқ айтиб бера оладиган даражада фаросатли киши бўлган эканлар. Жуда кўпчилик мана шу нарсани тан олиб эътироф этади. Имоми Аъзамнинг масала бобида бекиёс бўлганликларига бир мисол. Бу мисол ҳозирги замон учун унчалик ажабланарли бўлмасада, имомимиз яшаган давр учун анча мушкул эди. Яъни аксари масалаларни Имоми Аъзам ўз фаросатлари билан ечар эдилар. Бунга бир мисол, Кўфада бир аёл эгизак фарзанд кўрибди. Эгзаклар бир – бирларига белларидан ёпишган ҳолда туғилибдилар. ҳозир бундайларни Сиём эгизаклар деб атайдилар. Бироз фурсат ўтгач, ўша икки чақалоқдан бирининг ажали етиб ўлади, иккинчиси эса, тирик. Агар бу ҳолат бизнинг замонда рўй берса, дарҳол жарроҳлар аралашиб масалани наштар билан ҳал қилиб қўя қоладилар.



Лекин гап 1300 йил аввал бўлган воқеа хусусида, табобат ривожланмаган даврда рўй берган воқеа ҳақида кетаяпти. Хуллас, ҳамма ҳайрон, ўликни қўймоқчи бўлсалар, унинг тирик шериги бор. Кўммасалар ...

Шунда ҳеч ким бир жўяли бир жавоб айтолмаган мазкур масалага Аллоҳнинг илҳоми билан Имоми Аъзам жавоб қиласидилар. У киши бу бола кўмилади, лекин шундоқ кўмиладики, тирик бола ернинг устида қолади, дейдилар. Худди шундоқ кўмадилар ва Аллоҳнинг қудрати билан саноқли кундан сўнг ер ўша марҳум фарзандни тирик фарзанддан ажратиб олади. Тирик боланинг ҳаёти мана шундай сақлаб қолинади. Кейин уни Имоми Аъзамнинг ўғли деб атайдилар. Имомимизнинг бу “ўғли” узоқ йиллар умр кўради. Инсоният тарихида жуда кам учрайдиган мазкур ходисага боғлиқ масалани хал қилишда имомимиз фавқулотда фаросатли эканликларини намойиш қилганлар.

**С: Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг мансабга муносабати қандай эди?**

**Ж:** Бу ҳам батафсил тўхталишга арзийдиган мавзудир. Имомимизнинг илмий даражаси қанчалик юксак, одамилиги мислсиз эканлигини давлат бошлиқлари ҳам албатта, билар эдилар. Кўфа вилояти ва шаҳрининг ҳокими Ибн ҳубайа Имом Аъзамга Кўфа вилоятига қози бўлишни таклиф қиласиди. Имомимиз, мен қозилик лавозимида ишлашга





Аллоҳдан қўрқаман, деб ҳокимнинг таклифини рад этади. Гапи қайтганидан фазабланган ҳоким, таклифимни қабул қилмасангиз, зинданбанд бўласиз, сизни ҳар куни ўн дарра урдираман, деб таҳдид қиласди. Шунда Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ: “Аллоҳнинг охират Диёридаги азобидан бу дунёдаги ҳокимнинг азоби, албатта, енгил бўлади, мен розиман”, - дейдилар. Шу тариқа зинданни қозиликка алмаштирадилар. Хурсандлик билан хибсга олиниб, зинданбанд қилинадилар. Имоми Аъзамнинг зинданбанд қилинганидан 10 кун давомида ҳокимнинг ҳузурига олиб борар экан. Рад жавобини эшигтгач фазабланар, яна 10 дарра уришга буюрар экан. Имомимиз калтакланиб зинданга қайтганидан сўнг йифлар эканлар. ҳамзинданлари бу холатдан ҳайрон. Ниҳоят, Имомимиздан нега бундай қилаётганликларини сўрашга журъат қилишибди. Ахир сизга лавозим бермоқчиларку, уни қабул қилинг, шу азоблардан қутулинг, дейишибди. Шунда Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ, мен калтак зарбидан йифлаётганим йўқ, Онамга раҳмим келганидан йифлаяпман. Укиши менинг зинданга тушганимдан, калтакланаётганимдан боҳабарлар. Онам қандай чидаяптилар экан! Мени мана шу нарса йифлаяпти, деган эканлар.



Шу тариқа 10 қунни азобда ўтқазибидилар. Ўн биринчи кунга ўтар кечаси ҳокимнинг тушига жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кирибидилар. Пайғамбаримиз ҳокимга, “Менинг суннатимни тирилтириб дунёга ёяётган зотни зинданга олиб киришдан қўрқмайсанми”, деб танбех бердилар. Шундан сўнг ҳоким тонг отиши биланоқ шахсан ўзи зинданга кириб, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан узр сўраб, у зотни озод қилибди.

Имомимиз мана шундай мансаб – лавозимдан ҳазар қилган киши бўлган эканлар. Замондошлиаримиз орасида эса, аксинча турли туман катта – кичик мансаб – лавозимлар учун елиб – югуратган, ўша лавозимга чиқиб олиш учун ўртага дунёни ҳам, динни ҳам қўяётган кимсалар, афсуски, оз эмас. Ўшалар Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан ўrnак олсалар ёмон бўлмас эди.

Зиндандан озод бўлганларидан кейин имомимиз Кўфани тарқ этиб, Маккай Мукаррамага кетиб қоладилар ва бу муборак шаҳарда 10 йиллар давомида истиқомат қиладилар. Бу зотнинг ҳаётларида яна бир нуқта – 70 йиллик ҳаётларида 55 марта ҳаж ибодатини адо қилганлар. Демак, имомимиз нафақат Кўфадаги, балки Маккай Мукаррама ва Мадинаи Мунавварадаги уламоларнинг суҳбатларидан ҳам баҳраманд бўлганлар.



Туркистон диёридаги мусулмонлар Аллоҳ таолога беҳад шукрлар қилишимиз керакки, Имоми Аъзам раҳатуллоҳи алайҳдай улуғ зотнинг йўналишларида, мазҳабларида имкониятимиз қадар ибодат қилиб келаяпмиз.

Тўрт мазҳабдан бирининг асосчиси Молик ибн Анас розияллоҳу анҳу бир ибратли гап айтиб кетган эканлар. Катта илмий даражага етган бу зот Мадинаи Мунавварада яшаганлар, ҳадислар тўплами – “Муватто” китобини ёзганлар. Бир кун ўша даврдаги ислом халифаси Абу Жаъфар ал – Мансур “Муватто” ни ўқиб қолибдиларда, ҳузурига Молик бин Анасни чақиртирибдилар. “Эй Молик, дебди халифа Имомга юзланиб, - сенинг китобингни ўқидим. қуръону ҳадисга жуда мос китоб ёзибсан. Сенинг мазҳабингга эргашган мусулмонлар кўп диёrimизда, лекин мен Ислом оламининг амири сифатида мана шу китобингни жуда кўп нусҳада чоп эттириб бутун дунёдаги мусулионларга тарқатмоқчиман. Токи дунёдаги мусулмонларнинг барчаси фақат шу китобга бўйсунсинлар. Фақат Моликий мазҳабида бўлсинлар”, - дебдилар. Шунда Имоми Молик, Аллоҳ рози бўлсин бу зотдан, мана бундай марҳамат қиласидиларки: “Ё Амиралмўъминийн, шундай қилманг. Ёзган китобимдаги гапларимни мендан ва



шогрирдларимдан эшитган кишилар менинг мазҳабимга эргашсалар Аллоҳга шукр қиласан. Лекин Ислом оламининг бошқа тарафларга жуда кўп уламолар етиб борганларки, улар олиб борган таълимотларини энди нотўғри дейиш ва ўрнига менинг китобимни ўқиши буориш, менинг мазҳабимга киришга мажбурлаш билан сиз дини Исломга ҳизмат қилган бўлмайсиз, балки мусулмонларнинг эътиқодларидағи парокандаликка сабаб бўласиз. Демак, шу пайтгача аждодларимиз амал қилиб келган йўл – хато йўл эканда, деб ўйлаб қолишларига сабаб бўласиз. Мени эшитган ва мени китобимни ўқиганлар менинг мазҳабимда бўлсинлар. Бошқа диёрлардаги мусулмонлар ўзларига етиб борган мужтаҳид уламоларнинг мазҳабларида турсинлар. Менга эргашган мусулмонлар ҳам, уларга эргашган мусулмонлар ҳам, иншооллоҳ, ҳидоятда, ҳақ йўлда бўладилар”. Имоми Моликнинг Амиралмўъминийнга берган жавоби шундай бўлибди.

Бизларга 1000 йиллар давомида Имом Аъзам мазҳабидаги таълимот берилди ва шунга биноан бу мазҳабдаги таълимга ота – боболаримиз амал қилиб келдилар, биз ҳам амал қилиб келмоқдамиз. Лекин орамизда бизнинг мазҳабимиздан кўра қувватлироқ мазҳаб бор экан, мана бу масалада бошқа



мазҳабнинг ҳужжати кучлироқ экан деб юрувчилар ҳам йўқ эмас. Шундай кишилар Имом Моликнинг гапларини бир эсласалар мусулмонлар орасига парокандалик тушиб қолишга ихтилофлар пайдо бўлишига мана шундай ўйланмасдан айтилган гаплар сабаб бўлишини инсоф билан тафаккур қилиб кўрсалар ёмон бўлмас эди. Мана шунда бу диёрдаги мусулмонларнинг иттифоқлиги, оға ини, биродарлик билан Аллоҳ таолонинг буйруқларида қоим бўлиб, жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳ у алайҳи ва саллам тарафларидан башорат қилинган улуф зот – Имоми Аъзамнинг мазҳабларида бўлишимиз ҳар биримиз учун бир хайрият, яхшилик бўлишни англаб олсак, ҳаммамиз учун ҳам фойдали бўлади деб умид қиласман.

Суҳбатимизда ҳазрати Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг ҳаётларидан баъзи лавҳаларни баён қилиб бердик холос. Аллоҳ таоло ўтганларни ўз раҳматига олсин. Сиз билан бизни холи ҳаётдаги барча мусулмонларни Аллоҳ таоло хақ йўлдан адаштирмасин. Омин!

**С: Фиқҳ илмининг асосчилари кимлардир?**

**Ж:** Фиқҳ илмининг асосчилари қуидагилар:

1. Фиқҳ илмининг уруфини Абдуллоҳ ибн Маъсуд экдилар. Оллоҳ рози бўлсин.



- 
2. Бу илмни Алқама номли саҳоба сүфордилар.
  3. Бу илмни ҳосилини Иброҳим Наҳаъий номли олим ўриб янчидилар.
  4. Бу илмни ҳаммад номли олим тегирмонда ун қилиб чиқардилар.
  5. Бу илмни Абу ҳанифа хамир қилиб нон шаклига келтирдилар.
  6. Бу илмни Абу Юсуф у нонни тандирда пиширдилар.
  7. Бу фаннинг нонини Имоми Мұҳаммад сейиш услубини ўргатдилар. Бошқа одамлар тайёр нонни едилар. Улардан Оллоҳ рози бўлсин.

**С: Бу сўзларнинг маъноси нимадир?**

**Ж:** 1. “Уруфини экдилар” деган сўзнинг маъноси шуки: Абдуллоҳ Ибни Масъуд ибодатларнинг асоси бўлган – оят, ҳадислардан ҳужжат олиб келган ва Бадр ғазотида қатнашган ва Расулуллоҳ ҳам Мадина олимларининг устози деб ном берган улуғ саҳобадир. Оллоҳ раҳмат қилин.

2. “Бу фанни сүфордилар” деган сўзнинг маъноси шуки: яъни бу илмни қувватлаган ва аниқлик киритган устоз олимимиз, қайснинг ўғли Алқама, Маликнинг ўғли Абдуллоҳ, Язиднинг амакилари ва Иброҳим Наҳаъийнинг тоғаларидир. Расуллуллоҳнинг замонида туғилганлар. қуръон илмини Ибни Масъуддан ва Алидан ва Умардан ва Абиддардодан ва



Ойиша онамиздан таълим олганлар Оллоҳ булардан рози бўлсин.

3. “Бу илмнинг ҳосилини ўрдилар” деган сўзнинг маъноси шуки: Асваднинг ўғли қайс ва унинг ўғли Язидалинг ўғли Иброҳим Кўфалик машҳур олимларимиздан эди. Аҳли илмларнинг қалбидаги сочилган дурдоналарни жамлашда катта ҳизмат қилган эдилар.
4. Бу илмни ҳосилини “Ўриб янчиidlар” деган сўзимизнинг маъноси шуки: Имоми Аъзамнинг устозларидан бири эди. Ўзи Кўфа шаҳридан бўлиб фиқх илмига астойдил ҳаракат қилиб, ойдинлик киритган олимимиз, Сулаймоннинг ўғли ҳаммоддир.
5. “Тегирмонда ун қилиб тортдилар” деган сўзнинг маъноси шуки: бу фаннинг асосини ва жузини кўпайтирган ва ибодат йўлларини осонлаштирган ва биринчи бўлиб фиқх илмини қофозга тушурган ва девону китобларга айлантирган ва бобларга бўлиб, тартибга солган Имомларнинг буюги ва умматларнинг чироғи бўлган зот Имоми Аъзам Абу ҳанифадир, бу улуф зотдан Оллоҳ рози бўлсин.
6. “Унни хамир қилдилар” деган сўзимизнинг маъноси шуки: яъни Имоми Аъзамнинг фиқ фанидаги илимларни ва қоида усулларни яхши ўрганиб асос солган ва Имоми Аъзам мазҳабига оид бўлган биринчи китобни расмийлаштирган ва масаълаларини ёзган ва



уни ер юзига тарқатган машҳур олимимиз Иброҳимнинг ўғли Яқуб Абу Юсуф эдилар.

7. “Унни нон қилиб пиширдилар” деган сўзнинг маъноси шуки: бу фиқх илмини охирига етказишида ва кенгайтиришида ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган даражага олиб келган Имомимиз Хасанинг ўғли Имоми Муҳаммад эдилар.
8. Бошқа одамлар “Бу олимларнинг нонини едилар” деган сўзнинг маъноси шуки: юқорида номларини эслаб ўтган олимларимиз бизга оят, ҳадислардан яъни Оллоҳнинг ҳукмидан ва пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларидан ибодатларни ва муамалотларни қандай ҳолатда қилиш услубларини бизга тайёрлаб берган олимларимизнинг кўрсатган йўлидир, уларни Оллоҳ раҳмат қилсин.

### **Имомимиз Абу жаъфар Ал-қудурийнинг таржимаи ҳоллари**

Насаблари ҳамдон Абдул-Азизнинг ўғли Жаъфар унинг ўғли Аҳмад унинг ўғли Муҳаммад унинг ўғли Аҳмаддир. Кудурий шаҳрида туғилган. Бу зотга Ироқ шаҳрида Имоми Аъзамнинг мазҳабидаги олимларга раислик қилишдек улуғ бир мартаба насиб этган эдилар. Олимларнинг ҳузурида мартабалари баланд эди. қуръон тиловатига тили енгил-равон эди. қудурий ҳижрий сананинг 362 йилида туғулдилар.



Имоми қудурий Нўъмоний мазҳабида бўлган машҳур муҳтасарни ёздилар ва бошқа кўп китоблар ҳам ёзганлар илм толибларнинг қўлларидан тушмай келган улуғ муҳтасарнинг соҳиби қудурий фиҳимини, Журжонийлик Яҳёнинг ўғли Муҳаммаддан олдилар у киши Аҳмад Жассосдан улар Муҳаммаднинг ўғли ҳасани Шайбонийдан таълим олганлар.

Кашшоғиззунун номли китобнинг муаллифи ва дуолар нурларининг чироғи номли китобнинг муаллифи ҳам айтадиларки: ҳанафийлар бу муҳтасарни вабо тарқалган кунларида табаррукона ўқир эканлар бу баракотли китобни қайси бир одам ўқиб ёд олса камбағаллик кўрмас экан. қайси бир ўқувчи бир солеҳ устозни олдида яхши ўқиб хатм қилгандан кейин устози “Илминг баракотли бўлсин” деб Оллоҳга дуо қилса. Агар Оллоҳ дуони ижобат қилса шу талаба китобдаги масъалаларнинг ададича тангага эга бўлади дедилар, бу китоб ўн икки минг масалани ўз ичига олган. Ва яна “Мифҳуссаодат” номли китобда ҳам ёзилган экан. Олимларимиз ушбу китобни қаҳатчилик ва вабо кунлари ўқиганларида тажрибада фойдасини кўрган эканлар, қўлингиздаги таржима шу улуғ баракотли муҳтасар китобидан олинган Тасҳили Зарурийдир.

Кашшоғиззунун номли китобда Абу Али Ашшоший айтадиларки: қайси бир толиб шу





китобни ёд олса бизнинг биродарларимиздан ва энг яхши ҳофизларимиздан деб ҳисоб қиласиз дедилар. Ва яна қайси бир талаба шу китобни яхши фахмласа у талаба бизнинг энг яхши билимдонларимиздан деб ҳисоб қиласиз дедилар.

Имоми қудурий 428 йили Ражаб ойида вафот этдилар. Оллоҳ раҳмат қиласин.

### **Имоми Абу Юсуф Ал ансорий Раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳоллари**

Абу – Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ хижрий йилнинг 113 йили таваллуд топиб, 182 йили вафот қилдилар. Ўша замонинг алломаси ва қозилик ҳизматида бўлиб, Имоми Аъзам розияллоҳу анхунинг соҳиби ва Кўфа, Ироқ шаҳрининг фиқҳ олими эдилар.

Урванинг ўғли Хошимдан таълим олдилар ва Соиб ўғли Аътодан ва бошقا кўп олимлардан илим таҳсил қилдилар. Бу олим бутун ҳаётини илимга бердилар, лекин оталари камбағал эдилар, Имоми Аъзам юзлаган тангани ҳадя этиб турадилар. Абу – Юсуф ҳадис ва суннат соҳиби эдилар.

Ибни ҳаббон Сиқот номли китобида Абу - Юсуф тақводор улуғ шайхлардан ва фақих олим, ҳофизи калом, ҳадис илмида таниқли олим эди дедилар. Муҳаддисларнинг олдида эшитган 50 – 60 ҳадисларини ёдлаб бошқаларга айтиб берар эдилар. Яна Аҳмад ибни Ханбал аввал ҳадис илмини



үрганиш учун Абу – Юсуф олдига борган эдим, кейин бошқалардан ҳам ўргандим, дедилар.

Рушдийни ўғли Довуд айтдиларки, “Агар Имоми Аъзамнинг Абу – Юсуфдан бошқа шогирдлари бўлмаганида Абу – Юсуф ўзи кифоя қиласр эди” – дедилар. Имоми Абу – Юсуф Имоми Абу Ханифа билан 17 йил бирга илм тахсил қилдилар, устозидан ҳаргиз ажралмас эдилар, Хатто бир фарзанди вафот қилганида дағи маросимини қўшнилари билан ўз яқинларига топшириб кетдилар, чунки Имоми Аъзамнинг дарсларидан бирон масалани эштмасдан билмай қолмайин деб, қўрқиб ва яна илм бобида ҳасрат-надоматда қолмайин деб ҳаргиз устозидан ажралмаган эканлар.

Холид ўғли Яхё бизларга Абу – Юсуф келганларида илм даражотлари озроқ эди. Сўнг фақиҳ олимлар билан илм таҳсил қилиб ер юзини илмга тўлдирди дедилар.

Имоми Шофеънинг шогирди Музайнидан бир одам Абу – ҳанифа ҳақида нима дейсиз деб сўраганида, Олимларнинг саййиди дедилар. Абу – Юсуфчи, деганларида: “У киши олим эдилар ҳадис илмига моҳир ва эргашган”, - дер эдилар.

Муҳаммадчи: кўп масалани яхши билувчи дедилар. Зуфарчи деганларида: у киши қиёсга мустаҳкам масала чиқаришга моҳир эди дедилар.



Муҳаммаднинг ўғли Талҳа айтадиларки: “Абу – Юсуфнинг ишлари машҳур, фазиллари аниқ, Абу – ҳанифининг дўсти эди Имл бобида, масала бобида, раислик бобида бу кишидан ўз замонида бирон одам афзал бўлмаган эди. қадр – мартабада олий ўринларни эгаллаган ва фиқҳ илмида ҳанифий мазҳабининг асосида биринчи бўлиб китоб ёзган ва Абу ҳанифанинг ишларини ер – юзига ёйган зот эдилар”.

Самоанинг ўғиллари айтадилар: “Абу – Юсуф қозиликка таъйин бўлгандан сўнг 200 ракаат намоз ўқирэдилар. Яна Солеҳ кишидан бўлиб, кўпинча рўза тутар эдилар. Яна Абу – Юсуф

Исломда биринчи бор қозилик унвони билан чақирилган зот эдилар”.

### **Имоми Муҳаммад Ҳасанинг ўғиллари Шайбонийнинг таржимаи ҳоллари**

Имоми Муҳаммад 143 йили Восит деган жойда таваллуд топиб, 189 йили вафот қилдилар. Ўзлари Кўфада яшаб илмни Абу – ҳанифадан олдилар. Имоми Муҳаммад: “Отам менга 30 минг танга мерос қолдирган эди, 15 минг тангани фиқҳ ва шеърият илмига сарф қилдим ва яна 15 минг тангани ҳадис ва фиқҳ илмини олишга сарф қилдим дедилар”. Фиқҳ илмида раислик қилиш Абу – Юсуфдан сўнг Абу – Муҳаммадга етиб келиб тўхтаган эди, бу кишидан кўп шогирдлари фиқҳ илмини ўрганиб кўп китоблар ёздилар. Ўзлари



заковатда тенги йўқ эди. Айтишларича: Имоми Муҳаммад Имоми Моликни олдида уч йилдан зиёда бўлган ва у кишидан 70 минг ҳадис эшитган экан.

Имоми Шофий ўз сўзида: Оллоҳнинг китобига Хасаннинг ўғли Муҳаммаддан донороқ одамни кўрмадим, ва қуръонни Муҳаммаднинг тили билан тушган деб айтаман чунки, фасохатли олим эди, яна Муҳаммадга нисбатан ақллироқ кишини кўрмадим дедилар. Баютий Шафоийдан ривоят қилиб айтадиларки: менга икки киши сабаблн Оллоҳу таоло илимда ёрдам берди дедилар, Хадис илмида Ибин Уяйна бўлса, фиқҳ илмида Муҳаммад ёрдам берди, дедилар. Уларни Оллоҳ раҳмат қилсин. Дайламий ривоят қилган сўзни Шодиёнийлар айтадиларки: мен Муҳаммад билан ўн беш йилдан буён бирга бўлдим, у кишининг сўзларидан бир туюга юк бўлгудек китоблардан илм олдим, лекин у одам ўзининг ақлига яраша гапиргандა эди бизлар дарсни тушунмаган бўлар эдик. Лекин бизнинг ақлимизга яраша гапиргани учун бизлар ҳам тушуниб олдик. Имоми Муҳаммад ва Имоми Кисоий Хорунар ар Рашид билан бирга Рийд деган жойга келиб ўша жойда икковлари бир кунда вафот қилдилар. Рашид ўз сўзида: “Бугун мен луғат илми билан фиқҳ илмини дафн қилдим”, - дедилар.



## Хузаилнинг ўғли Имоми Зуфарнинг ҳаётлари.

Имоми Зуфар 110 йили таваллуд топиб 158 йили вафот қилдилар.

Ўзлари Басралик бўлиб қайснинг ўғли ҳузойил унинг ўғли Зуфар эдилар. Имоми Аъзам Зуфарни ҳурмат қилиб асҳобларимнинг ичида қиёсга омилроқ дер эдилар. Ибни Муни ўз сўзида: “Зуфар ишончли олимлардан бўлиб, ақлли, диндор, фаҳм-фаросатли, тақволи ва ҳадис илмига ишончли олим эди”, - дедилар.

Сулаймоннинг ўғли Иброҳим айтдилар: қачонки биз у киши билан ўтирган вақтимизда ҳеч ким дунё ишларини гапирмас эдилар. Агар, бирон киши дунёдан гапириб қўйса ўша мажлисни ташлаб ўрнидан туриб кетар эдилар. Субҳана роббика роббил иззати аммаа ясиfuун васаламун алал мурсалин валҳамду лиллаҳи роббил ааламиин. Амин.

### ХОТИМА

Бу масулияти оғир бўлган ишни бизга муюссар этган Оллоҳ таолога чексиз ҳамдлар бўлсин. Оллоҳнинг тавфиқи ва ҳидояти билан таржимамиз ҳам ниҳоясига етди. Ушбу китобни яхши ният билан ўқиб фойдаланган мўъмину-мусулмонларга Оллоҳнинг тавфиқи ва ҳидояти бўлсин. Бу ибодатлар бизларнинг покиза ҳаёт кечирмоқлигимизга кафолат бўладиган Оллоҳнинг





бизга берган катта неъматидир. Бу неъматни Оллоҳ  
таоло ҳаммамизга насиб айласин. Омин.

Ожизлик билан қилған таржимамизда ҳато  
қилған бўлсак авф қаламингиз билан ислоҳ қилиб  
қўймоқлигингиздан умид қиласиз. Чунки, бу  
таржимани ёзишда тажрибамни йўқлиги ва  
илмимни озлиги билан ҳаёт муаммоларига ҳам  
машғул бўлганлигим сабабли бир йил мобайнида  
ниҳоясига етказдим. Бу таржимани ёзишда кўп аҳли  
илмларнинг маслаҳатини олиб уларнинг ёрдами  
билан ёздим ва яна сизлардек улуф олимларнинг  
маслаҳатига муҳтожлигимни изҳор қиласман.

*Эслатма:* ҳурматли китобхонлар! қўлингиздаги  
Тасҳили Зарурий номли китобнинг баъзи  
бобларини баъзи сабабларга биноан таржима  
қилолмадим, бунга сизлардан узр сўрайман.

Агар бу китобни муроала қилишда иборадан  
четга чиқиб кетган бўлсам ҳам, фаҳмлаш енгил  
(осон) бўлсин деб ўзбек адабий тилида ёздим. Саҳви  
хатоимни сизлар кечириб қўясизлар, деган  
умиддаман.

Зиёуддин Маҳмудбек.

26 июнӣ 2007 йил.





## МУНДАРИЖА


Кириш сўзи ..... 3

### ТАҲОРАТ ВА ФУСЛ

Таҳоратнинг маъноси ва қоидалари .....	7
Таҳоратнинг суннатлари .....	8
Таҳоратни синдирувчи ҳолатлар .....	9
Фусл вожиб қилувчи ҳолатлар .....	10
Фусл фарзлари .....	11
Таҳоратсиз ва жунуб кишилар ҳукми .....	12
Сувлар ҳукми .....	13
Нопок сувлар .....	14
Нажас тушган қудуқни поклаш .....	15
Сарқит сувлар ҳукми .....	17
Таяммум .....	18
Пойабзалга ва ярага боғланган нарсаларга масҳ тортиш ҳукми .....	22
Ҳайз, нифос ва истиҳоза ҳукмлари .....	26
Нажаслар ва уларни покламоқ .....	31
Истинжо .....	33

### НАМОЗ

Намоз фазилатлари .....	34
Намознинг вақтлари .....	35
Макруҳ вақтлар .....	38
Аzon ва такбир .....	39
Намоз шартлари .....	41
Намознинг фарзлари .....	43
Намознинг вожиблари .....	43
Намознинг суннатлари .....	44





Намоз одоблари .....	45
Намозүқиши тартиби .....	46
Аёллар намозларидаги фарқлар .....	49
Қироат .....	50
Витр намози .....	51
Суннат ва нафл намозлари .....	52
Қазо намозлари .....	55
Намозни бузувчи амаллар ва сўзлар .....	56
Ихтилофли масалалар .....	58
Намознинг макрухлари .....	59
Жамоат ва Имомлик .....	59
Жамоатга стиши .....	62
Намозда таҳоратнинг синиши .....	65
Саждаи сахв .....	66
Тиловат саждаси .....	68
Бемор намози .....	69
Мусофир намози .....	71
Жумъя намози .....	74
Икки ийд намози .....	77
Хусуф-кусуф (қуёш, ой тутилиш) намози .....	81
Истисқо намози .....	81
Рамазон ойи кечаларини бедор ўтказмоқлик.	82
Каъба ичидаги намоз .....	83
Жаноза .....	84
Майитни ювиш .....	86
Кафанлаш .....	87
Майитни кўтариш ва кўмиш .....	89
Шаҳидлар ҳукми .....	90





## ЗАКОТ

Закотнинг маъноси ва ҳукми .....	92
Закот кимларга вожиб .....	92
Олтин кумуш ва савдо молларининг закоти..	94
Чорва моллар закоти .....	97
Экинлар ва мевалар закоти .....	99
Закот бериладиган ўринлар .....	100
Фитр садақаси .....	104


## РЎЗА

Рўзанинг маъноси ва хукмлари .....	105
Рамазон оий бошланганлиги нима билан исботланади .....	108
Ниятнинг шартлиги .....	109
Рўзанинг турлари .....	109
Рўзанинг бузилиши .....	110
Рўзани бузмайдиган амаллар .....	111
Рўзадор учун макруҳ ишлар .....	111
Қазолар ҳақида .....	112
Нафл рўзалари .....	112
Эътикоф .....	114


## ҲАЖ ВА УМРА

Ҳаж маъноси ва ҳукми.....	116
Ҳажнинг фарз, вожиб ва суннатлари .....	116
Мийқотлар ва эҳром .....	118
Эҳромда сақланиш лозиб бўлган амаллар ....	119
Маккага кириш ва тавофи қудум .....	120
Тез юриш ва идо кайфияти .....	121
Тавофнинг икки ракати .....	122
Сафо Марв ўртасида саъй қилмоқ .....	122





Минога ва ундан арофатга бориш .....	123
Муздалифага бориш ва у ерда туриш .....	124
Минога бориш жамратул ақабада тош отиш Қурбонлик .....	125
Тавофи зиёрат .....	127
Уч кунда уч марта тош отиш .....	127
Хайрлапшув тавофи .....	128
Умра .....	129
Қирон .....	130
Таматтуъ .....	132
Ҳаж ойлари .....	132
Жиноят ва жазолар .....	133
Тикилган либос кийиш .....	134
Бошини, юзини беркитиш .....	134
Хубўй нарсадан фойдаланиш .....	134
Тирноқ олиш .....	135
Тукларни юлиш .....	135
Жинсий алоқа ва унинг сабабчилари .....	136
Ҳаж амалиётидаги хатолар .....	137
Бетаҳорат ёки жунуб ҳолда тавоф қилиш .....	137
Ҳаж вожибларининг бирини тарк этса .....	138
Тартибга риоя этмаслик .....	139
Таъхир кечиктириш .....	139
Умра жиноятлари .....	139
Эҳромда оч қилиш .....	140
Белгиланган жойдан эҳромсиз ўтиш .....	140
Ҳарамдаги жиноятлар .....	142
Қамал .....	142





Бузилган ҳаж .....	143
Ҳадялар.....	144
<b>САВДО ВА УНГА АЛОҚАДОР ҲУКМЛАР</b>	
Савдонинг рукилари.....	145
Савдо .....	149
Ихтиёр шарти .....	154
Кўришлик ихтиёри .....	156
Айблик нарса ихтиёри .....	158
Бузуқ, ботил ва макруҳ савдолар .....	160
Турли масалалар .....	162
Савдонинг макруҳ турлари .....	162
Савдони бузиш .....	163
Турли масалалар .....	164
Судхўрлик .....	165
Байъи сараф салам .....	172
Музораба таърифи .....	175
Музораба арконлари, ҳукмлари ва шартлари	176
Гаров .....	181
Вақф .....	184
Топилган болалар .....	188
Топилмалар .....	188
Хуноса .....	190
Ижара .....	191
Ҳовлини, уловни ва ерни ижарага олиш .....	195
Кийим ижараси .....	194
Бола эмизиш ижараси.....	194
Уловларнинг ижараси .....	194
Ибодатга ва маъсиятларга ҳақ олиш .....	196
Ишчининг зомин бўлиши .....	196





Ижара ҳақига ҳақдорлик ..... 198

Ишчи билан ишлатувчи ўртасида

баъзи келишмовчиликлар ..... 198

Ижарани бузиш ва унинг бузилиши ..... 199

Ижара шартлар сабабли бузилиши ..... 200

### **НИКОҲ БОБИ**

Аёллар ўртасидаги тақсим ..... 205

Никоҳи ҳаром бўлганлар ..... 207

Турли масалалар ..... 211

Валийлар ва тенглик ..... 212

Тенгликка алоқадор масалалар ..... 219

Қул ва чўриларнинг никоҳи

ҳақидаги масалалар ..... 220

Маҳр ..... 222

Никоҳнинг маъноси ва унга оид ҳукмлар ..... 223

Маҳр мисли (тенг-тушлар) маҳри ..... 226

Айби сабабли никоҳни бекор қилиш ..... 226

Эмишмоқлик боби ..... 231

### **ТАЛОҚ БОБИ**

Талоқ ва унинг ҳукмлари ..... 236

Талоқ тушиши ..... 239

Шартларга боғланган талоқ ..... 243

Аёл билан қўшилмасдан аввал талоқ қилиш ..... 247

Талоқ ҳукмини аёлига топширмоқлик баёни ..... 248

Касалнинг талофи ..... 249

Никоҳни ечиш (ҳулъи) ..... 249

Никоҳга қайтиш ..... 251

Талоқи боин ва уч талоқ қилинган аёлларни

қайта никоҳига олишга алоқадор масалалар ..... 252





Идда боби .....	254
Аза тутиш .....	256
Уйдан чиқмоқликни ҳукми .....	258
Турли масалалар .....	259
Насабнинг собит бўлиши .....	260
Лаънат қайтиш боби .....	261
Ийло (қасам) боби .....	264
Зиҳор масаласи .....	266

### НАФАҚА БОБИ

Аёллар нафақаси .....	267
Уй-жой масаласи .....	269
Идда ўтирган аёлга турар жой ва нафақа бериш масаласи .....	270
Болалар нафақаси .....	270
Ота-онанинг нафақаси .....	271
Ёш гўдакни эмизиш ва тарбиялаш .....	272
Бедарак йўқолган одамнинг ҳукми .....	273
Жиноятлар китоби .....	275
Жон учун қасос олиш масаласи .....	277
Одамларнинг аҳзоларидан олинадиган қасос	283
Ўлдирилган одамларга “дият” тўлаш ..	284
Каффорат тўлаш боби .....	287
Оқиласалар боби .....	290
Қайтмоққлик масаласи .....	297
Ўғирлик боби .....	305
Ҳайвонларни сўйиш одоби .....	321
Ҳайвонлар ҳақидаги боб .....	325
Сўздаги қасам .....	335
Мишга аъло ҳукм қилдириш боби .....	379





Қисмат китоби .....	381
Ушур ва Хирож боби .....	392
Омонлик бериш боби .....	399
Китобул фароиз .....	401
Мазҳаб .....	419
Имоми Аъзамнингнаслари .....	425
Имоми Аъзамнинг таржимаи холлари .....	436
Фиқҳ илмининг асосчилари .....	449
Абу жаҳфар Қудурийнинг таржимаи холлари .....	452
Имоми Абу Юсуфнинг таржимаи холлари ...	454
Имоми Мухаммаднинг таржимаи холлари...	456
Имоми Зуфарнинг ҳаётлари .....	458
Хотима .....	458



ପାତ୍ର

ପାତ୍ର 468

ପାତ୍ର